

Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ

ФУҚАРОЛИК  
ҲУҚУҚИНИНГ  
СУБЪЕКТЛАРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ

**Ҳ. РАҲМОНҚУЛОВ**

**ФУҚАРОЛИК  
ҲУҚУҚИНИНГ  
СУБЪЕКТЛАРИ**

(УҚУВ ҚЎЛЛАНМА)

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»  
2008


Масъул муҳаррир: ю.ф.д. *И.И. Насриев*  
Муҳаррир: *С. Мирзааҳмедова*

Тошкент Давлат юридик институти Уқув-услубий кенгаши томонидан 2008 йил 24 январдаги 5-сонли мажлиси баённомаси билан чоп этиш учун тавсия этилган.

Мазкур қўлланма фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлган «Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари»га багишланади. Китобда Ўзбекистон Республикасининг мустақиллик йилларида қабул қилинган қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқ субъектлари сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар, шунингдек, давлатнинг ҳуқуқий мақомини таҳлил қилишга ва атрофлича ёритишга ҳаракат қилинган.

Уқув қўлланманинг асосий мақсади юридик олий уқув юртларида таҳсил олаётган магистрларнинг фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари хусусида бакалаврият тизимида олган билимларини янада такомиллаштириш ва мустақамлашдан иборат.

Мазкур қўлланма ҳуқуқшунос мутахассислар, амалиётчи юристлар, тадбиркорлар, давлат идораларининг ходимлари учун ҳам фойдали бўлиши мумкин.



ISBN 978-9943-01-276-9

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2008 й.

## СУЗ БОШИ

Азиз магистр! Сунгги йилларда фуқаролик қонунчилиги соҳасида жиддий ижобий узгаришлар ва янгиликлар юз берди. Бунга 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимиз ҳаётида муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланиши ва давлат қурилишида янги босқичга утганимиздан далолат берувчи ижтимоий-иқтисодий, сиёсий узгаришлар сабаб булди.

Жамият ва давлат қурилиши тизимида тубдан узгаришларнинг руй бериши қонунчиликнинг ривожланишига ва унинг вазифаларини янги шароит талабларига мослаштиришга олиб келди. Бу борада фуқаролик ҳуқуқи зиммасига катта вазифа юклатилди. Давлат мулкнинг ҳукмронлик ҳолатидан воз кечилиши, жамиятда мулкнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулк ҳуқуқининг жорий қилиниши ва улар асосида бозор муносабатларининг таркиб топиши ҳамда ривожланиши, иқтисодиётнинг бошқариш тизимида маъмурий-буйруқбозлик методидан воз кечиш ва демократик метод ва шаклларни қўллашга утиш — булар янги жамиятнинг табиатига монанд булган, унинг хусусиятларини узида мукамал ифодалайдиган ва ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир курсатадиган қоидалардан ташкил топган янги фуқаролик ҳуқуқини яратишда асос булиб хизмат қилди.

Мамлакатимиз ҳаётида юз берган тарихий воқеалар, унинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларидаги туб узгаришлар ва шу туфайли ҳуқуқий ислоҳотларнинг амалга оширилиши юридик фани ҳамда таълимнинг ҳозирги замон талаби нуқтаи назардан англашни, узлаштиришни ва урганишни талаб қилади. Шундай экан, фуқаролик ҳуқуқининг муайян институтлари, уларнинг жамият ривожланишида тутган урни, аҳамияти ва истиқболи борасида мунтазам равишда чуқур асосланган илмий тадқиқот ишларни олиб бориш ва улардан уқув жараёнида унумли фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтлари қаторида фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари алоҳида институт сифатида марказий уринни эгаллайди. Мамлакатимизда амалга оширилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида ушбу институтнинг мавқеи янада ошди. Аввалги фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаро (жисмоний шахс) ҳуқуқ субъекти сифатида фақат шахсий мулк ҳуқуқига эга булиши, юридик шахс эса асосан давлат мол-мулки асосида фаолият юритиши мумкин эди. Давлатнинг узи эса фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда фақат давлат миқёсида, яъни уз ҳудуди доирасида иштирок этиш ҳуқуқига эга эди, ташқи, яъни бошқа давлатлар билан урнатилган бундай муносабатларда собиқ СССРнинг номидан унинг тегишли органлари иштирок этарди. Мустақил давлат — Ўзбекистоннинг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ фуқаролар (жисмоний шахслар) ва юридик шахслар хусусий мулк ҳуқуқига эга булдилар ва бундай мол-мулк асосида уларга тадбиркорлик фаолиятининг турли соҳаларида «қонунга зид булмаган ҳар қандай» шартномани тузиш учун йул очилди. Юридик шахсларнинг тижорат ва нотижорат турлари вужудга келди, уларни ташкил қилиш асослари ўзгарди, энди улар давлат органларининг қарорига эмас, мулкдорнинг ташаббуси ва унинг эркига биноан тузиладиган булди. Уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати ҳажми жиҳатидан ҳам анча кенгайди. Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат мақомига эришгач, чет эл мамлакатлари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бевосита иштирок этиш имкониятига эга булди.

Юқорида келтирилган фактлар фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири булган фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг ҳуқуқий мақоми бозор иқтисодиёти шароитида қай даражада ривож топганлиги ва такомиллашганлигидан дарак беради.

Ижтимоий муносабатлар тизимида ҳуқуқий муносабатлар муҳим урин эгаллайди. Ҳуқуқий муносабатлар уларда иштирок этувчи тарафлар (ҳуқуқ субъектлари)нинг ҳуқуқий мақоми ва уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг хусусиятларига мувофиқ ҳар хил аҳамиятга эга бўлади. Бир тарафнинг иккинчи тарафга буйсуниши тамойилига асосланган муносабатлар оммавий-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Тарафлари ўзаро тенг ҳуқуқлилик тамойилига асосланган муносабатлар хусусий-ҳуқуқий аҳамиятга эга. Хусусий-ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлган муносабатлар ҳуқуқ субъекти сифатида нафақат битта давлат, шунингдек тур-

ли давлатлар ҳудудида истиқомат қилувчи фуқаролар (жисмоний шахслар), фаолият юритувчи юридик шахслар уртасида ҳам вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ҳуқуқ субъекти сифатида давлатлар ҳам узаро иштирок этадилар. Бундай муносабатларда бевосита давлатнинг ўзи ёки у вакил қилган турли юридик шахслар ва жисмоний шахслар қатнашади.

Демак, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинган муносабатларнинг доираси қанчалик кенг бўлишига қараб унда иштирок этувчи шахсларнинг доираси ҳам шунга муносиб равишда кенг бўлади. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишлари учун бундай шахслар аввало фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланишлари ва субъект сифатида муайян ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлишлари лозим. Аммо ҳуқуқ субъекти деб тан олинишлари, ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга деб ҳисобланишлари учун шахслар қонунда назарда тутилган муайян хусусиятларга, белгиларга эга бўлишлари керак. Масалан, фуқаро (жисмоний шахс)нинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида тан олиниши унинг маълум давлатнинг фуқаролигига мансуб бўлиши, уз исмига ва яшаш жойига эга бўлиши каби белгилари билан ифодаланади. Фуқаро (жисмоний шахс) ҳуқуқ субъекти сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши учун ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши керак.

Ҳурматли магистрлар! Фуқаролик ҳуқуқига мансуб ижтимоий муносабатларнинг иштирокчилари бўлган фуқаролар (жисмоний шахслар), юридик шахслар ва давлатнинг ҳуқуқий мақоми мазмунини ташкил қилувчи ҳуқуқ ва муомала лаёқатини, ваколатлари ҳақида фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларни чуқур урганиш, улар ҳақида мукамал ва пухта билимга эга бўлиш амалиётда учрайдиган ҳар қандай муаммоларни туғри ҳал қилишда катта ёрдам беради.

Сизларнинг эътиборингизга ҳавола қилинаётган ушбу уқув қўлланма фуқаролик ҳуқуқининг асосий институтларидан бири бўлган фуқаролик ҳуқуқининг субъектларига бағишланади. Ушбу институтга тааллуқли масалаларни пухта урганиш Сизларнинг фуқаролик ҳуқуқи ҳақида олган билимларингизни янада мустаҳкамлашга ва такомиллаштиришга ёрдам беради деб умид қиламан.

Айни вақтда уқув қўлланмада ёритилган масалалар бўйича билдирилган танқидий фикр, мулоҳазалар ва таклифларнинг иштироки билан мамнуният билан қабул қиламан.

## ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР)НИНГ ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ

### 1-§. ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ФУҚАРО (ЖИСМОНИЙ ШАХС) ТУШУНЧАСИ

Муносабатлар, моҳиятига кура ҳуқуқий булиши ёки булмаслигидан қатъи назар, шахслар ўртасида вужудга келади. Фуқаролик ҳуқуқида **шахслар** деганда, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган мулкӣ ва шахсий номулкий муносабатларда иштирок этувчи барча субъектлар тушунилади. Масалан, ФКнинг 2-боби 2-қисми «Шахслар»га бағишланган булиб, у фуқаролик ҳуқуқининг қуйидаги барча субъектлари — фуқаролар (жисмоний шахслар), тижоратчи ва нотижорат юридик шахслар, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида давлат, муниципал тузилмалар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ўз ичига қамраб олади.

Фуқаролик ҳуқуқининг юқорида келтирилган субъектлари ичида фуқаролар (жисмоний шахслар) алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки бошқа барча субъектлар (юридик шахслар, давлат)нинг фаолияти фуқаронинг иштирокисиз амалга оширилмайди. Шунинг учун ҳам биринчи галда асосий эътибор фуқаро (жисмоний шахс)ларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати муаммоларига қаратилади. Ушбу субъектларнинг барчаси фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг иштирокчиси сифатида уларга ҳам хос булган тушунча — шахслар тушунчаси билан ифодаланadi.

**Фуқаро** тушунчаси юридик маънога эга<sup>1</sup>. Ушбу маънода у давлат билан доимий сиёсий-ҳуқуқий алоқада ҳамда узаро ҳуқуқ ва бурчга эга бўлади. Фуқаро билан давлат ўртасидаги муносабатларнинг доимо узаро алоқада ва боғлиқ булиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида ўз ифодасини топган. Мазкур моддага кура «Ўзбекистон Республика-

<sup>1</sup>См. *Синайский В.И.* Русское гражданское право (Серия «Классики русской цивилистики»). — М.: 2002. — С.90—93.

си фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан булган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар». Фуқаролик ҳуқуқли «фуқаро» тушунчаси ишлатилар экан, ушбу шахс муайян давлат — Ўзбекистон Республикасининг фуқароси эканлигидан дарак беради.

Аммо, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нафақат узининг фуқаролари, шу билан бирга бошқа давлатларнинг фуқаролари (чет элликлар) ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам яшайди. Агар қонунда бошқача тартибда белгиланган бўлмаса, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи қоидалари Ўзбекистонда яшовчи барча шахсларга нисбатан, уларнинг қайси давлат фуқаролигига мансуб бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, баб-баравар қўлланилиши назарда тутилади (ФКнинг 16-моддаси 2-қисми). Аммо чет элликлар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар муайян давлат, яъни Ўзбекистон Республикаси фуқароси деб тан олинмайди. Шундай экан, «фуқаролар» деган тушунча уларга тааллуқли эмас.

Халқаро битимларда ва кўпгина давлатларнинг қонун ҳужжатларида «фуқаролар» деган тушунчанинг урнига «**жисмоний шахс**» тушунчаси ишлатилади. Ушбу тушунча бундай битимларда кен мазмунга эга. Бунга кўра давлат ҳудудида яшовчи ва нафақат фуқаролик-ҳуқуқий, шунингдек, бошқа ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи барча одамлар ҳам ушбу тушунча, яъни «жисмоний шахс» тушунчаси билан ифодаланади. Масалан, Германиянинг Гражданлик қонунлари тўпламининг «Шахслар»га бағишланган 1-қисмининг 1-бўлимида фуқаролик ҳуқуқи субъектлари «жисмоний шахслар» деб номланади. Франциянинг учта китобдан иборат булган Гражданлик кодексининг «Шахслар туғрисида»ги биринчи китобида ҳуқуқ субъекти «французлар» ва «чет элликлар» деган тушунчалар билан ифодаланган бўлиб, уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга бағишланган нормалар билан белланади. Ушбу биринчи китобда шахснинг бедарак йўқолган деб топилган тартиби ва унинг оқибатлари, никоҳ тузиш ва унинг беқор бўлиши, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва муомала ласқати, васийлик ва ҳомийлик туғрисидаги қоидалар назарда тутилган. Туққизта китобдан иборат бўлган Нидерландия Фуқаролик кодексининг биринчи китобида фуқаролар ҳуқуқ субъекти сифатида «жисмоний шахслар» тушунчаси билан ифодаланган.

Фуқаролик кодексига келтирилган «фуқаролар» ва «жисмоний шахслар» тушунчалари мазмуни жиҳатидан бир бирини



яқин булсада, бир хил маънога эга эмас. «Фуқаролар» дейилганда қонун Ўзбекистон Республикасининг фуқаролигига эга булган шахсларни назарда тутати. «Жисмоний шахслар» дейилганда фақат Ўзбекистон фуқаролари эмас, шу билан бирга бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ҳам тушунилади. Демак, агар қонун нормаларида «**фуқаролар**» деган тушунча келтирилган бўлса, бу ҳолда фақат Ўзбекистоннинг фуқаролари ҳақида гап юритилади, агар қонун нормаларида «жисмоний шахслар» тушунчасидан фойдаланилган булса, бу ҳолда нафақат Ўзбекистон фуқаролари, шунингдек, бошқа давлат фуқаролари ва фуқаролиги булмаган шахслар ҳам назарда тутилади.

## **2-§. ФУҚАРО (ЖИСМОНИЙ ШАХС) ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА**

Фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатлар ушбу муносабатларда муайян шахсларнинг иштирок этиши натижасида вужудга келади. Аммо ушбу муносабатлар шахсан кимлар уртасида вужудга келиши аниқ булмасдан туриб, муносабатлар мазмунини ташкил қилувчи ҳуқуқ ва мажбуриятларни амалга ошириб бўлмайди. Шунинг учун ҳам қонунда фуқаронинг исми, яшаш жойи, ёши ва бошқа белгилари, имкониятларига алоҳида эътибор берилади (ФКнинг 19, 20, 21, 22 ва бошқа моддалари). Фуқаро ушбу белгилари тўғрисида фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олинади.

1. Фуқаро (жисмоний шахс) ҳуқуқ лаёқатининг амалга оширилиши унинг **исми ва яшаш жойи** билан узвий боғлиқ. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда фуқаро ўз фамилияси ва номидан, шунингдек отасининг исми билан ҳуқуқ ва бурчларга эга булади. Исмни ўзгартиришга йўл қўйилади. Аммо бундай ўзгартириш аввалги исм билан олинган ҳуқуқ ва бурчларни бекор қилиш ёки ўзгартириш учун асос булмайди (ФКнинг 19-моддаси). Демак, кредиторнинг исми ўзгариши билан қарздор қарздан озод булмайди, шунингдек, унинг тескараси юз берган тақдирда ҳам. Лекин бундай ўзгариш ҳақида улар бир-бирларини тезда хабардор қилишлари керак, акс ҳолда айбдор томон салбий оқибатлар хавфини ўз зиммасига олишга мажбур булади. Бошқа шахс исмидан тегишли ваколатсиз фойдаланиб ҳуқуқ ва бурчларни амалга оширишга йўл қўйилмайди.

Ҳар бир фуқаро (жисмоний шахс) фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида ҳуқуқий муносабатларда уз исми билан қатнашади. Деярли кам ҳолатларда сохта исм (муаллифлик муносабатларида) ёки исми кўрсатмасдан (аноним) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашишга йул қўйилади.

Ўтмишда Ўзбекистонда ҳуқуқий муносабатларда фуқаролар ўзининг исми ва отасининг исмидан (масалан, Турғунбой Жумабой ўғли) фойдаланиб келганлар, собиқ совет иттифоқи даврида фамилияни кўрсатиш ва уз исмини ҳамда отасининг исмини (Эшматов Турғунбой Жумабоевич) кўрсатиш расм бўлиб қолди. Бу тартиб ҳозир ҳам давом этмоқда. Ўзбекистон истиқлолга эришгач, фуқароларга исм танлашда кенг ҳуқуқ берилди, сўнгги йилларда яна олдинги анъанага қайтиш юз бермоқда, яъни фуқаролар ўзини исми ва отасининг исмини (Турғунбой Жумабой ўғли) кўрсатиш билан чекланмоқдалар.

Исмга бўлган ҳуқуқ фуқаронинг энг муҳим номулкий ҳуқуқларидан ҳисобланади. Ҳар ким уз исмидан оқилона фойдаланишга, унга доғ туширмасликка, уни **ҳимоя қилишга** ҳаракат қилади. Белгиланган қоидага мувофиқ бировнинг исмидан гайриқонуний равишда фойдаланган ва манфаат кўрган шахс буни тегишли тартибда тан олиши, агар бунинг натижасида исм эгаси зарар кўрган бўлса, зарарни тулаши, қасддан фойдаланган бўлса, нафақат моддий, шунингдек маънавий зарарни ҳам қоплаши лозим. Энг муҳими шундан иборатки, исмини, шаънини ҳимоя қилиш ҳуқуқи фақат жабрланган шахсга эмас, балки унинг ҳаёт даврида ва шунингдек, ўлимидан кейин бошқа оилавий манфаатдор шахсларга ҳам берилади (ФКнинг 20-моддаси). Ўтмишда исм ва шаъни ҳимоя қилиш ҳуқуқи жабр кўрган фуқарога тааллуқли бўлиб, бошқа бунинг учун манфаатдор шахсларга, жумладан жабрланувчининг оила аъзоларига бундай ҳуқуқ қонунда назарда тутилмаган эди. Лекин вафот этган шахсининг шаънини ва исмини тиклаш, ҳимоя қилиш ҳақидаги низолар суд амалиётида учраб турарди. Амалдаги ФКда қонунчиликда юз берган бундай камчиликлар ҳисобга олинди (ФКнинг 99-моддаси). Ушбу моддага мувофиқ шахсининг шаъни, номга бўлган ҳуқуқи ёки қонунга мувофиқ фуқарога тегишли бўлган бошқа номоддий неъматлар тартиб олинмайди ва узга усул билан бошқа шахсга берилмайди. Вафот этган кишига тегишли бўлган шахсий номулкий ҳуқуқлар ва бошқа номоддий неъматлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда бошқа шахс

лар, шу жумладан, вафот этган шахснинг ворислари томонидан амалга оширилиши ва ҳимоя этилиши мумкин.

2. Фуқаронинг **яшаш жойини** белгилаш унинг ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш, яъни фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда иштирок этишида муҳим аҳамиятга эга. Нафақат доимий, шунингдек, купроқ яшаб турган жойи ҳам фуқаронинг яшаш жойи деб ҳисобланади (ФКнинг 21-моддаси). Бу муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқарони бедарак йуқолган деб топиш учун унинг яшаш жойида (доимий яшаш жойида дейилмаган) бир йил давомида маълумотлар булмаган булиши керак. Ун турт ёшга тулмаган вояга етмаганларни яшаш жойини белгилаш буйича махсус қоида назарда тутилган. Вояга етган шахслар яшаш жойини уз ихтиёрлари билан танлайдилар. Тураржой танлашга булган эркинлик инсоннинг энг муҳим конституциявий ҳуқуқларидан бири (Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси).

Фуқаронинг доимий яшаш жойи деб, унинг давр тақозоси билан турли узрли сабабларга кўра жамоатчилик томонидан тан олинган, расмий равишда урнашиб олган, уй-жой қилиб туриб қолган жойига айтилади. Фуқаронинг купроқ яшаб турган жойи деб, унинг доимий яшаш жойига эмас, балки бошқа жойларга нисбатан купроқ яшаган, бошқа жойларда қанча вақт давомида яшаб турган булишидан қатъи назар, турли сабабларга кўра, масалан, меҳнат вазифасини бажариши туфайли маълум булган бошқа жойда яшаб турган жойига айтилади.

Ун турт ёшга тулмаган вояга етмаганлар (кичик ёшдаги болалар)нинг ёки руҳий касаллиги, ақли заифлиги туфайли суд қарори билан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар (ФКнинг 30-моддаси)нинг яшаш жойи уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки васийлари яшаб турган жой билан белгилапади. Агар кичик ёшдаги болаларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари бошқа-бошқа жойда яшаб турган булсалар, бола ота-оналаридан, фарзандликка олувчиларидан қайси бири билан яшаб турган булса, уша жой унинг яшаб турган жойи деб ҳисобланади.

Купгина ҳаракатлар фуқаролик-ҳуқуқий оқибатларнинг келиб чиқиши муносабатларида қатнашувчиларнинг яшаб турган жойи билан боғлиқ. Масалан, пул билан боғлиқ мажбуриятлар буйича уларнинг бажарилиш жойи умумий қоидага

биноан кредитор яшаб турган жой, бошқа мажбуриятлар буйича уларнинг бажарилиши жойи, агар қонун ҳужжатлари ёки шартнома билан бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, қарздор яшаб турган жой ҳисобланади (ФКнинг 246-моддаси). Мерос очиш жойи мерос қолдирувчининг охири яшаб турган жойи номаълум бўлса, мерос қолдирувчига тегишли мулк ёки унинг асосий қисми турган жой мерос очилган жой деб ҳисобланади.

Фуқаронинг исмини ва яшаш жойини белгилаш, унинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган мулкӣ ва шахсий муносабатларида иштирок этиши ва ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириши учун муҳим аҳамиятга эга.

**3. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш** фуқаро ҳаётида муҳим воқеа ҳисобланади. Бундай қайд этишни амалга ошириш натижасида фуқаронинг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида эгаллаган мавқеи тан олинади. Давлат томонидан аҳамият берилган ҳолатларнинг руйхати ФКнинг 38-моддаси 1-қисмида берилган. Булар: туғилиш, никоҳдан утиш, никоҳни бекор қилиш, фарзандликка олиш, оталикни белгилаш, исми ўзгартириш ва фуқаронинг вафот этишидан иборат. Буларнинг ҳар бири узига хос ҳуқуқий табиатига кўра юридик факт ҳисобланади.

Умуман олганда, қонун фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини вужудга келиши, ўзгариши ва бекор булишини юридик фактларнинг содир булиши, руй бериши билан боғлиқ. Фуқароларнинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган ҳолатларда юридик фактларнинг бир турлари ҳодисалар (туғилиш, вафот этиш), бошқалари эса ҳаракатлар (никоҳдан утиш ва уни бекор қилиш, оталикни белгилаш, фарзандликка олиш, исми ўзгартириш) сифатида вужудга келади. Буларнинг ҳаммаси фуқаронинг шахсий ҳаёти билан узвий боғлиқ, шахсининг фуқаролик ҳолати, яъни унинг ҳуқуқий мақомини тавсифловчи омиллардан ҳисобланади.

Фуқаро ҳуқуқ лаёқатининг вужудга келиши ва бекор булиши унинг туғилиши ва вафот этиши пайти билан боғлиқ. Никоҳ тузилиши билан эр-хотин уртасида биргалликдаги умумий мулк ҳуқуқи пайдо бўлади, фарзандликка олиш билан қонуний вакиллари ва ота-оналари билан болалар уртасида мулкӣ ва шахсий ҳуқуқий муносабатлар тула ҳажмда вужудга

келади. Бола туғилиши билан унга исм танлаш ва боланинг исмини, отасининг исмини, фамилиясини руйхатдан утказиш амалга оширилади. Исмни руйхатдан утказишда хатога йул қуйилган булса ёки етарли асосларга кура исмни, фамилияни ун артириш керак булиб, бу ҳақда манфаатдор шахслар уртасида низо келиб чиқмаса, фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи орган тегишли руйхатларга узгартиришлар киритади. Бу масала буйича юзага келган низо суд томонидан ҳал қилинади.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатлари ёзувларини бекор қилиш ва тиклаш ҳам фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан суд қарори асосида амалга оширилади.

Фуқаронинг ҳаёти билан боғлиқ ҳолатларнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлиги ҳисобга олинган ҳолда бундай ҳолатларни руйхатга олиш учун махсус тартиб урнатилган ва махсус давлат органи — фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи ташкил этилган. Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этишнинг умумий қоидалари ва тартиби Оила кодексининг 6-булимида ва Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги коллегиясининг 1995 йил 2 ноябрда қабул қилган қарори билан тасдиқланган «Фуқаролик ҳолатини қайд этиш тартиби туғрисида»ги йуриқномада белгилаб берилган.

Фуқаролик ҳолати ҳужжатларини қайд этувчи органлар, бу ҳужжатларни қайд этиш тартиби, фуқаролик ҳужжатлари ёзувларини узгартириш, тиклаш ва бекор қилиш тартиби, ҳужжат дафтарлари ва гувоҳномаларнинг шакллари, шунингдек, ҳужжат дафтарларини сақлаш тартиби ва муддатларини белгиловчи органлар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этувчи орган томонидан берилган ҳужжат — гувоҳнома асосида фуқаро ўзининг ҳаётида юз берадиган муҳим масалаларни амалга ошириш учун имконият яратади. Масалан, вояга етмаганларнинг паспорт олиши учун зарур булган яккаю ягона ҳужжати — бу унинг туғилганлик ҳақидаги гувоҳномаси ҳисобланади, фуқаронинг никоҳдан ўтганлигини исботлаш учун унинг томонидан никоҳ туғрисидаги гувоҳномани тақдим этилиши талаб қилинади, фуқаронинг исмини узгартириш учун фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш дафтарига тегишли ёзувларни киритиш ҳамда шу ёзувлар асосида фуқарога гувоҳнома

беришга тўғри келади ва шунга ухшаш бошқа ҳолатларни фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органлари томонидан руйхатдан утказиш йўли билан фуқарони фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида тан олиниши амалга оширилади.

### 3-§. ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР)НИНГ ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ ТУШУНЧАСИ

Ўзбекистон Республикасида «Барча фуқароларнинг фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларига эга бўлиш лаёқати (ҳуқуқ лаёқати) тенг равишда эътироф этилади» (ФКнинг 17-моддаси 1-қисми). Демак, фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати уларнинг фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда иштирок этиши ёки этмаслигидан қатъи назар, улар учун тенг эканлиги қонун билан эътироф этилади.

Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар асосан инсонлар ўртасида вужудга келади. Бундай муносабатларда алоҳида фуқаролар, шунингдек, қонунда назарда тутилган белгиларга эга бўлган уларнинг жамоат бирлашмалари, жамиятлари, ҳар хил тузилмалари ва бошқа ташкилотлари иштирок этади. Бундай ташкилотлар қаторига юридик шахслар, фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти сифатида давлат, шунингдек, маъмурий-ҳудудий тузилмалар ва улар ваколат берган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари киради. Фуқаролик ҳуқуқининг субъекти ҳисобланувчи фуқаролар, давлат ва нодавлат ташкилотларининг ҳуқуқ лаёқати вужудга келиши пайти, тартиби ва мазмуни жиҳатидан бир-биридан фарқ қилади. Фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати асосан Фуқаролик кодекси нормалари билан белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектларининг ҳуқуқ лаёқати Фуқаролик кодекси ва уларнинг ташкил топиши ва фаолият мақсадини белгилашга қаратилган бошқа қонун ҳужжатлари, улар ҳақидаги низомлар воситасида белгиланади.

Ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиш фуқаро учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқ лаёқати ўзининг аҳамияти ва ҳар қандай бузилишлардан ҳимоя қилиниши билан фуқарога тегишли бўлган муайян субъектив ҳуқуқ эканлигидан дарак беради.

Ҳуқуқ лаёқати ҳажми жиҳатидан унга мувофиқ равишда вужудга келиши мумкин бўлган муайян **субъектив ҳуқуқдан** фарқ қилади. Субъектив ҳуқуқ умумий қоидага биноан ҳуқуқ тасқ

гига нисбатан кичик ҳажмга эга. Ҳар бир фуқарога мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқларга эга бўлиш учун имконият берилади (ФКнинг 18-моддаси), аммо ҳар ким ҳам бундай ҳуқуқларнинг ҳаммасига тула ҳажмда эга эмас. Масалан, ҳар бир шахс ижодий ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига эга, аммо ҳамма ҳам бундай ҳуқуқларни амалга оширмайди ёки амалга ошириш қобилиятига эга эмас.

Ҳуқуқ лаёқатига мувофиқ субъектив ҳуқуқлар муайян юридик фактлар (ҳаракатлар, ҳодисалар) юз бериши билан вужудга келади (ФКнинг 8-моддаси). Масалан, фуқаронинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишига субъектив ҳуқуқи унинг ҳуқуқ лаёқатига мувофиқ ва муайян юридик фактнинг юз бериши, яъни у тадбиркорлик сифатида давлат рўйхатига олинган пайтдан бошлаб вужудга келади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18-моддасига мувофиқ барча фуқаролар учун уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар баб-баравар ҳуқуқ лаёқати назарда тутилади. **Чет эл фуқаролари** ва фуқаролиги булмаган шахслар ҳам Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан тенг ҳуқуқ лаёқатига эга (ФКнинг 2-моддаси 3-қисми). Уларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларига тааллуқли булган мулкӣ ва шахсий номулкӣ ҳуқуқлар берилади. Аммо уларга Ўзбекистон Республикаси фуқароларига берилган ҳуқуқлардан ташқари, яъни бошқа қушимча ҳуқуқ берилмайди. Масалан, чет эл фуқаросига унинг уз мамлакатада берилган ҳуқуқлар Ўзбекистон Республикасида берилмайди. Шунингдек, агар чет мамлакат қонунлари билан Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳуқуқлари чекланган булса, унга жавоб сифатида ўша мамлакат фуқароларининг ҳуқуқлари ҳам Ўзбекистон Республикасида реторсия тартибида чекланади (ФКнинг 1167-моддаси).

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, фуқароларга тенг ҳуқуқ асосида берилган ҳуқуқ лаёқати мазмунини ташкил қилувчи барча ҳаракатларни тула ҳажмда амалга ошириб булмайди. **Ҳуқуқ лаёқатининг мазмунини ташкил қилувчи баъзи ҳаракатларни амалга оширишга йул қўйилмайди.** Масалан, фуқароларга сугурта фаолияти билан шуғулланиш учун ҳуқуқ берилмайди. Баъзи фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати махсус характерга эга булиши мумкин. Масалан, фермер хужалигининг бошлиғига қонунга

мувофиқ хужаликни ташкил қилиш мақсадида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқиш, уларни қайта ишланганлиги учун ҳуқуқлар берилган ва мажбуриятлар юклатилган бўлиши мумкин. Демак, фермер хужалиги бошлангич қонунга мувофиқ барча ҳуқуқ ва мажбуриятдан иборат махсус ҳуқуқ лаёқати берилган. Лекин шундай бўлишидан қатъи назар фермер хўжалиги бошқа фуқаролар каби умумий булган ҳуқуқ лаёқатига эга.

Баъзи фуқаролар (вояга етмаганлар, руҳий касаллар) алоҳида ҳуқуқ ва бурчларга эга бўла олмайдилар. Масалан, кичик ёшдаги болалар мол-мулкни васият қилиш бўйича ҳуқуқ ласқатига эга эмас. Бундай ҳолатда айрим ҳуқуққа эга бўлиш мумкин эмаслиги ҳақида гап юритилади. Бундай ҳолат барча фуқароларга, жумладан, барча вояга етмаганларга нисбатан ҳам баб-баравар тааллуқлидир. Бинобарин, ҳуқуқ лаёқати ҳамма учун баб-баравар тамойилининг бузилишига йул қўйилмайди.

Фуқаронинг ҳамма учун баб-баравар тамойилига асосланган ҳуқуқ лаёқати унинг туғилиши билан вужудга келади. Лекин барча фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати ҳажм жиҳатдан баъзи истисноларга кўра баб-баравар тенг келмайди. Чунки фуқаро туғилиши билан барча ҳуқуққа эга бўлиш ва баб-баравар мажбуриятларни ўз зиммасига олиш қобилиятига эга бўла олмайди. Шундай экан, фуқаро туғилиши билан муомала лаёқатига тўла ҳажмда эга бўлмайди, ҳуқуқ лаёқатининг маълум куришилари фуқаронинг муайян ёшга етиши билан вужудга келади. Масалан, ўн тўрт ёшга тўлмаган вояга етмаганлар майда маиший битимлар тузиш ҳуқуқига эга бўлсалар, ўн олти ёшга тўлган вояга етмаганлар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Баъзан, қонун ҳали туғилмаган, лекин туғилиш арафасида булган шахснинг ҳам фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши мумкинлигини ҳисобга олади. Масалан, мерос қолдирувчининг вафотидан кейин туғилган болалар қонун бўйича ворислар жумласига киради (ФКнинг 1135-моддаси).

Фуқаролик ҳуқуқ лаёқати инсоннинг **тирик** бўлиши билан узвий боғлиқ. Инсон тирик экан, у фуқаролик ҳуқуқлар субъекти ҳисобланади. Унинг вафоти билан фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ҳам тугайди. Фуқаронинг **вафот** этганлиги унинг фақат ҳақиқий ўлими эмас, шунингдек, унинг вафот этган деб ўлган қилиниши билан ҳам тан олинади. Демак, ҳуқуқ лаёқати шахсга ҳос



булган хусусиятдан иборат. Шахс ҳаёт экан, у бутун ҳаёти давомида ёшидан, соғлиғидан қатъи назар ҳуқуқ лаёқатига эга.

Лекин ҳуқуқ лаёқатини инсоннинг табиий хусусияти деб булмайди. Туғри, инсоннинг ҳуқуқ лаёқати унинг туғилиши пайти билан боғлиқ, аммо ҳуқуқ лаёқати табиий ҳолатда эмас, қонунга асосан вужудга келади. Шундай экан, уни ижтимоий-ҳуқуқий хусусият, муайян ҳуқуқий имконият деб тушуниш мумкин. Биламизки, айрим мамлакатларда фуқаролар жинси туфайли бир хил ҳуқуқ лаёқатига эга эмас ёки утмишда қуллар ҳуқуқ лаёқатига умуман эга булмаганлар.

Юридик адабиётларда фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига қупинча фуқарога хос сифат ёки хусусият деб қарайдилар<sup>1</sup>. Бундай сифат қонунга мувофиқ муайян ҳуқуқ ва бурчга эга булиш қобилиятдан иборат. Қобилият эса, уз навбатида, юридик имкониятдан иборат, яъни қобилиятга эга булган шахс юридик аҳамиятга эга булган ҳаракатларни амалга ошириш имкониятига эга. Бундай имконият қонун билан назарда тутиллар ва таъминланар экан, у ҳар бир конкрет шахснинг муайян субъектив ҳуқуқи ҳисобланади<sup>2</sup>. С.Н. Братуснинг таъкидлашича, «Ҳуқуқ лаёқати — ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг субъекти булиш ҳуқуқидан иборат»<sup>3</sup>.

Субъектив ҳуқуқ тегишли мажбуриятлар келиб чиқишидан дарак беради. Субъектив ҳуқуққа эга булган шахс билан қандайдир муносабатда булган фуқаро унинг ҳуқуқ лаёқатига путур етказмаслиги керак. Ҳуқуқ лаёқати ҳуқуқий ҳимоядан фойдаланади. Бундай булиши барча субъектив ҳуқуқларга тегишли хусусиятдан иборат.

Ҳозирги даврда, яъни демократик ижтимоий жамият тизимига утиш билан фуқаролар иштирокида вужудга келадиган муносабатларнинг хусусиятлари узгариши ва доирасининг анча кенгайиши натижасида уларнинг одатдаги ҳуқуқий мақомига муҳим узгаришлар ва қўшимчалар киритилди. ФКнинг 18-моддасига асосан фуқароларнинг **ҳуқуқ лаёқати мазмун** жиҳатдан узгарди. Мазкур моддага мувофиқ фуқаролар қуйидаги мулккий ва шахсий ҳуқуқларга эга булишлари мумкин:

<sup>1</sup>Қаранг: *Алексеев С.С.* Общая теория права. Т.2. —М.: 1982. —С.141.


<sup>2</sup>Қаранг: *Гражданское право: В 4 т. Том I. Общая часть: Учебник /отв. ред. проф. Е.А. Суханов.* —3-е изд., перераб. и доп. —М.: Волтер Клувер, 2004. —С.147.

<sup>3</sup>*Братусь С.Н.* Субъекты гражданского права. —М.: 1950. —С.6.

- мулк ҳуқуқи асосида мол-мулкка эга булишлари;
- мол-мулкни мерос қилиб олишлари ва васыят қилиб қолдиришлари;
- банкда жамғармаларга эга булишлари;
- тадбиркорлик ҳамда қонунда тақиқланиб қуйилмаган бошқа фаолият билан шуғулланишлари;
- ёлланма меҳнатдан фойдаланишлари;
- юридик шахслар ташкил этишлари;
- битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари;
- етказилган зарарнинг туланишини талаб қилишлари;
- машғулот турини ва яшаш жойини танлашлари;
- фан, адабиёт ва санъат асарларининг, ихтиронинг, қонун билан қуриқланадиган бошқа интеллектуал фаолият натижаларининг муаллифи ҳуқуқига эга булишлари мумкин.

Куриниб турибдики, фуқаролар ҳуқуқ лаёқатининг доираси анча кенгайди, мазмун жиҳатдан тегишинча бойиди, улар олдинги чекланишлардан озод булдилар, энди улар фақат уларнинг шахсий эҳтиёжларини таъминлаш учун эмас, балки хусусий мулк асосида турли тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишга, юридик шахслар ташкил этишга ва улар билан биргаликда умумий мулк ҳуқуқига эга булишга ҳамда ишлаб чиқариш жараёнига фақат уз меҳнатларини эмас, балки ёлланма меҳнатни ҳам жалб қилиб фойдаланиш ва бунинг учун ишлаб чиқаришда керакли бўлган қурол-аслаҳаларга эга булиш каби ҳуқуқларга эга булдилар. Қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мумкинлиги фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқатини белгилашда муҳим ўзгариш кашф этди.

Қонунда асосий эътибор фуқароларнинг ҳуқуқларига қаратилади, лекин уларнинг бурчлари ҳам билвосита назарда тутилади. Масалан, фуқароларнинг «битимлар тузишлари ва мажбуриятларда иштирок этишлари» улар олдига нафақат ҳуқуқдан фойдаланиш, шунингдек, битимлар ва мажбуриятлар юзасидан уз зиммаларига тегишинча бурчлар олиш, ва уларни бажариш вазифасини ҳам қўяди. Шунинг учун ҳам ФКнинг 17-молдаси 1-қисмида фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати унинг фақат ҳуқуққа эмас, **шунингдек, бурчга эга булиш қобилияти** билан ҳам ифодаланади. Фуқаронинг бундай бурчлари ашёвий ҳуқуқ ҳамда мажбурият ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда юз бериши муқаррар. Чунки, ҳуқуқ бурчсиз, бурч эса ҳуқуқсиз намоён булмайди.



#### 4-§. ФУҚАРОЛАР (ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР)НИНГ МУОМАЛА ЛАЁҚАТИ ТУШУНЧАСИ

Фуқаронинг муомала лаёқати унинг ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитдан иборат. Муомала лаёқатига эга булмасдан туриб ҳуқуқ лаёқатидан фойдаланишнинг иложи йуқ.

Қонунга мувофиқ фуқаронинг уз ҳаракатлари билан фуқаролик ҳуқуқларига эга булиш ва уларни амалга ошириш, узи учун фуқаролик бурчларини вужудга келтириш ва уларни бажариш лаёқати муомала лаёқати дейилади (ФКнинг 22-моддаси).

Ҳуқуқ лаёқатига эга булишлик — фуқаронинг ҳар хил юридик ҳаракатларни шахсан узи амалга ошириш лаёқатидан иборат. Бундай лаёқатга эга булган фуқаро битимлар, шартномалар тузиш, уз номидан ишончномалар бериш, бошқа фуқароларнинг соғлиғига, мол-мулкига ёки мол-мулкани нобуд қилганлиги, шунингдек, шартнома ва бошқа мажбуриятларни бажармаганлиги натижасида етказилган зарарни тўлаш қобилиятига эга деб ҳисобланади. Демак, ҳуқуқ лаёқати тушунчаси фуқаронинг битим тузишга булган лаёқати (битим лаёқати) ва унинг ғайриқонуний ҳаракатлари учун жавоб бериш лаёқати (деликт лаёқати) тушунчаларини уз ичига олади.

Аввалги — 1963 йилдаги Гражданлик кодексида муомала лаёқатига эга булган фуқаро узига тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларни шахсан уз ҳаракатлари билан амалга ошириши мумкинлиги назарда тутилмаган эди. Бу камчилик амалдаги ФКда эътиборга олинди. Чунки мустақил равишда ҳуқуққа эга булиш имкониятига эга булган шахсни ушбу ҳуқуқни мустақил равишда уз хоҳиши билан амалга ошириш имкониятидан маҳрум қилиш тўғри булмас эди.

Муомала лаёқати фуқаро вояга етгач, яъни ун саккиз ёшга тулгач тула ҳажмда вужудга келади. Вояга етмаганларнинг муомала лаёқати буйича амалдаги Фуқаролик кодексига мувофиқ жиддий узгариш юз берди. Вояга етмаганларнинг ёши аввалги 15 дан 14 ёшга камайтирилди. Бундай камайтиришда ҳозирги ёшларнинг жисмоний жиҳатдан ва ақл-идрокининг ривожланиш даражаси ҳисобга олинди. **14 ёшга етиши** билан вояга етмаганлар мустақил равишда ёки ота-оналари ва васийларининг розилиги билан битимлар тузиш ва улар буйича жавоб бериш имкониятларига эга булишди (ФКнинг 27-моддаси). Вояга ет-

маганларга нисбатан эмансипацияга йул қуйилди (ФКнинг 28 моддаси). Ўн олти ёшга тулган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси буйича ишлаётган бўлса ёки ота-онаси, фарзандлик олувчилари ёхуд ҳомийсининг розилигига биноан тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у муомалага лаёқатли деб эълон қилиниши мумкин. Бу ҳақда эълон қилиниши учун отасининг ва онасининг ёки фарзандликка олувчиларнинг ҳар бирининг розилиги бўлиши талаб қилинади. Агар бундай розилик бўлмаса, ушбу масала вояга етмагanning аризасига биноан суд тартибида ҳал қилинади. Тегишли қарор қабул қилиниши билан вояга етмаган эмансипация қилинган, яъни муомалага лаёқатли деб ҳисобланади. Эмансипация қилинган шахс уз мажбуриятлари юзасидан узи тулиқ ҳажмда жавоб беради, қонуний вакиллари (ота-онаси, фарзандликка олувчилар) жавоб бермайдилар. Вояга етгунга қадар қонуний асосдан никоҳдан утган фуқаронинг муомала лаёқати ҳақида янгилик юз берди. Фуқаро никоҳдан утган пайтдан эътиборан тула ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлиши ҳақидаги қоида аввалги — 1963 йилги Кодексда ҳам бор эди. Амалдаги ФКда никоҳ бекор қилинган тақдирда тула муомала лаёқатига эга эканлигининг сақлаб қолиниши, бундай лаёқатнинг йуқолиши фақат суд томонидан ҳал қилиниши ҳақида янги қоида назарда тутилди. Шу билан вояга етмаганларнинг никоҳдан утиши ва унинг тан олинishi ҳақида амалиётда юз бериб келган келишмовчиликлар қонуний равишда ҳал қилинди.

Ўтмишда вояга етмаганларни муомалага лаёқатли деб фақат битта сабабга кура, яъни 18 ёшга тулмаган шахсни никоҳдан утиши билан тан олинарди. Энди ФКнинг 28-моддасига мувофиқ яна иккита сабаб, агар 16 ёшга тулган вояга етмаган шахс меҳнат шартномаси (контракт) буйича ишлаётган бўлса, шунингдек, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган бўлса, у тула муомала лаёқатига эга деб эълон қилиниши мумкин.

Тула муомала лаёқатига, юқорида келтирилганидек, ун сак киз ёшга етган фуқаролар эга булади. Тула эмас, қисман муомала лаёқатига эга бўлган шахслар қуйидаги икки хил тоифага бўлинадилар: ун тўрт ёшга тулмаган ва ун тўрт ёшдан ун сак кизгача бўлган болалар.

**Олти ёшдан ун тўрт ёшгача бўлган кичик ёшдаги болалар** қуйидаги битимларни мустақил равишда амалга ошириши ҳақлидирлар:

1) майда маиший битимлар;

2) текин манфаат қуришга қаратилган, нотариал тасдиқлашни ёки давлат рўйхатидан ўтказишни талаб қилмайдиган битимлар;

3) қонуний вакил ёки унинг розилиги билан учинчи шахс томонидан муайян мақсад ёки эркин тасарруф этиш учун берилган маблағларни тасарруф этиш борасидаги битимлар.

Ушбу курсатилганлардан ташқари бошқа битимларни кичик ёшдаги болалар номидан фақат уларнинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васийлари тузиши мумкин.

Кичик ёшдаги боланинг битимлари, шу жумладан, ўзи мустақил равишда тузган битимлари буйича унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ёки васий, агар улар мажбуриятнинг бузилишида узларининг айблари йўқлигини исботлай олмасалар, мулкый жавобгар буладилар. Ушбу шахслар қонунга мувофиқ кичик ёшдаги болалар етказган зарар учун ҳам жавобгар буладилар (ФКнинг 29-моддаси).

Утмишда 14 ёшга тулмаган болалар қанча ёшдан бошлаб тегишли булган битимларни тузишлари мумкинлиги аниқ белгиланмаган эди. Энди 14 ёшга тулмаган болалар 6 ёшдан бошлаб тегишли булган битимларни тузишлари мумкин деб тан олинди. Демак, болалар 6 ёшга тулгунга қадар улар учун барча битимларни уларнинг қонуний вакиллари тузади, 6 ёшдан 14 ёшга тулгунга қадар ФКнинг 29-моддасининг иккинчи қиёмида курсатилган майда маиший битимлардан бошқаларини уларнинг номидан қонуний вакиллари тузади.

Олти ёшдан ун тўрт ёшгача булган кичик ёшдаги болаларнинг муомалага лаёқатлиги хусусида юридик адабиётларда турли фикрлар мавжуд. Купчилик муаллифларнинг таъкидлашича, ўн тўрт ёшгача булган вояга етмаган болалар муомала лаёқатига эга эмас, улар тор доирада битимлар тузиш қобилиятига эга булсаларда, етказилган зарарни қонлаш, яъни деликт қобилиятига эга эмас<sup>1</sup>. Бошқа муаллифларнинг фикрича, ўн тўрт ёшгача бўлган болалар деликт қобилиятига эга булмасаларда, қонунда назарда тутилган ҳолларда битимлар

---

<sup>1</sup>Қаранг: *Братусь С.И.* Субъекты гражданского права. —М.: 1950. —С.68; *Иоффе О.С.* Советское гражданское право. —М.: 1967. —С.69-70; Гражданское право. Часть 1. Учебник /Под ред. *Ю.К.Толстого, А.П.Сергеева.* —М.: ТЕИС, 1996. —С.95; *Зокиров И.Б.* Узбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. —Т.: «Адолат», 1996. 40-бет.

тузиш қобилиятига ва шундай экан, улар маълум даражада муомала лаёқатига эга<sup>1</sup>.

ФКга мувофиқ, олти ёшдан ун тўрт ёшгача бўлган болалар томонидан истисно тариқасида маълум моддий-маиший битимларни тузиш имкониятига эга эканлиги, кичик ёшдаги болалар олти ёшга етгунга қадар юридик аҳамиятга эга бўлган ҳаракатларни амалга оширишлари мумкинлиги назарда тутилмаган, улар учун бундай ҳаракатларни уларнинг ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва васийлари бажариши мумкин. Шундай экан, олти ёшга тулмаган бола тула ҳажмда муомала лаёқатига эга эмас деб тан олинади. Лекин олти ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларни умуман муомала лаёқатига эга эмас деб бўлмайди. Улар қонун буйича юқорида келтирилган битимлар, яъни майда маиший, текин манфаат куришга қаратилган, учинчи шахс томонидан берилган маблағларни тасарруф этиш буйича битимлар тузиш имкониятига эга. Демак, улар тула эмас, балки қисман муомала лаёқатига эга. ФКда ун тўрт ёшга тулмаган болаларнинг муомала лаёқати қанча ҳажмда бўлиши кераклиги ҳақида аниқ кўрсатилмасида, унинг 19-моддаси «Ун тўрт ёшга тулмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати» деб номланади. Бу улар маълум даражада муомала лаёқатига эга эканлигидан далолат беради.

**Ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача** бўлган вояга етмаганлар (усмирлар) ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийларининг розилигисиз қуйидаги ҳаракатларни, битимларни ва ҳуқуқларни мустақил равишда амалга оширишлари мумкин:

- 1) ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини тасарруф этиш;
- 2) фан, адабиёт ёки санъат асарининг, ихтиронинг ёхуд ўз интеллектуал фаолиятининг қонун билан қуриқланадиган бошқа натижаси муаллифи ҳуқуқини амалга ошириш;
- 3) қонунга мувофиқ кредит муассасаларига омонатлар қўйиш ва уларни тасарруф этиш;
- 4) ФКнинг 29-моддаси 2-қисмида назарда тутилган майда маиший битимларни тузиш.

---

<sup>1</sup>Гражданское право. В 4 т. Том 1. Общая часть. Учебник /Отв.ред. проф. Е.А. Суханов. — 3 изд., перераб. и доп. — М.: Волтерс Клувер, 2004. — С. 166-167. Комментарий части первой Гражданского кодекса Российской Федерации для предпринимателей. — М.: 1995. — С.68.

Ун турт ёшдан ун саккиз ёшгача булган вояга етмаганлар юқорида санаб утилганлардан ташқари бошқа битимларни ўз ота-оналари, фарзандликка олувчилари ёки ҳомийларининг ёзма розилиги билан тузадилар.

Аввалги фуқаролик қонун ҳужжатларида вояга етмаганларнинг қонуний вакиллари розилиги қандай шаклда ифодаланган бўлиши кўрсатилмаган эди. Амалдаги ФКда бундай камчилик бартараф қилинди, энди розилик ёзма шаклда ифодаланган бўлиши керак. Ушбу тартибга риоя қилинмаган ҳолда, вояга етмаган бола томонидан тузилган битим унинг ота-онаси, фарзандликка олувчилари ва ҳомийсининг даъвоси буйича суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши (ФКнинг 118-моддаси 1-қисми) ва ФКнинг 117-моддаси 2-қисмида назарда тутилган қоидалар қўлланиши мумкин. Лекин қонуний вакилларининг розилигисиз тузилган битим кейинчалик улар томонидан маъқулланса, бундай битим ҳақиқий деб тан олинishi мумкин.

Ун турт ёшдан ун саккиз ёшгача булган вояга етмаган болаларнинг муомала лаёқати ҳажми жиҳатидан олти ёшдан ун турт ёшгача булган кичик ёшдаги болаларникига нисбатан анча кенг. Улар ўзлари мустақил равишда ёки ота-оналари, фарзандликка олувчилари ва ҳомийларининг розилиги билан фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлишлари, ўзлари учун мажбурият олишлари мумкин. Бу ёшдаги усмирлар турли хил битимлар тузишлари, ҳар хил фаолиятлар, жумладан, тадбиркорлик фаолияти билан ҳам шугулланишлари мумкин. Бундай битимларни тузишда ва бошқа ҳаракатларни амалга оширишда ушбу ёшдаги муомала лаёқатига етмаганлар ўз хоҳиш-иродасини изҳор этган ҳолда ўз номидан иштирок этадилар.

Ун турт ёшдан ун саккиз ёшгача булган усмирларнинг қонуний вакилларининг розилигидан қатъи назар ўз иш ҳақи, стипендияси ва бошқа даромадларини мустақил равишда тасарруф этиши, уларнинг меҳнат муносабатларида иштирок этиши билан боғлиқ. Бундай ёшдаги усмирлар меҳнат қонунчилигига мувофиқ маълум шароитда меҳнат қилиш ҳуқуқига эга. Шундай экан, улар меҳнати учун туланган иш ҳақини эркин тасарруф этиш имкониятига эга бўлишлари керак. Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш, интеллектуал фаолият билан шугулланиш натижасида қўлга киритилган даромадларидан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда ун турт ёшдан ун саккиз ёшгача булган вояга етмаган болаларга кенг ҳуқуқ берилган.

Ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача булган вояга етмаган шахслар мустақил равишда ёки қонуний вакиллариининг роилини билан тузилган битимлари юзасидан шахсан уларни жавоб берадилар. Етказилган зарар учун ҳам умумий қоидага мувофиқ уларнинг узлари жавоб берадилар. Лекин зарарни қоплаш учун улар мол-мулкининг ёки иш ҳақининг етишмай қолган миқдорда уларнинг қонуний вакиллари субсидиар тартибда жавобгар бўладилар (ФКнинг 329-моддаси).

Қонуний вакиллариининг ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача булган болалар томонидан тузилган битимлар юзасидан бундай жавобгарлиги, агар улар зарар етказишда узларининг айби йўқлигини исботлай олмасалар, вужудга келади (ФКнинг 994-моддаси 2-қисми).

Мол-мулкни васият қилиб қолдириш битим турларидан ҳисобланади. Ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача булган болаларга мустақил равишда битимлар тузиш ҳуқуқи берилган. Лекин бу ёшдаги болалар томонидан мол-мулкни васият қилиб қолдириш ҳуқуқи ҳақида қонунда қоида назарда тутилмаган, адабиётларда бу масала буйича ягона фикр мавжуд эмас. В.И. Серебровскийнинг таъкидлашича, васиятнома битим сифатида мол-мулкни васият қилиб қолдирувчининг шахси билан бевосита боғлиқ, шунинг учун васиятнома фақат тула муомала лаёқатига етганлар томонидан тузилиши мумкин<sup>1</sup>. Б.С. Антимонов ва К.А. Гравенинг фикрича, 14 ёшдан 18 ёшгача булган вояга етмаганлар узларининг иш ҳақи билан боғлиқ пул маблағларини васият қилишлари мумкин<sup>2</sup>. Вояга етмаганларнинг васият қилиши мумкинлиги ҳақидаги фикрни С.М. Корнеев ҳам қўллаб-қувватлайди, лекин унинг таъкидлашича ушбу вояга етмаганлар нафақат иш ҳақи билан боғлиқ пул маблағларини, стипендия ва бошқа даромадларини, шу билан бирга ушбу маблағлар ҳисобига олинган мол-мулкларини ҳам васият қилишлари мумкин<sup>3</sup>.

Васият фуқаронинг улим ҳолатини кузлаб, уз мол-мулкнинг тақдири ҳақида қолдирган шахсий буйругидир. Васиятно-

---

<sup>1</sup>Қ а р а н г : *Серебровский В.И.* Очерки советского наследственного права //Серебровский В.И. Избранные труды (Серия «Классики российской цивилистики»). –М.: 1997. –С.117-118.

<sup>2</sup>Қ а р а н г : *Антимонов Б.С., Граве К.А.* Советское наследственное право. –М.: 1955. –С.148-149.

<sup>3</sup>Гражданское право. Том 1. Учебник. /Отв.ред. Е.А.Суханов. –М.: 1998. –С.136.



ма васият қилувчининг шахси билан бевосита боғлиқ битим булгани учун, ўзига хос хусусиятларга эга. Васиятнома мерос қолдирувчи томонидан шахсан тузилган булиши лозим. Уни бошқа битимлар каби вакиллар ёрдамида тузишга йул қуйилмайди (ФКнинг 1120-моддаси 2-қисми). Шундай экан, васиятнома фақат тулик муомала лаёқатига эга булган шахс томонидан тузилиши мумкин. Демак, ФКнинг 27-моддасига асосан қисман муомала лаёқатига эга бўлиб, баъзи битимларни ота-она, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийларнинг розиликлари билан тузиши мумкин булган шахслар васиятнома тузишлари мумкин эмас.

Фуқарода уз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятига баҳо бера билиш, улар қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушуниш қобилияти унинг вояга етиши билан чамбарчас боғлиқ. Фуқаронинг бундай қобилияти умумий қоида сифатида назарда тутилади. Лекин бундай қоидадан истисно тариқасида ФКда баъзи ҳолларда вояга етмаган шахсларга уз ҳаракатлари билан ҳуқуққа эга булиш, мажбуриятлар олиш ва уларни амалга ошириш имконияти назарда тутилади (ФКнинг 27, 29-моддалари). Масалан, улар бундай ҳуқуқларни фан, адабиёт, санъат, ихтиро ва бошқа интеллектуал фаолият натижаларига нисбатан амалга оширишлари мумкин.

Вояга етмаган фуқаролар учун фуқаролик ҳуқуқларини келтириб чиқариш, яъни уларга эга булиш ва уларни амалга ошириш, мажбуриятлар олиш ва уларни бажаришга оид юридик аҳамиятга эга булган ҳаракатларни вояга етмаганлар номидан уларнинг қонуний вакиллари амалга оширади (ФКнинг 29, 30-моддалари).

Фуқаролик муомала лаёқатига эга булиш фуқарога субъектив ҳуқуқларини амалга ошириш учун имконият яратади, фуқаро томонидан маълум хатти-ҳаракатларни бажариш мумкинлигидан дарак беради. Субъектив ҳуқуққа эга булган фуқаро ушбу ҳуқуқидан уз эрки билан ва уз манфаатларини кузлаб фойдаланади. Фуқарога уз субъектив ҳуқуқидан бошқа шахсга зарар етказишда фойдаланишига, уни бошқача шаклда суиистеъмол қилишга қаратилган ҳаракатларни амалга оширишига йул қуйилмайди. Фуқаро ушбу талабларга риоя қилмаган тақдирда, суд унга тегишли субъектив ҳуқуқни ҳимоя қилишни рад этиши мумкин (ФКнинг 9-моддаси 5-6-қисмлари).

## 5-§. ТАДБИРКОР ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ

Совет давлати даврида иқтисодий ва савдо муносабатлари соҳасида жамият учун ёт ҳисобланган хусусий тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун эндиликда кенг имкониятлар яратилди. Мамлакатда хусусий мулкнинг таркиб тоғини хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун иқтисодий шароит тугдирди. ФКнинг 24-моддасига биноан фуқаро **якка тартибда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш** ҳуқуқига эга бўлди. Бундай тадбиркорлик мулкӣ муносабатларда фойдаланиш мақсадида ҳар бир шахс ўз номидан таваккалига фаолият курсатишидан иборат. Тадбиркор кредиторлари олдида ўз қарзлари бўйича нафақат тадбиркорликни амалга ошириш билан боғлиқ мол-мулк ҳисобидан, шунингдек, ўзига тегишли бўлган бошқа мол-мулклари билан ҳам жавоб беради.

Фуқаронинг якка тадбиркор сифатида ўз фаолиятини амалга ошириш тартиби, бундай фаолиятнинг иқтисодий манбалари, тадбиркорнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, мажбурияти юзасидан жавобгарлиги ҳақидаги қоидалар «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган қонунининг<sup>1</sup> тегишли моддаларида батафсил назарда тутилади. Мазкур қонуннинг 6-моддасига мувофиқ **«якка тартибдаги тадбиркорлик —юридик шахс ташкил этмаган ҳолда жисмоний шахс (якка тартибдаги тадбиркор) томонидан тадбиркорлик фаолиятининг амалга оширилиши»**дан иборат.

Якка тартибдаги тадбиркор ўз фаолиятини амалга ошириш учун ходимларни ёллаш ҳуқуқига эга эмас, у ўзига тегишли мол-мулк негизда тадбиркорлик фаолиятини мустақил равишда амалга оширади. Бундай фаолиятни амалга ошириш учун эр-хотиндан бири, эр-хотиннинг биргаликдаги мол-мулкдан фойдаланиладиган ҳолларда, агар қонунларда, никоҳ шартномасида ёки эр-хотин уртасидаги ўзга келишувда бошқача ҳолат назарда тутилган бўлмаса, эрнинг (хотиннинг) розилиги талаб қилинади.

Якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини биргаликда амалга ошириши

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2000 йил 5—6-сонлари.

ришлари мумкин. Бундай биргаликдаги фаолият оилавий, оддий ширкат, деҳқон хужалиги шаклларида иборат булиши мумкин. Эр-хотин томонидан умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқида тегишли булган мол-мулк негизида оилавий тадбиркорлик амалга оширилаётганида, иш муомалаларида эр-хотин номидан эрнинг ёки хотиннинг розилиги билан улардан бири иштирок этади, бу розилик якка тартибдаги тадбиркор руйхатдан утказилаётганда тасдиқланади.

Фуқаролар фақат якка тартибдаги тадбиркор тариқасида давлат руйхатидан утганларидан кейин улар биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун тузиладиган оддий ширкат шартномаси тарафлари булишлари мумкин. Деҳқон хужалиги ва оддий ширкатни тузиш, уларнинг фаолият юритиши ва фаолиятини тугатиш билан боғлиқ муносабатлар қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Якка тартибдаги тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари юридик шахс сифатида ташкил этилган тадбиркорлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларидан кескин фарқ қилмайди. Улар қонун ҳужжатларига мувофиқ узига тегишли мол-мулкка эгалик килиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш; мустақил равишда ишлаб чиқариш дастурларини тузиш; тадбиркорликдан чекланмаган миқдорда даромад (фойда) олиш ва уни ўз ихтиёрига кўра тасарруф этиш; бинолар, иншоотлар, ускуналар ва бошқа мол-мулкни сотиб олиш, ижарага (жумладан, лизинг йўли билан) олиш; белгиланган тартибда ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга булишлари мумкин.

Якка тартибдаги тадбиркорлар зиммасига қуйидаги мажбуриятлар юклатилади: узлари тузган шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларини бекаму-кўст бажариш; хавфсизлик, экология, санитария, гигиена ва меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш; сотиладиган товарлар учун сертификатларга эга булиш; бухгалтерия, тезкор ва статистика ҳисобини талабга мувофиқ юритиш; ўз фаолиятлари туғрисидаги ҳисоботларни тегишли органларга белгиланган тартибда ва муддатларда тақдим этиш ва қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилган булиши мумкин.

Якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда тадбиркорларнинг муомала лаёқатига эга булишига эътибор

берилади. Тадбиркорлик фаолияти билан 18 сина тулган ин бу ёшга тулмасдан никоҳдан утган ёки вояга етмасдан 16 синидан эмансипация қилинган, яъни тулиқ муомалага ласқатли деб тан олинган фуқаролар шуғулланишлари мумкин. 14 ёшдан 18 ёшгача ёки спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш наги жасида муомала лаёқати чекланган вояга етган шахслар тадбиркорлик фаолияти билан қонуний вакиллари — ота-она, фарзандликка олувчилар ёки васийларининг розилиги билан шуғулланишлари мумкин.

Фуқаронинг тадбиркорлик ҳисобланган фаолияти давлат руйхатидан утказилиши лозим. Якка тартибдаги тадбиркорлик давлат руйхатидан утказилгандан кейин фуқарога тадбиркорлик билан шуғулланиш ҳуқуқи берилади. Бундай фаолият юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширилади. Юридик шахс ташкил этмасдан якка тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган фуқаролар (тадбиркорлар) билан муносабатларда буладиган бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини белгилаш ва уларни ҳимоя қилишга оид қоидалар қонунда назарда тутилади (ФКнинг 24-моддаси 3-қисми). Бундай фуқаролар (тадбиркорлар) ўзлари тузган битимлари хусусида ўзларининг тадбиркор эмасликларини важ қилиб курсатишга ҳақли эмаслар ва улар жавобгарликдан озод этилмайди. Бундай битимлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, суд уларга нисбатан ФКнинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ мажбуриятлар тугрисидаги қоидаларни қўллаши мумкин.

Ўз фаолиятини якка тартибдаги тадбиркор сифатида руйхатдан утказмаган фуқаро, ушбу фаолият билан шуғулланишидан қатъи назар, тадбиркор деган мавқега эга булмайди. Улар интирокидаги, шунингдек, уларнинг тадбиркорлик билан боғлиқ низолари умумий суд ваколатига тааллуқли низолар ҳисобланади. Бундай низоларни ҳал қилишда суд томонидан ФКнинг тадбиркорлик билан боғлиқ мажбуриятлар тугрисидаги қоидалари қўлланиши мумкин.

Руйхатдан утказилган ёки утказилмаган булишидан қатъи назар тадбиркорликни амалга оширувчи шахс томонидан тузилган битимлар буйича вужудга келган мажбуриятлар бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда жавобгарликни қўллашга нисбатан ФКда назарда тутилган қоидалар татбиқ қилинади. Мажбуриятнинг бажарилмаганлигида айбоннинг бор ёки йўқлигини исботлаш тадбиркорликни амалга ошири

рувчи шахснинг зиммасига юклатилади. Масалан, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда мажбуриятни бажармаган ёки лозим даражада бажармаган шахс мажбуриятни бажаришга энгиб булмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (форс-мажор) туфайли имкон булмаганлигини исботлай олмаса, жавобгар бўлади (ФКнинг 333-моддаси 3-қисми). Мажбурият буйича истезмолчи олдида жавобгарликни чеклашга йул қуйилмайди (ФКнинг 332-моддаси). «Истезмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги 1996 йил 26 апрелдаги қонунга<sup>1</sup> асосан товар ишлаб чиқарувчига (сотувчига) товар ҳақида харидорга тегишли маълумотларни бериш вазифаси, товарнинг нуқсонлари туфайли етказилган зарарни қоплаш мажбурияти юклатилади.

Фуқаро якка тадбиркор сифатида уз мажбуриятлари юзасидан узига қарашли булган **бутун мол-мулки билан жавобгар бўлади**. Фуқаронинг мажбуриятлари юзасидан ундирув унинг шахсий мулкига, умумий мулкдаги ҳиссасига, эр-хотиннинг биргаликдаги умумий мулкига, фермер хужалигининг умумий мулкига қаратилиши мумкин. Агар тулиқ ёки коммандит ширкат иштирокчиси булган фуқаронинг шахсий мажбуриятлари юзасидан қарзни ундириш учун мол-мулки етарли булмаса, ундирувни тулиқ ёки коммандит ширкат мулкидаги унинг ҳиссасига қаратилишига йул қуйилмайди (ФКнинг 60, 61-моддалари). Шунга ухшаш қоида фермер хужалиги мулкидаги ҳиссага бўлган ҳуқуққа нисбатан ҳам қўлланиши мумкин.

Агар фуқаронинг қарзини унинг даромадларидан (иш ҳақи, пенсия, стипендия ва бошқа даромадлар) ундиришнинг иложи булмаса, ундирувни барча ҳолларда фуқаронинг мол-мулкига нисбатан қаратиш шарт эмас. Бунинг учун ундирувнинг миқдори иш ҳақининг ва бошқа даромадларининг қонунда белгиланган фоизидан ошиб кетмаслиги керак.

Фуқаронинг ва унинг қарамоғида булган шахсларнинг моддий-маиший эҳтиёжларини таъминлаш мақсадида ундирув уларнинг кундалик ҳаёти учун зарур булган мол-мулкига нисбатан қаратилмайди. Бундай мол-мулкнинг руйхати Гражданлик процессуал кодексига қилинган Иловада (№1) назарда тутилади.

---

<sup>1</sup>Узбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996 йил, 5—6-сонлар.

Уз фаолиятини тадбиркорлик сифатида руйхатдан утқаниш фуқаролар ва улар билан юридик шахслар уртасидаги низолар хужалик судларида курилади. Фуқаролар иштирокида якка тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган низолар хужалик судида курилмайди.

Низоларни ҳал қилишда суд, агар қонун ҳужжатларидан ёки ҳуқуқий муносабат моҳиятидан бошқача тартиб англашилмаса (ФКнинг 24-моддаси 2-қисми), Фуқаролик кодексининг тадбиркорлик билан боғлиқ тижорат ташкилотларидан иборат бўлган юридик шахс фаолиятини тартибга солишга оид қоидаларига амал қилинади.

Фуқаро якка тадбиркор сифатида мулкӣ муносабатларда фойда олиш мақсадида уз номидан таваккалига фаолият курсатар экан, бундай таваккалик баъзи объектив ва субъектив сабабларга кўра доимо умид қилинган натижаларга олиб келмаслиги мумкин. Бундай ҳолларда тадбиркор уз фаолиятини амалга ошириш жараёнида кутилмаган оғир иқтисодий шароитга тушиб қолиши, ундан ҳам қайғули ҳолат — бу ҳам бўлса ночорлик, яъни банкротликка дуч келиши мумкин. Якка тадбиркорнинг бундай ҳолатга тушиб қолиш сабаблари ва унинг оқибатларига тегишли нормалар ФКнинг 26-моддасида назарда тутилади. Мазкур моддага биноан: «Якка тадбиркор кредиторларнинг уз тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириши билан боғлиқ бўлган талабларини қаноатлантиришга қодир булмаса, бундай тадбиркор белгиланган тартибда банкрот деб топилиши мумкин». Демак, тадбиркорни банкрот деб тан олинишига бўлган асосий сабаб, унинг кредиторлар талабларини қаноатлантиришга қодир булмаслиги, яъни кредитор олдида уз зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганлигидан, вужудга келган қарзларини унга қайтармаганлигидан, бунинг учун унинг эғалигида етарли миқдорда мол-мулкнинг, пул маблағларининг йўқлигидан иборат.

Якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русмларини амалга ошириш жараёнида унинг тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган мажбуриятлари буйича ҳам кредиторлари уз талабларини қўйишга ҳақли. Кредиторларнинг ушбу тартибда қўйилмаган талаблари якка тадбиркорни банкрот деб топиш расм-русмлари тамом булганидан кейин ҳам уз кучини сақлаб қолади. Кредиторларнинг талабларини ундириш тартиби ва навбати ФКнинг 56-моддасида батафсил назарда тутилади.

Якка тадбиркорнинг суд томонидан банкрот деб топилши ёки унинг ўзини ўзи банкрот деб расмий равишда эълон қилиши 1994 йил 5 майдаги «Банкротлик тугрисида»ги қонунда<sup>1</sup> назарда тутилган асослар ва тартибга мувофиқ амалга оширилади. Мазкур қонуннинг кириш қисмига биноан унда назарда тутилган қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳужалик фаолияти билан шуғулланувчи барча юридик шахсларнинг, шу жумладан, бошқа давлатларнинг ҳужалик фаолияти билан шуғулланувчи субъектларнинг мулкый муносабатларига нисбатан татбиқ этилади. Демак, қонун-қоидалари нафақат юридик шахс сифатида давлат руйхатидан утказилган, шунингдек, юридик шахс ташкил этмасдан давлат руйхатидан утказилган якка тадбиркор фаолиятига нисбатан ҳам татбиқ этилади. Қонун давлат бюджетидagi корхоналарга (юридик шахсларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Якка тадбиркорни банкрот деб топиш билан боғлиқ ишлар ҳужалик судига тааллуқлидир. Бунда низоларни куриб чиқиш жараёнида кредиторлар тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ булмаган мажбуриятлар юзасидан талабларини ҳам қўзғатишлари мумкин (масалан, фуқаронинг ҳаётига, соғлиғига, мулкига, юридик шахснинг мол-мулкига етказилган зарар, алиментларни ундиришга оид талаблар). Тадбиркорни банкрот деб топган ҳужалик суди, унинг мол-мулкидан барча кредиторларнинг талабларини ундиришни ҳал қилади. Якка тадбиркор банкрот сифатида ҳужалик суди ажримига асосан тан олингандан кейинги унинг иштирокида вужудга келган барча низолар умумий суд ваколатига тегишлидир.

## **6-§. ФУҚАРОНИНГ ҲУҚУҚ ВА МУОМАЛА ЛАЁҚАТИНИ ЧЕКЛАШ**

1. Қонунда белгиланган ҳоллар ва тартибдан ташқари, ҳеч кимнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати чекланиши мумкин эмас.

Фуқаронини муомала лаёқатини чеклашнинг қонунда белгилаб қўйилган шартлари ва тартибига риоя қилмаслик давлат органининг тегишли чеклашни белгилайдиган ҳужжати ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади (ФКнинг 23-моддаси).

---

<sup>1</sup>Қонуннинг 2003 йил 24 апрелда тасдиқланган янги таҳрири. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1994 йил, 5-сон.

Демак, қонун билан белгиланган шартлар ва тартибда риоя қилмасдан фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган ҳар қандай ҳаракатлар ҳақиқий деб ҳисобланмайди.

Лекин фуқароларнинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати маълум даражада чекланган бўлиши мумкин. Бундай чеклашга қонунда белгиланган ҳолларда ва тартибда йўл қўйилади. Масалан, бундай чеклашга конституцион тузумни, ахлоқий қоидаларни, кишиларнинг ҳаёти, соғлиги, уларнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида фақат Ўзбекистон Республикаси қонунларига асосан йўл қўйилади.

Муомала лаёқати чекланган фуқаро қонун буйича эга бўлиши мумкин бўлган ҳуқуқлардан уз зиммасига бирон-бир мажбурият олишдан маҳрум бўлади. Муомала лаёқатининг чекланиши натижасида фуқарога тегишли бўлган ҳуқуқларнинг ҳажми маълум даражада қисқаради. Муомала лаёқатидан ушбу лаёқатга тўла ҳажмда эга бўлмаганлар ва эга бўлганлар ҳам чекланиши мумкин.

2. Ун тўрт ёшдан ун саккиз ёшгача бўлган **вояга етмаганларнинг муомала лаёқатини чеклаш** буйича алоҳида қоида назарда тутилган. Утмишда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органининг қарорига асосан уларнинг ҳам муомала лаёқатини чеклаш мумкин эди. Амалдаги қонун буйича (ФКнинг 27-моддаси 4-қисми) уларнинг муомала лаёқати фақат суд қарорига асосан чекланиши мумкин. Агар етарли асослар мавжуд бўлса, суд ота-оналар, фарзандликка олувчилар ёки ҳомийнинг ёхуд васийлик ва ҳомийлик органининг илтимосномасига мувофиқ ўн тўрт ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганларнинг ўз иш ҳақи, стипендияси ёки бошқа даромадларини мустақил тасарруф этиш ҳуқуқини чеклаб қўйиши ёки бу ҳуқуқдан маҳрум қилиши мумкин. Суднинг бундай қароридан кейин вояга етмаганлар ўз иш ҳақи ва стипендияларини фақат ота-оналари, фарзандликка олувчилар ва васийларининг розилиги билан тасарруф қилишлари мумкин.

3. Қонунга мувофиқ **вояга етган фуқаронинг ҳам** муомала лаёқати чекланиши мумкин. Бундай чеклашлар ун саккиз еттига қадар никоҳдан утганлар, шунингдек, эмансипация бўлганлар, яъни тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлганларга нисбатан



ҳам қўлланиши мумкин. Демак юқорида келтирилган асосларга кўра ун турт ёшдан ун саккиз ёшга тулмаган вояга етмаганларнинг муомала лаёқати чекланиши мумкин.

Фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга унинг маълум шароитда узига тегишли мулккий ҳуқуқни уз ҳаракатлари билан амалга ошириш қобилиятига эга эмаслиги сабаб булиши мумкин. Масалан, фуқаро спиртли ичимликларни ёки гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмол қилиши натижасида уз оиласини оғир моддий аҳволга солиб қўйган булиши мумкин. Бундай ҳоллар юз берган тақдирда фуқаронинг муомала лаёқати суд томонидан фуқаролик процессуал қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қисман чеклаб қўйилади ва унга нисбатан **ҳомийлик** белгиланади. Бундай фуқаро майда маиший битимларни мустақил тузиш ҳуқуқидан маҳрум бўлмайди. У бошқа битимларни ҳомийнинг розилиги билангина тузиши, шунингдек, иш ҳақи, пенсия ва бошқа даромадлар олиши ҳамда уларни тасарруф этиши мумкин. Лекин бундай фуқаро узи тузган битимлар буйича ва етказган зарар учун мустақил равишда мулккий жавобгар бўлади. Агар фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш учун асос бўлган сабаблар бошқа руй бермаса, суд унинг лаёқатини чеклашни бекор қилади. Суднинг қарорига мувофиқ, фуқарога нисбатан ўрнатилган ҳомийлик ҳам бекор қилинади.

Фуқаро айрим турдаги мол-мулкка нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этилган бўлиши мумкин. Бундай чеклашларнинг тартиби ва унинг асосида вужудга келадиган оқибатлар барча ҳолларда қонун билан белгиланади. Масалан, мол-мулк қонунга асосан олиб қўйилса (ФКнинг 199-моддаси), унинг қийматини мулкдорга тулаш назарда тутилади. Қонунда мол-мулкни мажбурий равишда олиб қўйиш ҳоллари ҳам назарда тутилади (ФКнинг 193, 194, 195, 196-моддалари). Фуқаро маъмурий ҳуқуқ, жиноий ҳуқуқ нормаларига биноан айрим лавозимларни бажаришдан, фаолият билан шуғулланишдан ёки шахсий эркинликдан маҳрум этилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолатлар ҳам фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатининг чекланишига ёки бундай лаёқатлардан маҳрум бўлишига олиб келади.

4. Фуқаронинг уз ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан фойдаланишга қарши қаратилган ҳар қандай ҳаракат, шу жумладан, давлат органлари ва фуқароларнинг узини узи бошқариш органларининг қарорлари қонунга мувофиқ эмас деб ҳисобланади. ФК-

нинг 23-моддаси 2-қисмида фуқаронинг муомала лаёқатини чеклашга қаратилган давлат органларининг тегишли ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб ҳисобланишига алоҳида эътибор берилади. Масалан, фуқарога қонун билан тақиқланмаган фиолиятни амалга оширишни давлат органининг ҳужжати билан ман этишга йўл қўйилмайди. Давлат органининг, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг бундай ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топиш ФКнинг 12-моддасига асосан суд тартибидан амалга оширилади. Суд учун фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган ҳужжатнинг қонун билан белгиланган шартлар ва тартибга мос эмаслиги асос ҳисобланади. Бундай ҳужжат суднинг қарорига асосан давлат органи томонидан бекор қилиниши лозим. Лекин унинг бекор қилиниши ёки бекор қилинмаслигидан қатъи назар, у ўз юридик кучини йўқотади.

Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга бўлиши қонун билан белгиланади. Фуқаро улардан умумий қоидага биноан тўла ёки қисман воз кечиш ҳуқуқига эга эмас. Шунингдек, уларнинг тартиб олинишига ҳам йўл қўйилмайди. Фуқаро ўзига тегишли субъектив ҳуқуқни тасарруф этиши мумкин, лекин ўз хоҳиши билан ҳуқуқ ва муомала лаёқатидан воз кеча олмайди. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга қаратилган ҳаракатлар, битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб топилди. Ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклашга ёки ундан воз кечиш мумкинлигига фақат қонунда тўғридан-тўғри назарда тутилган ҳоллардагина йўл қўйилади.

## **7-§. ФУҚАРОНИ МУОМАЛАГА ЛАЁҚАТСИЗ ДЕБ ТОПИШ**

Фуқаронинг ўз хатти-ҳаракатларининг аҳамиятини ва натижаларини тушуниш қобилияти унинг руҳий жиҳатдан соғлом, ақли расо бўлишига боғлиқ. Агар фуқаро руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги оқибатида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушуниш ва уларни бошқариш қобилиятига эга бўлмаса, суд бундай фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиши мумкин (ФКнинг 30-моддаси).

Фуқаронинг руҳий касаллигини ёки ақли заифлигини атрофдагилар билса ва бу ҳақда тиббий хулоса бўлган тақдирда ҳам уни муомалага лаёқатсиз деб бўлмайди. Фақат суд

нинг қарорига асосан фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш мумкин. Бу ҳақда судга фуқаронинг оила аъзолари, у билан бирга яшаши ёки яшамаслигидан қатъи назар, қариндошлари (ота-оналари, болалари, ака-укалари), васийлик ва ҳомийлик органлари, психиатрия муассасалари мурожаат этишлари мумкин. Суднинг талабига асосан фуқаронинг руҳий соғлиғи буйича суд-психиатрия экспертнинг хулосаси бўлиши керак. Бу масаланинг судда курилишида прокурорнинг, васийлик ва ҳомийлик органи вакилининг иштирок этиши талаб қилинади. Масаланинг бундай тартибда курилиши ва ҳал этилиши фуқаронинг шахсий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишда ишончли гаров ҳисобланади. Руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги туфайли муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаро учун суд қарори билан **васий** тайинланади. Битимларни фуқаро номидан васий амалга оширади. Фуқаронинг муомалага лаёқатсиз деб топилишга сабаб бўлган асослар бекор бўлса ва бу ҳақда суд-психиатрия экспертизасининг хулосаси бўлса, суд уни муомалага лаёқатли деб топади ва унга белгиланган васийликни бекор қилади.

Муомалага лаёқатсиз деб топиш муомала лаёқатини чеклашдан фарқ қилади. Ҳар қандай фуқаро, ёшидан қатъи назар, муомалага лаёқатсиз деб топиллиши мумкин. Бундай деб топиш учун фуқаронинг муайян равишда касаллиги ва шу туфайли уз ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш учун унда мавжуд бўлган имкониятлар ҳисобга олинади. Муомала лаёқатини чеклаш деганда шу нарса аён бўляптики, демак фуқаро аслида муомала лаёқатига эга, лекин у қонунда кўрсатилган маълум сабабларга қўра ундан қисман ёки тула чекланмоқда. Бундай чеклашлар фуқаронинг вояга етган ёки етмаганлиги ва қисман унинг уз хатти-ҳаракатларини идора қила билиш қобилияти билан боғлиқ. Фуқаронинг муомалага лаёқатсизлиги, унинг руҳий касаллиги ёки ақли заифлиги билан боғлиқ. Бундай касаллик ёки заифлик туғма ёки кейинчалик пайдо бўлган бўлиши ҳам мумкин. Қачон пайдо бўлганлигидан қатъи назар, фуқаро қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топиллиши мумкин. Бунда суд томонидан фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиллиши шарт эмас, балки «мумкинлиги» ҳақида қоида назарда тутилмоқда. Суд фуқарони муомалага лаёқатли деб ҳисоблаши ҳам мумкин. Бу масалани ҳал қилиш учун бар-

ча далилларни ҳар томонлама урганиб чиқини ва унга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Чунки фуқарони суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилиши унинг, биричидан, ҳуқуқий мақомини жиддий ўзгаришига, иккинчидан, ўз мулкӣй, шахсий ҳуқуқлари ва бошқа қонуний манфаатларини шахсан ўзи ҳимоя қилиш ҳуқуқидан фойдаланиш имкониятидан маҳрум бўлишига олиб келади.

Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топишни унинг муомала лаёқатини чеклаш билан тенглаштириб бўлмайди. Бундай ҳолатда фуқаро фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланса-да, субъектив ҳуқуқ эгаси сифатида мулкӣй ва шахсий муносабатларда бевосита иштирок этиш имкониятига эга бўлмайди.

## **8-§. ВАСИЙЛИК ВА ҲОМИЙЛИК**

Ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган ҳар бир шахс қонун билан тақиқланмаган, фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда иштирок этиш ва бундай муносабатлар бўйича тегишли ҳуқуқларга эга бўлиш ва мажбуриятлар олиш имкониятига эга. Аммо ҳамма фуқаролар ҳам ўз ҳуқуқларини ва мажбуриятларини бажаришни шахсан узлари мустақил равишда амалга ошириш лаёқатига эга эмаслар, бунга уларнинг муомала лаёқати чекланганлиги ёки улар умуман муомалага лаёқатсиз деб топилганлиги сабаб бўлади. Шунинг учун ҳам бундай фуқароларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун давлат томонидан васийлик ва ҳомийлик институти урнатилган.

Ҳуқуқ назарияси бўйича васийлик ва ҳомийлик оила ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқи нормаларидан ташкил топган биргаликдаги институт сифатида тан олинади. Васийлик ва ҳомийлик билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш асосан Оила кодекси нормалари воситасида амалга оширилади. Шунинг билан бирга Фуқаролик кодексига ҳам васийлик ва ҳомийликка оид тегишли қоидалар мавжуд (ФКнинг 32-моддаси). Оила кодекси бўйича васийлик ва ҳомийликни белгилашдан асосий мақсад ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга таъминот бериш, уларни тарбиялаш ва уларга таълим бериш, шунингдек, бундай болаларнинг шахсий ҳамда мулкӣй ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишдан иборат (Оила кодексининг 173-моддаси). Ушбу модда бўйича асосий эътибор ота-онаси

қарамоғидан маҳрум бўлган болаларга нисбатан васийлик ва ҳомийлик белгилаш ҳақидаги масалага қаратилади.

Фуқаролик кодексига биноан васийлик ва ҳомийликни белгилашдан асосий мақсад, нафақат ота-онаси қарамоғидан маҳрум бўлган, шунингдек, муомалага лаёқатсиз деб топилган ёки муомала лаёқатига қисман эга бўлган, шунингдек, муомала лаёқати чекланган (муомала ёшига етмаган ёки етган, тулиқ муомала ёшида бўлган) фуқароларнинг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Васийлик ва ҳомийликни фуқаролик ҳуқуқининг ҳуқуқ лаёқати ва муомала лаёқати ҳақидаги институтлари билан яқиндан боғлиқ эканлиги ва шу туфайли фақат оила ҳуқуқи эмас, балки фуқаролик ҳуқуқи фани нуқтаи назардан таҳлил қилиниши ҳақида фикрлар билдирилган. Васийлик ва ҳомийлик институти фуқаролик ҳуқуқи, оила ҳуқуқи ва маълум жиҳатлари буйича маъмурий ҳуқуқ нормаларидан ташкил топган мажмуавий институтдан иборат деб ҳам талқин қилинади. Васийлик ва ҳомийлик муносабатларини ҳуқуқий тартибга солиш мажмуавий характерга эга деб тан олиними туғри бўлса керак, чунки ушбу муносабатларни тартибга солиш ФКнинг 27—34-моддалари, Оила кодексининг 173—193-моддаларида назарда тутилади. Ушбу муносабатларни маъмурий ҳуқуқ нормаларига таллуқли бўлиши шундан иборатки, васийлик ва ҳомийлик туман ёки шаҳар ҳокимининг қарори билан белгиланади, васий ва ҳомий ҳуқуқларининг амалга оширилиши ҳамда мажбуриятларининг бажарилиши устидан васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан назорат олиб борилади.

Васийлик ва ҳомийлик ота-онасиз қолган ёки уларнинг ёрдамидан, ҳомийлигидан маҳрум бўлган болаларни тарбиялашнинг, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим воситаларидан иборат. Бундай воситадан асосан болаларнинг ота-оналари вафот этганда ёки суд томонидан ўлган деб эълон қилинганда (ФКнинг 36-моддаси) ёхуд бедарак йуқолган деб топилганда (ФКнинг 34-моддаси), суд томонидан улар муомалага лаёқатсиз деб топилганда (ФКнинг 30-моддаси), ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолларда (Оила кодексининг 79—80-моддалари) фойдаланилади.

**Васийлик** муомалага тулиқ лаёқатсиз бўлган, яъни 14 ёшга тулмаган (кичик ёшдаги болалар) ва руҳий касаллиги туфайли

суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахсларни нисбатан белгиланади (ФКнинг 29—30-моддалари).

**Ҳомийлик** тўла ҳажмда муомала лаёқатига эга бўлмаган, яъни 14 ёшдан 18 ёшгача бўлган вояга етмаганлар ёки вояга етган бўлса-да, аммо спиртли ичимликлар ва гиёҳвандлик воситаларини суиистеъмом қилиши натижасида муомала лаёқатидан чекланган шахсларга нисбатан белгиланади (ФКнинг 27, 31-моддалари).

Васий ҳамда ҳомий уларга қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларнинг мазмуни ва аҳамияти билан бир-биридан фарқ қилади. Масалан, васий ишончнома асосида эмас, балки бевосита қонунга мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан берилган гувоҳнома ёки ушбу орган томонидан муайян шахсни васий қилиб тайинлаш туғрисида қабул қилинган қарор асосида васийлигида бўлган шахснинг номидан юридик аҳамиятга эга бўлган барча ҳаракатларни бажаради, битимлар тузади, судда қатнашади. Ҳомий уз ҳомийлигидаги шахслар томонидан мустақил равишда тузишлари мумкин бўлган битимларни тузишлари учун розилик беради, улар томонидан уз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажаришлари учун ёрдам ва маслаҳат беради, уларнинг ҳуқуқларини учинчи шахслар томонидан суиистеъмом қилишдан ҳимоя қилади. Ҳомий уз ҳомийлигида бўлган шахснинг ўрнини тўла эгалламайди, балки унга уз маслаҳатлари билан ёрдам беради.

Васийлик ва ҳомийликни туман ва шаҳар ҳокимликлари белгилайди. Васийлик ва ҳомийлик васий ёки ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган шахс яшаётган жойда, агар шахснинг муайян яшаш жойи бўлмаса, васий ёки ҳомий яшаётган жойда белгиланади.

Васийлик ва ҳомийлик вазифаларини амалга оширадиган ташкилотлар ҳар хил соҳадан иборат бўлиши мумкин. Уларни белгилашда васий ва ҳомий тайинланишига муҳтож бўлган шахсларнинг ёши, муомала лаёқати ва бошқа хусусиятлари ҳисобга олинади. Масалан, васийлик ва ҳомийлик вазифасини амалга ошириш ун саккиз ёшга тулмаган болаларга нисбатан — халқ таълим бўлимларига, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахсларга нисбатан соғлиқни сақлаш бўлимларига, соғлиғининг ёмонлиги сабабли ҳомий тайинланишига муҳтож муомалага лаёқатли шахсларга нисбатан — ижтимоий таъминот бўлимлари зиммасига юклатилади.

Васий ёки ҳомий сифатида вояга етган, муомала лаёқатига эга бўлган ҳар икки жинсдаги фуқаролар тайинланиши мумкин. Бунинг учун васий ва ҳомийнинг розилиги, васийликка ёки ҳомийликка олинувчиларнинг хоҳишлари эътиборга олинади. Васий ёки ҳомий тайинлашда уларнинг шахсий фазилатлари, тегишли мажбуриятларни бажариш учун қобилияти етарли эканлиги, васийликка ва ҳомийликка олинувчилар билан узаро муносабатларининг яхшилиги ҳисобга олинади.

Болалар учун васий ва ҳомий тайинлаш масаласига алоҳида эътибор берилади. Қонунда васий ва ҳомий қилиб тайинланиши мумкин бўлмаган шахслар назарда тутилади (Оила кодексининг 180-моддаси). Булар қуйидагилардан иборат:

— ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинганлар ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланганлар;

— қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилганлар;

— собиқ фарзандликка олувчилар, агар фарзандликка олинганлиги Оила кодексининг 169-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган асослар бўйича бекор қилинган бўлса;

— қонун билан зиммаларига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганликлари ёки уз ҳуқуқларини суистеъмол қилганликлари учун васийлик ва ҳомийлик вазифасидан четлатилганлар;

— қасддан содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинганлар.

Васий ва ҳомийларни ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилашда асосий эътибор вояга етмаган болаларни тарбиялашга, уларнинг таъминоти, саломатлиги, жисмоний, руҳий, маънавий ва ахлоқий камолоти ҳақида ғамхўрлик қилишга қаратилади. Васийлар уз номларидан уларнинг манфаатларини кузлаб барча зарур битимларни тузадилар. Ҳомийлар уз қарамоғидаги шахсларга улар уз ҳуқуқларини амалга оширишда ва мажбуриятларини бажаришда кўмаклашадилар, шунингдек, уларнинг ҳуқуқлари учинчи шахслар томонидан суистеъмол этилишидан ҳимоя қиладилар.

Васий ва ҳомий вояга етмаган шахслар билан бирга яшаши керак. Агар васийлик ёки ҳомийлик вазифасини бажаришни оилада яшовчи шахслардан биронтаси уз зиммасига олган бўлса, бунинг учун бошқа оила аъзоларидан розилик олиниши ке-

рак, чунки васийликка ёки ҳомийликка олинган шахсга шире батан барча оила аъзолари томонидан гамхурлик қилинишини туғри келади. Ун олти ёшга тулган ҳомийликдаги боланин ўз ҳомийсидан алоҳида яшашига, башарти бу унинг тарбиясига ҳамда ҳуқуқ ва манфаатларининг ҳимоя қилинишига салбий таъсир қилмаса, васийлик ва ҳомийлик органиниш роилини билан йул қуйилиши мумкин.

**Васийга юклатилган мажбуриятлар ичида мулкый муносабатлар** муҳим урин эгаллайди. Бу соҳада васийликдаги шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида васийларнинг ҳуқуқлари чекланган. Васийга васийлик ва ҳомийлик органларининг розилигисиз қуйидаги битимларни тузишга рухсат берилмайди:

— васийликдаги шахс номидан нотариал тартибда тасдиқланиши лозим бўлган битим (шартнома)лар тузишга;

— васийликдаги шахсга қарашли бўлган мол-мулкни тақсимлаш, бир йилдан ортиқ муддатга гаровга қуйиш ёки ижарага беришга;

— васийликдаги шахс номидан мерос ва (ёки) ҳадя олингандан воз кечишга;

— васийликдаги шахсга қарашли тураржойни айирбошлашга;

— васийликдаги шахсга тегишли ҳар қандай ҳуқуқдан воз кечишга ва шунга ухшаш васийликка олинган шахсларнинг ҳаёт манбаи учун зарур бўлган масалаларни ҳал қилишга қаратилган ҳаракатларни васийлик ва ҳомийлик органларидан розилик олмасдан бажарилишига йул қуйилмайди.

Мулкый муносабатларда юз бериши мумкин бўлган суистеймолчиликнинг олдини олиш мақсадида васийга, ҳомийга ва бошқа яқин қариндошларига васийликдаги шахс билан битим тузишларига йул қуйилмайди. Аммо улар томонидан васийликдаги шахсга совға сифатида ёки текинга мол-мулк бериш бундан мустасно.

Васий ва ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни бажаришда васийликдаги ёки ҳомийликдаги шахсларга мулкый зарар етказмаслиги керак. Агар улар ўз мажбуриятларини инсофсизлик ёки эътиборсизлик билан бажаришлари натижасида ҳимояларидаги шахсларга мулкый зарар етказсалар, васийлик ва ҳомийлик органлари бундай зарарни тулашни талаб қилиш ҳуқуқига эга, васийлик ва ҳомийлик тугатилганда кел.



васийлик ва ҳомийликда булган муомалага лаёқатли шахс ҳам бундай талабни қўйишга ҳақли.

Васий ёки ҳомий булиш фахрли вазифа ва одамийлик, қариндош-уруғчилик бурчи сифатида тан олинади. Шунинг учун ҳам васийга ёки ҳомийга уларнинг хизмати учун қандайдир бир шаклда булмасин мукофот бериш қонунда назарда тутилмайди. Оила кодексининг 181-моддасига мувофиқ улар моддий жиҳатдан қай даражада таъминланган булишларига қарамай, уз вазифаларини текинга бажарадилар. Васий ва ҳомий ҳам, уз навбатида, васийлиги ва ҳомийлигидаги шахсларга таъминот беришга мажбур эмас. Васийликдаги ва ҳомийликдаги шахсларнинг таъминоти учун васий ва ҳомий томонидан қилинган харажатлар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мазкур шахсларнинг маблаги ҳисобидан қопланади, бу маблағ етарли булмаган тақдирда эса, уларнинг таъминоти учун васийлик ва ҳомийлик органлари нафақа тайинлайди.

Фуқароларнинг васий ёки ҳомийнинг ҳимоясида қанча вақт давомида булиши турли ҳолатнинг юз беришга, яъни васийликдаги шахснинг вояга етиши, васий ва ҳомийнинг уз мажбуриятларини бажаришдан четлатилиши, васийлик ва ҳомийликнинг тугатилишига ва бошқа ҳолатларга боғлиқ. Масалан, ҳомий соғлигининг ёмонлиги сабабли уз ҳомийлигидаги шахс талаби билан ҳомийлик мажбуриятидан озод қилиниши мумкин. Васий ёки ҳомий ўз зиммасига юклатилган мажбуриятларни лозим даражада бажармаганлиги учун мажбуриятларни бажаришдан четлатилиши мумкин.

Васийлик ва ҳомийликни тугатиш васий ва ҳомийнинг, шунингдек, улар ҳимоясидаги шахсларнинг ҳаётида юз берган турли узгаришларга боғлиқ. Васийлик қуйидаги ҳолларда тугайди:

- васий ва васийликдаги шахс вафот этганда;
- вояга етмаганларга нисбатан — улар ун тўрт ёшга тулганда ёки улар ота-онаси тарбиясига қайтарилганда;
- қонунда белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз деб топилганлар учун — уларнинг муомала лаёқати суд томонидан тикланган тақдирда.

Вояга етмаган бола ун тўрт ёшга тулганлиги сабабли васийлик тугаганида васий вазифасини бажарувчи шахс махсус тайинланмасдан вояга етган боланинг ҳомийси булиб қолади.

Ҳомийлик қуйидаги ҳолларда тугайди:

— ҳомий ёки ҳомийликдаги шахс вафот этганда;  
— ҳомийликдаги шахс вояга етганда;  
— ҳомийликдаги шахс ота-онасига қаратилганда;  
— ҳомийликдаги шахс никоҳга кирганида;  
— вояга етмаган шахс тула муомалага лаёқатли деб эълон қилинганда (эмансипация);

— фуқаронинг муомала лаёқатини чеклаш ҳақидаги суднинг ҳал қилув қарори бекор қилинганда;

— ҳомийликдаги вояга етган шахсининг соғлиғи яхшиланганлиги туфайли у мустақил равишда ўз ҳуқуқларини амалга ошириш ва мажбуриятларини бажариш имкониятига эга бўлганда.

Юқорида келтирилган сабабларга кўра васийлик ва ҳомийликни давом эттириш учун асос қолмайди.

## **9-§. ФУҚАРОНИНГ БЕДАРАК ЙЎҚОЛИШИ ВА УНИНГ ВАФОТ ЭТГАН ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИ**

Фуқарони бедарак йўқолган деб топилиши туғрисидаги институтнинг мавжуд бўлиши қарздор фуқаронинг, эр ёки хотиннинг, шунингдек, қариндош-уруғлардан биронтасининг узоқ муддат давомида доимий яшаб турган жойида бўлмаслиги, қаерда эканлигини аниқлашнинг имкони йўқлиги туфайли вужудга келиши мумкин бўлган ҳуқуқий ноаниқликни бартараф қилиш учун зарурлиги билан боғлиқ. Чунки бундай ноаниқлик фуқаролик ҳуқуқий муносабатларида фуқароларнинг, ташкилотларнинг, шунингдек давлатнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларига путур етказиши, уларни амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун зарур бўлган имкониятлардан фойдаланишга тўсқинлик қилиши мумкин. Бундай ноаниқликни бартараф қилиш мақсадида қонунда шахсининг суд тартибида бедарак йўқолган деб топиш ёки вафот этган деб эълон қилиш мумкинлиги туғрисида қоида назарда тутилади.

Шахсни бедарак йўқолган деб топиш ва вафот этган деб эълон қилиш учун қўйидаги юридик фактлар, яъни улардан ташкил топган юридик таркиб юз берган бўлиши керак: а) шахсининг узоқ муддат давомида доимий яшаб турган жойида бўлмаслиги; б) унинг қаерда эканлиги ҳақида маълумот йўқлиги ва бундай маълумотни мумкин бўлган барча воситалар орқали олишнинг имконияти йўқлиги; в) шахс туғрисида охириги маълумот

лумотлар олинган кундан бошлаб қонунда белгиланган муддатнинг утиб кетиши.

Ушбу юридик фактлар таркибининг юз бериши фуқарони суд тартибида бедарак йуқолган деб топилиши ёки унинг вафот этган деб эълон қилиниши учун асос ҳисобланади. Ушбу фактларни аниқлаш учун манфаатдор шахс томонидан қидирув олиб бориш шарт эмас. Қонунда бу масала ҳақида қоида назарда тутилмаган. Фуқарони қаерда эканлиги ҳақида маълумот олишнинг имконияти йуқлигини аниқлаш, унинг охириги марта доимий яшаб турган, иш жойидан, унинг ота-оналари ва қариндош-уруғлари яшаб турган жойлардан олинган ахборотларга асосланади.

Фуқаро ҳар хил сабабларга кура дом-дараксиз ғойиб бўлиши мумкин. Агар фуқаро жиний жавобгарликдан қочиб, алимент тулашни, етказилган зарарни қоплашни хохламасдан доимо тураржойида яшамасдан бошқа жойларда беркиниб юрган булса, унга нисбатан тегишли органлар томонидан қидирув эълон қилинган булса, бундай фуқарони фуқаролик ҳуқуқи бўйича назарда тутилган асосларга кура бедарак йуқолган ёки вафот этган деб тан олинмайди. Агар тегишли органлар томонидан қидирув утказиш натижасида фуқаронинг тураржойини аниқлашнинг иложи булмаса, бундай фуқаро ФКда белгиланган муддатлар утгач, суд томонидан бедарак йуқолган деб топилиши ёки вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

**Фуқарони бедарак йуқолган деб топилишини тан олиш асослари.** Агар фуқаронинг қаердалиги ҳақида унинг яшаш жойида бир йил давомида маълумотлар булмаса, суд бу фуқарони бедарак йуқолган деб топиши мумкин. Ушбу муддатни ҳисоблаш фуқаро ҳақида охириги маълумот олинган кундан бошланади. Йуқолган шахс туғрисида охириги маълумотлар олинган кунни аниқлаш мумкин булмаса, бедарак йуқолган деб ҳисоблаш муддати йуқолган шахс туғрисида охириги маълумотлар олинган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан, бу ойни белгилаш мумкин булмаган тақдирда эса — кейинги йилнинг биринчи январидан бошланади.

Фуқарони бедарак йуқолган деб топиш манфаатдор шахсларнинг аризаларига мувофиқ амалга оширилади. Демак, бу масала бўйича судга даъво билан эмас, ариза билан мурожаат қилинади. Шунинг учун ҳам ариза бўйича иш алоҳида тартибда қуриладиган ишлар қаторига киради. Ариза берувчи манфаатдор

шахслар кимлардан иборат булиши мумкин. Уларнинг рўйхати ФКда келтирилмайди. Бундай шахслар қаторига қатъен бири бедарак йўқолган булишига қараб, эр ёки хотин кирати, ушрдан бири одлий тартибда никоҳдан ажралиш учун манфаатдор булиши мумкин. Бундай манфаатдор шахслар қаторига бедарак йўқолган шахснинг қарамоғида булган шахслар кириши мумкин, чунки улар, фуқаро бедарак йўқолган деб тонилса, неси таъминоти туғрисидаги қонун ҳужатларига мувофиқ боқувчисини йўқотган шахслар сифатида нафақа олиш ҳуқуқига эга бўлади. Фуқарони бедарак йўқолган деб топилишидан унинг кредиторлари манфаатдор булиши мумкин. Кредитор суднинг бу ҳақдаги қарорига асосан йўқолган шахс мажбуриятлари бўйича унинг мол-мулки ҳисобидан қарзни ундириш, етказилган зарарни тулашни талаб қилиш ҳуқуқига эга булади. Фуқарони бедарак йўқолган деб топилиши билан бошқа фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат ҳокимият органлари, фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари, ташкилотлар ва алоҳида шахслар ҳам судга мурожаат қилишлари мумкин. Суднинг қарори кучга кириши билан фуқаро бедарак йўқолган деб ҳисобланади.

**Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш** натижасида вужудга келадиган **оқибатлар** унинг учун, аммо, биринчи галда, бундай деб топилишидан манфаатдор булган шахслар учун муҳим аҳамиятга эга. Оқибатлари туғрисидаги қоидаларни ФКда (ФКнинг 34-моддаси) назарда тутилишидан асосий мақсад ушбу фуқаронинг қарамоғида булган ва моддий жихатдан ердамга муҳтож шахсларнинг қонуний манфаатларини, шунингдек, бедарак йўқолган фуқаро узига тегишли булган шахсий ва мулкый ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдан, унинг кредиторларининг талабларини қонун йули билан қаноатлантиришдан иборат.

Қонунда бедарак йўқолган деб топилган фуқаро мол-мулкнинг сақланишини таъминлаш ва муҳофаза қилиш масаласига алоҳида эътибор берилади. Бундай фуқаронинг мол-мулкни доимий суратда бошқариб туриш зарур булса, бу мол-мулк суднинг қарорига мувофиқ васийлик ва ҳомийлик органи томонидан белгиланадиган ва ушбу орган билан тузилган ишончли бошқарув туғрисидаги шартнома асосида иш олиб борадиган шахсга топширилади. Ушбу мол-мулкдан бедарак йўқолган шахс қонунга мувофиқ боқини керак булган фуқаро

роларга таъминот бериледи ҳамда унинг солиқлар ва бошқа мажбуриятлар буйича қарзлари туланади.

Васийлик ва ҳомийлик органи йуқолган фуқаронинг қаердалиги туғрисида маълумот олган кундан бошлаб бир йил утгунга қадар унинг мол-мулкни муҳофаза қилувчи шахсни белгилаши мумкин. Ушбу қоиданинг маъносидан аён булишича, фуқаронинг қаерда эканлиги маълум булсада, аммо у суд тартибида ҳали бедарак йуқолган деб топилмаган булади. Бундай ҳолатда ҳомий фақат мол-мулкни муҳофаза қилиши учун тайинланади, ундан ҳар қандай туловларни амалга ошириши мумкин эмас.

Фуқаронинг бедарак йуқолган деб топиш билан унинг қаромоғида булган меҳнатга лаётқатсиз оила аъзолари пенсия туғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ боқувчисини йуқотган шахслар сифатида нафақа олиш ҳуқуқига эга буладилар.

Фуқарони бедарак йуқолган деб топиш билан ишончнома бекор булади, яъни унинг амалда ҳаракатда булиши тўхтатилади (ФКнинг 141-моддаси).

Агар эр-хотиндан бири суд томонидан бедарак йуқолган деб топилган булса, эр-хотиндан бирининг аризаси буйича фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органларида никоҳдан ажратиш мумкин (Оила кодексининг 43-моддаси).

Бедарак йуқолган деб топилган фуқаро қайтиб келган ёки унинг тураржойи аниқланган тақдирда, суд уни бедарак йуқолган деб топиш ҳақидаги қарорини бекор қилади (ФКнинг 35-моддаси). Суднинг қарори асосида фуқаронинг мол-мулкни ишончли бошқариш бекор қилинади, шунингдек, фуқарони бедарак йуқолган деб топиллиши билан вужудга келган бошқа ҳуқуқий муносабатлар ҳам тугатилади.

Бедарак йуқолган деб топилган эр (хотин) қайтиб келган ва тегишли суд қарорлари бекор қилинган ҳолларда, никоҳ эр-хотиннинг биргаликдаги аризасига кура фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан тикланиши мумкин. Агар эр (хотин) янги никоҳга кирган булса, никоҳни тиклаш мумкин эмас (Оила кодексининг 48-моддаси).

**Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш асослари.** Агар фуқаронинг қаерда турганлиги ҳақида унинг яшаш жойида уч йил мобайнида маълумот булмаса, башарти у улим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок булган деб тахмин қилиш учун асос буладиган вазиятларда бедарак йуқолган

бўлиб, унинг қаердалиги ҳақида олти ой мобайнида маълумотлар булмаса, манфаатдор шахсларнинг аризасига мувофиқ суд уни вафот этган деб эълон қилиши мумкин.

Ҳарбий ҳаракатлар муносабати билан бедарак йуқолган ҳарбий хизматчи ёки бошқа фуқаро ҳарбий ҳаракатлар тамом бўлган кундан эътиборан камида икки йил утгандан кейин суд томонидан вафот этган деб эълон қилиниши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш учун қисқартирилган олти ой муддат қонунда назарда тутилганидек, агар фуқаро улим хавфи солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок булган деб тахмин қилиш учун асос буладиган вазиятларда бедарак йуқолган булса қулланилади. Бундай вазиятлар турли шароитларда юз бериши мумкин. Масалан, фуқаро чукиб кетган денгиз кемасининг ёки талафотга учраган самолётнинг йуловчиси ёки экипаж аъзоси бўлган булса. Бундай шароитда фуқарони вафот этган деб тахмин қилишга асос борлигини ҳисобга олган ҳолда юз берган кунгилсиз ҳодисадан кейин фуқарони вафот этган деб эълон қилиш учун олти ой утишини кутиш уринли ҳисобланади. Ҳарбий ҳаракатлар вақтида йуқолган шахсни вафот этган деб эълон қилиш масаласига қонунда алоҳида эътибор берилади. Бундай шахсни ҳарбий ҳаракатлар тамом булган кундан эътиборан камида икки йил утгандан кейин вафот этган деб ҳисоблаш мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш учун судга ариза бериш ва бу ҳақда ишни судда кўриш тартиби фуқарони бедарак йуқолган деб топишдан фарқ қилмайди. Уларнинг асосий фарқи фуқарони вафот этган деб эълон қилиниши ёки бедарак йуқолган деб топилиши учун асос буладиган сабаблардан, белгиланган муддатлардан ва бунинг натижасида вужудга келадиган ҳуқуқий оқибатларидан иборат.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш билан унинг ҳақиқий улимини суд тартибида эълон қилиш ёки тасдиқлаш бир-биридан фарқ қилади. Юридик аҳамиятга эга булган ҳақиқатни, яъни шахснинг ҳақиқий улимини суд томонидан тасдиқлашга фақат фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи томонидан рад этилган вақтдагина йўл қўйилади.

Суднинг фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарори қонуний кучга кирган кун вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг улган кунини деб ҳисобланади. Улим хавф солиб турган ёки муайян бахтсиз ҳодисадан ҳалок булган деб тахмин

қилиш учун асос буладиган вазиятларда бедарак йуқолган фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда, суд унинг тахмин қилинган ҳалокат кунини ушбу фуқаронинг улган куни деб топиши мумкин.

Фуқарони вафот этган деб эълон қилингани туғрисида қабул қилинган суднинг қарорига асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органи манфаатдор шахсларга унинг вафот этганлиги ҳақида гувоҳнома беради. Фуқаронинг вафот этгани ҳақида суднинг ҳал қилув қарорининг қонуний кучга кирган куни фуқаронинг вафот этган куни деб ҳисобланади.

**Фуқарони вафот этган деб эълон қилиниши оқибатлари.** Фуқарони вафот этган деб эълон қилиниши билан қуйидаги ҳуқуқий оқибатлар вужудга келиши мумкин:

а) қарамоғида булган меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари пенсия ва нафақалар олиш ҳуқуқига эга булади;

б) ворислари вафот этган деб эълон қилинган шахснинг мол-мулкини мерос қилиб олишга чақирилади;

в) вафот этган деб эълон қилинган шахс билан никоҳ бекор қилинади (бундай ҳолатда никоҳни бекор қилиш ҳақида алоҳида қарор қабул қилиш талаб қилинмайди).

**Вафот этган деб эълон қилинган шахснинг ҳозир бўлиши оқибатлари.** Агар вафот этган деб эълон қилинган шахс қайтиб келган, яъни ҳозир булган ёки унинг қаерда эканлиги маълум булган тақдирда, уни вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор суд томонидан бекор қилинади. Бу янги қарор фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш органининг дафтариди фуқаронинг вафоти ҳақидаги ёзувни бекор қилиш учун асос булади.

Қонунда назарда тутилган қоида ва тартибга амал қилинган ҳолда вафот этган деб фараз қилинган, лекин тирик ва қайтиб келган шахснинг мулкий ва шахсий ҳуқуқларини тиклаш ҳақида қоидалар қонунда алоҳида урин эгаллайди. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилингандан кейин у ҳар қандай шахсдан бепул утиб қолган мавжуд мол-мулкини узига қайтариб беришни уч йил мобайнида суд орқали талаб қилишга ҳақли. Умуман олганда, қайтиб келган шахснинг мавжуд булган мол-мулки унга ихтиёрий равишда қайтариб берилиши керак. Агар мол-мулк ихтиёрий равишда қайтариб берилмаса, шахс судга мурожаат қилиши мумкин. Бунинг учун умумий даъво муддати — уч йил урнатилган (ФКнинг 150-мод-

даси). Қайтиб келган шахс ушбу муддат мобайнида уз мол-мулкни даъво қузғатиш йули билан суд орқали қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли. Даъво муддати шахс қайтиб келган кундан бошланадими ёки ундан кейинми? Бу саволга ФКнинг 154-моддаси 1-қисмидан жавоб топиш мумкин. Мазкур модданинг маъносидан шу нарса аёнки, даъво муддати вафот этган деб эълон қилинган шахс қайтиб келганидан кейин у узининг ҳуқуқи бузилганлигини билган ёки билиши лозим булган кундан эътиборан ута бошлайди. Агар шахс турли сабабларга кўра даъво муддати мобайнида уз мол-мулкни қайтариб бериш ҳақида талаб қўйиш имкониятига эга булмаган тақдирда ҳам, у бу ҳақда даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқидан маҳрум булмайди. ФКнинг 153-моддаси 1-қисмига биноан «Бузилган ҳуқуқни ҳимоя қилиш талаби даъво муддатининг утганлигидан қатъи назар судда куриб чиқиш учун қабул қилинади». Демак, суд мол-мулкни қайтариб бериш ҳақидаги талабни даъво муддати утиб кетгандан кейин ҳам кўриб чиқиш учун қабул қилиши керак. Башарти, суд даъво муддатининг утказиб юборилганлиги сабабини узрли деб топса, бузилган ҳуқуқ, яъни қайтиб келган шахснинг мулкий ҳуқуқи ҳимоя қилиниши керак. Даъво муддатини утказиб юбориш сабаблари уч йиллик даъво муддатининг охири олти ойи мобайнида юз берган булса, ушбу сабаблар узрли деб ҳисобланиши мумкин (ФКнинг 159-моддаси).

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни унинг ворисларига мерос сифатида утади. Агар бундай фуқаронинг мол-мулкни унинг ворислари томонидан учинчи шахсларга сотилган булиб, бу шахслар харид нарҳини фуқаро қайтиб келган пайтгача батамом гуламаган булсалар, бу ҳолда туланмаган суммани талаб қилиш ҳуқуқи қайтиб келган шахсга утади. Демак, қайтиб келган шахс сотилган мол-мулкнинг (уй-жойнинг) харид нарҳи буйича ворислари томонидан олинган суммани талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас. Агар сотиб олувчи қайтиб келган шахснинг ҳаёт эканлигини билмаган булса, қайтиб келган шахс уз мол-мулкни сотиб олувчидан ҳам қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Суднинг қарори билан вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ворислари ёки бошқа шахслар томонидан қонуний равишда эгалланган булсада, суднинг ушбу қарори бекор қилинган, мол-мулкни эгаллаб туриш учун қону-



ний асос қолмайди. Қайтиб келган фуқаро уз мол-мулкни ҳар қандай эгаллаб турувчилардан қайтариб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга булади. Агар улар мол-мулкни қайтариб беришдан бош тортсалар, қайтиб келган фуқаро **виндикация даъво** қўзғатиш йули билан ўз мол-мулкни бошқа шахсларнинг қонунсиз эгаллашидан талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга. Бундай эгалловчилар инсофли ва инсофсиз гуруҳларга ажратилади. Мол-мулкни эгалловчи вафот этган деб эълон қилинган шахснинг ҳаёт эканлигини билмаган, мол-мулкни бошқа шахсга бериш ҳуқуқига эга булмаган шахсдан ҳақ тулаб олган, лекин буни билмаган ва билиши мумкин булмаган ҳолатда мол-мулкни олган шахс **инсофли эгалловчи** деб ҳисобланади. Мол-мулкни эгалловчи вафот этган деб эълон қилинган шахснинг ҳаёт эканлигини ва эгалигидаги мол-мулкнинг қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим булган шахс **инсофсиз эгалловчи** деб ҳисобланади.

Фуқаро вафот этган деб эълон қилинган тақдирда унинг мол-мулки бошқа шахслар ихтиёрига унинг эрки ва хоҳишисиз ўтган булади. Шундай экан, мол-мулк вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ҳаёт эканлигини билмаган инсофли эгалловчилардан ҳам талаб қилиб олиниши мумкин. Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни ҳақ эвазига битимлар тузиш асосида олган шахслар мол-мулкни вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг ҳаёт эканлигини била туриб сотиб олганликлари исботланса (инсофсиз эгалловчилар), улар фуқарога бу мол-мулкни қайтариб беришлари шарт. Бундай мол-мулкни асли ҳолида қайтариб беришнинг имкони булмаса, унинг қиймати туланиши керак.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаро қайтиб келганидан кейин унинг мол-мулкни бошқа шахсларнинг эгаллашидан талаб қилишга булган ҳуқуқи қаноатлантирилган тақдирда, қайтиб келган фуқаро қуйидагиларни талаб қилишга ҳақли:

— инсофсиз эгалловчидан мол-мулкка эгалик қилган бутун вақт давомида олган ёки олиши лозим булган барча даромадларни қайтариб беришни ёки тулашни;

— инсофли эгалловчидан эса — у узининг эгалиги қонуний эканлигини билган ёки билиши лозим булган пайтдан бошлаб ёхуд қайтиб келган фуқаронинг (мулкдорнинг) мол-мулкни талаб қилиб олиш ҳақидаги даъво буйича талаб қилинган пайт-

дан бошлаб олган ёки чиқариб олиши лозим булган ҳамма даромадларни қайтариб беришни талаб қилишга ҳақли.

Ўз навбатида инсофли эгалловчи ҳам, инсофсиз эгалловчи ҳам мол-мулкдан қанча вақт давомида олинган даромад қайтиб келган шахсга (мулкдорга) қайтарилиши керак булса, шунча вақт давомида мол-мулкка қилинган зарур харажатларни тулашни мулкдордан талаб қилишга ҳақли.

Башарти, ашёни яхшилайдиган нарсаларни ашёга шикаст етказмасдан ажратиб олиш мумкин булса, инсофли эгалловчи мазкур нарсаларни узида қолдиришга ҳақли. Агар бундай нарсаларни ажратиб олиш мумкин булмаса, инсофли эгалловчи ашёни яхшилаш учун қилинган харажатларни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга, аммо бу харажатлар ашёга қушилган қийматдан кўп булмаслиги керак. Ашёнинг инсофсиз эгалловчисига бундай ҳуқуқлар берилмаган, чунки у ашё эгасининг ҳаёт эканлигини, ашёни эгаллаш қонуний эмаслигини билган ёки билиши лозим булганлиги туфайли унинг ашёни яхшилашга қаратилган ҳаракатлари ҳам ноқонуний ҳисобланади.

Вафот этган деб эълон қилинган фуқаронинг мавжуд мол-мулки мерос ҳуқуқи бўйича (ФКнинг 1132-моддасининг 10-қисми, 1157-модданинг 3-қисми) фуқароларнинг узини узи бошқариш органларига ёки давлатга утган булса, фуқарога қайтариб берилади, агар ушбу мол-мулк сотиб юборилган булса, фуқарони вафот этган деб эълон қилиш ҳақидаги қарор бекор қилинганидан кейин унга мол-мулкни сотишдан тушган пул қайтариб берилади (ФКнинг 37-моддаси 5-қисми).

Адабиётларда билдирилган ва унга қўшилиш мумкин булган фикрга мувофиқ, агар вафот этган деб нотўғри эълон қилинган фуқаронинг мол-мулкни текинга олган шахс — инсофсиз эгалловчи, яъни фуқаронинг тирик эканлигини билган шахс, бундай фуқарога унинг мол-мулки йўқолиши билан етказилган зарарни тулаши керак<sup>1</sup>. Ушбу зарарнинг асосий қисмини йўқотилган (сақланиб қолинмаган) мол-мулкнинг қиймати ташкил қилади<sup>2</sup>.

<sup>1</sup>Қаранг: Комментарий к Гражданскому кодексу Российской Федерации. Ч.1. /Отв.ред. О.Н.Садиков. —С.76.

<sup>2</sup>Гражданское право: В 4 т. Том 1. Общая часть: Учебник /Отв.ред. проф. Е.А.Суханов. —3-е изд., Перераб и доп. —М. Волтерс Клувер, 2004. —С.205.

Вафот этган деб эълон қилинган шахс қайтиб келганида, унинг ворислари ва бошқа шахсларга утган мулкӣ ҳуқуқлари тикланади. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиниши билан унинг бекор қилинган ҳуқуқлари, масалан, шахсий ҳуқуқлари тикланмайди.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Фуқаролик ҳуқуқи субъект сифатида фуқаро (жисмоний шахслар) тушунчаси?
2. Фуқаро (жисмоний шахс)нинг фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида белгилари?
3. Фуқаролик ҳолати далолатномаларининг қайд этилиши?
4. Фуқаро (жисмоний шахс)нинг ҳуқуқ лаёқати тушунчаси ва мазмуни?
5. Фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг муомала лаёқати тушунчаси?
6. Тула муомала лаёқатига эга бўлмаганлар (6—14; 14—18 ёшдагилар), уларнинг ҳуқуқлари ва фуқаролик жавобгарлиги?
7. Якка тартибдаги тadbиркорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари?
8. Фуқаролик ҳуқуқи ва муомала лаёқатини чеклаш асослари ва тартиби?
9. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш асослари ва тартиби?
10. Васийлик ва ҳомийлик, уларнинг тушунчаси, фарқи, аҳамияти ва қулланиш тартиби?
11. Фуқарони бедарак йўқолган деб топиш асослари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари?
12. Фуқарони вафот этган деб эълон қилиш асослари, тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари?

## *Қушимча адабиётлар*

1. Братусь С.Н. Субъекты гражданского права. —М.: 1950.
2. Веберс Я.Р. Правоспособность граждан в советском гражданском праве. Рига. 1976.
3. Ершова Н.М. Опекa и попечительство над несовершеннолетними. — М.: 1959.
4. Гражданское право. Т.1: Учебник /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. —М.: 2002.
5. Гражданское право. Т.1.: Учебник. Изд. 3-е /Отв.ред. Е.А.Суханов. — М.: 2004.
6. Зокиров И.Б. Узбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. —Т.: «Адолат», 1996.
7. Раҳмонқулов Ҳ. Узбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. —Т.: «Иқтисодий ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997.
8. Субъекты гражданского права /Отв. ред. М.К.Сулейменов. Алматы: НИИ частного права Каз. ГЮУ, 2004.

## II боб

# ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ЮРИДИК ШАХС

### 1-§. ЮРИДИК ШАХС ИНСТИТУТИ, УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИ

1. Юридик шахс институтининг пайдо булиши жамиятда иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши, узгариши ва ушбу муносабатларни такомиллаштириш учун тартиб-қоидаларни ишлаб чиқиш ва уларни урнатиш зарурияти билан боғлиқ. Ривожланиш шундай даражага етдики, энди жисмоний шахсларнинг якка тартибда фаолият юритиши самара бермай қўйди, ижобий натижаларга олиб келмади. Биргаликда, ҳамкорликда иш юритиш давр тақозосига айланди. Шу мақсадда оддий ширкатлар пайдо бўла бошлади. Улар келажакда вужудга келиши муқаррар бўлган юридик шахс ҳисобланган йирик компаниялар, корпорацияларнинг илк куртаклари вазифасини бажарган десак, муболаға бўлмайди.

2. Ҳуқуқий институт сифатидаги ширкат буйича инсоният билимларининг пайдо булиши эрализгача бўлган даврларга бориб тақалади. Шу уринда эрализдан аввалги 1792—1750 йилларда Бобилда мавжуд бўлган Хамураппи қонунларининг 282-моддасидан 8 таси ширкат муносабатларини тартибга солишга қаратилганидан ҳам унинг бу соҳада муҳим аҳамият касб этганлигини куриш мумкин.

Ширкатларнинг ривож топиши қадимги Римда ҳам кузатилган. Буни Рим хусусий ҳуқуқида ширкат шартномасининг батафсил тартибга солинганлиги ҳам исботлайди.

Гай институтлари (эрализдан аввалги III аср), уша даврнинг буюк ҳуқуқшунослари ҳисобланган Павел ва Ульпианнинг шарҳлари, Юстиниан Дигестлари кабиларнинг (эрализдан аввалги VI аср) салмоқли қисмлари ширкат шартномаларига бағишланган.

3. Совет ҳокимияти пайдо булишидан олдин Туркистонда ширкатлар тизими анча ривож топган. Ширкат шартномалари икки турга булинарди: «ширкати мулк» яъни, икки ёки

ундан ортиқ шахсларнинг умумий мулкка биргаликда эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва тасарруф этишга асосланган ширкат ва «ширкати акид», яъни биргаликда битим тузиш. Битим асосидаги ширкат уз навбатида қуйидаги турт турга бўлинади:

1. **«Ширкати-муфавазат»** — шартномада назарда тутилган мақсадга эришиш учун унинг аъзолари (иштирокчилари) томонидан мол-мулкларини тенг ҳиссада умумийлаштириш ва мажбурият буйича олинган даромадларни ҳам тенг ҳиссада олиш буйича тузилган ширкат.

Шартномага мувофиқ шериклар бир вақтнинг узида бир-бирларига нисбатан ҳам муовин, ҳам ижрочи вазифасини бажарадилар. Шартномадан бир-бири томонидан уз ваколати доирасида тузилган битим бошқа иштирокчилари учун ҳам мажбуриятларни вужудга келтиради. Бундай ширкат унда қатнашувчиларни ҳар томонлама тенг ҳуқуқли бўлишига асосланади.

2. **«Ширкати-инон»** — уз мол-мулкларининг бир қисмини умумлаштириб тижорат (савдо) билан шуғулланиш учун тузилган ширкат. Ушбу шартнома буйича бир ширкат аъзоси иккинчисига нисбатан кафил эмас, балки ишончли шахс ҳисобланади. Шерикларнинг ширкатга қушган мол-мулки ҳиссаси тенг бўлмаслиги мумкин. Ширкат аъзоларининг ҳиссаси ва ширкат фаолиятини бажаришда шахсан иштирок этиши тенг бўлмаслигидан қатъи назар, олинган даромад шартномада назарда тутилган шартга мувофиқ тақсимланади. Бир шерик иккинчи шерикнинг шахсий қарзи учун жавоб бермайди. Шерикка етказилган зарар шартномага мувофиқ ундирилади.

3. **«Ширкати-вуджух»** — қарз бериш ёки ишончга асосланган ширкат. Шартномага асосан ширкат аъзоларининг ҳар бири узининг шахсий маблағи ҳисобига маҳсулот олиб, уни биргаликда сотади. Ушбу шартнома буйича ширкат аъзолари бир-бирларига нисбатан ҳам ишончли шахс, ҳам кафил ҳисобланадилар. Шартнома тарафларидан ҳар бирининг даромади ва кўрган зиёни унинг ширкат фаолиятида иштирок этган ҳиссасига мувофиқ тақсимланади.

4. **«Ширкати-санаия»** — ҳунармандчилик ширкатидан иборат бўлиб, маълум бир ишни бажариш ёки касб билан шуғулланиш мақсадида шартнома тузилади. Ушбу ширкат аъзоларининг битта ҳунар билан шуғулланиши ёки битта жойда ишлаши шарт эмас. Олинган даромадларнинг тенг бўлмаслигига йул

қўйилади. Шунинг билан бирга мажбурият буйича шериклар биргаликда жавоб беради.

Ширкатлар муайян миқдордаги шахслар томонидан шартномалар асосида ташкил этиларди. Ширкатнинг узини ёки унинг шартномасини тегишли муассаса томонидан руйхатга олиш туғрисида махсус қоида ширкат меъёрларида назарда тутилмаган эди, кўп ҳолларда шартномалар оғзаки шаклда тузилар эди, унинг шартлари тарафдорларнинг келишуви билан белгиланарди.

Ўзбекистонда Совет ҳокимиятининг урнатилиши билан юқорида келтирилган ширкатларнинг фаолият курсатишига йўл қўйилмади, улар давлат савдо, матлубот, маиший хизмат ташкилотларига, колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш хужаликларига алмаштирилди, хусусий мулкчиликка асосланган корхоналар, ташкилотлар давлат ихтиёрига ўтказилди. 1963 йилдаги Ўзбекистон Гражданлик кодексига ширкатлар туғрисида қоида назарда тутилмади.

4. Ҳозирги пайтда хусусий мулкчиликка йўл очилиши, бозор иқтисодиётига утиш муносабати билан ширкат тузишга рухсат берилди. Амалдаги Фуқаролик кодексининг 962—975-моддалари ширкатлар фаолиятига бағишланди.

ФКнинг 962-моддасига мувофиқ «Оддий ширкат шартномаси (биргаликдаги фаолият туғрисидаги шартнома) буйича шериклар (иштирокчилар) деб аталувчи икки ёки ундан ортиқ шахс фойда олиш ёки қонунга зид бўлмаган бошқа мақсадга эришиш учун ўз ҳиссаларини қўшиш ва юридик шахс тузмасдан биргаликда иш қилиш мажбуриятини оладилар».

Демак, ширкат деганда ўз мулки, шахсий фаолияти ёки мулккий бадали орқали умумий ишда иштирок этадиган, умумий ишларни юритиш асосида олинган даромад ёки зарарни шартномада курсатилган тартибда улушли ёки тенг равишда тақсимлайдиган икки ёки ундан ортиқ шахсларнинг хужалик фаолиятини ҳамкорликда амалга ошириш мақсадида бирлашиши тушунилади. Гарчи ширкатлар ўз фаолиятини юргизиш хусусиятлари ва ҳуқуқий мақоми буйича юридик шахс ҳисобланган хужалик жамиятлари ва ширкатларининг барча белгиларини узларида акс эттирмаган бўлса-да, иштирокчиларининг биргаликда, ҳамкорликда фаолият курсатиши нуқтаи назардан юридик шахсларнинг вужудга келишида бошланғич қадам ва намуна сифатида хизмат қилди. Юридик шахсни ифо-

даловчи, масалан, унинг бирлаштирилган мол-мулк (капитал)-ка эга булиши, ушбу мол-мулкни унинг муассисларининг ҳам мол-мулкидан ажратилган, алоҳида булиши, унинг уз номига эга булиши ва ушбу ном билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши, мажбуриятлари буйича асосан шахсан узининг мулки билан жавобгар булиши каби белгилари ширкатларга хос эмас. Қисқача қилиб айтганда, улар уртасидаги асосий фарқ шундан иборатки, агар ширкат ҳақида фақат унинг иштирокчиларининг ҳамкорлиги, бирдамлиги туғрисида гап юритилса, юридик шахс ҳақида унинг мол-мулкнинг бирдамлиги, иштирокчилари (таъсисчилари)нинг мол-мулкидан ажралган алоҳида узига тегишли бирлаштирилган мол-мулкдан (капиталдан) иборат эканлиги туғрисида суз юритилади.

5. Юридик шахс институтининг ривожланиши турли мамлакатларда корпорацияларнинг турли равишда ташкил топиши ва уларнинг ҳуқуқ субъекти деб тан олиниши билан боғлиқ. Масалан, континентал мамлакатларнинг ҳуқуқи тизимида корпорация деганда акциядорлик жамиятлари билан бир қаторда бошқа юридик шахслар, чунончи, турли қуринишдаги ширкатлар (тулиқ, коммандит), ҳужалик жамиятлари (масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли), ҳужалик бирлашмалари (концерн, ассоциация, холдинг кабилар), ишлаб чиқариш ва истеъмол кооперативлари тушунилади. Англосаксон ҳуқуқ тизимида (Англия, АҚШ) корпорацияларга континентал ҳуқуқ тизимида юридик шахс ва тегишинча корпорация сифатида тан олинмайдиган тузилмалар ҳам киради (бу ерда суз бошқарув фаолияти билан шуғулланадиган давлат органлари ҳақида кетаяпти). Шундай қилиб, агар континентал ҳуқуқ тизимида корпорацияларга асосан хусусий ҳуқуқ субъектлари сифатида қаралса, англосаксон ҳуқуқ тизимида улар нафақат хусусий, балки оммавий ҳуқуқнинг ҳам субъекти ҳисобланади.

6. 1917 йилга қадар Туркистонда корпоратив қурилишнинг нисбатан ривожланиши капиталнинг бирлашиши асосида турли юридик шахсларнинг тузилиши XX асрнинг бошларига туғри келади. Корпорацияларнинг фаолияти маълум маънода ўлка саноатининг ривожланишига ёрдам берсада, лекин у бир томонлама йуналтирилган, Туркистон хом ашё базасига айлан-тирилган ва фақат мустамлакачиларнинг манфаатига қаратилган эди.

Шуниси эътиборга лойиққи, саноат соҳасида ҳам, молия соҳасида ҳам асосий эътибор биринчи навбатда пахтачиликка қаратилди. 1916 йилда Туркистонда 58 та пахта тозалаш ва 15 га ёғ заводларига эга бўлган 9 та йирик савдо-саноат фирмалари фаолият юритарди. Булар орасида қуйидаги нисбатан муҳимларини кўрсатиш мумкин: 1) 30 та пахта тозалаш ва 5 та ёғ заводида эга бўлган Андрей фирмаси — Видъяевлар савдо уйи; 2) Катта Ярославль мануфактураси, Москва савдо-саноат ширкати, Эрон ва Ўрта Осиё уртасидаги савдо фирмаси, «Братья Шлосберг» савдо уйи ва «Владимир Алексеев» ширкатидан ташкил топган «Беш-Бош» пахтачилик фирмаси; 3) «Братья Крадет» савдо уйи; 4) «Потеляхов» фирмаси; 5) «Симхаев» фирмаси<sup>1</sup>. Ушбу йирик пахтачилик фирмаларидан ташқари Туркистонда бошқа соҳаларга ихтисослантирилган қатор ширкатлар ва акциядорлик жамиятлари фаолият юритган. Бундай жамиятлар қаторига қимматбаҳо ашёларни ташишга ихтисослашган Шарқ жамияти, Москва савдо-саноат ширкати, И.К. Познан жамияти, «Братья Нобель» ширкати каби жамиятлар киради.

Санаб утилган фирмалар, жамиятлар, компаниялар асосан икки хил шаклда фаолият юргизганлар: шахслар ширкати (тулиқ ширкат) ва капиталлар ширкати (акциядорлик жамияти). Акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар улушларида эгаси ёзилган қимматбаҳо қоғозлар (акциялар, улушлар) ва эгаси ёзилмаган акцияларга эга бўлган<sup>2</sup>.

Дастлаб ушбу корпорацияларнинг таъсисчилари ҳам, иштирокчилари ҳам фақат Россия савдо-молия капитали вакилларидан иборат эди. Лекин XX асрнинг бошларига келиб уларни шакллантириш жараёнида маҳаллий бойлар ва чет элликлар ҳам иштирок эта бошлади. Чет эл капитали асосан тоғ-кон ва нефтни қайта ишлаш саноатига киритиларди. Компаниянинг маҳаллий иштирокчилари пахтачилик, ёғ саноати, савдо ва унчалик йирик маблағ талаб қилмайдиган соҳаларда уз имкониятларини амалга оширар эдилар.

Бинобарин, Туркистон ҳудудида совет ҳокимиятининг урнатилишига қадар подшо ҳокимияти, рус савдогарлари, фабрикантлари, заводчилари ва бошқа тадбиркорлар вакилла

<sup>1</sup>Аминов А.М., Бабажанов А.Х. Экономические и политические последствия присоединения Средней Азии к России. —Т.: 1966. —С.85.

<sup>2</sup>Доклады Кокандского биржевого комитета реквизирующему по Высочайшему повелению Туркестанский край сенатору Палену, 1902. —С.87



ридан иборат булган бир қанча юридик шахслар ташкил топган эди. Улар фаолияти Россия империясининг фуқаролик қонун ҳужжатлари билан белгиланар ва тартибга солинарди.

7. Корпорацияларнинг Туркистон улкасини тадбиркорлик ҳаёти ва ҳудудда эркин рақобат руҳининг пайдо булишига қўшган ҳиссаси борасидаги ижобий томонлари ҳам Туркистоннинг сиёсий-иқтисодий ва ҳуқуқий тизимида янги даврни бошлаб берган Совет ҳокимияти даврида бутунлай йўқотилди. Совет Туркистонининг қонунчилиги эски ишлаб чиқариш муносабатларини йўқ қилиш, янги сиёсий ва иқтисодий тизимларни мустақкамлашга йўналтирилди.

Хусусий капиталистик секторга тегишли юридик шахс ҳисобланган (хусусий суғурта жамиятлари, савдо ва саноат ширкатлари, компаниялари каби) ташкилотларнинг айримлари совет ҳукумати урнатилгунга қадар қабул қилинган низом ва қоидалар асосида фаолият юритардилар.

XX асрнинг 20-йилларида «Қушчилар иттифоқи» номи билан ташкил этилган ишчи деҳқонлар иттифоқи корпорацияларнинг тимсоли булиб ҳисобланарди. «Қушчилар иттифоқи» юридик шахс ҳисобланарди ва унинг барча ҳуқуқий белгиларига эга эди. Хусусан, ташкилий бирлик унинг органи сифатида бошқарувни амалга оширарди. «Қушчилар иттифоқи»нинг мулки аъзолик бадаллари ҳисобидан ташкил этилиб, давлат, таъсисчилар ва бошқа корхоналарнинг мулкидан ажратилган эди. У уз мажбуриятлари юзасидан мустақил тарзда уз мулки билан жавоб берарди.

Ҳужалик юрителишининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида бири бу трестлар ҳисобланарди (1923 йил). Урнатилган қоидаларга қўра, юридик шахс мақомини олиш учун улар уз низомларини ишлаб чиқишлари, уларни белгиланган тартибда руйхатдан ўтказиб, тасдиқлашлари лозим эди. Йирик саноатнинг деярли барчаси трестлардан иборат эди. Агар дастлабки пайтда биринчи навбатда трестларнинг ҳужалик мустақиллиги масаласи назарда тутилган булса, 1927 йилдан бошлаб улар режали (плани) вазибаларни амалга оширувчи давлат органлари сифатида тан олинди.

Ишлаб чиқаришни биргаликда амалга ошириш ва ҳамкорликда меҳнатни ташкил этиш мақсадида ҳунармандчилик кооператив ширкатлари ёки артеллар ташкил этиш ҳуқуқи берилган эди. Юридик шахс сифатида ҳунармандчилик коопера-

тивлари битимлар тузиш, мажбуриятлар олиш, судда даъво қўзғатиш ҳуқуқига эга ва ўз мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли мулк билан жавоб бериш мажбуриятини олардилар.

Қишлоқ хўжалик кооперативлари (артеллар, ширкатлар, иттифоқлар), бирлашмалари ва уларнинг иттифоқлари юридик шахс мақомига эга булган. Республика миқёсида улар «Турк-сельхозсоюз» ва унинг жойлардаги погоналари ҳисобланган «Облсельхозсоюз», «Уездсельхозсоюз»ларга бирлашган.

Машинасозлик, уруғчилик, чорвачилик, мелиорация каби бошқа турдаги кооперативлар, масалан «Туркшёлк» («Турк-ипак»), «Хлопковое товарищество» («Пахтачилик ширкати»), «Азиахлеб» («Осиёнон») акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар юридик шахс сифатида фаолият юритган.

Шундай қилиб, Туркистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (ТАССР)да фаолият юритган юридик шахс мақомига эга булган турли кўринишдаги хўжалик жамиятлари ва ширкатлари узининг ҳуқуқий табиатига қўра ҳам хусусий ҳуқуқий, ҳам оммавий ҳуқуқий характер касб этган. Уларнинг айримлари корпорацияларга хос бўлган ташкилий-ҳуқуқий белгиларга эга булган. Янги иқтисодий сиёсатнинг (ЯИС) (новая экономическая политика) (НЭП) амалга оширилиши даврида (1920—1924 йиллар) Совет Туркистони қонунчилиги хусусий хўжалик фаолиятини юритишга рухсат этарди, лекин кейинчалик хўжаликни тартибга солишнинг режали тизимига фаол утилиши туфайли давлат мулкани мустаҳкамлашга хизмат қила бошлади. Давлат мулкига асосланган социалистик хўжалик тизими хусусий тадбиркорликни сиқиб чиқарди ва бу билан ЯИСни амалга оширишнинг дастлабки йилларида мавжуд булган турли кўринишдаги юридик шахслар — компаниялар, бирлашмалар, акциядорлик жамиятлари ва ширкатларнинг ривожланишига тўсиқ бўлди.

8. Ўзбекистонда юридик шахс институтининг ривожланишини икки босқичга, яъни Совет ҳукумати давридаги ва Совет ҳукумати давридан кейинги босқичларга ажратиш мумкин. Совет даври босқичи 1924 йилда Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси (ЎзССР) ташкил этилган вақтдан бошланиб, 1991 йилда Ўзбекистон Республикасининг ўз давлат мустақиллигини қўлга киритиш билан яқунланади.

Дастлабки босқичда Совет Ўзбекистонининг хўжалик ҳаётида Совет Туркистони даврида шаклланган, юридик шахс деб

ҳисобланган корпоратив тизимнинг қолдиқлари сақланиб қолган эди. Аммо ЎзССРнинг ташкил этилиши вақтига келиб, олдинги кўринишдаги корпорациялар тугатилиб, трестлар, синдикатлар, акциядорлик жамиятлари ва ширкатлар давлат корхоналари деб эълон қилинди.

1927 йилги ЎзССР Конституциясининг 19-моддаси республика иқтисодиётида давлат мулкчилигининг танҳо ҳукмронлигини ўрнатди. 1937 йилдаги ЎзССР Конституцияси иқтисодиётнинг асосини социалистик мулк ташкил этиши тўғрисидаги қондани қатъий мустаҳкамлади (4-модда), биринчи марта ушбу мулкни давлат ва колхоз-кооператив шаклида белгилаб берди (5-модда), 6, 7-моддалари эса биринчи марта «шахсий мулк» тушунчасини киритди. Ўша давргача қонунда назарда тутилган, аммо амалда ўз аҳамиятини йўқотган «хусусий мулк» ушбу Конституцияга киритилмади. 1978 йилги ЎзССР Конституцияси социалистик ижтимоий муносабатларнинг тамойилларини мустаҳкамлади. Илгариги конституциялардан фарқли равишда бу Конституцияга бевосита «Иқтисодий тизимга» багишланган мустақил боб киритилди, давлат мулки социалистик мулкнинг асосий шакли эканлиги мустаҳкамланди.

Социалистик мулкнинг икки шаклига асосланган давлат корхоналари, колхозлар, кооператив ташкилотлари юридик шахс сифатида фақат ўзлари ҳақида қабул қилинган низомлар асосида фаолият юргизишлари мумкин эди. Жамиятда «қайта қуриш» мақсадида ўтказилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар, юридик шахс мақомига эга бўлган корхоналар, хўжалик ташкилотларининг фаолиятини, ўзини ўзи молиялаш (хозрасчет) тамойилларига асосан амалга ошириш бўйича олиб борилган тадбирлар ижобий натижа бермади. Чунки давлат мулкнинг ҳукмронлиги, хўжаликни бошқаришда марказлаштирилган режа тизимини қўллаш давом этиб келарди.

9. Мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Конституциясига мувофиқ мулкнинг барча шакллари тенглаштирилди, давлат уларни баб-баробар муҳофаза қилишни ўз зиммасига олди. Хусусий мулк узоқ йиллардан кейин биринчи марта конституциявий мақомга эга бўлди. Хусусий мулк давлат мулки билан бир қаторда республика иқтисодий тизимининг негизини ташкил қилиш даражасига эришди.

Турли мулк шаклларининг тенглигига асосланган бозор муносабатлари субъектларининг ташаббускорлик ва эркин тадбиркорлик фаолиятини намоён этиш учун асос сифатида хизмат қилмоқда. 1990 йил 31 октябрда қабул қилинган «Мулкчилик туғрисида»ги қонуннинг 1-моддаси 2-қисмига кура, мулкдор «мулкдан қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин». Демак, хужалик соҳасида қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш учун йул очилди. Утмишда фақат қонун ҳужжатлари билан белгиланган муносабатларда иштирок этиш мумкин эди.

1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Хужалик жамиятлари ва ширкатлари туғрисида»ги қонуннинг 1-моддасида хужалик жамиятлари ва ширкатлари тушунчаси қуйидагича ифодаланган: «Хужалик ёки тадбиркорлик фаолиятини юритиш мақсадида юридик шахсларнинг, юридик шахслар билан жисмоний шахсларнинг ҳамда жисмоний шахслар уртасида уз ҳиссаларини ҳамда мол-мулкни бирлаштириш асосида узаро ихтиёрий келишувига мувофиқ тузиладиган корхоналар хужалик жамиятлари ва ширкатлари ҳисобланади».

Мазкур қонунга асосан хужалик жамиятлари ва ширкатлари қаторига қуйидагилар киритилди: акциядорлик жамиятлари, масъулияти чекланган ва қўшма масъулиятли жамиятлар, тулиқ ва коммандит хужалик ширкатлари. Уларнинг ҳар бирининг ҳуқуқий ҳолати алоҳида қонун ҳужжатларида уз аксини топди ва уларнинг уставлари билан белгиланди. Ҳуқуқий ҳолатига кура, улар юридик шахс мақомига эга. ФКнинг 4-бобида юридик шахс тушунчаси, унинг турлари, ҳуқуқ лаёқати, вужудга келиш ва бекор булиш асослари ва бошқа белгилари туғрисида қоидалар назарда тутилади.

Давлат мулкнинг ҳукмронлик ҳолатидан воз кечиш, жамиятда мулкнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулк шаклининг жорий қилиниши, уларнинг баб-баробар муҳофаза этилиши ва улар асосида бозор муносабатларининг ривожланиши, иқтисодий ёки бошқариш тизимида режалаштириш ва маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиш, бу соҳада демократик усул ва шаклларга ўтиш — улар янги жамиятнинг табиатига монанд булган, уларнинг хусусиятларини ўзларида мукамал акс эттирадиган ва ижтимоий-иқтисодий

муносабатларнинг ривожланишига фаол таъсир кўрсатадиган нормалардан ташкил топган замонавий фуқаролик қонун ҳужжатларини яратишга асос солди. Ушбу қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат мулкига асосан ташкил топадиган юридик шахсларга нисбатан хусусий мулк асосида вужудга келадиган юридик шахслар сон жиҳатдан анча кўпайди. Утмишда улар деярли давлат органининг буйруғи билан ташкил этилиши мумкин бўлса, эндиликда бунинг учун рухсатнома (лицензия) олиш етарлидир. Шунинг билан бирга «қонун билан тақиқланмаган барча нарса билан шуғулланиш мумкин» деган тамойилга асосан юридик шахсларнинг фаолият доираси анча кенгайди.

## **2-§. ЮРИДИК ШАХСНИНГ МОҲИЯТИ ҲАҚИДА ТАЪЛИМОТ**

Юридик шахснинг моҳияти ҳақида азалдан турли назарий фикрлар мавжуд. Жамият ривожланишининг у ёки бу босқичида иқтисодий муносабатларнинг оддий шаклдан мураккаб шакллarga утиши, тижоратнинг тараққий этиши натижасида ташкил топган турли ҳужалик жамиятлари, ширкатлари, бирлашмалар, компаниялар, корпорацияларнинг ҳуқуқий мақомини, яъни уларнинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатларини илмий-назарий талқин қилиш, белгилаш ва аниқлаш зарурияти пайдо бўлади. Чунки улар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этар экан, кимнинг номидан ҳуқуқ ва мажбуриятлар олади, улар фаолиятининг натижалари учун ким, қайси жамият, корпорация аъзолари ёки давлат жавобгарликни ўз зиммасига олади, уларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мустақиллиги қандай ҳуқуқий меъёрлар билан ифодаланади каби саволларга жавоб топиш мақсадида кўпгина илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган ва натижада юридик шахс институти кашф этилган. Бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида юридик шахснинг ҳуқуқий мавқеи янада ошди ва фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш доираси анча кенгайди. Аммо юридик шахснинг тушунчаси, моҳияти ҳақида ҳанузгача турли илмий фикрлар, таълимотлар, мулоҳазалар ва мунозаралар мавжуд.

Юридик шахснинг моҳияти ҳақида қуйидаги асосий назарий таълимотларга тухталиб утамиз:

1. **Фикция назарияси.** Ушбу назариянинг муаллифи Германиянинг машҳур ва ўз вақтида таниқли олими Фридрих Савиньи ҳисобланади<sup>1</sup>. Фикция назарияси XIX асрда чоп этилган цивил ҳуқуқига оид адабиётларда қўллаб-қувватланди ва янада ривожлантирилди. Ҳуқуқшунос цивилистларнинг фикрига кўра юридик шахс ибораси сохта, яъни одамларнинг манфаатини кўзда тутиб уйлаб чиқарилган «жисмоний шахс» тушунчасига нисбатан таққослаш йули билан қонун чиқарувчи орган томонидан қабул қилинган сунъий тушунчадан иборат.

Фикция (сохта) назария буйича инсонлар (жисмоний шахслар) йигиндисидан ташкил топган корпорациялар, бирлашмалар илмий жиҳатдан тахмин қилинган ҳолда шахс сифатида ифодаланган. Юридик шахснинг моҳияти 1245 йилда Рим папаси Иннокентий IV томонидан шундай тавсифланган эди: юридик шахс фикция ёрдамида фақат тушунча сифатида мавжуд, у одам танасидан иборат эмас, шундай экан, уз эркига ҳам эга эмас. Корпорация эмас, балки фақат унинг аъзолари ҳаракатда бўлиши мумкин, шунинг учун ҳам корпорация жиноят содир қилолмайди, уни черковдан ажратиб бўлмайди<sup>2</sup>.

Фикция назарияси тарафдорларининг фикрлари ва мулоҳазаларини инобатга олган ҳолда уни қуйидаги йуналишларга ажратиш мумкин:

1) давлат фикция, яъни сохта тушунча воситасида сунъий ҳуқуқ субъектини яратмоқда;

2) қонун уз ҳолича ҳеч нарса яратмайди ва ярата олмайди ҳам, у фақат амалда шахс (юридик шахс) ролини бажарувчи сунъий субъектни тан олиш билан чекланади;

3) юридик шахс деб жисмоний шахс булмасдан туриб, қонун билан тан олинган ҳуқуқ субъекти тушунилади;

4) юридик шахс тушунчаси қабул қилинган юридик техника шунчаки юридик воситадан иборат.

Фикция назарияси буйича юқорида келтирилган йуналишларга тааллуқли фикрларнинг турлича бўлишидан қатъи назар, улар юридик шахс моҳиятига баҳо беришда бир биридан узоқ эмас. Ушбу назария тарафдорлари томонидан яратилган

---

<sup>1</sup>Қаранг: *Savigny E. C. System des heutigen roemischen Rechts. Vol. II. Berlin. 1840.*

<sup>2</sup>Қаранг: *Дювернуа Н.Л. Конспект лекций по гражданскому праву. Спб., 1886. Вып.2. —С.31-32.*

таълимотнинг асосий мазмуни шундан иборатки, ҳуқуқ ҳақиқатда амалда мавжуд бўлмаган ҳуқуқ субъектини (юридик шахсни) сунъий равишда юзага келтирмоқда. Бундай таълимотга қушилиш қийин, чунки унга биноан юридик шахс тушунчаси бир томонлама талқин қилинади, унга фақат жисмоний шахслардан ташкил топган сунъий субъект сифатида баҳо берилади, уни ифодаловчи асосий белгиларидан иборат бўлган алоҳида мулк эгаси эканлиги ҳисобга олинмайди. Ҳуқуқ амалда мавжуд бўлмаган субъектни ярага олмайди. Ҳуқуқ мавжудликка асосланади, ташкил топган субъектларнинг ҳуқуқий мақомини белгилайди, улар уртасида вужудга келган муносабатларни тартибга солади.

**2. Коллектив назарияси.** Ушбу назария социалистик ҳужалик тизими ривож топган даврда юзага келди. А.В. Венедиктов<sup>1</sup>, С.Н. Братусьлар<sup>2</sup> ушбу назариянинг асосчиларидан ҳисобланади. Коллектив назариянинг юридик жавобгарлик масаласига оид томонлари асосан О.С. Иоффе, Г.К. Матвеев, В.К. Райхер, А.А. Мусин ва бошқа олимлар томонидан ҳар томонлама талқин қилинди<sup>3</sup>.

Коллектив назарияси асосан давлат юридик шахслари, яъни давлат корхоналари ва давлат муассасаларига нисбатан ишлаб чиқилди. Ушбу назарияни ишлаб чиқиш осон эмас эди, чунки биронта бир давлат корхонаси ёки муассаса фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда узига бириктирилган мулкка нисбатан мулкдор, яъни мулк ҳуқуқининг эгаси сифатида иштирок этмас эди. Бундай шароитда узи мулк эгаси бўлмаган давлат юридик шахсининг эрки, иродаси ким томонидан ифода этилиши мумкин, деган масаланинг ечимини топиш осон эмас эди. Ушбу масала буйича коллектив назария асосчиларининг фикрича, давлат томонидан тайинланган

---

<sup>1</sup>Қаранг: *Венедиктов А.В.* Государственная социалистическая собственность. —М.: Л., 1948. О государственных юридических лицах в СССР. //Вести Ленингр. университета. 1955. №3.

<sup>2</sup>Қаранг: *Братусь С.Н.* Юридические лица в советском гражданском праве. —М.: 1947; *Субъекты гражданского права.* —М.: 1950.

<sup>3</sup>Қаранг: *Иоффе О.С.* Развитие цивилистической мысли в СССР. —Л.: 1975. Ч.1.; *Иоффе О.С., Райхер В.К., Толстой Ю.К.* Теоретическое наследие академика А.В.Венедиктова // Проблемы гражданского и административного права /Под ред. Черепяхина Б.Б., Иоффе О.С., Толстого Ю.К. —Л.: 1962; *Толстой Ю.К.* Содержание и гражданско-правовая защита права собственности в СССР. —Л., 1955.

шахс раҳбарлик қилаётган, муайян вазифаларни бажариш учун давлат томонидан ташкил этилган ва бунинг учун бир лашган фонд ҳисобланган, яъни давлат мулкидан **оператив бошқариш** учун маълум миқдорда маблағ билан таъминланган **ишчилар ва хизматчилар коллективи** давлат юридик шахси деб ҳисобланади. Демак, хулоса қилиб айтганда, давлат юридик шахсининг эркини давлат корхонасининг ишчилар коллективи ифодалайди.

Юридик шахс ҳисобланган кооператив ва жамоат ташкилотларининг эрк-иродаси ким томонидан ифодаланиши мумкин, деган масалани ҳал қилиш унчалик мураккаб эмас эди. Ушбу кооперативлар ва жамоат ташкилотлари корпоратив тарзда ташкил топган булиб, юридик шахснинг эрк-иродаси уларнинг аъзолари томонидан амалга оширилади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, деярли унинг охиригача коллектив назария фуқаролик ҳуқуқи соҳасида етакчи урин эгаллаб келди. 1960 йилларда янги Фуқаролик кодекси устида иш олиб борилган даврда коллектив назарияга алоҳида эътибор берилди. Гражданлик кодексига «оператив бошқариш ҳуқуқи» тушунчаси киритилди. Ушбу тушунча амалдаги Фуқаролик кодексига ҳам сақлаб қолинди (ФКнинг 165, 178, 181-моддалари).

Бозор иқтисодиётининг ташкил топиши билан юридик шахс эрк-иродасини корхона ишчи ва хизматчилар коллективи белгилайди ва амалга оширади, деган назария, яъни «коллектив назария» қатор камчиликларга дуч келди. Утмишда ушбу назария давлат эҳтиёжларига, режали хужалик тизимининг талабларига жавоб бериб келган булса, ҳозирда юз берган ташкилий-ҳуқуқий ўзгаришларнинг табиатига мос келмай қолди. Ма салан, утмишда давлат корхонасининг ишчилари ушбу корхонанинг таркибини ташкил этган булса, ҳозир улар нафақат ушбу корхонанинг таъсисчилари (иштирокчилари), балки умум халқ мулки деб ҳисобланган корхона мулкига нисбатан ҳам ҳеч қандай ҳуқуққа эга эмас. Улар корхона мулкининг ташкил топишида иштирок этмайди ва унинг кредиторлари олдига ҳам мулкий жавобгарликни уз зиммасига олмайди, чунки улар мол мулк ва муайян ҳуқуққа эга эмас.

**3. Маъмурият ёки директор назарияси.** Юридик шахс моҳияти ҳақида олимлар уртасида ижодий тортишувлар маҳсули сифатида яна бир, яъни «маъмурият ёки директор назарияси»



пайдо булди. Ушбу назария ҳам давлат юридик шахсининг мо-  
хиятини акс эттиришга бағишланди<sup>1</sup>.

Мазкур назарияга биноан юридик шахс бошқарувчиси унинг  
хуқуқ субъекти ҳисобланади. Юридик шахс ортида унинг эрки-  
ни бошқа юридик шахсларга нисбатан ифода этувчи ва амалга  
оширувчи директор туради деган фикрлар мавжуд.

Маъмурият назарияси (директор назарияси) тарафдорла-  
рининг фикрича давлат ҳокимиятининг ваколатли органи то-  
монидан тайинланган корхона ёки муассасанинг масъул раҳ-  
бари тегишли юридик шахснинг эркини ифода этувчи орган  
ҳисобланади. Бундай сифатга эга булган юридик шахс органи  
унга, яъни ушбу юридик шахсга нисбатан мустақил хуқуқ  
субъекти ҳисобланмайди. Шундай экан, юридик шахс билан  
унинг органи уртасида хуқуқий муносабатлар вужудга келмай-  
ди. Ўз ваколати доирасида амалга оширилган органининг ҳара-  
катлари юридик шахснинг ҳаракатлари деб ҳисобланади<sup>2</sup>.

Баъзан юридик адабиётларда ҳам «коллектив назария» би-  
лан «директор назарияси»ни бир-бирига яқин таълимот экан-  
лиги туғрисидаги фикрларга дуч келамиз. Бунга кўра, агар кор-  
хона раҳбарининг эрк-иродаси юридик шахс эрк-иродаси деб  
тан олинар экан, юридик шахс фақат у орқали хуқуқ ва маж-  
буриятларга эга бўлади, раҳбар юридик шахс мақоми сифати-  
да тасаввур қилинади. Умуман олганда, юридик шахс, бу иш-  
чилар коллективи, унинг ортида эса раҳбар бошчилигида дав-  
лат ва маъмурият туради. Юридик шахс давлат томонидан тузил-  
ган ёки фуқаролар ташаббуси билан ташкил этилган ишчилар  
коллективи. Ишчилар ва хизматчилар коллективи мавжуд  
булмасдан туриб юридик шахс мавжуд бўлишининг иложи йўқ,  
юридик шахс мисоли бир афсонавий фигура (шакл), у унга  
юкланган фаолиятни мустақил амалга ошира олмайди. Давлат  
корхоналари ва ташкилотларига раҳбарлик қилишда меҳнат

---

<sup>1</sup>Қаранг: *Александров Н.Г.* Законность и правоотношения в социалистическом обществе. —М.: 1955. —С.154; *Кечекьян С.Ф.* Правоотношения в социалистическом обществе. —М.: 1958. —С.105; *Толстой Ю.К.* Содержание и гражданско-правовые защита права собственности в СССР. —Л.: 1955. —С.88. Он же. О государственных юридических лицах в СССР. //Вестник. Ленингр. ун-та. 1955. №3.

<sup>2</sup>Қаранг: *Толстой Ю.К.* К разработке теории юридического лица на современном этапе. //Проблемы современного гражданского права. Сб. статей. —М.: Городец, 2000. —С.108.

коллективи ва унинг раҳбари — директорнинг ролини янада юқори кутарилиши тахмин қилинади<sup>1</sup>.

«Директор назарияси» ишлаб чиқариш ва хужаликни бошқаришда утмишда қўлланиб келинган яккабошчилик тамойилидан дарак беради. Бундай тамойил иқтисодий муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда маъмурий-буйруқбозлик методини қўллашга асосланади. Корхона раҳбарини (директорини) ваколатли давлат ҳокимияти органи томонидан тайинланиши, унинг шахсан ўзи корхонага раҳбарлик қилиши, унинг юридик шахс органи ҳисобланиши, юридик шахс номидан муомалада унинг ўзи қатнашиши — буларнинг барчаси уша режали хужалик тизимида авж олган яккабошчилик тамойил қўлланилишининг ифодасидир.

Корхона раҳбарини юридик шахснинг органи, яъни ҳуқуқ субъекти деб тан олиш бозор хужалик тизимида мос келмайди. Ушбу тизимда биринчи галда, тижорат ташкилотлари хужалик жамиятлари ва ширкатлар юридик шахс бўлиб, ҳисобланиши мумкин. Буларнинг мулкidan иборат бўлган корхоналарга ҳуқуқ субъекти эмас, балки ҳуқуқ объекти деб қараш керак<sup>2</sup>.

**4. Ижтимоий воқелик назарияси**, рус тилида «теория социальной реальности». Ушбу назария тарафдорларининг фикрига қура, юридик шахс ижтимоий-фойдали мақсадга эришиш учун ёки давлат ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаларини амалга ошириш учун тегишли мол-мулкка эга бўлган «ижтимоий воқеликдан» иборат<sup>3</sup>.

«Ижтимоий воқелик» таълимотига биноан юридик шахс инсон, яъни жисмоний шахс эмас, балки у танасиз, жонсиз бўлишидан қатъи назар шахс, яъни ҳуқуқий шахсдан иборат. Ушбу мисраларда маъно куп. Демак, юридик шахс инсон эмас, унда инсонларга хос тана йўқ, шунга қарамасдан у тегишли тартибда шахс деб тан олинган, у узига берилган бундай сифат билан фуқаролик ҳуқуқи субъекти бўлган «жисмоний шахслар» га сунъий равишда тенглаштирилган, шу билан унга ҳуқуқий муносабатларда қатнашиш имконияти берилган.

<sup>1</sup>Қаранг: *Грибанов В.П.* Юридические лица. —М.: 1961. —С.9.

<sup>2</sup>Қаранг: *Гражданское право. Т.1. Учебник. // Ответ. ред. доктор юридических наук, проф. Е.А.Суханов.* —М.: 2004. —С.225.

<sup>3</sup>Уша жойда.

ФҚНинг 39-моддасида юридик шахсга қуйидагича тушунча берилган: «Ўз мулкида, хўжалик юритишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот юридик шахс ҳисобланади».

Қонунда берилган тушунчадан шу нарса маълум бўладики, демак, юридик шахс «давлат» эмас, «коллектив» эмас, шунингдек, «директор» ҳам эмас, юридик шахс — бу унинг ҳуқуқий мақомини ифодаловчи маълум белгилардан ташкил топган **ташкилотдан** иборат.

Қонун ҳар қандай ташкилотни юридик шахс сифатида тан олмайди, бунинг учун у, масалан:

1) иқтисодий жиҳатдан — ўз мулкига ёки унга бириктирилган алоҳида мол-мулкка эга бўлган;

2) моддий-ҳуқуқий жиҳатдан — ўз номидан мулкий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва уларни амалга ошириш қобилиятига эга бўлган;

3) процессуал-ҳуқуқий жиҳатдан — судда, хўжалик судида, ҳакамлик судида даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот бўлиши керак.

Юридик шахснинг юқоридаги белгилари эътиборга олинганда, у жисмоний шахслар каби тула даражада ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга ташкилот эканлигидан ҳамда унинг ижтимоий воқеликдан иборат эканлигидан дарак беради.

Бинобарин, юридик шахс — бу қонунда назарда тутилган моддий ва ҳуқуқий аломатларга (белгиларга) эга бўлган ташкилотдир.

Ҳозирги даврда шаклланган фан нуқтаи назаридан қараганда, юридик шахс тушунчаси турлича ифодаланиши мумкин, унга сунъий ҳуқуқ субъекти ёки табиати жиҳатдан мажмуавий характерда бўлган мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлар ҳамда бурчларга эга бўлган, муайян мақсадга эришишга қаратилган ва аҳолининг эҳтиёжларини таъминлаш учун қонунга мувофиқ ташкил қилинган, ижтимоий мавқега эга бўлган ҳуқуқ субъекти деб қараш мумкин.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, бирон бир назария юридик шахс тушунчасини, бошқа тушунчалар каби, охиригача

мутлақ туғри ифодалаб бера олмайди, чунки ҳар бир шахс субъектив фикрга эга, унинг дунёқараши муайян муҳитга боғлиқ. Юридик шахснинг моҳияти ҳақида олимлар томонидан яратилган назарияларни муайян шароит эҳтисождларидан келиб чиққан деб тушуниш лозим.

Умуман олганда, юридик шахс институти ҳақида берилган назариялар, ушбу институтнинг муқаддам ривожланиб келаётганлигидан дарак беради.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Ҳуқуқий институт сифатида ширкатларнинг вужудга келиши?
2. Туркистонда ширкатлар тизимининг ривож топиши?
3. Юридик шахсларнинг вужудга келишида ширкатларнинг эгалланган урни?
4. Ҳуқуқий мақоми буйича ширкат билан юридик шахснинг фарқи?
5. Юридик шахс институтининг турли мамлакатларда турли равишда ва шаклда ривож топиши?
6. Совет ҳокимияти урнатилгунига қадар Туркистонда ва Россияда юридик шахсларнинг ривожланиши?
7. Юридик шахсларнинг Туркистон Автоном Республикаси (ТАССР) да ташкил топиши?
8. Юридик шахсларнинг Совет ҳокимияти давридаги ҳуқуқий мақоми?
9. Юридик шахсларнинг мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасида ривожланиши?
10. Юридик шахснинг моҳияти ҳақида таълимот?
11. Фикция ва коллектив назариялар?
12. Маъмурият (директор) ва ижтимоий воқелик назариялар?

## *Қушимча адабиётлар*

1. Гражданское право. Т.1. Изд. четвертое, переработанное и дополненное /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. —М.: «ПБОЮЛ Л.В.Рожников». 2000.
2. Гражданское право. Т.1. Учебник. 3-е. изд., переработанное и дополненное /Отв.ред. проф. Е.А.Суханов. —М.: Волтерс Клувер, 2004.
3. Козлова Н.В. Понятие и сущность юридического лица: очерк истории и теории. —М.: 2003.
4. Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Дарслик. —ТДҶОИ, 2007.
5. Раҳмонқулов Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. —Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 1997.
6. Суворов Н.С. Об юридических лицах по римскому праву (Серия «Классика российской цивилистики»). —М.: 2000.

### III боб

## ЮРИДИК ШАХС ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ТУРЛАРИ

### 1-§. ЮРИДИК ШАХС ТУШУНЧАСИ

ФКнинг 4-боби юридик шахсларга бағишланган. Ушбу боб 3 та параграф ва 39—78-моддалардан ташкил топган. 1-параграф умумий қоидалардан (39—57-моддалар) иборат, 2-параграф тижорат ташкилотларига (58—72-моддалар), 3-параграф тижоратчи бўлмаган ташкилотларга (73—80-моддалар) бағишланади. Мазкур параграфлар моддаларида юридик шахснинг тушунчаси ва унинг турлари, юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати, унинг вужудга келиши, таъсис ҳужжатлари, давлат руйхатидан ўтказилиши, унинг органлари, номи, ваколатхоналари ва филиаллари, юридик шахснинг жавобгарлиги, қайта ташкил этилиши, тугатилиши, тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлар тушунчаси, турлари ва бозор муносабатлари талабларига жавоб берадиган ва иқтисодий бошқаришда демократик тамойилларни қўллаш учун зарур бўлган бошқа қоидалар мантиқий боғланиш жиҳатдан талабга жавоб берадиган тартибда жойлаштирилган.

Юридик шахс тушунчаси қонуннинг узида берилган (ФКнинг 39-моддаси) белгилари билан ифодаланади. Ушбу белгилар қуйидагилардан иборат:

- 1) ташкилий бирлик;
- 2) ўз мулкига ва алоҳида мол-мулкка эга бўлиш;
- 3) мустақил баланс ва сметага эга бўлиш;
- 4) ўз мажбуриятлари юзасидан мол-мулки билан мустақил жавобгар бўлиш;
- 5) ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўлиш ва судда даъвогар ва жавобгар бўлиш.

1. Ўз хусусиятлари билан юқорида келтирилган белгиларга эга бўлган ҳар қандай **ташкилот** юридик шахс ҳисобланади (ФКнинг 39-моддаси). **Ташкилий бирлик** деганда муайян ижтимоий-иқтисодий вазифаларни бажариш учун ташкил этилган,

узининг ички тузилмаларидан, яъни бошқарув органлари ва бўлинмаларидан иборат булган бирлашган яхлит ташкилотни тушунамиз. **Таъсис ҳужжатлари** ташкилотни юридик шахс деб тан олиш учун керак булган асосий ҳужжатдир.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатлари, уларнинг турлари ва мазмуни, расмийлаштириш ва руйхатдан утказиш тартибига оид қоидалар **ФКнинг 43-моддасида** назарда тутилади.

Таъсис ҳужжатлари воситасида юридик шахснинг ҳуқуқий мақоми белгиланади ва шу билан бирга унинг вужудга келиши учун зарур бўлган шарт-шароитларни яратади. Кўпчилик юридик шахслар (масалан, акциядорлар жамияти, унитар корхоналар) уз фаолиятини шахсий (индивидуал) уставлар асосида амалга оширадилар. Қатор юридик шахсларнинг уставлари давлат органлари томонидан тасдиқланган қонун-ости (поднорматив) ҳужжатлар (намунавий уставлар, низомлар) асосида ишлаб чиқилади. Баъзи турдаги юридик шахслар учун таъсис ҳужжат сифатида ҳам устав, ҳам шартнома биргаликда назарда тутилади. Тижоратчи бўлмаган юридик шахсларнинг маълум бир турлари қонунда назарда тутилган ҳолларда ушбу турдаги ташкилотлар учун қабул қилинган умумий қоидаларга асосан фаолият юритадилар (**ФКнинг 76-моддаси 4-қисми**). Бундай ҳолларда шахсий (индивидуал) таъсис ҳужжатларга ҳожат қолмайди, чунки бу турдаги тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг амалга оширадиган фаолиятларида бир-бирига ухшашлик мавжуд бўлади. Таъсис шартнома ва уставлар турли тартибда қабул қилинади ва уларнинг ҳуқуқий табиати ҳам бир-биридан фарқ қилади (**ФКнинг 43-моддаси**).

Барча иштирокчилар томонидан юридик шахсни ташкил қилиш туғрисидаги имзо қўйилган таъсис шартномаси куп томонлама фуқаролик-ҳуқуқий шартнома ҳисобланади. Қабул қилинган бундай шартнома муассислар учун ҳам, унинг асосида ташкил қилинган юридик шахс учун ҳам мажбурийдир. Устав уз табиатига кура, муассислар томонидан ишлаб чиқилган алоҳида, яъни маҳаллий (локалний) норматив ҳужжат ҳисобланади. Ҳар қандай бир турдаги ташкилотнинг устави белгиланган маълум тартибда тасдиқланади. Масалан, ишлаб чиқариш кооперативининг устави шу кооператив аъзоларининг умумий мажлиси томонидан тасдиқланади (**ФКнинг 69-моддаси**). Устав фақат муассислар ёки юридик шахс учун эмас, бал-

ки улар билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи барча учинчи шахслар учун ҳам зарур.

Устав қоидалари билан таъсис шартноманинг шартлари бир-бирига мос келмаган тақдирда, уставда назарда тутилган қоидалар аҳамияти жиҳатдан устун туради.

Юридик шахс тақдим этилган таъсис ҳужжатларига асосан давлат руйхатидан утказилади. Шунинг учун ҳам таъсис ҳужжатларига киритилган узгартиришлар давлат руйхатидан утказилганда юридик шахснинг узини қайтадан руйхатдан утказилган деб ҳисобланади. У уз фаолиятини узгартирилган таъсис ҳужжати асосида амалга оширади.

**Бинобарин, таъсис ҳужжатлари деганда, маълум турдаги ташкилотлар тўғрисидаги умумий қоида эмас, балки таъсис шартномаси ва юридик шахснинг устави тушунилади.** Шунга ухшаш ҳужжатларнинг булиши юридик шахсни ташкилий бирлик хусусиятига эга булган ташкилот сифатида расмий равишда тан олинисидан дарак беради.

**2. Узига тегишли булган мол-мулкнинг алоҳида булиши** юридик шахс тушунчасини ифодаловчи асосий белгилардан иборат. Юридик шахснинг мол-мулки унинг таъсисчилари (иштирокчилари)нинг мол-мулкидан мустақил равишда алоҳида ажратилган бўлади. Шундай экан, у уз мажбуриятлари юзасидан узига қарашли бўлган мол-мулк ҳисобидан жавобгар бўлади.

Мазкур ҳолат юридик шахснинг таъсисчилари учун анча қулай имкониятлар яратади, улар биринчидан, юридик шахснинг мол-мулкидан фойдаланишдан олинган даромаддан узлари қушган ҳиссага яраша олдиндан белгиланган миқдорда фойда (дивиденд) олади, иккинчидан, юридик шахс мол-мулкнинг сақланиши ёки сақланмаслиги хавф-хатаридан озод бўлади, учинчидан, юридик шахс кредиторлари олдида мулккий жавобгарликни уз зиммасига олмайди. Бу умумий қоида. Аммо юридик шахс масъулияти чекланган жамиятдан иборат булган тақдирда унинг таъсисчилари жамиятнинг фаолияти билан боғлиқ зарар учун узлари қушган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгар булишлари мумкин.

Алоҳида мол-мулк, биринчидан, юридик шахснинг узига тегишли, яъни, у ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи субъекти булиши мумкин, иккинчидан, мулк ҳуқуқининг эгаси булмасдан унга бириктирилган мол-мулкка нисбатан ҳужа-

лик юритиш, учинчидан, ушбу мол-мулкка нисбатан оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлиши мумкин.

1963 йилги Гражданлик кодексининг 23-моддасига биноан юридик шахс «узига хос мулкка эга бўлган» ташкилот ҳисобланган. Лекин ушбу мулкка нисбатан юридик шахс қандай ҳуқуққа эга ва бу ҳуқуқнинг субъекти ким эканлиги ноаниқ эди. Амалдаги ФКда юридик шахсни ифодаловчи асосий белгиларидан бўлган унинг мулккий ҳуқуқига аниқлик киритилди. Унинг 39-моддасига асосан юридик шахс уз қўл остида бўлган мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга ёки бундай ҳуқуққа эга бўлмасдан унга нисбатан ҳужалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга эканлиги назарда тутилади.

Мол-мулкка эга бўлмаган ташкилот фуқаролик (мулккий) муомалада мустақил равишда қатнаша олмайди. Шу сабабли, у фуқаролик ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти сифатида ҳам тан олинмайди. Юридик шахс узига тегишли алоҳида мулкка эга бўлмасдан, ундан фойдаланиш ҳуқуқига (масалан, бино ижараси) ёки талаб қилиш ҳуқуқига (масалан, банк ҳисобидаги пул маблағлари) эга бўлиш билан ҳам, фуқаролик муомаласида қатнашиши мумкин. Бундай ҳолатлар мулккий муносабатларнинг қанчалик кенг маънода тушуниш кераклигидан, ушбу муносабатлар нафақат ашё, балки ҳуқуқ категорияларидан иборат эканлигидан далолат беради.

3. Юридик шахсга бириктирилган барча мол-мулк **баланс ёки смета** тариқасида ҳисобга олинади. Баланснинг бўлиши юридик шахснинг мол-мулкни маълум даражада алоҳида ажратилишини ва уни мулккий муносабатларни мустақил равишда ташкил қилишини таъминлашда ёрдам беради. Балансда юридик шахснинг бутун мол-мулки ҳажми бошланғич ҳолатда **устав капитални** ёки «устав фонди»ни (ширкатларда — «тупланма капитал», кооперативларда — «улушли фонд») уз ичига олади. Шунингдек, балансда келиб тушадиган даромадлар, баланснинг актив ва пассив қисмлари батафсил акс эттирилган бўлади. Юридик шахснинг филиаллари ва бошқа бўлинмалари ҳам бухгалтерия ҳисоб-китобини олиб борадилар ва алоҳида баланс юритишлари ҳам мумкин. Аммо уларнинг баланслари мустақил характерга эга бўлмайди, юридик шахс буйича қилинадиган баъзи ҳаракатлар ушбу балансларда кўрсатилмайди.

**Смета** муассасаларнинг харажатларини таъминлаш учун мулкдор томонидан ажратилади. Смета — бу пул маблағларининг



кириб келиши, харажат қилинишини акс эттириш билан бирга, сиртдан келадиган маблағлар ҳисобига таъминланувчи ижтимоий-маданий, бошқарув ва шунга ухшаш бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган муассасаларнинг мол-мулкани алоҳида эканлигини ифодаловчи восита ҳисобланади.

4. Юридик шахе ўз мажбуриятлари бўйича ўзига қарашли булган **мол-мулк билан мустақил жавоб беради** (ФКнинг 48-моддаси 1-қисми). Юридик шахснинг алоҳида мол-мулкка эга булиши билан боғлиқ мантиқ шундан иборатки, вужудга келиши мумкин булган етказилган зарарни ундириш бўйича унинг кредиторлари ўз талабларини юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари)нинг шахсий мол-мулкига эмас, балки унинг мол-мулкига нисбатан қўзғатади. Кредиторларнинг бундай талабларини қаноатлантириш мақсадида кафолат сифатида мол-мулк энг кам миқдорда устав капитали билан белгиланади.

Юридик шахснинг жавоб бериши учта ашёвий ҳуқуққа (мулк ҳуқуқи, хужалик юритиш ҳуқуқи, оператив бошқариш ҳуқуқи) нисбатан қаратилган булиши билан чекланмайди. Баъзи юридик шахслар (айниқса, тижорат ташкилотлари) қўл остидаги мол-мулкдан ташқари бошқа мол-мулкларга ҳам эга булишлари мумкин. Булар, мажбурият ҳуқуқига мувофиқ, юридик шахсларнинг ҳисоб-китобида турган банкдаги пул маблағларидан иборат булиши мумкин. Юридик шахслар ўз мажбуриятлари бўйича одатда ушбу маблағлари ҳисобидан жавоб берадилар. Шундай юридик шахслар ҳам борки, уларнинг барча мол-мулки банклардаги ҳисоб-китоб рақамларидаги пул маблағларидан ва ижарага олинган мол-мулкдан иборат булади. Демак, уларнинг мол-мулкани ФКнинг 39-моддасига биноан учта ашёвий субъектив ҳуқуқ билан тасаввур қилиш қийин. Шундай экан, бундай ташкилотларни юридик шахс деб ҳисоблаш мумкинми ёки мумкин эмасми, деган савол келиб чиқади. Ашёвий ҳуқуқни юридик шахснинг фақат алоҳида ажратилган мулки деб қарамаслик керак. Юридик шахс мол-мулкнинг алоҳида ажратилган булиши фақат юқоридаги учта шаклда эмас, балки бошқа шаклларда ҳам ифодаланган булиши мумкин. Шунинг учун ҳам ФКнинг 39-моддаси 1-қисмини сузма-суз қисқа маънода тушунмаслик керак. Ташкилотда мулкка нисбатан мулк ҳуқуқининг, хужалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқининг уни юридик шахс сифатида тан олмаслик ва уни руйхатдан утказмаслик учун асос була олмайди. Демак, юридик шахс-

нинг уз мажбуриятлари юзасидан жавобгарлиги бевосита 39 моддада курсатилмаган бошқа мулкый объектларига ҳам қаратилган булиши мумкин.

Умумий қоидага биноан юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари) унинг қарзлари буйича жавобгар бўлмайдилар. Қонун билан жавобгарлик урнатилган ҳоллар ҳам мавжуд. Бундай жавобгарлик, қўшимча характерга эга булиб, юридик шахснинг жавобгарликдан озод бўлиши учун унинг етишмай қолган мол-мулкнинг доирасида белгиланади (ФКнинг 48-моддаси). Таъсисчилар (иштирокчилар)нинг субсидиар, яъни қўшимча жавобгарлиги (баъзан уни адабиётларда чекланган жавобгарлик деб ҳам аташади) қуйидаги юридик шахсларда фаолиятининг натижалари буйича қўлланилади: қўшимча масъулиятли жамият (63-модда); ишлаб чиқариш кооперативлари (69-модда); давлат унитар корхонаси (72-модда); жамоат бирлашмалари (74-модда); муассасалар (76-модда); юридик шахслар бирлашмалари (77-модда) ва ҳ.к.

5. Юридик шахснинг **фуқаролик-хуқуқий муносабатларда ва судда ўз номидан иштирок этиши** унинг мустақиллигидан, бошқа ташкилотлардан фарқ қилишидан дарак беради. Ҳар бир юридик шахсни таъсис ҳужжатлари билан белгиланган номи уларни бир-биридан ажратиб туради. Юридик шахснинг номида унинг ташкилий-хуқуқий шакли кўрсатилган булиши керак. Масалан, «коммандит ширкат» ёки «масъулияти чекланган жамият» ва ҳ.к. Бундай талабга амал қилиш юридик шахсга хос хусусиятларига қараб, уларни бир-биридан фарқлашда жуда зарур. Тижоратчи бўлмаган (масалан, унитар корхона) баъзи бир юридик шахсларни бундай фарқлаш, улар фаолиятининг характерига қараб амалга оширилади. Масалан, тижоратчи бўлмаган матлубот кооперативининг номи унинг фаолият мақсади ва «кооператив» деган суз қўшилиб ёзилиши билан белгиланади.

Тижоратчи бўлмаган баъзи ташкилотларнинг номида улар томонидан тузиладиган битимларнинг қонуний булиши, улар фаолияти учун жавоб берадиган ташкилотнинг ким эканлиги маълум булиши учун қўшимча маълумотлар курсатилган бўлади. Масалан, унитар корхонанинг фирма номида унинг мулкнинг эгаси ким эканлиги курсатилади (ФКнинг 70-моддаси 5-қисми).

Тулиқ ширкатнинг фирма номи унинг барча иштирокчиларининг номларини уз ичига олади (ФКнинг 60-моддаси 3

қисми) ва шунга ухшаш маълумотлар юридик шахсга хос булган хусусиятлардан дарак беради.

Ўзбекистон Республикаси 1995 йилнинг 6 июнидан бошлаб 1883 йилда қабул қилинган «Саноат мулкани ҳимоя қилиш буйича Париж Конвенцияси»нинг иштирокчиси ҳисобланади. Конвенциянинг (d) бандига асосан фирма номи ҳар бир келишилган давлатда алоҳида талабнома берилмасдан, рўйхатдан утказилмасдан ҳимоя қилинади. Демак, юридик шахс ўз фирмасининг номидан фойдаланишда мутлақ ҳуқуққа эга. Фирма номини рўйхатдан утказган ташкилот ундан фойдаланишда (фирма бланкаларида, реклама қилишда, товарларни ураб қўйишда) махсус имкониятга эга бўлади ва бошқа юридик шахслар томонидан унинг фирма номидан фойдаланишини тўхтатиш ҳақида талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Фирма номидан ғайриқонуний равишда фойдаланаётган шахс фойдаланишни давом эттиришни дарҳол тўхтатиши ва фойдаланиш даврида етказилган зарарни фирма номига эга бўлган шахсга тулаши лозим.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи юридик шахсларни бошқалардан ажратишда фирма номи билан бир қаторда товарларнинг белгиси, хизмат кўрсатиш белгиси, шунингдек, товар ишлаб чиқарилган жойнинг номини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга. Улар рўйхатдан утказилгандан кейин тегишли тижорат ташкилотининг мутлақ ҳуқуқ объекти бўлиб ҳисобланади.

6. Юридик шахснинг расмий равишда тан олинган **тураржойга** эга бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Юридик шахснинг тураржойи, агар қонунга мувофиқ юридик шахснинг таъсис ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, у давлат рўйхатидан утказилган жой билан белгиланади (ФКнинг 46-моддаси 3-қисми).

1963 йилдаги Гражданлик кодексига мувофиқ, юридик шахснинг тураржойи, унинг доимий ҳаракат қилувчи органининг тураржойи ҳисобланган. Бундай бўлиши ўша даврдаги талабларга жавоб беради. Чунки республикалар ҳудудида жойлашган кўпчилик йирик корхоналар, уларнинг филиаллари умумиттифоқ мавқеига эга бўлиб, уларнинг бошқарув органлари иттифоқнинг марказий шаҳарларида жойлашган эди. Юридик шахснинг ўзи турган жойдаги давлат идорасидан рўйхатдан утиши назарда тутилар экан (ФКнинг 44-моддаси), унинг ту-

таржойини ҳам давлат руйхатидан утказилган жой деб ҳисоб ланиши мақсадга мувофиқ.

Юридик шахсни руйхатдан утган жойига қараб, унинг ўз мажбуриятлари бўйича жавоб берадиган жойи, вужудга келадиган низоларнинг қайси судга тааллуқли бўлиши ва бошқа масалаларни ҳал қилиш белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган қонунига мувофиқ юридик шахс ўзи билан алоқа амалга ошириладиган почта манзилига эга бўлиши лозим ҳамда ўзининг почта манзили узгарганлиги туғрисида ваколатли давлат органларини хабардор этиши шарт<sup>1</sup>. Юридик шахснинг номи ва жойлашган ери (почта манзили) унинг таъсис ҳужжатларида кўрсатилади (ФКнинг 46-моддаси 5-қисми).

Юридик шахснинг номи, тураржойи ва бошқа унга асос бўлган фуқаролик-ҳуқуқий белгилари субъектив ҳуқуқ ва бурчларнинг кимга тегишли эканлигини, шартномавий ва бошқа ҳуқуқий муносабатларнинг тарафлари, вужудга келган низонинг даъвогари ёки жавобгари ким эканлигини аниқлаш учун имконият яратади.

## 2-§. ЮРИДИК ШАХСНИНГ ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати унинг муомала лаёқати билан бир вақтнинг ўзида биргаликда вужуга келади, шу билан у жисмоний шахснинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини вужудга келишидан фарқ қилади. Шунинг учун ҳам ФКда ва фуқаролик қонун ҳужжатларида юридик шахснинг фақат ҳуқуқ лаёқати туғрисида қоидалар назарда тутилади.

Ўтмишда юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати юқори идоралар томонидан қайд қилинган устав ва низом асосида белгиланарди. Амалдаги ФКнинг 41-моддасига мувофиқ бундай лаёқат юридик шахснинг ўзининг таъсис ҳужжатлари, устави, низоми ёки қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Умумий қоидага биноан юридик шахслар турли хил фаолиятлар билан эркин шуғулланишлари мумкин. Лекин давлат манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда юридик шахслар қонунда назарда тутилган ҳолларда айрим фаолият турлари билан фақат махсус рухсатнома (лицензия) асосида шуғулланишлари мумкин.

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил 9-сон, 229-модда.

Ўтмишда режали хужалик тизими даврида юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати асосан махсус характерга эга буларди, ҳозир у ҳам махсус, ҳам умумий (универсал) ҳуқуқ лаёқатига эга булиши мумкин. Махсус ҳуқуқ лаёқати деганда юридик шахс фаолиятини унинг таъсис ҳужжагларида, уставда назарда тутилган мақсадларга мувофиқ амалга оширилиши тушунилади. Уставда юридик шахс шуғулланиши мумкин бўлган фаолиятнинг турлари белгиланган булади.

Умумий ҳуқуқ лаёқати деганда юридик шахснинг қонун билан тақиқланмаган ҳар қандай фаолият билан шуғулланиши, ҳар қандай фуқаролик ҳуқуқига эга булиши ва у билан боғлиқ ҳар қандай мажбуриятларни бажаришни ўз зиммасига олиши мумкинлиги тушунилади.

Тижорат билан шуғулланувчи хужалик жамиятлари ва ширкатлари асосан умумий ҳуқуқ лаёқатига эга. Фақат давлат корхоналари махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Уларнинг уставда фаолиятнинг **тури ва мақсади** аниқ курсатилган булади (ФКнинг 70, 71, 72-моддалари).

Махсус ҳуқуқ лаёқати тижоратчи булмаган ташкилотлар учун ҳам тааллуқли.

Махсус ҳуқуқ лаёқатига риоя қилмасдан, юридик шахслар томонидан тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин (ФКнинг 125-моддаси). Масалан, улар банк, сугурта ва шунга ўхшаш ташкилотлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган фаолиятнинг турларига ва мақсадига туғри келмайдиган битимларни тузишлари мумкин эмас. Бундай тузилган битимлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади (ФКнинг 116-моддаси).

Махсус ҳуқуқ лаёқати ёки умумий ҳуқуқ лаёқатига эга булишидан қатъи назар, юридик шахсларнинг ҳуқуқларини чеклашга йул қуйилмайди. Бундай чеклашга фақат қонунда назарда тутилган сабаблар юз берган тақдирдагина йул қуйилиши мумкин. Масалан, кучмас мол-мулкни тасарруф этиш буйича унитар корхонанинг ҳуқуқи чекланган (ФКнинг 177-моддаси 3-қисми). Хужалик юритиш ҳуқуқига эга булган унитар корхона ўзига қарашли кучмас мол-мулкни мулкдорнинг розилигисиз сотишга, ижарага беришга, гаровга қуйишга, хужалик ширкатлари ва жамиятларининг устав фондига ҳисса сифатида топширишга ёки бу мол-мулкни бошқача усулда тасарруф этишга ҳақли эмас.

Маълумки, юридик шахслар, уларнинг таъсисчилари томонидан кузда тутилган муайян мақсадларга эришиш учун тузилади. Шундай экан, юридик шахслар уз ҳуқуқ лаёқатларидан фойдаланишда кузда тутилган мақсадга қарши ёки тўғри келмайдиган фаолият билан шуғулланмасликлари керак.

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини асоссиз чеклаш мақсадга мувофиқ эмас. Бундай чеклаш натижасида нафақат юридик шахс ва унинг таъсисчилари, шунингдек, жамоатчилик ҳам зарар кўриши мумкин. Шунинг учун ҳам қонунда юридик шахснинг ҳуқуқларини чеклаш ҳақидаги қарор устидан судга шикоят қилиш мумкинлиги назарда тутилади (ФКнинг 41-моддаси 5-қисми).

Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқатини амалга ошириш қонун билан ҳар томонлама ҳимоя қилинади. ФКнинг 12-моддасига мувофиқ давлат органининг ёки фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ булмаган ҳамда фуқароларнинг ёки юридик шахснинг фуқаролик ҳуқуқларини ва қонун билан қуриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

### **3-§. ЮРИДИК ШАХСНИНГ ОРГАНИ**

Ҳар қандай ташкилотнинг фаолияти унинг ишончга сазовор бўлган ваколатли органлари орқали амалга оширилади. Юридик шахс ҳам ташкилот сифатида уз органи орқали қонунларга ва таъсис ҳужжатларига мувофиқ иш олиб боради, фуқаролик ҳуқуқларига эга бўлади ва уз зиммасига фуқаролик бурчларини олади (ФКнинг 45-моддаси).

Юридик шахснинг органлари унга раҳбарлик қилиш билан бир қаторда мулкӣ муомалада ҳам қатнашади. Ушбу органлар фаолиятини икки, яъни ички ва ташқи доираларда амалга оширади.

Икки доирадаги фаолият таркибига ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, тижоратни уюштириш ва йулга солиш режаларини белгилаш, меҳнат ва ижтимоӣ масалаларни ҳал қилиш каби вазифалар киради. Юридик шахс органларининг ташқи доирадаги фаолияти юридик шахснинг асосий вазифасини амалга ошириш билан боғлиқ. Чунки ушбу фаолият орқали юридик шахс фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда қатнашгани

ушбу муносабатлар куп қиррали, умуман олганда тижоратни юргизиш, яъни товар олиш ва уни сотиш, ишни бажариш, пул тулаш, хизмат курсатиш ва бошқа фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни уз ичига олади. Ушбу муносабатларни ташкил қилувчи ва уларда иштирок этувчи органнинг фаолияти юридик шахснинг фаолияти ҳисобланади, чунки ушбу орган уз фаолиятида юридик шахснинг номидан ҳаракат қилади, турли фуқаролик-ҳуқуқий битимларни тузади, муносабатларда қатнашади ва унинг манфаатларини судда ҳимоя қилади. Шундай экан, юридик шахснинг эрк-иродаси унинг мустақил ҳуқуқ субъекти сифатида унинг органлари томонидан шакллантирилади ва амалга оширилади. Лекин ушбу органлар юридик шахс деб ҳисобланмайди, чунки улар бундай мақомга эга эмас. Улар юридик шахснинг бир қисмини ташкил этади.

Юридик шахс органларини **тайинлаш** ёки **сайлаш** тартиби қонун ҳужжатлари ва таъсис ҳужжатлари билан белгиланади. Масалан, ФКнинг 70-моддаси 6-қисмига биноан давлат унитар корхонанинг бошқарув органи унинг раҳбари (директор) булиб, бу раҳбар мулкдор томонидан ёки мулкдор вакил қилган орган томонидан тайинланади ҳамда улар олдида ҳисобот беради. 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тугрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунига мувофиқ, акциядорлик жамиятларининг бошқарув органлари сайланади. Шунга ухшаш қоида бошқа барча хужалик жамиятлари ва ширкатларига гааллуқли, уларда ҳам бошқарув органлари сайланади.

Юридик шахснинг тайинланган якка шахс органи (директор, бош директор, президент, бошқарма бошлиги ва ҳ.к.) ва унинг сайланган коллегиял органи (бошқарув органи, назорат ёки васийлик кенгаши, умумий мажлис) унинг эрк-иродасини шакллантиради, ифодалайди ва ушбу эрк-иродани изҳор этади, яъни амалга оширади.

Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда юридик шахс номидан ишончнома асосида унинг иштирокчилари ҳам иштирок этишлари мумкин. Ишончнома иштирокчининг ваколатини ва амалга ошириши мумкин булган ҳуқуқ доирасини белгилаб беради (ФКнинг 134-моддаси). Баъзи ҳолларда юридик шахснинг иштирокчиси ҳуқуқий муносабатларда унинг номидан ишончномасиз ҳам иш олиб бориши мумкин. Масалан, таъсис шартно-

масида бошқача қоида назарда тутилган бўлмаса, гулиқ ширкат иштирокчиси ва ишончга асосланган ширкатнинг ҳар бир гулиқ иштирокчиси фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда ширкат номидан ишончномасиз иштирок этиши мумкин (ФКнинг 60-моддаси).

Юридик шахснинг уз органлари унинг номидан ишончномасиз фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашадилар.

Юридик шахснинг номидан иш олиб борувчи унинг органлари ва иштирокчилари уз ваколатлари доирасида юридик шахс манфаатлари йулида ҳалол ва оқилона иш олиб боришлари зарур. Ушбу талабларга риоя қилинмаган тақдирда улар юридик шахс олдида мулкий жавобгар буладилар.

Юридик шахснинг номидан иш олиб борган ва унга зарар етказган шахс, агар таъсис шартномасида ёки қонун ҳужжатларида бошқача қоида урнатилмаган бўлса, юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари) талаб қилишига биноан бундай зарарни қоплаши керак. Бундай шахсга жавобгарлик юклаш учун унинг айби бор ёки йуқлиги тахмин қилинади (ФКнинг 333-моддаси).

Юридик шахс органи тушунчаси ҳақида турли фикрлар мавжуд. «Меҳнат коллективи» назариясига асосан юридик шахснинг органи меҳнат коллективининг бирлигидан ташкил топган корхона ёки ташкилот, ёки «маъмурият ёки директор» назариясига мувофиқ яккабошчилик тамойилига асосланган директор деган тушунчалар бор эди. Бунга сабаб, якка давлат мулкига асосланган давлат корхоналари органларининг ҳуқуқлари анча кенгайтирилган бўлиб, асосий масалаларни корхонанинг меҳнат коллективи эмас, балки унинг органи ҳал қилар эди. Хусусий мулкка асосланган турли корхоналар, ҳужалик ширкатлари ва жамиятларининг вужудга келиши, уларни ташкил қилиш ҳар хил мулк шаклига асосланиши ва бу масалада уларнинг таъсисчиларига (муассисларига) берилган ҳуқуқнинг аҳамияти юридик шахс органини тайинлаш ёки сайлашга оид қоидаларнинг узгаришига олиб келди.

#### **4-§. ВАКОЛАТХОНА ВА ФИЛИАЛЛАР**

Юридик шахс фақат унинг органи жойлашган ерда эмас, шунингдек, ундан ташқарида, бошқа шаҳарларда, вилоятларда фаолият олиб бориши мумкин. Бу ҳолат юридик шахс фао



лиятининг аҳамиятига ва доирасига боғлиқ. Шундай экан, у уз манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш учун шароит яратиш мақсадида ўзи жойлашган ердан ташқарида узига қарашли бўлган филиаллар ва ваколатхоналар очади.

Филиаллар ваколатхоналардан фарқли улароқ юридик шахсга тегишли барча вазифаларни ёки улардан бир қисмини бажаради, шу билан бирга ваколатхона вазифаларини ҳам амалга оширади. Ваколатхона юридик шахсни бошқаларга таништиради, унинг манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади, шу мақсадда юридик шахс учун муайян ҳаракатларни доимий тарзда бажаришга ҳаракат қилади.

Филиаллар ва ваколатхоналар узларига тегишли алоҳида мол-мулкка эга бўлмайдилар. Уларнинг мол-мулки ҳисоб-китобдан ўтказиш мақсадида қупинча алоҳида балансда туради, лекин бундай балансни мустақил деб ҳам бўлмайди. Мулкий муносабатларда филиаллар, ваколатхоналар ўз номларидан эмас, балки уларни тузган юридик шахс номидан қатнашади, шунингдек уларга мустақил равишда мулкий жавобгарлик ҳам юклатилмайди, уларнинг ҳаракатлари учун юридик шахс жавоб беради.

Агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, ваколатхона ва филиаллар юридик шахс ҳисобланмайди. Улар юридик шахснинг таъсис ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва юридик шахс томонидан тасдиқланган низомлар асосида фаолият олиб боради. Уларнинг раҳбарлари юридик шахс томонидан тайинланади ва юридик шахснинг ишончномасига асосан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда юридик шахс номидан қатнашади ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилади. Юридик шахснинг филиали ёки унинг алоҳида қисмлари юридик шахс мақомига эга бўлишлари мумкин. Бундай ҳол юз берса, уларнинг номларида «филиал», «булинма» деган атама ишлатилмаслиги керак.

Филиал (ваколатхона) раҳбари томонидан юридик шахс номига ва унинг ишончномасига ҳавола қилинмасдан тузилган шартнома бўйича низо куриладиган бўлса, суд шартномани имзолаш пайтида филиал раҳбарининг бундай шартнома тузиш учун унинг ишончномаси бўлганлигини ёки шу хусусда низомда унга ҳуқуқ берилган ёки берилмаганлигини аниқлаб олиши зарур. Агар ишончномаси бўлса ёки унга шартнома тузиш учун ҳуқуқ берилган бўлса, шартнома юридик шахс томонидан тузилган деб ҳисобланади.

Умумий қоидага биноан филиал (ваколатхона) ишончнома бўйича назарда тутилган ҳаракатларни шахсан узи амалга ошириши шарт. Башарти, унга ишончнома билан ваколат берилган бўлса ёки шароит уни ишончнома берган юридик шахснинг манфаатларини ҳимоя қилишга мажбур қилса, филиал (ваколатхона) ҳаракатларни амалга оширишни бошқа шахсга ўтказиши мумкин (ФКнинг 140-моддаси).

Агар юридик шахснинг алоҳида қисми сифатида унинг филиалига (ваколатхонасига) низоли иш бўйича хужалик судида тарафлар сифатида қатнашиш ҳуқуқи берилган бўлса, ушбу алоҳида қисмлари юридик шахс номидан судда қатнашади ва талабни ундириш юридик шахс ҳисобидан ёки юридик шахс фойдасига амалга оширилади. Бундай ҳолларда ишнинг қайси судга тааллуқли эканлиги юридик шахс эмас, балки унинг алоҳида қисми жойлашган ер билан белгиланади.

Филиаллар ва ваколатхоналар юридик шахс томонидан очиб, унинг алоҳида қисмларидан булиб ҳисобланади. Улар юридик шахс томонидан берилган ваколатларни унинг номидан амалга оширади, уларнинг мажбуриятлари бўйича юридик шахс жавобгар бўлади.

## 5-§. ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Юридик шахсларнинг турлари таъсисчиларининг ҳуқуқла ёқати ва уларнинг юридик шахс мулкига нисбатан бўлган ҳуқуқлари, юридик шахснинг фаолият мақсадлари, унинг ушбу фаолияти мулкнинг қайси шаклига асосан юритилишига қараб бир-биридан ажратилади. Юридик шахснинг алоҳида мол-мулкига нисбатан унинг таъсисчилари мажбурият ёки ашёвий ҳуқуқларга эга булиши мумкин. Таъсисчилари (иштирокчилари) мажбурият ҳуқуқини сақлаб қолиши мумкин бўлган юридик шахслар қаторига акциядорлик жамиятлари, хужалик ширкатлари ва кооперативларни киритиш мумкин. Таъсисчилари мулк ҳуқуқи ёки узга ашёвий ҳуқуқни сақлаб қолувчи юридик шахслар қаторига хужалик юритиш ҳуқуқига асосланган давлат корхоналари ва мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган давлат унитар корхоналари, шунингдек, шубҳа хужалик жамиятлари, таъсисчилар томонидан молиявий таъминланган муассасалар ва давлат муассасалари киради. Таъсисчилари (иштирокчилари) мол-мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳу

қуқни сақлаб қолмайдиган юридик шахслар қаторига жамоат ташкилотлари, диний ташкилотлар, ижтимоий ва бошқа фондлар киради.

Юридик шахслар юқорида келтирилган ҳуқуқлари ва фаолиятининг хусусиятларига қараб **тижоратчи ва тижоратчи булмаган ташкилотларга ажратилади** (ФКнинг 40-моддаси). Бундай таснифлашда мезон сифатида уларнинг асосий мақсадлари ва қўлга киритилган даромаддан фойдаланиш тартиби эътиборга олинади. Тижоратчи ташкилотнинг асосий мақсади фойда олиш ва уни таъсисчилар (иштирокчилар) уртасида тақсимлашдан иборат. Тижорат булмаган ташкилотнинг мақсади умумий қоидага биноан, ижтимоий-маданий вазифаларни бажаришга қаратилади. Тижоратчи булмаган ташкилотларга ҳам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилади, лекин бундай фаолият натижасида олинган фойда унинг таъсисчилари (иштирокчилари) уртасида тақсимланмайди.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширадиган юридик шахслар асосан тижоратчи ташкилотлардан иборат. Юридик шахснинг тижоратчи ташкилот бўлиши «Оммавий шартнома» шартларига мувофиқ фаолият юритишни талаб қилади (ФКнинг 358-моддаси).

Тижоратчи юридик шахснинг номида унинг ташкилий-ҳуқуқий шакли (масалан, хўжалик ширкати, жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқача шакли) албатта кўрсатилган бўлиши керак. Бу унинг контрагентлари учун муҳим аҳамиятга эга, чунки юридик шахснинг номидан ушбу юридик шахс фаолиятининг хусусиятлари, тадбиркорлик имкониятлари, ҳуқуқ доираси, мажбурият юзасидан жавоб бера олиши маълум бўлиши мумкин.

Тижоратчи булмаган юридик шахсларнинг рўйхатини (масалан, жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд, муассаса ва бошқа шакллари) узил-кесил деб булмайди. Чунки тижоратчи булмаган ташкилотларнинг узгача шакли мавжуд бўлиши ҳам мумкин. Лекин ФКнинг 40-моддаси 3-қисмига мувофиқ тижоратчи булмаган ташкилотларнинг бошқа шакллари қонунда назарда тутилган бўлиши керак.

Тижоратчи булмаган ташкилотга унинг уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доирада тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга йўл қўйилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 15 декабрда қабул қилинган қонунига кўра юридик шахслар қонунга мувофиқ уюшмалар (иттифоқлар)га ва бошқа бирлашмаларга бирлашмишлари мумкин<sup>1</sup>. Бундай бирлашмалар тижоратчи ёки тижоратчи бўлмаган ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин. Улар юридик шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш ва манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. Бирлашмалар (ассоциациялар, иттифоқлар) таркибига кирган юридик шахслар ўз мустақиллигини сақлаб қолади. Улар умумий қоидага кўра тижоратчи ташкилот деб ҳисобланмайди. Агар бирлашма тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган бўлса, хужалик ширкатлари ва жамиятларига айлантирилиши лозим.

Тижоратчи бўлмаган юридик шахс фойда олиш мақсадида тадбиркорлик фаолиятини шахсан ўзи ёки ушбу мақсадда униинг томонидан тузилган тижоратчи ташкилот амалга ошириши мумкин. Тижоратчи бўлмаган ташкилотнинг тадбиркорлик фаолияти унинг қайси ташкилот, яъни асосий ёки у томонидан тузилган ташкилот бўлишидан қатъи назар давлат рўyxатидан ўтказилади.

Мулк эгаси томонидан молиявий таъминланадиган давлат ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқарув органлари ва муассасалардан ташқари бошқа тижоратчи бўлмаган ташкилотлар уларнинг таъсисчилари (иштирокчилари) томонидан берилган пул маблағлари ва бадаллар ҳисобига ташкил топган мол-мулкнинг, шунингдек, бошқа асосларга кўра қўлга киритилган мол-мулкнинг эгаси ҳисобланадилар.

Демак, юридик шахслар уларнинг мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқлари, фаолият юритишидан мулжалланган асосий мақсадлари, қўлга киритилган даромаддан фойдаланиш тартибига қараб тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларга ажратилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Юридик шахс тушунчаси ва унинг белгилари?
2. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати?
3. Юридик шахснинг органлари?
4. Ваколатхона ва филиаллар. Уларнинг ҳуқуқ лаёқати?
5. Юридик шахсларнинг турлари?

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 йил. 1—2-сон, 23-модда.

1. Братусь С.Н. Юридические лица в советском гражданском праве. —М.: 1947.
2. Гражданское право. Т.1. Учебник. И из. четвертое, переработанное и дополненное /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. —М.: «ПБОЮЛ Л.В.Рожников», 2000.
3. Гражданское право. Т.1. Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное. /Отв.ред. Е.А.Суханов. —М.: Волтерс Клувер, 2004.
4. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. —Т.: «Адолат», 1996.
5. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Дарслик. —Т.: ТДЮИ, 2007.
6. Рузиназаров Ш.Н. Бо юр шариғида қишлоқ ҳужалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. —Т.: 1997.
7. Субъекты гражданского права /Отв.ред. М.К.Сулейменов. —Алматы. НИИ частного права. Каз ГЮУ, 2004.

## IV боб

# ЮРИДИК ШАХСНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ, ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ ВА ТУГАТИЛИШИ

## 1-§. ЮРИДИК ШАХСНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ

Амалдаги Фуқаролик кодексида ташкилотларнинг юридик шахс сифатида **вужудга келиши** ва тан олинишига, шунингдек, уларнинг тугатилишига багишланган қоидаларга мутлақо бошқача мазмун берилди. 1963 йилдаги Гражданлик кодексининг 25-моддасига биноан юридик шахсларнинг вужудга келиши учун асос ҳисобланган тартиблар орасида ваколатли давлат органларининг буйруқлари биринчи уринда турарди. Амалдаги ФКнинг 42-моддасида юридик шахс биринчи галда мулк эгаси ёки у ваколат берган шахснинг эрки, хоҳиши билан вужудга келади, унинг таъсисчилари мулк эгалари булиши ёки булмаслиги назарда тутилади.

1963 йилги Гражданлик кодексига биноан деярли барча юридик шахслар у буйсинувчи юқори давлат бошқарув идораси ёки юқори ташкилот томонидан тасдиқланиши зарур эди. Амалдаги кодексга биноан эса юридик шахс қонунда белгиланган тартибда давлат идоралари томонидан руйхатга олинади ва уша пайтдан бошлаб ташкил топган деб ҳисобланади.

**Юридик шахснинг вужудга келиши (ташкил этилиши).** ФКнинг 42-моддаси 1-қисмига мувофиқ, юридик шахслар мулкдор ёки у вакил қилган шахс томонидан ёхуд ваколатли органнинг фармойиши асосида, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ташкил этилади.

Демак, юридик шахснинг вужудга келиши учун биринчи галда, мулкдорнинг таъсисчи сифатида уз хоҳиши ва эркини изҳор этиши асос булиб ҳисобланади. ФКнинг 42-моддаси 2-қисмига биноан нафақат мулкдор, шунингдек, хужалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи субъектлари ёхуд вакил қилинган шахслар ҳам юридик шахснинг таъсисчилари булиши мумкин. Шунга мувофиқ юридик шахснинг вужудга келишини фармойиш қабул қилиш, рухсат олиш, норматив-қатнашиш усуллари қўллаш йули билан амалга ошириш мумкин.

**Фармойиш тартиби** буйича юридик шахс таъсисчиларнинг қабул қилган буйруғига асосан вужудга келади. Бундай тартибда, масалан давлат муассасалари, давлат корхоналари ташкил этилади. Давлат муассасаси ва давлат корхонасининг таъсисчилари давлат мол-мулкани бошқарувчи ваколатли давлат органи булиши мумкин.

**Рухсат олиш тартиби** буйича юридик шахсни ташкил қилиш учун ваколатли органдан рухсат олинган булиши керак. Утмишда бундай тартиб кооперативлар ва турли жамоат бирлашмаларига нисбатан қулланиб келинган. Ҳозирда бундай тартиб қонунда йул қуйилган истисно сифатида фақат тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш хоҳишини билдирган ташкилотларга нисбатан қулланилиши мумкин. Рухсат олиш тартибига мувофиқ тижорат банкларини ташкил қилишга йул қуйилади, чунки уларнинг фаолияти чексиз доирадаги истеъмолчиларга молиявий жиҳатдан хизмат курсатиш ва уларнинг деярли куп ҳажмдаги пул маблағларини узида жамғариш билан боғлиқ. Ушбу тартиб, шунингдек товарлар бозорида, хизмат курсатиш соҳасида рақобатчиликни ривожлантириш ва монополияга йул қўймаслик мақсадида баъзи юридик шахсларни ташкил қилиш буйича ҳам қулланилади. Шундай экан, бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳам рухсат олиш тартибидан тўлиқ воз кечилмаган.

**Норматив-қатнашиш (нормативно-явочный)** тартиби буйича юридик шахсларни ташкил қилиш учун давлат органларидан рухсат олиш талаб қилинмайди. Бундай тартиб ҳозирда тижоратчи ва нодавлат юридик шахсларни ташкил қилишда қўлланилади. Юридик шахсни ваколатли орган томонидан рўйхатдан ўтказилишида унинг таъсисчилари ҳам иштирок этадилар, агар ташкил қилинаётган ташкилот томонидан ҳуқуқ нормаларининг бузилишига йул қўйилмаган бўлса, уни рўйхатдан ўтказилишига қаршилиқ курсатилмайди. Юридик шахсни ташкил қилиш тартиб-қоидалари олдиндан норматив ҳужжатларда белгилаб қўйилади, уларни ташкил этишнинг мақсадга мувофиқлиги текширилмайди, балки таъсис ҳужжатларининг (таъсис шартнома, устав) қонунга мувофиқлиги текширилади, холос.

Юридик шахсининг ҳуқуқ лаёқати у давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб вужудга келади. Юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказиш, унинг қайси турдан иборат булишидан қатъи назар, мажбурий ҳисобланади.

Давлат рўйхатидан юридик шахснинг устави ва таъсис шартномаси утказилади. Таъсис ҳужжатлари деганда, маълум турдаги ташкилотлар туғрисидаги умумий қоидалар эмас, балки таъсис шартномаси ва юридик шахснинг устави тушунилади. ФКнинг 43-моддасида таъсис ҳужжатларида қандай маълумотлар булиши кераклиги назарда тутилади. ФКга ва алоҳида турдаги юридик шахслар туғрисидаги умумий ҳамда махсус аҳамиятга эга булган қонун ҳужжатларига мувофиқ таъсис ҳужжатларига киритилиши шарт бўлган маълумотлардан ташқари яна қўшимча маълумотлар ва аниқликлар киритилиши мумкин.

Юридик шахснинг таъсис ҳужжатига киритилган ўзгартириш давлат рўйхатидан утказилганда юридик шахснинг узини қайтадан рўйхатдан утказилган деб тушуниш керак. У уз фаолиятини ўзгартирилган таъсис ҳужжати асосида амалга оширади.

Таъсис ҳужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш учун ўрнатилган тартиб, биринчи галда учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилади. Агар учинчи шахслар таъсис ҳужжатларидаги рўйхатдан утказилган ўзгартиришларни ҳисобга олиб юридик шахс билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларга киришган булса, юридик шахс ва унинг муассислари киритилган ўзгартиришлар рўйхатдан утказилганлигини важ қилиб вужудга келган мажбуриятни бажаришдан бош тортиши мумкин эмас.

Юридик шахсни давлат рўйхатидан утказиш ҳақидаги маълумотлар барчанинг танишиб чиқиши учун очиқ булган юридик шахсларнинг ягона давлат реестрига (рўйхатига) киритилади. Юридик шахснинг ташкил топиши учун ягона давлат рўйхатининг белгиланиши ҳозирги шароитда муҳим аҳамиятга эга. Мулкнинг турли шакллари ривожланиши учун тенг шарт-шароитлар туғдирилиши, хусусий мулкнинг жорий қилиниши, давлат мулкнинг хусусийлаштирилиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи ҳужалик жамиятлари ва ширкатлар сонининг тобора купайишига олиб келди. Улар юқори бошқарув идоралари тасарруфидан озод булган ҳолда ҳужалик соҳасида, мулкий муносабатларда мустақил равишда тенг ҳуқуқли иштирокчиларга айланмоқда. Бундай шароитда ягона давлат рўйхатининг жорий қилиниши юридик шахс мақомини олмоқчи булган барча тижоратчи ва тижоратчи булмаган ташкилотларга нисбатан, уларнинг фаолият турларидан ва ҳужаликнинг қай-



си соҳасига тегишли булишидан қатъи назар, барчасига баб-баравар тенг қоида қўллаш, бу соҳада зарур қонунчилик ва тартибот урнатиш учун имконият тугдириб беради.

Юридик шахс ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис ҳужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан утказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас, деган важ билан уни рўйхатдан утказишни рад этишга йул қўйилмайди. Давлат рўйхатидан утказишни рад этиш, шунингдек, рўйхатдан ўтказиш муддатини бузиш устидан судга шикоят қилиниши мумкин. **Юридик шахс давлат рўйхатидан утказилган пайтдан бошлаб ташкил этилган ҳисобланади.**

Юридик шахс қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатидан утказилгандан кейин фуқаролик ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинади. Юридик шахс сифатида акциядорлик жамиятларини рўйхатдан указиш, худди бошқа тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан утказиш тартибидек, Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамияти ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августда қабул қилган «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун рўйхатдан утказиш тартиблари тизимини тубдан такомиллаштириш туғрисида»ги 357-сонли қарори ва ушбу қарорнинг 1-илоvasи билан тасдиқланган «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан утказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби туғрисида»ги Низом асосида амалга оширилади. Тадбиркорлик субъектларини юридик шахс сифатида рўйхатдан утказиш учун рўйхатдан утказувчи органга мазкур Низомнинг 1-илоvasига мувофиқ шаклдаги ариза тақдим этилади. Давлат рўйхатидан утказиш туғрисидаги аризага қўйидаги ҳужжатлар илова қилинади:

— таъсис ҳужжатларининг нотариал тасдиқланган икки асл нусхаси (давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятларини рўйхатдан утказиш учун нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатлари талаб этилмайди);

— тадбиркорлик субъектларининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат (фермер ва деҳқон ҳужаликлари, шунингдек, давлат корхоналари негизида ташкил этилган акциядорлик жамиятлари бундан мустасно);

— давлат божининг ёки руйхатдан утказиш йилининг белгиланган миқдори туланганлиги туғрисидаги банк тўлов ҳужжати (деҳқон ҳужаликлари, шунингдек давлат корхоналари негизида тузилган акциядорлик жамияти бундан мустасно),

— белгиланган тартибда шаҳарлар (туманлар) статистика органлари томонидан берилган фирма номи туғрисидаги тўвоҳнома;

— муҳр ва штамп эскизлари, уч нусхада.

**Хорижий инвестициялар** иштирокидаги корхоналарни, халқаро бирлашмаларни ва ташкилотларни, шунингдек уларнинг таркибий булинмаларини давлат руйхатидан утказиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 12 февралда қабул қилган қарори билан тасдиқланган Низомга асосан амалга оширилади. Ушбу Низомнинг 15-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташкил этиладиган хорижий корхоналар, ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ва унинг ҳудудий органларида давлат руйхатидан утказилгандан кейин юридик шахс ҳуқуқига эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 20 августда тасдиқланган Низомга асосан хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар ва хорижий сармоя иштирокидаги бошқа ташкилотларни давлат руйхатидан утказиш учун хорижий муассис иштирокидаги юридик шахс руйхатдан утказилган жойдаги савдо реестридан кучирма ва Ўзбекистон Республикасининг консулик муассасаси томонидан белгиланган тартибда легализация қилинган, булар мавжуд бўлмаган тақдирда, муассис руйхатдан утказилган давлат Ташқи ишлар вазирлигида, мазкур мамлакатнинг Ўзбекистон Республикасидаги консулик муассасасида ёки дипломатик ваколатхонасида легализация қилинган, кейинчалик Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг консулик бошқармасида тасдиқланган банкнинг тавсия хати тақдим этилади. Агар хорижий муассиснинг корхона (ташкилот) устав фондига улуши интеллектуал мулк ҳисобланса, у ҳолда ариза берувчи баҳоловчи томонида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилган баҳолаш туғрисидаги ҳужжатини тақдим этиши керак.

Юридик шахс, унинг филиаллари ва ваколатхоналари давлат руйхатидан утказилмасдан туриб фаолият юритиши мумкин эмас. Уларнинг руйхатдан утказилмасдан туриб олган даромадлари давлат бюджетига утказилади.

Мавжуд булган юридик шахс қайтадан руйхатдан ўтказилиши мумкин. Бундай бўлиши қуйидаги ҳолатларда юз беради: 1) акциядорлик жамияти устав фондининг ва эълон қилинган устав фонди миқдорининг камайиши; 2) юридик шахс номининг узгариши; 3) ҳужалик ширкати ва ёпиқ турдаги акциядорлик жамияти иштирокчилари таркибининг узгариши ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа сабабларга кура.

## 2-§. ЮРИДИК ШАХСНИНГ ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛИШИ

Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши унинг фаолияти тухтатилишига олиб келади. Лекин юридик шахс сифатида таркибидан бошқа ташкилот ажратиб чиқарилганда унинг фаолияти тухтаб қолмайди. Юридик шахсни қайта ташкил этиш усуллари ФКнинг 49-моддасида келтирилган. Булар: қушиб юбориш, қушиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартиришдан иборат. Юридик адабиётларда ушбу усулларга етарлича тушунчалар берилган. Бундай усулларни қўллаш билан юридик шахсни қайта ташкил этиш ҳуқуқи, умумий қоидага биноан, унинг муассислари (иштирокчилари)га берилади. Шу билан бирга қайта ташкил этиш таъсис ҳужжатларида вакил қилинган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ ҳам амалга оширилиши мумкин. Юридик шахсни қайта ташкил этиш вакил қилинган давлат органининг қарори билан ҳам амалга оширилиши мумкин. Лекин бу масалани ҳал қилишда судга кенг ваколат берилади. Масалан, агар юридик шахс белгиланган муддатда қайта ташкил этилмаса, суд ваколатли органнинг даъвоси буйича юридик шахснинг бошқарувчисини тайинлайди. Ушбу вазифани бажаришни унга топширади. Бошқарувчи тегишли вазифаларни бажаргач, керакли ҳужжатларни судга топширади. Суднинг ушбу ҳужжатларни тасдиқлаши янгидан вужудга келган юридик шахсларни давлат руйхатидан ўтказиш учун асос бўлади.

Юридик шахсни **қушиб юбориш** деганда икки ёки ундан зиёд юридик шахсларнинг бирлашиши, улар негизида битта яхлит юридик шахснинг ташкил топиши ва унинг давлат руйхатидан ўтказилиши тушунилади. Ўз фаолиятини тугатган ҳар бир юридик шахснинг мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжатига асосан янги ташкил топган юридик шахсга ўтказилади.

**Қушиб олиш** деганда битта ёки ундан зиёд юридик шахсларнинг фаолияти тугатилгани, улар негизида ташкил топган ва уларнинг ҳуқуқий вориси ҳисобланган йириклаштирилган юридик шахснинг ташкил этилганлиги тушунилади.

**Юридик шахсни бўлиш** деганда битта юридик шахснинг фаолияти тугатилганлиги ва унинг негизида икки ёки ундан зиёд юридик шахсларни ташкил топиши тушунилади. Булинадиган юридик шахснинг мулкӣ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тақсимлаш балансига асосан янгидан ташкил топган юридик шахсларга ўтади.

**Ажратиб чиқариш** деганда юридик шахснинг фаолияти тугатилмаганлиги ва унинг таркибидан икки ёки ундан зиёд юридик шахслар ажратиб чиқарилганлиги тушунилади. Ажралиб чиқишда дастлабки юридик шахс қайтадан рўйхатдан ўтказилмайди, янгидан ташкил топган юридик шахслар эса, давлат рўйхатидан ўтказилади. Мулкӣ ҳуқуқлар ва мажбуриятлар тақсимлаш балансига асосан қайта ташкил этилган шахсларнинг ҳар бирига ўтади.

**Юридик шахсни ўзгартириш** деганда бир турдаги юридик шахс бошқа турдаги юридик шахсга айлантирилганлиги, яъни ташкилий-ҳуқуқӣ шакли ўзгартирилганлиги тушунилади. Масалан, бир турдаги ҳужалик ширкати бошқа турдаги ҳужалик ширкатига ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилган булиши мумкин, масъулияти чекланган ширкат бошқа турдаги ширкатга, акциядорлик жамиятига ёки ишлаб чиқариш кооперативига айлантирилган булиши мумкин, акциядорлик жамияти масъулияти чекланган жамиятга ёки ишлаб чиқариш кооперативига ўзгартирилган булиши мумкин, ишлаб чиқариш кооперативи ҳужалик ширкатига ўзгартирилган бўлиши мумкин ва ҳ.к. Давлат юридик шахсини хусусийлаштириш йули билан хусусий юридик шахсга айлантириш мумкин.

**Ўзгартириш усулига** мувофиқ қайта ташкил этилган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари топшириш ҳужжатига мувофиқ янгидан вужудга келган юридик шахсга ўтади.

Юридик шахсни қайта ташкил этишда **ҳуқуқӣ ворислик** (ФКнинг 50-моддаси) — бу қайта ташкил этиш ҳақида қабул қилинган ҳужжатга асосан, ҳуқуқ ва мажбуриятларни бир юридик шахсдан иккинчи юридик шахсга ўтишидан иборат. Ворислик фуқаролик ҳуқуқи буйича асосан мулкӣ ҳуқуқ ва мажбуриятларга нисбатан вужудга келади. Лекин ворислик номул-

кий ҳуқуқларга нисбатан ҳам вужудга келиши мумкин. Масалан, юридик шахснинг фирма номи ёки унинг ихтирога булган патентга нисбатан шахсий ҳуқуқи ворис ҳисобланган бошқа юридик шахсларга утиши мумкин.

Ҳуқуқий ворислик умумий (универсал) ёки қисман (сингуляр) турларга ажратилади. Умумий ворисликда маълум ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳажми буйича утади. Масалан, бир неча юридик шахслар қушиб юборилганда, янги ташкил булган юридик шахсга универсал ворислик тартибда олдингиларнинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари утади. Сингуляр тартибда ворисларга ҳуқуқнинг белгиланган маълум қисми утиши мумкин. Сингуляр ворислик юридик шахснинг қайта ташкил қилишда истисно сифатида қўлланилиши мумкин.

**Мол-мулкни топшириш ҳужжати ва уни тақсимлаш баланси** ворислик ҳуқуқининг мазмунини ташкил қилади (ФКнинг 51-моддаси). Юридик шахснинг булинишида ёки унинг ажралиб чиқишида мол-мулкнинг тақдири топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига асосан ҳал қилинади. Ушбу ҳужжатлар билан янги ташкил этилаётган юридик шахс ҳуқуқ ва мажбуриятларининг ҳажми белгиланади.

Тақсимлаш баланси буйича мол-мулкка келиб қушилиши (актив) ёки ундан чиқиб кетиши (пассив) мумкин булган қисмлари, шунингдек жорий йилда юридик шахсдан топширигунга қадар булган муддат давомида олинган даромадлар ва кўрилган зарарлар ҳам ҳисобга олинган ҳолда топширилади. Асосий ва муомаладаги (оборотдаги) маблағлар уларни топшириш ҳақида қайси чоракда қарор қабул қилинган бўлса, уша чоракнинг молиявий режасида (планида) кўрсатилган миқдорда топширилади. Топшириш ҳақида қарор қабул қилингандан кейин уларни узлаштириш мумкин эмас. Қарор қабул қилингандан кейин узлаштирилган асосий ва муомаладаги маблағлар уларни қабул қилиб олувчи тарафга қайтариб берилади. Топширилган мол-мулк инвентаризация қилинади ва бу топшириш ҳужжатида ҳамда тақсимлаш балансида курсатиб қўйилган бўлади.

Юридик шахсни қайта ташкил этиш натижасида мол-мулкни топширилган деб ҳисоблаш пайти муассислар (иштирокчилар) ёки қайта ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилган орган балансига топшириш ҳужжати ва тақсимлаш балансига имзо чекилган сана билан белгиланади.

Юридик шахслар қайта ташкил этилганда уларнинг **кредиторлари ҳуқуқларини кафолатлашга** алоҳида эътибор қаратилади. Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши ҳақида унинг барча кредиторлари ёзма равишда хабардор қилинади. Улар қайта ташкил этиш ҳақидаги қарорнинг бажарилишига қаршилиқ кўрсата олмайди, лекин шу туфайли уларга рупара қилинган янги қарздорлар билан алоқани сақлаб қолишга мажбур эмас, улардан тегишли мажбуриятнинг олдин бажарилишини тухтатиш ва бунинг натижасида етказилган зарарни қоплашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар қайта ташкил этилган тузилмалар ўртасида қарзлар аниқ бўлинмаган бўлса, улар кредиторлар олдида солидар, яъни биргаликда жавоб берадилар (ФКнинг 52-моддаси).

### **3-§. ЮРИДИК ШАХСНИ ТУГАТИШИ АСОСЛАРИ ВА ТАРТИБИ**

**Юридик шахсни тугатиш** — бу юридик шахсни давлат руйхатидан чиқариб юбориш билан унинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини тугатишдан иборат.

Амалдаги қонун ҳужжатларида юридик шахсни тугатиш асослари ва тартиби ҳақидаги қоидалар жиддий равишда узгарди. 1963 йилдаги Гражданлик кодексида юридик шахснинг тугатилиши билан унинг қайта тузилиши тартибига фақат битта 38-модда бағишланган бўлиб, унда «агар ССР Иттифоқи қонунлари билан бошқача ҳол белгиланмаган бўлса, Ўзбекистон ССР қонунлари билан белгиланади», деган тартиб ўрнатилган эди, холос. Ҳақиқатда эса бундай масалалар ушбу Кодекснинг 3-моддасига биноан собиқ СССР қонунлари билан тартибга солинарди.

Ўтмишда юридик шахс қайси тартибда вужудга келган бўлса, уша тартибга асосан тугатилиши назарда тутилар эди. Масалан, агар юридик шахс юқори бошқарув органининг буйруғига асосан вужудга келган бўлса, уша тартибга асосан, рухсат бериш тартиби билан ташкил топган бўлса, рухсат олиш йули билан, норматив характерга эга бўлган уставга асосан вужудга келган бўлса, уставда белгиланган қоидага биноан (масалан, колхоз-кооператив ташкилотлари), тарафлар ўртасида тузилган шартномага асосан ташкил этилган бўлса (масалан, ҳужаликлараро корхоналар), тарафларнинг келишуви билан туга-

тилиши назарда тутилар эди. Амалдаги Фуқаролик кодексига биноан юридик шахсни тугатиш сабаблари ва тартиби биринчи галда унинг таъсис ҳужжатларида белгиланган булиши (55-модда), уни тугатиш тугрисида қарор қабул қилган шахсни (54-модда), тугатиш тартиби ва муддати (55-модда), тугатилган тақдирда унинг кредиторларининг талабларини қаноатлантириш тартиби (56-модда), юридик шахсни ночор (банкрот) деб ҳисоблаш (57-модда), унинг оқибатлари ҳақида ва бошқа қоидалар назарда тутилади.

Юридик шахсни тугатиш, уни қайта ташкил этишдан фарқ қилади. Ушбу фарқ ФКнинг 53-моддаси 1-қисмида шундай деб таърифланади: «Юридик шахсни тугатиш, унинг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмасдан бекор қилинишига олиб келади».

Демак, юридик шахс қайта ташкил қилинганда унинг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари ворислик ҳуқуқи тартибида тўла ҳажмда бошқа шахсга ўтиши мумкин бўлса, юридик шахснинг тугатилишида бундай тартиб қўлланилмайди. Юридик шахснинг тугатилишида ворислик ҳуқуқи қисман (сингуляр) тартибда қўлланилиши мумкин. Тугатилаётган юридик шахснинг айрим ҳуқуқлари қарзидан кутулиши эвазига унинг кредиторларига ўтиши мумкин, кредиторларнинг талаблари қаноатлантирилгандан кейин мол-мулкидан қолган қисми унинг таъсисчиларига ўтади. Тугатилаётган юридик шахснинг қарзлари бўйича жавобгарлик субсидиар тартибда унинг муассислари зиммасига ҳам юклатилиши мумкин (ФКнинг 48-моддаси).

Тугатилаётган юридик шахснинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари унинг ҳуқуқий ворисларига тўла ҳажмда ўтмас экан, кредиторларнинг ва мулкый муносабатларда иштирок этган бошқа шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини қаноатлантириш билан боғлиқ бўлган вазифа юридик шахсни қайта ташкил этишга нисбатан муҳим аҳамият касб этиши туфайли ФКда юридик шахсни **тугатиш сабаблари ва тартиби** тугрисида махсус қоидалар ўрнатилган.

Юридик шахс ихтиёрий равишда, шунингдек, мажбурий равишда тугатилиши ҳам мумкин.

**Ихтиёрий равишда** юридик шахс унинг муассислари (иштирокчилари)нинг ёки таъсис ҳужжатлари билан тугатишга ваколат берган юридик шахс органининг қарорига мувофиқ, шу

жумладан, юридик шахснинг амал қилиш муддати тугаши, уни ташкил этишдан кузланган мақсадга эришилганлиги сабабли тугатилади. Банкротликка учраши сабабли юридик шахсни ихтиёрий равишда тугатиш масаласи унинг кредиторлари билан келишилган ҳолда ҳал қилинади. Жамоат бирлашмалари, ижтимоий ва бошқа хайр-эҳсон фондлари ҳам ихтиёрий равишда тугатилмайди. Бундай қоида ушбу фондлар ихтиёрида булган мол-мулкдан фойдаланишда суиистеъмолчиликнинг олдини олиш мақсадида урнатилган.

**Мажбурий равишда** юридик шахсни ташкил қилиш чогида қонун ҳужжатлари бузилишига йул қуйилганлиги сабабли, агар бу бузилишларни бартараф этиб булмаса, суд юридик шахсни руйхатдан ўтказилишини ҳақиқий эмас деб топганида, фаолият рухсатномасиз (лицензиясиз) юритилса ёки қонун томонидан тақиқланган фаолият амалга оширилган булса, шунингдек, ФКнинг 53-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда суднинг қарорига мувофиқ юридик шахс тугатилиши мумкин<sup>1</sup>.

Юридик шахснинг тугатилиши учун асос булиши мумкин булган сабаблардан яна бири — бу уни **банкрот** деб топилишидир. Тижоратчи ташкилот булган юридик шахс, давлат корхонасидан ташқари, шунингдек матлубот кооперативи ва ижтимоий фонд шаклида иш олиб бораётган юридик шахснинг кредиторлар талабларини қондиришга қурби етмаса, суднинг қарорига мувофиқ у ночор (банкрот) деб ҳисобланиши мумкин.

Тижоратчи ташкилот, матлубот кооперативи ва ижтимоий фонд шаклида иш олиб борувчи юридик шахс банкротлик аломатлари мавжуд булган тақдирда узини банкрот деб топиш туғрисида ариза билан судга мурожаат этади (ФКнинг 57-моддаси)<sup>2</sup>.

Юридик шахс ҳисобланган давлат корхоналарини тугатиш учун алоҳида тартиб урнатилади, уларга нисбатан банкротлик туғрисидаги қоидалар қўлланилмайди. Давлат корхонаси уни тузган давлат органининг қарорига мувофиқ қайта ташкил эти-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 май, 1999 йил 20 август қонунлари таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, 5—6-сон, 102-модда; 1999 йил, 9-сон, 229-модда.

<sup>2</sup>Ушбу модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 25 апрель қонуни таҳририда — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, 5-сон, 67-модда.



лиши ёки тугатилиши мумкин (ФКнинг 72-моддаси). Давлат корхонаси ягона давлат руйхатида бу ҳақда тегишли ёзув кирилганидан кейин тугатилган деб ҳисобланади.

Юридик шахс тугатилгандан кейин уни тугатиш туғрисида қарор қабул қилган шахслар зиммасига маълум мажбуриятлар юклатилади. Юридик шахснинг тугатилишини ошкора амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Юридик шахснинг тугатилиши ҳақида уларни руйхатдан утказадиган орган хабардор қилинади, тайинланган тугатиш комиссияси юридик шахснинг тугатилиши ҳақида ахборот эълон қилади.

Тугатиш комиссияси юридик шахсни давлат руйхатидан утказиш ҳақида маълумотлар босиб чиқариладиган матбуот органларида юридик шахснинг тугатилиши ҳамда унинг кредиторлари томонидан талабларни баён этиш тартиби ва муддати ҳақида хабар эълон қилади. ФКнинг 55-моддасига мувофиқ бу муддат тугатиш ҳақида хабар эълон қилинган пайтдан бошлаб «икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас». Ундан олдин қабул қилинган қонун ҳужжатларида бу муддат икки ойгача деб кўрсатилар эди. Лекин амалиётда доимо бир ой курсатилиб эълон қилинар эди. Ҳозир ҳам баъзан матбуотда бир ой курсатилиб хабар қилинади. Шу билан кредиторлар томонидан уз талабларини баён қилиш зарур бўлган имконият чекланади. «Икки ойдан кам бўлиши мумкин эмас» деб ўрнатилган императив норма кредиторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун тегишли кафолат яратишга қаратилади.

**ФК юридик шахсни тугатиш тартибини батафсил тартибга солади.** Юридик шахсни тугатиш комиссияси умумий қоидага биноан унинг муассислари ёки уни тугатиш туғрисида қарор қабул қилган орган томонидан тузилади. Юридик шахс ночор (банкрот) деб топилган ҳолларда тугатиш комиссияси ҳужалик судининг қарори ёки кредиторларнинг талабларига асосан тузилади (ФКнинг 55-моддаси).

Юридик шахсни тугатишни амалга ошириш учун махсус режа тузилади. Юридик шахс ночор деб тан олинган пайтдаги унинг бухгалтерия баланси ва унинг кредиторлари, шунингдек, улар томонидан қилинган талабларнинг руйхати ушбу режада ҳавола этилади.

Давлат руйхатидан утказилган пайтдан эътиборан молия-ҳужалик фаолиятини амалга оширмаётган корхонани тугатиш, шунингдек, уларнинг муассислари йўқлигида тугатиш таоми-

ли ва хусусиятлари қонун ҳужжатлари билан тартибга солин-  
нади<sup>1</sup>.

Юридик шахсни тугатиш бир неча босқичдан иборат. Би-  
ринчи босқич — бу юридик шахснинг кредиторлари томонидан  
дан белгиланган муддатда даъво қўзғатишдан иборат. Юқорида  
таъкидлаб утилганидек, бу муддат икки ойдан кам бўлмаслиги  
керак. Иккинчи босқич — бу юридик шахс қарздорларининг  
мажбуриятларини ва унинг кредиторларининг талабларини  
аниқлашдан иборат. Зарур бўлган ҳолларда тугатилаётган юри-  
дик шахснинг қарздорларига нисбатан судда даъво қўзғатила-  
ди. Тугатиш комиссиясининг топшириғига асосан банкларда  
юридик шахснинг ҳисоб-китобидан пулларни утказиш тухта-  
тилади. Давлат корхоналарининг кредиторларига уларнинг та-  
лабларини кафолатловчи ҳуқуқлар берилади. ФКда биринчи  
марта уларга ўз талабларини ундира олмаган қисмини давлат  
корхонасининг мулкдорларидан ундириб олиш ҳақида судга  
муурожаат қилиш ҳуқуқи берилади.

Юридик шахс тугатилаётганда унинг кредиторларининг қай-  
си талабларини биринчи галда қаноатлантириш зарурлиги  
ҳақидаги муаммо турли фикр ва тортишувларга сабаб бўлди.  
ФК лойиҳасининг биринчи нусхасида биринчи галда шахснинг  
ҳаёти ва саломатлигига етказилган зарарни ундириш кўзда ту-  
тилган эди. Лекин Меҳнат кодексига урнатилган тартибга му-  
вофиқ меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан  
талабларни ундириш биринчи уринга қўйилади. Сунгра али-  
ментларни ундиришга, муаллифлик шартномалари бўйича му-  
кофот тулаш, фуқароларнинг ҳаётига ёки соғлигига етказил-  
ган зарарни қоплаш ҳақидаги талабларга эътибор берилди. Шу  
нинг билан бирга ушбу туловлар олдиндан капиталлаштирил-  
ган бўлиши, яъни юридик шахс тугатилишидан олдин ўз фао-  
лиятини самарали амалга ошириш даврида келажакда вужудга  
келиши мумкин бўлган юқоридаги талаблар ҳисобга олиниб,  
уларни қаноатлантириш учун махсус жамгарма (фонд) ажра-  
тилган бўлиши назарда тутилади.

1994 йил 5 майда Ўзбекистон Республикасининг «Банкрот-  
лик туғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун янги таҳ-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 август қонуни билан киритилган — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 229-модда.

рирда биринчи марта 1998 йил 28 сентябрда, иккинчи марта 2003 йил 24 апрелда қайтадан қабул қилинди. Қонунда банкротлик тушунчаси ва унинг аломатлари, унинг сабаблари ва оқибатлари ҳақида қоидалар мавжуд. Шунга қарамай, банкротлик юридик шахс фаолиятига бевосита тааллуқли эканлиги эътиборга олиниб, Фуқаролик кодексида қандай корхоналар банкротликка учраши ҳақида қисқача аниқлик киритилди. Банкрот деб ҳисобланадиган корхоналар асосан юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиши керак. Аммо ушбу қоида якка тартибда тадбиркорлик билан шугулланувчи ва юридик шахс ҳисобланмаган фуқароларга тааллуқли эмас. Улар юридик шахс бўлмасаларда, юридик шахс каби банкрот деб ҳисобланишлари мумкин (ФКнинг 26-моддаси). Шу билан бирга юридик шахс бўлган давлат корхонаси уни банкрот деб ҳисоблаш йўли билан эмас, балки уни ташкил қилган давлат органининг қарорига асосан тугатилади. Банкрот деб ҳисобланадиган юридик шахс тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотлардан иборат бўлиши мумкин. Тижоратчи бўлмаган матлубот кооперативлари ва ижтимоий фондларни банкрот деб ҳисоблашнинг алоҳида қоидалари белгиланди. Юридик шахсни банкрот деб ҳисоблаш суднинг қарори ҳамда юридик шахснинг уз кредиторлари билан биргаликда бу ҳақдаги хабар эълон қилиши билан амалга оширилади.

Юридик шахснинг банкрот деб ҳисобланиши унинг тугатилишига олиб келади (ФКнинг 67-моддаси).

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Юридик шахснинг вужудга келиш асослари ва тартиби?
2. Юридик шахснинг фармойиш қабул қилиш ва рўхсат олиш тартибда ташкил этилиши?
3. Юридик шахснинг норматив-қатнашиш (нормативно-явочный) тартибда ташкил этилиши?
4. Юридик шахснинг давлат рўхатидан утказилиши?
5. Хорижий инвестициялар ишгиросидаги корхоналарнинг, халқаро бирлашмаларнинг ва ташкилотларнинг давлат рўхатидан утказилиши?
6. Юридик шахсни қайта ташкил этиш усуллари (қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш, узгартириш)?
7. Юридик шахсни қайта ташкил этишда ҳуқуқий ворислик. Умумий (универсал) ёки қисман (сингуляр) ворислик?
8. Юридик шахсни қайта ташкил этишнинг ҳуқуқий оқибатлари. Кредиторлар ҳуқуқларининг кафолатланиши?

9. Юридик шахсни тугатиш асослари ва тартиби?
10. Юридик шахсни тугатишнинг уни қайта ташкил этишдан фарқи қандаши?
11. Юридик шахснинг ихтиёрий ва мажбурий равишда тугатилиши?
12. Юридик шахснинг банкрот деб топилиши ва унинг тугатилиши?
13. Юридик шахсни тугатиш тартиби ва ҳуқуқий оқибатлари?

### *Қушимча адабиётлар*

1. Братусь С.Н. Юридические лица в советском гражданском праве —М.: 1947.
2. Гражданское право. Т.1. Учебник. Изд. четвертое, переработанное и дополненное /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. —М.: «НБЮЛ Л.В.Рожников», 2000.
3. Гражданское право. Т.1. Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное /Отв.ред. Е.А.Суханов. —М.: Волтерс Клувер, 2004.
4. Гражданское право. Т.1. Учебник. /Отв.ред. М.К.Сулейменов, Ю.Г. Басин. —Алматы, 2000.
5. Раҳмонкулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Дарслик. —Т.: ТДЮИ, 2007.
6. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. —Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997.
7. Степанов В.В. Несостоятельность (банкротство) в России, Франции, Англии, Германии. —М.: 1999.
8. Черепахин Б.Б. Волеобразование и волеизъявление юридического лица. Органы и представители юридического лица //Черепахин Б.Б. Труды по гражданскому праву (Серия «Классика российской цивилистики»). —М.: 2001.

## У боб

# ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА ТИЖОРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР

## 1-§. ТИЖОРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

Тижоратчи, яъни фойда олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олган юридик шахслар хужалик ширкати ва жамияти, ишлаб чиқариш кооперативи, унитар корхона ва қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда тузилиши мумкин (ФКнинг 40-моддаси 2-қисми).

Ушбу тижоратчи ташкилотлар мулкий муносабатларда кенг тарқалган коллектив тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида ҳисобланади. Тадбиркорлар томонидан тузиладиган бундай шаклга ўхшаш бирлашмалар қитъа ҳуқуқида компаниялар ёки фирмалар, англо-америка ҳуқуқида эса корпорациялар деб номланади. Утмишда, Ўзбекистонда бундай бирлашмалар ширкатлардан иборат бўлиб, улар асосан савдо ва шунингдек, ҳунармандчилик билан шугулланишган. Хусусий тадбиркорликка, тижоратга йўл қўйилмаган даврда эса қонунчиликда «хужалик фаолияти» деган иборадан кенг фойдаланилди. Ушбу анъанани ҳисобга олган ҳолда Фуқаролик кодексига тижоратчи ширкатлар ва жамиятларга нисбатан «хужалик» деган атама сақланиб қолинди.

**Ширкатлар ва жамиятлар** ўз аъзоларининг ихтиёри билан, яъни улар томонидан тузилган шартномага асосан вужудга келган, умумий ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган тижоратчи ташкилот ҳисобланади. ФКнинг 58-моддасида белгиланган асосий қоидага биноан хужалик ширкатлари ва жамиятлари уларни ташкил қилишда қатнашган муассислари (иштирокчилари)нинг мол-мулкидан ажратилган ва уларнинг ҳиссаларидан ташкил топган устав капиталига (фондига, мулкий жамғармасига) эга бўлган тижоратчи юридик шахс ҳисобланади. Улар муассислар (иштирокчилар) қўшган ҳиссалари, шунингдек сотиб олган акциялари ҳисобига вужудга келган, ўз фаолиятини амалга ошириш натижасида қўлга киритилган ва сотиб олинган мол-

мулкларига нисбатан яккаю ягона мулк ҳуқуқи субъекти ҳисобланади.

Хўжалик ширкатлари тулиқ ширкат, коммандит ширкат шаклида, хўжалик жамияти эса масъулияти чекланган ски қўшимча масъулиятли жамият, акциядорлик жамияти шакли да тузилиши мумкин.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларнинг муассислари (иштирокчилари) муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга. Улар ширкат ва жамиятнинг ишларини бажаришда қатнашини, фаолияти тўғрисида ахборот олиш, фойдани тақсимлашда қатнашини, ширкат ёки жамият тугатилган тақдирда кредиторлар билан ҳисоб-китоб қилингандан кейин қолган мол-мулкнинг бир қисмини ёки унинг қийматини олиш ва бошқа қонун ҳужжатларида, шунингдек, ширкат ёки жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга булишлари мумкин.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тўғрисидаги қоидаларни Ўзбекистон Республикаси фуқаролик қонунчилиги соҳасидаги янгиликлардан деб ҳисоблаш мумкин. Республиканинг бозор муносабатларига ўтиши билан 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Хўжалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида»ги қонун<sup>1</sup> тижоратга асосланган тадбиркорликнинг ривожланишида муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунда жамият ва ширкат қатнашчиларининг таркиби ва ваколатлари, таъсис ҳужжатлари, уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби, уларнинг мол-мулки ва бошқа масалаларга багишланган умумий қоидалар назарда тутилди. Қонунга амал қилинган ҳолда ва сўнгги йилларда амалга оширилган иқтисодий ва ҳуқуқий ислоҳотлар натижасида рўй берган ўзгаришлар ҳисобга олиниб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси томонидан 1996 йил 26 апрелда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» қонун қабул қилинди<sup>2</sup>.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятлари тижоратчи ташкилотлардан иборат. Улар саноат, қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларда фаолият курсатишлари мумкин. Умуман ол

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993 йил 1. №1.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1993 йил 1. 5—6-сон, 61-модда.

ганда, ширкат ва жамият иштирокчилари хужалик соҳасида уз олдиларига қуйган ягона мақсадга эришиш учун мол-мулкларини қушиб, биргаликда ҳаракат қиладилар. Лекин улар қисман, бир-бирларидан фарқ ҳам қиладилар. Масалан, шериклик фақат натижага эришиш учун эмас, балки иштирокчиларнинг бир-бирларига яқин шахсий муносабатларига асосланади. Бунда иштирокчиларнинг ким эканлигига аҳамият берилади. Жамиятда эса унинг иштирокчилари кимлардан иборат бўлиши ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, у биринчи галда мақсадга эришиш нуқтаи назардан тузилади.

Хужалик ширкатлари ва жамиятларнинг муассислари (иштирокчилари) фуқаролардан ва юридик шахслардан иборат бўлиши мумкин. Уларнинг узлари томонидан тузилган юридик шахс уртасидаги муносабатлари мажбурият ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади. Шундай экан, ширкат ва жамиятнинг мол-мулкига нисбатан эгалик ҳуқуқи юридик шахсга тегишли бўлиб ҳисобланади. Муассислар (иштирокчилар) ушбу мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқига эга эмаслар.

Ширкатнинг ёки жамиятнинг мулкига қушиладиган ҳисса ҳар хил мулкдан, жумладан, мулкӣ ҳуқуқдан ва шунинг билан бирга пул билан баҳоланиши мумкин бўлган бошқа ҳуқуқлардан иборат бўлиши мумкин. Ҳиссанинг асосий белгиси — унинг пул билан баҳоланиши мумкинлигидадир. Масалан, муаллифнинг мулкӣ ҳуқуқи, ихтирога бўлган ҳуқуқ, ноу-хау, саноат нусхалари, товар белгиси ва шунга ухшашлар ҳам ширкат ёки жамият мулкига қушилган ҳисса бўлиши мумкин. Кредиторнинг шахси билан боғлиқ бўлмаган, мажбурият бўйича талаб қилиш ҳуқуқи ҳам ҳисса сифатида тан олиниши мумкин. Муассислар (иштирокчилар) томонидан қушиладиган ҳиссани пул билан баҳолашда вужудга келган низони суд томонидан белгиланган бетараф экспертлар ҳал қилиши мумкин.

Ширкат ёки жамиятнинг ҳар бир иштирокчиси унинг фаолиятини бошқаришда қатнашиш ҳуқуқига эга. Ширкат ва жамиятнинг қайси турдан иборат бўлишига қараб, унинг иштирокчилари ширкат ёки жамият фаолиятини бошқаришга оид қарорларни қабул қилишда ёки бошқарув ва текширув органларини тузишда қатнашишлари мумкин. Коммандит ширкати-нинг иштирокчиси унинг фаолиятини бошқаришда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас (ФКнинг 61-моддаси).

Хужалик ширкати ва жамияти иштирокчиларининг мажбуриятлари таъсис ҳужжатларида назарда тутилган тартибда, миқдорда, усулларда ва муддатларда ҳисса қушишдан, махфий ахборотни ошкор қилмасликдан, ширкат ва жамиятнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятлардан иборат бўлиши мумкин.

Юқорида ақс этирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар барча шаклдаги жамият ва ширкат қатнашчиларига тааллуқдир. Шунинг билан бирга ҳар бир шаклдаги ширкат ва жамият иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари узларига хос хусусиятлари билан ифодаланади. Масалан, «**тулиқ ширкат**» иштирокчилари уз урталарида тузилган шартномага мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар. Улар ўз ширкат мажбуриятлари бўйича узларига қарашли бутун мол-мулк билан жавоб берадилар. Шахс фақат битта тулиқ ширкатнинг иштирокчиси бўлиши мумкин (ФКнинг 60-моддаси). «**Коммандит ширкати**» ширкатнинг қарзлари бўйича узининг ширкат фондига қушган ҳиссаси миқёсида жавоб берадиган иштирокчилардан (коммандитлардан) иборат (ФКнинг 61-моддаси). Коммандит ширкати ибораси француз ҳуқуқидан олинган бўлиб, савдо соҳасидаги ширкатлардан бири ҳисобланади. Коммандит ширкати **ишончга асосланган ширкат** деган ном билан ҳам аталади.

## 2-§. ХУЖАЛИК ШИРКАТЛАРИ

**Тулиқ ширкат** иштирокчилари ўртасида тузилган шартнома бу турдаги ширкатнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Фуқаролик кодексида таъсис шартномасининг ёлғиз ўзи тарафларнинг эркини ва улар ўртасидаги муносабатларнинг хусусиятларини тулиқ ифода этадиган ҳужжат сифатида тан олинади. Таъсис шартномасининг мазмуни ФКнинг 43-моддаси 4-қисмидаги шартлар билан белгиланади. Айни пайтда қонун бошқа шартларни назарда тутишни ман этмайди.

Тулиқ ширкат шартномага асосан тузилиши керак булганлиги туфайли, унинг номи билан тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи иштирокчиларнинг сони **икки кишидан кам булмаслиги керак**. Тулиқ ширкатни тавсифловчи асосий белги — иштирокчилар ширкатнинг мажбуриятлари бўйича чекланмаган **солидар жавобгар** бўлишидан иборат. Ширкат иш



тирокчилари бир-бирларига ишонган ҳолда фаолият юритадилар.

Тулиқ ширкат фаолиятини бошқаришда ширкат иштирокчиларининг умумий розилиги талаб қилинади. Таъсис шартномасида купчилик овоз билан қарор қабул қилиш мумкинлиги назарда тутилган бўлиши мумкин. Бундай ҳолда шартномада қайси муаммолар бўйича купчилик овознинг бўлиши зарурлиги, шунингдек бу купчилик оддий ёки мураккаб (квалифицирован) купчиликдан иборат эканлиги (масалан, иштирокчиларнинг умумий сонидан тўртдан бир ёки учдан бир қисмининг овози) аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Умумий қоидага биноан, ҳар бир иштирокчи битта овозга эга бўлади. Лекин тулиқ ширкатнинг таъсис шартномасида овозлар бошқа тартибда, масалан, қўшилган ҳиссанинг миқдорига нисбатан қарра сифатида ҳам белгиланиши мумкин.

Ширкат фаолияти билан боғлиқ ширкат иштирокчисининг бурчи ҳар хил шаклда амалга оширилиши мумкин. Ширкат фаолиятини амалга оширишда иштирокчининг шахсан ўзи қатнашиши зарурлиги қонунда назарда тутилмаган. Таъсис шартномасида айрим иштирокчиларнинг ширкат фаолиятида фақат қўшган ҳиссалари билан иштирок этиши мумкинлиги назарда тутилган бўлиши мумкин.

Тулиқ ширкатнинг иштирокчиларидан йигилган (складочный) капитал унинг молиявий манбаи бўлиб ҳисобланади. Ширкатнинг ҳар бир иштирокчиси ушбу капиталга ўз ҳиссасини қўшади. Қўшиладиган ҳиссанинг миқдори ширкатни рўйхатдан ўтказиш пайтида унинг ярмидан кам бўлмаслиги керак, қолган қисмини топшириш муддати таъсис шартномасида белгиланган бўлиши керак. Ҳиссанинг миқдори ва турлари ҳар хил бўлиши, масалан, мол-мулкдан, пулдан, кўрсатиладиган хизматлардан ва бошқалардан иборат бўлиши мумкин.

Тулиқ ширкат фаолиятини амалга ошириш натижасида қўлга киритилган даромадлар ва шунингдек қўрилган зарарларни иштирокчилар ўртасида тақсимлаш улар ҳар бирининг қўшган ҳиссасига нисбатан мутаносиб равишда амалга оширилади. Иштирокчиларнинг келишуви билан бошқа тартибда тақсимланиши ҳам мумкин. Лекин, қонун бўйича иштирокчилардан биронтасини даромад олишдан тулиқ маҳрум қилишга ёки етказилган зарарни қоплашдан мутлақ озод қилишга йўл қўйилмайди.

Тулиқ ширкат иштирокчисининг **шахсий мажбуриятлари бўйича** қарзини ундириш биринчи галда унинг узига тегишли ва ихтиёрида бўлган мол-мулкка нисбатан қаратилади. Агар унинг бу мол-мулки етарли бўлмаса, ширкатнинг йиғинди капиталидаги унинг ҳиссасига қаратилиши мумкин. Иштирокчининг ҳиссаси тула ҳажмда қарзни ундиришга қаратилган тақдирда, у ширкат таркибидан чиқиб кетади.

Тулиқ ширкатнинг **тугатилиши** юридик шахсларга хос бўлган умумий қоидага асосан амалга оширилади (53-модда). Аммо фарқи ҳам бор. Агар ширкат иштирокчиларининг таркибий қисмида узгариш юз бериб, ширкат фаолиятини давом эттириш ҳақида ўзаро келишувга эришилмаса, ширкат тугатилди, деб ҳисобланади. Агар ширкатда унинг битта иштирокчиси қолган бўлиб, у ширкатни маълум муддатда хужалик жамиятига айлантирмаса, ширкат тугатилган деб ҳисобланади.

**Коммандит** ширкати уларга тегишли ҳуқуқ ва бурчларнинг фарқи **билан икки хил** туркумга бўлинадиган иштирокчилардан ташкил топади. Улар гўлиқ шериклардан ва ишончга асосланган шериклардан иборат. Бундай ширкат фаолиятини ва унинг доирасини тулиқ шериклар белгилайди. Ишончга асосланганларнинг ширкат фаолиятидаги иштироки ширкат фондига ҳисса қушиш билан чекланади. Улар ширкат фаолиятига келтирилган зарар учун ўзлари қўшган ҳисса доирасида жавобгар буладилар.

Коммандит ширкатнинг таъсис шартномасига фақат унинг тулиқ шериклари имзо чекадилар. Ишончга асосланган иштирокчилар таъсис шартномасини ишлаб чиқишда ва муҳокама қилишда қатнашишлари мумкин. Уларнинг бу ҳуқуқи таъсис шартномасида ҳам назарда тутилган бўлиши мумкин.

Коммандит ширкатнинг фаолиятини тулиқ ширкатлар учун белгиланган тартибда тулиқ шериклар бошқаради. Ишончга асосланганлар ширкатнинг фаолиятини амалга оширишда ва бошқаришда иштирок этмайдилар. Улар ширкатнинг ишончномасига асосан битимларни тузишда ва бажаришда иштирок этишлари мумкин.

Ишончга асосланган иштирокчиларнинг асосий мақсади ширкатнинг йиғинди капиталига қўшган ҳиссасига нисбатан мутаносиб даромад олишдан иборат. Олинган даромаднинг бир қисмини ишончга асосланган иштирокчига бериш, умумий қоидага биноан, хужалик йилининг якунланиши билан қабул

қилинган ҳисобот ва чиқарилган балансга асосан амалга оширилади.

Ишончга асосланган иштирокчи хужалик йили тугаши билан ширкатнинг йиғинди капиталидан уз ҳиссасини олиб ёки бу ҳиссани бошқа шахсга утказиб ширкатдан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Ҳиссани утказишда бошқа учинчи шахсларга нисбатан ширкатдаги ишончга асосланган иштирокчилар устун ҳуқуққа эга. Бундай пайтда ширкатдаги тулиқ иштирокчилар ҳам учинчи шахс сифатида қабул қилинадилар.

Коммандит ширкати **ночор (банкрот) деб топилганида**, унинг мулкidan биринчи навбатда кредиторларининг талаблари қаноатлантирилади (ФКнинг 56-моддаси), сунгра ишончга асосланган иштирокчиларнинг ҳиссалари ажратиб бериледи ва шундан сунг ширкатнинг йиғинди капиталидан қолган мол-мулк тулиқ шериклар уртасида тақсимланади.

### 3-§. ХУЖАЛИК ЖАМИЯТЛАРИ

Хужалик жамиятлари иштирокчиларининг ҳуқуқ ва бурчларига хос фарқлари ҳам асосан уларнинг мажбуриятлари буйича жавобгарлиги билан боғлиқ. Масалан, «**масъулияти чекланган жамиятнинг**» мажбуриятлари буйича унинг иштирокчилари жавоб бермайдилар. Улар жамият фаолияти билан боғлиқ зарарлар учун узлари қушган ҳиссалар қиймати доирасида жавобгардирлар (ФКнинг 62-моддаси). Масъулияти чекланган жамият узининг таъсис ҳужжатлари, уни ташкил қилиш тартиби, иштирокчиларининг ҳуқуқи ва бурчлари билан тулиқ ёки коммандит ширкатлардан фарқ қилади. Унинг яна битта фарқи шундан иборатки, бундай жамиятнинг **таъсисчиси битта шахсдан** иборат булиши ҳам мумкин. Шу билан бирга масъулияти чекланган жамият иштирокчиларининг сони қонун ҳужжатларида урнатилган меъёрдан ошиб кетмаслиги керак. Ошиб кетган тақдирда бундай жамият акциядорлар жамиятига айлантимирилиши ёки тугатилиши лозим. Сон жиҳатдан бундай чегара қўйилишига асосий сабаб, масъулияти чекланган жамият иштирокчиларига хос таниш-билиш булишликдан сақлаб қолишдан иборат. Акциядорлар жамиятида акция эгаларининг узаро муносабатда таниш-билиш булганлигининг аҳамияти йуқ. Масалан, масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчиси томонидан устав фонди (капитали)даги уз ҳиссасини учинчи шахс-

ларга сотишга, агар уставда рухсат берилмаган булса, йул қуйилмайди. Ушбу ҳисса умумий қоидага биноан жамиятнинг бошқа иштирокчиларига утказилиши мумкин. Очиқ акциядорлар жамиятида акцияларни бошқа акциядорларнинг розилигини олмасдан тасарруф қилиш ҳуқуқи берилган.

Масъулияти чекланган жамият давлат руйхатидан утган пайдандан бошлаб вужудга келади (ФКнинг 44-моддаси). Руйхатдан утказиш таъсис ҳужжатлари (таъсис шартнома ва устав)га асосан амалга оширилади (ФКнинг 43-моддаси). Улар руйхатдан утказиш учун бирга тақдим этилади. Жамиятнинг таъсисчиси битта шахсдан иборат булса, руйхатдан утказиш учун фақат устав тақдим этилади.

Масъулияти чекланган жамиятнинг **моддий манбаи** жамият иштирокчиларининг ҳиссаларидан ташкил топган устав фонди (капитали)дир. Устав капиталининг миқдори, одатда, уставда назарда тутилади, лекин у қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордан кам булмаслиги керак. Агар устав фонди иштирокчилар томонидан ярмидан кам миқдорда туланган булса, жамият руйхатдан утказилмайди, ярмидан куп булса, унинг етмаган қисмини жамият фаолиятининг биринчи йили давомида тулаш талаб қилинади. Жамият фуқароларнинг ихтиёрий равишда тузадиган ташкилоти булганлиги туфайли, ҳиссанинг етмай қолган қисмини ундириш учун судда даъво қўзғатилмайди. Бундай ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган қоидаларга биноан устав фондига қўшиладиган ҳиссанинг миқдори камайтирилиши ёки жамиятнинг фаолияти тугатилиши мумкин. Устав фонднинг миқдори қисқартириладиган булса, бу ҳақда жамиятнинг кредиторлари, албатта, хабардор қилинади. Улар мажбуриятни жамият томонидан белгиланган муддатдан олдин бажаришни ёки уни бекор қилишни ва шу туфайли етказилган зарарни қоплашни ундан талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Коммандит (ишончга асосланган) ширкатни бошқариш унинг тулиқ шериклари томонидан амалга оширилади. Масъулияти чекланган жамиятда бундай эмас. **Бу жамиятда унинг барчи иштирокчилари тенг ва жамият** фаолиятини бошқариш учун улардан биронтасига қонунда устунлик берилмаган. Шунинг учун ҳам жамият иштирокчилари томонидан унинг бошқарув органини тузиш назарда тутилади. Иштирокчиларнинг **умумий мажлиси жамиятнинг олий органи ҳисобланади**. Умумий мажлис маҳаллий аҳамиятга эга булган норматив ҳужжатнинг,

жамиятнинг ички ишларини ҳал қилишга қаратилган қарорларни қабул қилиш ҳуқуқига эга. Кундалик муаммоларни ҳал қилишда умумий мажлисга ҳисобот бериб турадиган ва унга итоат этадиган **ижрочи орган** тuzилади. Бундай орган якка директор ёки маслаҳатчилар ҳайъати (коллегия)дан иборат бўлиши мумкин.

Масъулияти чекланган жамиятнинг **қайта ташкил қилиниши ёки тугатилиши** жамият барча иштирокчиларининг тулик овози билан ҳал қилинади. Бундай қарор қабул қилиш ваколати фақат умумий мажлисга берилган. Агар узрли сабабларга кура умумий мажлис аъзоларини йиғишнинг иложи булмаса, уларнинг ҳар биридан ёзма равишда юборган розилиги талаб қилинади. Лекин иштирокчилардан биронтасининг **жамиятдан чиқиб кетиши** учун бошқа иштирокчиларнинг розилиги булиши талаб қилинмайди. Жамият иштирокчиси хоҳлаган вақтда ундан чиқиб кетиш ҳуқуқига эга. Ушбу қоида императив характерга эга. Шунинг учун ҳам таъсис шартномасида иштирокчининг бу ҳуқуқини чеклаш назарда тутилган шарт уз-узидан ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Масъулияти чекланган жамиятдан чиқиб кетувчига, устав фондида унинг ҳиссасига тўғри келадиган мол-мулк қисми пул билан баҳоланиб, туланади. Уставда бундай тўловни хужалик йилининг охирида, яъни жамият фаолиятига якун ясалганидан кейин амалга ошириш ҳақида тартиб белгиланган бўлиши мумкин.

**Қўшимча масъулиятли жамият иштирокчилари** унинг мажбуриятлари буйича уз мол-мулклари билан қўшган ҳиссалари қийматига нисбатан ҳамма учун бир хил булган, жамиятнинг таъсис ҳужжатларида белгиланадиган каррали миқдорда солидар тарзда субсидиар жавобгар буладилар. Демак, жамият мажбуриятлари буйича ҳамма иштирокчилар шериклик (солидар) асосида каррали миқдорда бир текисда қўшимча (субсидиар) жавобгар бўладилар (ФКнинг 63-моддаси). Ушбу моддага биноан иштирокчилардан биронтаси банкрот булса, жавобгарлик бошқа иштирокчилар уртасида уларнинг ҳиссаларига мутаносиб равишда тақсимланиши ҳам назарда тутилади.

Демак, агар масъулияти чекланган жамиятнинг иштирокчилари унинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмасалар, қўшимча масъулиятли жамиятнинг иштирокчилари эса, унинг мажбуриятлари юзасидан фақат устав фондига (капиталига)

қушган ҳиссалари миқдориди эмас, балки узларига тегишли булган бошқа мол-мулклари ҳисобидан қушган ҳиссалари қийматиға нисбатан ҳамма учун бир хил булган каррали миқдорда жавобгар булишни уз зиммаларига оладилар. Бундай миқдор қушимча масъулиятли жамиятнинг таъсис ҳужжати билан белгиланади. Жамият кредиторлари ундирувни биринчи галда унинг мол-мулкига қаратадилар, бу мулк қарзни узиш учун етарли булмаган тақдирда, иштирокчилар жамият мажбурияти буйича уз мол-мулклари билан субсидиар (қушимча) жавобгар буладилар. Бундай жавобгарликни бажаришни жамият иштирокчилари солидар тарзда уз зиммаларига оладилар. Агар иштирокчилардан бири ночорликка (банкротликка) учраганлиги туфайли жамиятнинг қарзи учун жавоб беролмайдиган ҳолатга тушиб қолса, унинг жавобгарлик қисми бошқа иштирокчилар уртасида уларнинг устав фондидаги ҳиссаларига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади. Бундай тартиб таъсис ҳужжатларида узгартирилган булиши ҳам мумкин. Масъулияти чекланган жамият ёки қушимча масъулиятли жамият иштирокчисини **жамиятдан унинг розилигисиз чиқариб юборишлик** тегишли таъсис шартномаси шарти узгартирилган деб ҳисобланади. Бундай чиқариб юборишга қонун ҳужжатларида ёки таъсис ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, шунингдек, жамият иштирокчиси томонидан шартнома шартлари қупол равишда бузилган тақдирдагина йул қуйилади (ФКнинг 382-моддаси).

#### **4-§. АКЦИЯДОРЛАР ЖАМИЯТИ**

**Акциядорлар жамиятида унинг устав фонди муайян миқдордаги акцияларга бўлинган булади.** Унинг иштирокчилари акциядорлик жамиятининг мажбуриятлари буйича жавоб бермайдилар, аммо жамият фаолиятининг амалга оширилишидан келиб чиққан зарарлар учун уларнинг акциялари қиймати доирасида жавобгар буладилар. Жамиятнинг мажбурияти буйича акциядорнинг жавоб бериши ҳақида ҳам қоида назарда тутилади. Бундай қоида акциялар ҳақини батамом туламаган акциядорларга тааллуқлидир. Улар узларига қарашли акциялар қийматининг туланмаган қисми доирасида жамият мажбурияти буйича биргаликда жавобгар буладилар (ФКнинг 64-моддаси).

Акциядорлар жамияти очик ва ёпиқ булиши мумкин. **Очик жамият** иштирокчилари узларига тегишли акцияларни қонин

акциядорларнинг розилигисиз бошқа шахсларга беришлари мумкин. Бундай жамият узи чиқарган акцияларга очик обуна утказишга ва уларни эркин сотишга ҳақли (ФКнинг 65-моддаси). **Ёпиқ жамиятда** акциялар фақат узининг муассислари (иштирокчилари) орасида ёки олдиндан белгилаб қуйилган бошқа шахслар доирасида тақсимланади. Бундай жамият узи чиқарган акцияларга очик обуна утказишга ёки уларни сотиб олиш учун чекланмаган шахслар доирасига бошқача тарзда тавсия этишга ҳақли эмас (ФКнинг 66-моддаси). Бундай жамият иштирокчиларининг сони ҳам белгиланган бўлиб, ундан ошиб кетса, бир йил давомида очик жамиятга айлантирилиши лозим, акс ҳолда суд тартибида унинг фаолияти тугатилиши мумкин. Ўз навбатида очик акциядорлик жамияти, агар акциядорларнинг сони элликдан зиёд булмаса, акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига биноан ёпиқ акциядорлик жамиятига айлантирилиши мумкин. Агар акциялар битта шахс томонидан сотиб олинган булса ва қонунда бошқача ҳол назарда тутилмаган булса, акциядорлик жамияти битта шахс томонидан ҳам тузилиши, яъни битта шахсдан иборат булиши ҳам мумкин.

**Жамиятнинг эълон қилинган устав фондининг энг кам миқдори** қуйидагилардан иборат:

— ёпиқ жамият учун — энг кам ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида;

— очик жамият учун — 50.000 АҚШ доллари миқдорида.

Ёпиқ жамиятнинг эълон қилинган энг кам устав капитали уни давлат руйхатидан утказиш пайтида тулиқ туланган булиши керак. Очик жамиятники эса унинг эълон қилинган энг кам устав капиталининг 25 фоизи туланган булиши мумкин. Устав фондининг қолган қисми уни давлат руйхатидан утказилган пайтдан бошлаб бир йил давомида туланиши керак.

**Жамиятнинг таъсис ҳужжатлари** таъсис шартномасидан ва унинг уставидан иборат. Таъсис шартномаси жамиятни ташкил этиш пайтида унинг таъсисчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилайди ва тартибга солади. Жамиятнинг давлат руйхатидан утказилиши ва таъсисчиларнинг уз зиммаларига олган мажбуриятларининг бажарилиши билан таъсис шартномаси уз кучини йуқотади. Устав эса, уз навбатида, жамиятнинг юридик шахс сифатида ҳуқуқий мақомини белгилайди. Устав жамият таъсисчилари ваколат берган шахслар томонидан имзоланади ва нотариал тартибда тасдиқланади. Барча манфаатдор

шахслар жамият устави билан танишиб чиқиш ҳуқуқига эга. Акциядорларнинг талаби бўйича жамият устав ва унга кейинчалик киритилган узгаришлар билан танишиб чиқиши учун акциядорга имконият яратиб бериши керак.

Акциядорнинг ҳуқуқи акция билан исботланади.

**Акция — қимматли қоғоз ҳисобланади.** Акция жамият томонидан чиқарилади ва унинг турига, шунингдек қандай категорияга эга эканлигига қараб, акциядорларнинг қуйидаги ҳуқуқларга эга эканликларини тасдиқлайди:

— дивидендлар олиш;

— жамиятни бошқаришда қатнашиш;

— жамият тугатилгандан кейин ундан қолган мол-мулкнинг бир қисмини олиш.

Жамият фақат **номи курсатилган** акциялар чиқариш ҳуқуқига эга. Акция булинмайдиган қимматли қоғоз. Агар акция бир неча шахслар томонидан қўлга киритилган бўлса, уларнинг барчаси жамиятга нисбатан акциядор сифатида тан олинади ва уз ҳуқуқларини умумий вакил орқали амалга оширади. Жамият **имтиёзли** ва (ёки) **оддий акциялар** чиқаради. Имтиёзли акциялар жамиятнинг эълон қилинган устав капиталининг 25 фоизидан ошиб кетмайдиган ҳажмда чиқарилиши мумкин. Имтиёзли акция эгалари дивидендлар олишда, жамият тугатилган тақдирда ундан қолган мол-мулкнинг бир қисмига эгалик қилишда оддий акция эгаларига қараганда устун ҳуқуққа эга.

Акциядорлар жамиятининг фаолияти унинг органлари томонидан амалга оширилади. **Жамиятнинг олий органи** акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади. Умумий йиғилиш жамиятнинг бошқарув органи — кузатув кенгаши томонидан чақирилади. Куп масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан, муҳим масалалар бўйича қарорлар эса малакавий кўпчилик овозлар билан қабул қилинади.

**Кузатув кенгаши** жамият фаолиятида умумий раҳбарлик ва зифасини амалга оширади. Кузатув кенгаши фақат умумий йиғилиш ваколатига тааллуқли булган масалалар юзасидан қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга эмас. Кузатув кенгаши ваколатига қуйидаги масалалар киреди:

— жамият фаолиятининг муҳим ва устувор йўналишини белгилаш;

— умумий йиғилишни чақириш ҳақида қарор қабул қилиш ва унинг кун тартибини тасдиқлаш;



— чиқарилган (туланган) капиталнинг миқдорини камай-тириш ҳақида ва жамият томонидан чиқарилган акциялар, облигациялар ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш туғрисида қарорлар қабул қилиш;

— жамиятнинг ижро этувчи органига туланадиган ҳақ ва компенсациялар миқдорини белгилаш;

— чорак ёки йил якуни бўйича дивидендларнинг миқдори, манбалари ва тулаш тартиби ҳақида қарор қабул қилиш;

— тоза фойда, захирадаги капитал маблағлари ва жамиятнинг бошқа фондларидан фойдаланиш тартибини белгилаш;

— жамият фаолиятига тааллуқли унинг ички ҳужжатларини тасдиқлаш;

— жамият филиаллари ва ваколагхоналарини ташкил қилиш туғрисида қарор қабул қилиш;

— йирик битим тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

— акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатига бевосита тааллуқли булмаган, жамият уставда назарда тутилган бошқа масалалар кузатув кенгаши ваколатига киради.

Ҳар қандай фуқаро, у жамият акциядори бўлиши ёки бўлмаслигидан қатъи назар, кузатув кенгашининг аъзоси бўлиши мумкин. Кузатув кенгашининг аъзолари жамиятнинг йиллик умумий йиғилишида сайланади. Кенгаш аъзолари ўз таркибидан ёпиқ овоз билан кузатув кенгаши раисини сайлайдилар. Кузатув кенгашининг қарорлари, агар уставда бошқача ҳол назарда тутилмаган бўлса, мажлисда қатнашган кенгаш аъзоларининг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Жамият уставда мажлисда овозлар тенг тақсимланган тақдирда кенгаш раисига ҳал қилувчи овоз бериш ҳуқуқи назарда тутилган бўлиши мумкин. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан кузатув кенгаши аъзосининг ваколати турли асосларга кўра муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

Ёпиқ акциядорлик жамиятининг уставига биноан жамиятнинг фаолияти кузатув кенгаши ташкил қилинмасдан бошқарилиши мумкин. Бундай ҳолларда кузатув кенгаши ваколатига тааллуқли бўлган масалаларни ёпиқ акциядорлик жамиятининг умумий йиғилиши амалга оширади.

Акциядорлик жамиятининг ҳуқуқий мақоми ҳамда акциядорларнинг ҳуқуқ ва бурчлари Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва

акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги қонунда белгилаб берилган<sup>1</sup>.

Қонуннинг акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган асосий қоидаларидан бири — бу унда оддий акцияга бир хил ҳажмдаги ҳуқуқ бериш тамойилининг қўлланишидан иборат. Бошқача қилиб айтганда, қонун акцияларнинг турлари ёки унинг эгалари буйича ҳуқуқлар ҳажмини турлича фарқламайди ҳамда «акциядорларга нисбатан тенг ҳуқуқ» тамойилини белгилайди (Қонуннинг 28, 29-моддалари).

Акциядорларга акциядорлик жамиятининг **умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш** ҳуқуқининг қонунда мустақкамланган бўлиши унинг муҳим ютуғи ҳисобланади<sup>2</sup>. Маълумки, қонуннинг 64-моддасига мувофиқ умумий йиғилиш акциядорлик жамиятининг олий бошқарув органи ҳисобланади ва оддий акцияларнинг эгаси булган акциядор (қонунда белгиланган ҳолатларда имтиёзли акциялар эгаси ҳам) умумий йиғилиш ваколатига киритилган барча масалалар бўйича овоз бериш ҳуқуқи орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга булади.

Умумий йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқи акциядор томонидан шахсан ёки унинг вакили орқали ишончномага асосан амалга оширилади. Лекин бундай ишончнома фақат овоз бе-

---

<sup>1</sup>Ушбу қонунга қуйидаги қонунлар билан узгартириш ва қўшимчалар киритилди: 1996 йил 27 декабрь, 351-1-сон қонуни; 1997 йил 26 декабрь, 549-1-сон қонуни; 1998 йил 29 август, 681-1-сон қонуни; 1999 йил 20 август, 382-1-сон қонуни; 2000 йил 15 декабрь, 175-2-сон қонуни; 2002 йил 13 декабрь, 447-11-сон қонуни; 2003 йил 30 август, 535-2-сон қонуни.

Бундан ташқари, «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш туғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият юритиш механизмлари туғрисида»ги, «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси туғрисида»ги, «Аудит туғрисида»ги, «Аудиторлик фаолияти туғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонунлари; Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-1270-сонли «Қимматли қоғозлар бозорини ривожлантиришнинг қўшимча чора-тадбирлари туғрисида»ги, ПФ-1414-сонли «Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки қумитаси ҳузурида Қимматли қоғозлар бозори ишлашини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш марказини ташкил этиш туғрисида»ги Фармонлари; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 361-ва 257-сонли «Акциядорлик жамиятини бошқаришни такомиллаштириш чора-тадбирлари туғрисида»ги ва бошқа қарорлари ҳам Ўзбекистон Республикасида акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг манбалари ҳисобланади.

<sup>2</sup>Умумий йиғилиш ва бошқарув органлари ҳақида батафсил қаранг: *Нонцев М.* Акционерные общества. —М.: 2000. —С.100-177; *Осиновский Д.* Корпоративные конфликты. —М.: 2002; *Могилевский С.Д.* Акционерные общества —М.: 1999. —С.214.

риш учун берилади. Акциядор вакили қарор қабул қилиш жараёнига таъсир этувчи имкониятлардан фойдалана олмайди. Шу муносабат билан овоз бериш ҳамда умумий йиғилишда бошқа ҳаракатларни ҳам амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ишонч-нома берилиши мақсадга мувофиқ.

Овоз беришга қўйилган масалалар юзасидан акциядорлар умумий йиғилишининг қарори оддий ёки малакавий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. «Акциядорлик жамиятлари туғри-сида»ги қонуннинг таҳлили шуни кўрсатадики, малакавий кўпчиликнинг икки хил тури мавжуд, булар умумий йиғилиш-да иштирок этувчи акциядорларнинг 2/3 ва 3/4 қисмидан таш-кил топган овоздан иборат.

Қонуннинг 66-моддасига биноан овоз берувчи акция эгаларининг тўртдан уч қисми иштирокидаги кўпчилик овози билан **умумий йиғилиш қўйидаги масалалар юзасидан қарор қабул қилиши мумкин:**

— жамият уставига узгартириш ва қушимчалар киритиш ёки унинг уставини янги таҳрирда тасдиқлаш;

— жамиятни қайта ташкил этиш;

— жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

— жамият томонидан эълон қилинган акцияларнинг миқ-дор чегарасини аниқлаш;

— қонуннинг 89-моддасига асосан йирик битимларни ту-зиш.

Акциядорлар умумий йиғилиши кун тартибига қўйилган бошқа барча масалалар оддий кўпчилик овоз билан қабул қили-нади.

**Дивиденд тулаш** жамиятнинг асосий вазифаларидан ҳи-собланади. Оддий ва имтиёзли акция эгалари жамият фойдаси-дан бир қисмини дивиденд шаклида олиш ҳуқуқига эга була-дилар.

Дивиденд тулаш ва унинг миқдори билан боғлиқ масалалар жамиятнинг раҳбарий органлари томонидан ҳал этилиб, умумий йиғилиш кузатув кенгаши томонидан таклиф этиладиган миқдордан ошадиган миқдорда дивиденд тулаш туғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас. Акциядорлик жамияти ҳар чорак-да, ҳар ярим йилда бир марта ва ҳар йилда бир марта дивиденд-лар тулаш туғрисида қарор қабул қилишга ҳақли. Кузатув кен-гаши дивидендларнинг миқдори бўйича умумий йиғилишга

тавсиялар киритади ва оралиқ дивидендларни тулаш туғрисида қарор чиқаради.

Қуйидаги ҳолларда жамият дивидендлар тулаш туғрисида қарор қабул қилишга ҳақли эмас:

— устав капитали тулиқ туланмаган тақдирда;

— тулиқ сотиб олиниши керак бўлган акциялар тулиқ сотиб олингунга қадар (Қонуннинг 76-моддаси);

— агар дивидендлар тулаш туғрисида қарор чиқариш вақтида ёки дивидендлар тулаш натижасида жамиятда туловга қобилиятсизлик (банкротлик) белгилари юзага чиқадиган бўлса;

— агар жамиятнинг соф активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди миқдоридан кам бўлса ёки имтиёзли акцияларнинг уставда белгиланган тугатиш қиймати номиналидан юқори бўлса ёхуд дивидендлар тулаш натижасида уларнинг қийматидан кам бўлиб қоладиган бўлса;

— жамиятнинг тасарруфида бўлган акциялар буйича.

Жамият томонидан дивидендлар тулаш туғрисидаги қарорнинг чиқарилиши билан дивидендларнинг туланиши эълон қилинган ҳисобланади. Акциядор эълон қилинган аммо туланмаган дивидендларнинг туланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлади. Бундай ҳолларда унинг бундай талаби ФКнинг 237-моддаси (мажбуриятларни бажаришдан бир томонлама бош тортишга йўл қўйилмаслиги), шунингдек қонуннинг 56-моддасига асосланган бўлиши мумкин.

Акциядорларнинг **акцияларни бегоналаштириш** ҳуқуқи ҳам уларнинг муҳим ҳуқуқларидан ҳисобланади. Акциядорлик жамиятида улушларни бегоналаштириш эркинлиги жиҳатидан масъулияти чекланган жамиятдан фарқ қилади. Ушбу ҳуқуқ ФКнинг 81, 82-моддаларида назарда тутилган бўлиб, фуқаролик ҳуқуқи объектлари, шу жумладан, қимматли қоғозларнинг ҳам муомалада бўлиши билан белгиланади. Бундан ташқари, қимматли қоғозларнинг (акцияларнинг) муомалада бўлиши уларнинг ҳуқуқий табиати ва эркин бегоналаштирилишидан келиб чиқади<sup>1</sup>. Эркин бегоналаштиришга нисбатан баъзи чекланган ёпиқ турдаги акциядорлик жамиятларида бўлиши мумкин, лекин бундай жамиятларда акцияни бегоналаштириш умуман чек

---

<sup>1</sup>Қаранг: *Карагусов Ф.* Ценные бумаги и деньги в системе объектов гражданских прав. Алматы, 2002. —С.271.

ланмасдан, балки бошқа томонга сотиш ёки бошқача тарзда бегоналаштиришдан олдин жамиятнинг бошқа иштирокчилари томонидан уни сотиб олиш ҳуқуқи билан чекланади.

Эркин бегоналаштириш борасида қонунчиликда бошқа чеклашлар назарда тутилмайди ва ушбу чеклашлардан ташқари жамият устави ва бошқа меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган чеклашлар ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Акциядорлар қуйидаги муҳим масалалар буйича **ахборот олиш** ҳуқуқига эга: жамиятнинг устави ёки шунга ухшаш ҳужжатларга узгартириш ва қушимчалар киритиш, йирик битимлар тузиш сингари корпорациянинг жиддий узгаришларига тааллуқли ва шунга ухшаш муҳим қарорлар ҳақида (АЖ туғрисидаги қонуннинг 106-моддаси).

Жамият томонидан илгари жойлаштирилган оддий акцияларнинг йигирма беш фоизидан зиёдини ташкил этадиган оддий акцияларни ёки оддий акцияларга айирбошланадиган имтиёзли акцияларни жойлаштириш билан боғлиқ бир ёки узаро боғланган бир неча битимлар ҳам йирик битимлар қаторига киради.

Акциядорларнинг ҳуқуқлари қонунда назарда тутилган (114-модда) **қуйидаги институтлар томонидан ҳимоя қилинади:**

— қонунда белгиланган ва уставда назарда тутилган мажбуриятларни бажариш буйича эмитент (акциядорлик жамияти бошқарув органлари);

— қонун ҳужжатларига мувофиқ инвестиция институтлари ва фонд биржалари;

— қимматли қоғозлар бозори профессионал қатнашчиларининг ихтиёрий бирлашмалари;

— суғурта ташкилотлари;

— давлат томонидан қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш ва мувофиқлаштириш юзасидан ваколат берилган орган;

— аудиторлик ташкилотлари;

— ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар.

Акциядорлар ва қимматли қоғозлар бозорининг бошқа субъектлари ўртасида келиб чиқадиган низолар суд тартибида ҳал этилади.

Акциядор уз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида турли хил институтлар воситасидан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Биринчидан, акцияларни сотиб олиш, жамият устав фондининг камида 10 фоиз акциясига эга булган ҳолда акциядорларнинг навбатдан ташқари йигилишини чақиритиш талаб қилиш, АЖнинг бошқарув органларини шакллантиришда иштирок этиш каби узининг ташкилий ҳуқуқларидан фойдаланиши мумкин.

Иккинчидан, узини ҳимоя қилишни сураб ваколатли давлат органлари, айнан Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулк қўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат этиши мумкин.

Учинчидан, акциядор суд ҳимоясидан фойдаланиш ҳуқуқига эга. Бу биринчи галда майда акциядорларга нисбатан купроқ тегишлидир. Катта миқдордаги акциялар пакетига эгалик қилувчи йирик акциядорлар бошқарув органларига узлари сайлаган шахслар томонидан керакли қарор чиқарилиши орқали уз ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишлари мумкин. Аммо бошқарув органининг ҳаракатлари акциядорларга зарар етказган ҳолларда хоҳлаган акциядор судга мурожаат этиши мумкин.

**Майда (миноритар) акциядорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни** куйидаги ҳолатлар юз берганда даъво қўзғатиш йўли билан суд орқали амалга ошириш мумкин:

— акциядорлар умумий йигилиши ва акциядорлик жамиятининг бошқа бошқарув органлари қарори устидан шикоят қилиш;

— акциядорда қонунга мувофиқ акцияларни сотиб олиш ҳуқуқи пайдо булган ҳолларда жамиятни акцияларини қайтариб олишга мажбур қилиш;

— жамиятга унинг раҳбарлари, бошқа ҳужалик ширкати ёки жамияти, шунингдек, унинг фаолиятини назорат қилувчи орган томонидан етказилган зарарларни қоплашни талаб қилиш;

— белгиланган тартибни бузган ҳолда тузилган йирик битимларни ҳақиқий эмас деб топиш;

— жамиятни бошқаришга таъсир этиши мумкин булган шахсларнинг манфаатдорлиги мавжуд булган битимларни ҳақиқий эмас деб топиш;

— жамиятдан дивидендлар суммасини ундириш;

— акциядорнинг қонунда белгиланган ахборотга эга булган ҳуқуқининг бузилиши.

Юқорида келтирилган ҳолатларда акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятга нисбатан даъво қўзғатиш йули

билан амалга оширилади. Бундан ташқари, агар жамият реестрини сақловчи ўз вазифаларини қонунни бузиш орқали акциядорлар ҳуқуқларига зарар етказса, акциядорлар жамият реестрини сақловчисига нисбатан ҳам даъво билан мурожаат этиш ҳуқуқига эга буладилар<sup>1</sup>.

## 5-§. ШУЪБА ВА ҚАРАМ ЖАМИЯТЛАР

Бозор иқтисодиёти шароитида юридик шахсларнинг турли ҳуқуқий мақомга эга булган ҳужалик ширкатлари, жамиятлари ва уларнинг ҳар хил бирлашмалари ҳамда уюшмалари кенг миқёсда тарқалади ва авж олади. Шундай ҳолат ҳам юз бериши мумкинки, битта юридик шахснинг таъсисчилари (иштирокчилари) бошқа юридик шахсларнинг таъсисчиси булиш даражасига эришади. Бундай ҳолатларда таъсисчи юридик шахс (ҳужалик ширкати ёки ҳужалик жамияти) тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда ҳал қилувчи, яъни асосий ташкилот вазифасини бажаради, унинг томонидан ташкил этилган юридик шахслар унга нисбатан шуъба ва қарам ҳужалик жамиятлари мавқеига эга булади. Ушбу жамиятларнинг асосий хусусиятлари ФКнинг 67, 68-моддаларида ҳар томонлама ифодаланган.

Устав фондига ҳисса қушишда ҳужалик жамиятида иштирок этган жамият **шуъба ҳужалик жамияти** (дочерное хозяйственное общество) дейилади. Устав фондидаги иштироки устун мавқега эга булган ҳужалик асосий ҳужалик дейилади. Ҳужаликларнинг шуъба ва асосий даражага эга булиши улар уртасида тузилган шартномалар асосида ёки бири иккинчисининг қарорларига мувофиқ иш тутиши билан ҳам ифодаланади. Шуъба жамияти юридик шахс ҳисобланади. Умумий қоидага биноан асосий ва шуъба жамиятлари бир-бирларининг мажбуриятлари буйича жавобгар бўлмайди. Лекин шуъба жамияти асосий жамиятнинг айби билан банкротликка учраса, асосий жамият субсидиар жавоб бериши, агар мулкий зарар курса, етказилган зарарни қоплаши лозим (ФКнинг 67-моддаси).

Ҳужалик жамиятида қатнашувчи жамиятнинг бири йигирма фоиздан зиёд ёки масъулияти чекланган жамият устав фон-

---

<sup>1</sup>Қаранг: Раҳмонқулов Ҳ.Р., Гулямов С.С. Корпоратив ҳуқуқ. Дарслик. –Т.: 2007. 323-бет.

дининг йигирма фоизидан зиёдига эга булса, иккинчи жамият **қарам хўжалик жамияти** (зависимое хозяйственное общество) дейилади. Бундай жамият ҳам юридик шахс ҳисобланади. Жамиятнинг қарам булганлиги ҳақида дарҳол эълон қилиниши шарт (ФКнинг 68-моддаси).

Ҳуқуқий мавқеи буйича қарам хўжалик жамияти шуъба жамиятига нисбатан яқин туради. Лекин шунга эътибор бериш керакки, шуъба хужалик жамияти тижорат ташкилотининг у ёки бу ташкилий-ҳуқуқий шакли, яъни ширкат ёки хужалик жамияти сифатида ташкил топса, қарам жамияти эса фақат хужалик жамияти сифатида ташкил топади.

Шуъба ва қарам хужалик жамиятларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклида холдинг деб номланувчи компаниялар тузилмоқда. Ўзбекистонда холдинг компаниялари ва уларнинг таркибига кирган шуъба ва қарам хўжалик жамиятлари мавжуд. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 августда қабул қилган 446-сонли қарорига биноан «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясига кирган «Ўзбекнефтгаз-қурилишинвест», «Ўзгосбургунефтгаз», «Ўзнефтгазқазибчи-қариш», «Ўзнефтмахсулот», «Ўзтрансгаз» ва «Ўзнефтгазмаш» акциядорлик компаниялари унинг алоҳида мулкка ва мустақил балансига эга булган юридик шахс шаклидаги шуъба корхоналари ҳисобланади. Холдинг компаниялари шуъба жамиятларининг фаолиятини бошқаришни амалга ошириш мақсадида уларга тегишли акциялар назорат пакетини ўз қулларида ушлайди. Аммо шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, акциядорлик жамиятининг акциялари назорат пакетини бошқа хоҳлаган хужалик ширкати ёки жамияти қўлга киритиши мумкин, бунинг учун у етарли даражада капиталга эга ва иқтисодий жиҳатдан манфаатдор булиши лозим.

Хўжалик ширкатлари ва жамиятларининг ҳар бир ташкилий-ҳуқуқий шакли билан боғлиқ муаммолар доирасининг кенглиги ва уларнинг ҳар бири алоҳида тадқиқот объекти булиши мумкинлигини назарда тутган ҳолда дарсликда булар ҳақидаги асосий тушунчалар ва қоидаларга тухталиб утилди.

Тижоратчи ташкилотлар қаторига юқорида келтирилган хужалик жамиятларидан ташқари яна ишлаб чиқариш кооперативлари, унитар корхона, хужалик юритиш ҳуқуқига асосланган унитар корхона, оператив бошқарув ҳуқуқига асосланган давлат унитар корхонаси ва бошқалар кирадн.



## 6-§. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ КООПЕРАТИВЛАРИ

Ишлаб чиқариш кооперативлари фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмасидан ташкил топади (ФКнинг 69-моддаси). Улар биргаликда ишлаб чиқариш ёки бошқа хужалик фаолиятини олиб бориш учун уз хоҳишлари билан ушбу бирлашмага аъзо буладилар. Бирлашма фуқароларнинг узлари шахсан иштирок этиши ва уларнинг мулкый бадалларини қўшиш, яъни бирлаштириш тамойилига асосланади. Қонунда ва ишлаб чиқариш кооперативининг таъсис ҳужжатларида унинг фаолиятида аъзолик асосида юридик шахслар ҳам иштирок этиши назарда тутилиши мумкин. Кооперативнинг мажбуриятлари буйича унинг аъзолари қонунда ва кооператив уставида назарда тутилган миқдорларда ва тартибда субсидиар (қўшимча), яъни улар кооперативнинг жавобгарликдан қутулиши учун тулаши керак бўлган маблағининг (мулкнинг) етишмай қолган қисми миқдорида жавоб берадилар.

Кооператив аъзоларининг умумий мажлисида тасдиқланган устав кооперативнинг таъсис ҳужжати булиб ҳисобланади. ФКнинг 43-моддасидаги маълумотлардан ташқари кооператив аъзоларининг қўшадиган бадаллари, бадалларнинг таркибий қисми, миқдорлари ва бадал қўшишга оид мажбуриятларини бузганлик учун уларнинг жавобгарлиги, кооператив фаолиятида уз меҳнатлари билан қатнашиш тартиби ва унинг характери, шунингдек уз меҳнати билан қатнашиш ҳақидаги мажбуриятларини бузганлик учун уларнинг (аъзоларининг) жавобгарлиги, кооператив даромадлари ва курган зарарларини тақсимлаш тартиби, кооператив қарзлари буйича субсидиар жавобгарликнинг шартлари ва миқдори, кооператив бошқарув органларининг таркиби ва унинг ваколат доираси ва қарор қабул қилиш тартиби, кооператив аъзоларининг барчаси ёки бир қисми овоз бериши зарур бўлган масалалар ҳақида маълумотлар кооператив уставида назарда тутилган булиши лозим.

ФКнинг 69-моддасида тижоратчи сифатида фақат ишлаб чиқариш кооперативларига тааллуқли қоидалар назарда тутилади. Матлубот кооперативларининг ҳуқуқ лаёқати ФКнинг 73-моддаси билан тижоратчи бўлмаган ташкилотлар сифатида белгиланади.

Ишлаб чиқариш кооперативлари узига хос белгилари билан бошқа тижорат ташкилотларидан фарқ қилади. Ишлаб чи-

қариш кооперативи фуқароларнинг унга аъзо булишига ва унинг фаолиятида шахсан уз меҳнати билан иштирок этишига асосланади. Хужалик ширкатлари ва жамиятларида иштирокчиларнинг ширкат ёки жамият фаолиятида шахсан уз меҳнатлари билан қатнашишлари талаб қилинмайди. Ишлаб чиқариш кооперативида қатнашувчиларнинг шу кооператив фаолиятида шахсан иштирок этиши улар уртасидаги алоқанинг қанчалик яқин эканлигидан далолат беради. Давлат корхоналари ва ташкилотларида ишловчилар ҳам уриндошлик шарти билан ишлаб чиқариш кооперативига аъзо булиш ҳуқуқига эга.

Ишлаб чиқариш кооперативларининг фаолиятида юридик шахсларнинг иштирок этишига ҳам йул қуйилади. Бу ҳақда кооперативнинг уставида курсатилган булиши керак. Юридик шахснинг хизматчилари кооператив фаолиятида уз меҳнатлари билан қатнашишлари мумкин. Агар кооперативнинг аъзолари фақат юридик шахслардан ташкил топадиган булса, уларнинг фаолияти бирлашмалар ва иттифоқларга оид қоидаларга асосан тартибга солинади (ФКнинг 77-моддаси).

Ишлаб чиқариш кооперативи кооператив аъзоларининг мулк билан қўшиладиган пай бадалларини бирлаштириш асосида вужудга келади. Айни пайтда қонун аъзоларнинг кооператив мажбуриятлари буйича ўзларига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар булишини назарда тутати. Бу ҳам ишлаб чиқариш кооперативига хос хусусиятлардан иборат. Чунки, купчилик жамиятларнинг, жумладан, масъулияти чекланган жамият ва акциядорлик жамиятларнинг иштирокчилари жамиятнинг мажбуриятлари буйича устав фондига (капиталига) қўшган ҳиссалари ёки акциянинг қиймати, миқдори доирасида жавобгар буладилар.

Ишлаб чиқариш кооперативининг аъзолари купчиликни ташкил этади. Шу билан битта шахсдан ташкил топадиган хужалик жамиятларидан фарқ қилади. Унинг таъсис хужжати фақат уставдан иборат булиб, таъсис шартномасини тузиш талаб қилинмайди. Устав кооператив жойлашган ерда маҳаллий маъмурият томонидан руйхатдан утказилади. Устав руйхатдан утказилиши билан ишлаб чиқариш кооперативи тузилган деб ҳисобланади.

**Кооперативнинг мол-мулки** унинг иқтисодий негизи булиб хизмат қилади. Ушбу мол-мулк унинг аъзолари томонидан утказилган мол-мулкдан, ишлаб чиқариш фаолиятидан қўша

киритилган даромадлардан, олинган кредитлардан ва бошқа қонуний фойдалардан ташкил топади. Кооперативнинг мол-мулки унинг уставига мувофиқ аъзоларининг пайларига бўлинган бўлади. Пай сифатида пул суммаси, моддий объектлар (асбоб-ускуналар), шунингдек мулкий ҳуқуқ (ижарага олинган, одам турмайдиган бинолар) утказилиши мумкин. Кооператив аъзолари устав фондининг бир қисмини унинг бўлинмас мулки сифатида тан олишлари мумкин. Мулкнинг ушбу қисмидан фақат уставда белгиланган махсус мақсадларни амалга ошириш учун фойдаланилади ва аъзолар кооперативдан чиқиб кетганларида ҳам ушбу қисм бўлинмайди, чиқиб кетадиган аъзоларнинг улуши ажратилмайди. Бўлинмас мол-мулк фондиди ташкил қилиш тартиби уставда назарда тутилган бўлиб, бу ҳақдаги қарор кооперативнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинган бўлиши керак.

Ишлаб чиқариш кооперативлари уз мол-мулки билан бозор муносабатларида мустақил равишда иштирок этади. Мол-мулкни тасарруф этиш ҳуқуқи фақат кооперативнинг ўзига тегишли бўлиб, бу ҳуқуқни кооператив умумий мажлисининг қарорига асосан, кооперативнинг ижро этувчи органлари тасдиқланган сметага мувофиқ амалга оширади.

**Кооперативнинг даромади** аъзоларнинг ишлаб чиқаришга қўшган меҳнатига яраша, яъни мутаносиб равишда тақсимланади. Шу жиҳатига кура ҳам у хужалик ширкатлари ва жамиятларидан фарқ қилади. Чунки бу ерда даромад ширкат ва жамият иштирокчиларининг устав капитали таркибидаги ҳиссасига нисбатан мутаносиб равишда тақсимланади. Кооперативга таллуқли бўлган ушбу қоида диспозитив характерга эга. Кооператив уставда даромадни тақсимлаш фақат аъзоларнинг қўшган меҳнатларига мутаносиб равишда эмас, балки улар қўшган пайларининг миқдорига қараб ҳам амалга оширилиши назарда тутилган бўлиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативи уз мажбуриятлари буйича унга тегишли бўлган барча мол-мулклари билан жавоб беради. Унинг мол-мулки камлик қилган тақдирда, кооператив аъзолари уз мол-мулклари билан қонунда ва кооператив уставда белгиланган миқдорда ва тартибда **субсидиар жавобгар** бўладилар.

Аъзоликка асосланган барча ташкилотларда бўлганидек, унинг умумий мажлиси ишлаб чиқариш кооперативининг олий органи бўлиб ҳисобланади. Умумий мажлис кооператив фао-

лияти билан боғлиқ барча масалаларни муҳокама қилиш ваколатига эга. Аммо баъзи муҳим масалалар фақат умумий мажлиснинг ваколатига тегишли эканлиги унинг уставида назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалани ҳал қилишда умумий мажлис аъзоларининг ҳар бири, унинг мол-мулкдаги ҳиссасидан қатъи назар, битта овозга эга. Шу билан ҳам хужалик ширкатлари жамиятлардан фарқ қилади, уларда масалани ҳал қилишда иштирокчиларнинг устав фондидаги ҳиссаси ва акцияларнинг сони ҳал қилувчи роль ўйнайди.

1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг кооперация туғрисида»ги қонунида<sup>1</sup> ва 1993 йил 28 декабрда унга киритилган узгартишлар ва қушимчаларда<sup>2</sup> умумий мажлиснинг махсус ваколатлари назарда тутилади. Лекин ишлаб чиқариш кооперативининг уставида унинг ички ишини уюштириш тартибини белгилаш ва қабул қилиш, кооператив аъзоларига иш ҳақини тўлаш, даромад (фойда)ни тақсимлаш тартибини белгилаш, кооперативнинг маблағларини тасарруф этиш, кооперативнинг иттифоқларга қушилиши ёки ундан чиқиб кетишига оид муҳим масалаларни ҳал қилиш умумий мажлис ваколатига берилиши назарда тутилиши мумкин.

Бошқарма ва раис ёки кооператив раиси кооперативнинг ижро этувчи органи бўлиб ҳисобланади. Бошқарма умумий мажлис томонидан сайланади, раис эса уставга биноан ё умумий мажлис ёинки бошқарма томонидан сайланади. Ижро этувчи органнинг ваколати қонун ва устав билан аниқ назарда тутилган бўлиши лозим. Ишлаб чиқариш кооперативи туғрисида қонун қабул қилингунга қадар ижро этувчи органларнинг ваколатлари унинг уставида аниқ назарда тутилиши мақсадга мувофиқдир. Шунингдек, «Кооперация туғрисида»ги қонуннинг Фуқаролик кодексига зид бўлмаган нормалари ишлаб чиқариш кооперативининг фаолиятини тартибга солишда татбиқ этилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш кооперативи туғрисида махсус қонун қабул қилиниши зарурлиги эътиборга олинганлиги учун Фуқаролик кодексига унга тегишли бўлган қондалар батафсил назарда тутилмаган.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1993 №8, 193-модда.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси 1994 №1 52-модда.

## 7-§. ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 ноябрда қабул қилган 514-сонли қарорига асосан 2007 йилдан бошлаб қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкатлари)<sup>1</sup> фермер хўжаликларига айлантирилди. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган «Фермер хўжалиги туғрисида»ги қонунига<sup>2</sup> узгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган қарори билан амалга киритилди<sup>3</sup>.

Ишлаб чиқариш кооперативи ва деҳқон хўжалиги<sup>4</sup> билан фермер хўжалиги уртасида бир-бирига ўхшаш томонлар ҳам бор, биринчидан, уларнинг учаласи ҳам юридик шахс сифатида тижорат ташкилотларидан ҳисобланади, иккинчидан, фуқароларнинг уларга аъзо булишига ва ишлаб чиқаришда уларнинг шахсан уз меҳнатлари билан иштирок этишига асосланади, учинчидан, улар ихтиёрий тузилмалардан иборат бўлиб, узлари жойлашган ердаги маҳаллий ҳокимият органлари томонидан руйхатдан утказилади.

Фуқаролик кодексида фермер хўжалигига юридик шахс сифатида махсус модда ажратилмаган. Унинг ҳуқуқ лаёқати «Фермер хўжалиги туғрисида»ги қонун билан белгиланади.

Қонунда фермер хўжалиги тушунчаси, уни ташкил этиш шартлари, тартиби, давлат руйхатига олиш, унинг устави ва уставининг мазмуни, хўжаликни юритиш учун ер участкасини бериш ва ундан фойдаланиш тартиби ва унинг ҳуқуқ лаёқатини ташкил қилувчи бошқа қоидалар назарда тутилади. Қонуннинг 7-моддасига асосан фермер хўжалиги ваколатли орган то-

---

<sup>1</sup>Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган қонун билан ташкил этилди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5—6-сон, 84-модда).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, №5—6, 86-модда; 2001 йил, №1—2, 23-модда; №5, 89-модда; 2004 йил, №1—2, 18-модда.

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2004, №40—41, 433-модда.

<sup>4</sup>Деҳқон хўжалиги туғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 30 апрель қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5—6-сон, 88-модда).

монидан давлат руйхатидан утказилгандан кейин юридик шахс мақомини олади. Шу билан унинг тушунчаси ва ҳуқуқий мақоми юридик шахсга хос булган умумий белгилар (ФКнинг 39-модда) билан ифодаланади.

Фермер ҳужалигининг ҳуқуқ лаёқатидан келиб чиқиб Фуқаролик кодексига қуйидаги мазмунда модда киритилса мақсадга мувофиқ булар эди: «**Фермер ҳужалиги — ижарага олинган ер участкасида чорвачилик ва деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва сотиш мақсадида тузилган, ўз мол-мулкига эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулк билан жавоб берадиган, юридик шахс ҳисобланган тижоратчи ташкилотдир**».

Фермер ҳужалиги ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ ҳужалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил ҳужалик юритувчи субъект ҳисобланади.

Фермер ҳужалигининг бошлиғи шу ҳужаликнинг муассиси — фермер ҳисобланади. Бошқа юридик шахслар ва жисмоний шахслар билан муносабатларда фермер ҳужалиги номидан ана шу ҳужалик бошлиғи иш олиб боради.

**Фермер ҳужалиги қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

— берилган ер участкасида ўз уставида назарда тутилган ихтисослашувга ва ерни ижарага олиш шартномасига мувофиқ фермер ҳужалигининг ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш;

— ихтисослашувни ҳисобга олган ҳолда ва тузилган контрактация шартномалари асосида қишлоқ ҳужалиги экинларини устиришни ва жойлаштиришни амалга ошириш;

— харид қилинадиган маҳсулотга олдиндан ҳақ туланадиган фьючерс контрактларини тузиш;

— етиштирган маҳсулотини, шу жумладан, бу маҳсулотни истеъмолчиларга реализация қилиш ҳуқуқини ўз хоҳишига кура тасарруф этиш;

— етиштираётган маҳсулоти, бажараётган ишлари ва кур сатаётган хизматларига нарх белгилаш;

— электр энергияси, ёқилғи-мойлаш материаллари, минерал уғитлар, усимликларни ҳимоя қилишнинг кимёвий воситалари етказиб берилиши, хизматлар курсатилиши юзасидан шартномалар тузиш;

— акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни олиш;

— кредитлар олиш, бошқа юридик ва жисмоний шахсларнинг пул маблағларини ҳамда бошқа мол-мулкни шартнома асосида жалб этиш ҳамда уларни ишлаб чиқаришга ва такрор ишлаб чиқаришга йуналтириш;

— кредитлар олиш учун уз мол-мулкни, шунингдек, ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқини гаровга қўйиш;

— зарур асбоб-ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ҳамда бошқа мол-мулкни олиш, ижарага олиш, бинолар ва иншоотлар қуриш ҳамда уларни таъмирлаш;

— уз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мурожаат этиш.

Фермер ҳужаликлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга булишлари мумкин.

### **Фермер ҳужалигининг мажбуриятлари:**

— ер участкасидан қонун ҳужжатларида ва ижарага олиш шартномасида курсатилган шартлар асосида, белгиланган мақсадда самарали ва оқилона фойдаланишни таъминлаш;

— агар ижарага олиш шартномасида бошқа муддат белгиланган булмаса, ер участкаси берилган вақтдан эътиборан бир йил ичида ундан фойдаланишга киришиш;

— тузилган контрактация шартномасига мувофиқ давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ ҳужалиги маҳсулотини назарда тутилган ҳажмларда етказиб берилишини таъминлаш;

— сув ресурсларидан лимит буйича фойдаланиш туғрисидаги шартномага мувофиқ фойдаланиш;

— ер участкасини сақлаш шартлари ва сервитутларига риоя этиш;

— солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий туловларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда уз вақтида тулаш;

— қишлоқ ҳужалиги усимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан муҳофаза қилинишини таъминлаш.

Фермер ҳужалиги зиммасига қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилган булиши мумкин.

Фермер ҳужалигининг **устав фонди** фермер ҳужалиги бошлиғи томонидан белгиланади. Пул, қимматли қоғозлар, бинолар, иншоотлар, бошқа мол-мулк ёки пул билан баҳоланадиган мулкӣ ҳуқуқлар фермер ҳужалигининг устав фондига қушиладиган ҳисса булиши мумкин. Агар фермер ҳужалигининг устав фонди шакллантириляётганда фермер ҳужалигининг бош-

лиги ўз оила аъзоларининг умумий (улушли ёки биргаликдаги) мулки ҳисобланган мол-мулкни фермер хўжалигига топираётган бўлса, ушбу мол-мулкнинг барча мулкдорларидан нотариал тасдиқланган розилик олиши талаб этилади.

Фермер хўжалигининг устав фондини купайтириш ва камайтириш фермер хўжалиги бошлигининг қарорига кўра фермер хўжалиги уставига ўзгартиришлар киритиш йули билан амалга оширилади.

Фермер хўжалиги унинг балансидаги барча мол-мулкка нисбатан **мулк ҳуқуқига** эга бўлади. Фермер хўжалигининг мол-мулки, агар унинг ходимлари уртасидаги келишувга биноан умумий улушли мулк ташкил этиш назарда тутилмаган бўлса, унинг ходимларига умумий биргаликдаги мулк сифатида тегишли бўлади. Демак, фермер хўжалигининг мол-мулки умумий улушли ёки умумий биргаликдаги мулк ҳуқуқидан иборат бўлиши мумкин.

Фермер хўжалигининг мол-мулки пул ва моддий манбалар, товарларни реализация қилишдан олинган даромадлар (фойда), қимматли қоғозлардан келган даромадлар, қонунда тақиқланмаган бошқа манбалардан ташкил топиши мумкин. Хўжалик қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мол-мулкни яратиш, купайтириш, сотиб олиш, ижарага ёки вақтинча фойдаланишга олиш ҳуқуқига эга.

Фермер хўжалигининг мол-мулкига эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш хўжалик ходимларининг ўзаро келишуви асосида фермер хўжалигининг бошлиғи томонидан амалга оширилади.

Фермер хўжалиги қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг қонун ҳужжатларида тақиқланмаган ҳар қандай тури билан, шунингдек қишлоқ хўжалиги маҳсулотини қайта ишлаш ва реализация қилиш билан шуғулланиши мумкин. Унинг хўжалик фаолиятига давлат органлари ҳамда бошқа органлар ва ташкилотлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди. Агар уларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) натижасида фермер хўжалигига зарар етказилган бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда зарар қопланиши керак (ФКнинг 12, 15-моддалари).

Фермер хўжалигини **тугатишнинг** ФКнинг 53-молдасида уриштирилган ҳоллардан фарқли ўлароқ ўзига хос хусусиятлари маъжун Фермер хўжалиги қуйидаги ҳолларда тугатилиши мумкин:



— ер участкасини ижарага олиш ҳуқуқидан ихтиёрий равишда воз кечилганида;

— фермер хужалиги банкрот деб топилганда (бу барча юридик шахсларга тааллуқли булган умумий қоида);

— фермер хужалигининг бошлиғи вафот этиб, хужалик фаолиятини давом эттиришни хоҳловчи меросхур булмаса;

— ерни ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда бекор қилинганда;

— давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаси олиб қуйилганда;

— ер тугрисидаги қонун ҳужжатлари бузилганда;

— фермер хужалиги ер участкасидан белгиланган мақсадда фойдаланилмаганда;

— шу билан бирга контрактация шартномасида назарда тутилган қишлоқ хужалиги экинларини экиш амалга оширилмаган тақдирда.

Фермер хужалигини тугатиш унинг бошлигининг қарорига биноан, шунингдек, суднинг қарорига асосан амалга оширилиши мумкин. Тугатилган фермер хужалигининг ҳуқуқ ва бурчлари ҳуқуқий ворислик тартибида бошқа шахсга ўтмайди.

Фермер хужалиги ўз мажбуриятлари бўйича ўз мол-мулки билан **жавоб беради**. Фермер хужалигининг мол-мулки етарли булмаган тақдирда, унинг мажбуриятлари бўйича хужаликнинг бошлиғи ўзига тегишли мол-мулк билан субсидиар жавобгар булади.

## 8-§. УНИТАР КОРХОНА

Унитар корхона ҳам тижоратчи ташкилот ҳисобланади. Лекин у бошқа тижоратчи ташкилотлардан ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади. Биринчидан, у хужалик ширкатлари ёки хужалик жамиятларига ўхшаб, унга аъзолик асосида ташкил топмайди, иккинчидан, унинг эгалигида булган мол-мулкка нисбатан мулкдор була олмайди, у ўшбу мол-мулкдан фойдаланиш, эгалик қилиш ва белгиланган тартибда уни тасарруф этиш ҳуқуқига эга булади.

Қонун ҳужжатларида «корхона» деган атама икки хил маънода ишлатилади. Биринчи маънода у тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда фойдаланиш учун керак булган мол-мулк мажмуаси (ишлаб чиқариш корхонаси, фабрика, цех) сифа-

тида тушунилади. Бундай маънода у хусусий ёки давлат мол-мулкидан иборат булиши мумкин. Иккинчи маънода «корхона» ташкилий-ҳуқуқий шаклдан иборат булган тижоратчи юридик шахс сифатида тушунилади. Бундай ҳолатда корхона давлатга тегишли булиши мумкин.

**Узи мулк эгаси ҳуқуқига эга бўлмасдан уни мулкдор томонидан берилган мол-мулк асосида фаолият юритувчи тижоратчи ташкилот унитар корхона ҳисобланади (ФКнинг 70-моддаси).** Унитар (unitar) лотин тилидан олинган бўлиб, бирлик (рус тилида единство) деган маънони беради. Унитар корхонанинг мол-мулки бир бутун бўлиб, бўлинмасдир ва унга қўйилган ҳисса (улуш) пай)лар, корхона ходимлари уртасида ҳам тақсимланмайди.

Унитар шаклда фақат давлат ва муниципал корхоналари тузилиши мумкин. Унитар корхонанинг мол-мулки давлат ёки муниципалитетнинг мулки ҳисобланиб, унга **хужалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқи** билан берилади.

Унитар корхона ФКнинг 43-моддасидаги маълумотлардан ташқари корхона фаолиятининг доираси ва мақсади, унинг устав фондининг миқдори, уни ташкил қилиш учун зарур булган моддий манбалар ҳақидаги маълумотлардан ҳам иборат булиши керак.

Хужалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларига эга булган корхоналар утмишда ҳам бор эди. Улар социалистик хужалик тузими даврида вужудга келди. Корхоналар асосан давлатга тегишли бўлиб, ўз фаолиятларини давлат мулки асосида амалга оширардилар. Шундай экан, корхоналар давлат мулкига нисбатан қандай ҳуқуққа эга булишлари мумкинлиги ҳақида турли мулоҳазалар пайдо булди. Корхоналар давлат мулкига нисбатан «оператив бошқарув» ҳуқуқига эга булиши ва бундай корхоналарни оператив бошқарув ҳуқуқининг субъекти сифатида тан олиниши зарурлигини Санкт-Петербург университети юридик факультетининг профессори, академик А.В.Венедиктов узининг 1948 йилда чоп этилган «Право социалистической собственности» деган асарида ҳар томонлама асослаб берди ва ушбу тушунча (ибора) 1961 йилда қабул қилинган «СССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар гражданлик қонунларининг Асослари»га биринчи марта киритилди. Сунгра у барча собиқ социалистик республикаларнинг Гражданлик кодексларида ва бошқа қонунларида ўз аксини топди.

Оператив бошқарув ҳуқуқига эга булган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар давлат мулкани эгаллашда, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф қилишда, шунингдек, ушбу мулк асосида уз фаолиятларини амалга оширишда давлат, яъни мулк эгаси томонидан белгиланган, ҳар томонлама чекланган ҳуқуқий қоидаларга қатъий риоя қилишга мажбур эдилар.

1985 йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб социалистик жамиятни демократиялаштириш ниятида иқтисод ва ҳуқуқ соҳаларида ислохотлар амалга оширила бошланди, ҳужаликни бошқаришда аввалги маъмурий-буйруқбозлик эмас, балки иқтисодий услубларни қўллаш, ишлаб чиқариш соҳасидаги корхоналарни ҳужалик принципига, уз харажатларини уз даромадлари ҳисобига қўллаш, узини узи маблағ билан таъминлаш қобилиятига эга булган корхоналарга айлантириш ҳақидаги вазифалар қўйилди. Бундай шароитда ишлаб чиқариш билан боғлиқ булган корхоналарни фақат «оператив бошқарув» ҳуқуқига асосан амал қилиши барча ҳолларда талабга жавоб бермай қўйди.

Ишлаб чиқариш корхоналарининг ҳуқуқларини кенгайтириш мақсадида собиқ СССР томонидан 1990 йил 6 мартда қабул қилинган «Мулкчилик туғрисида»ги қонунда «тула ҳужалик юритиш» тушунчаси (ибораси) пайдо булди ва унга тааллуқли қоидалар назарда тутилди. Ушбу тушунча Ўзбекистон Республикасининг 1990 йил 31 мартдаги «Мулкчилик туғрисида»ги қонунида қабул қилинди. Янги Фуқаролик кодексида «тула» деган сўз тушириб қолдирилиб, «ҳужалик юритиш» ҳуқуқий атамаси сақлаб қолинди.

Демак, унитар корхона икки турдан, яъни «ҳужалик юритиш» ва «оператив бошқарув» ҳуқуқларига асосланган корхоналардан иборат. Иккаласининг ҳам давлат мулки асосида фаолият юритиши уларга хос умумий хусусиятдир. Аммо уларни ташкил қилишга оид қоидаларда ва ҳуқуқ лаёқатларида бири-биридан фарқ қиладиган хусусиятлар мавжуд. Масалан, **ҳужалик юритиш ҳуқуқига эга корхона** (ФКнинг 71-моддаси) мулкдор ваколат берган органнинг ёки фуқаролар узини узи бошқариш органининг қарорига мувофиқ ташкил этилади. **Оператив бошқариш ҳуқуқига** эга корхона (ФКнинг 72-моддаси) (давлат корхонаси, рус тилида — казенное предприятие) Ўзбекистон Республикаси мол-мулки асосида Ўзбекистон ҳукумати қарорига асосан ташкил топади. Ҳужалик юритиш ҳуқуқига

эга корхонанинг таъсис ҳужжати ваколатга эга булган давлат органи ёки фуқароларнинг узини ўзи бошқариш маҳаллий органи тасдиқлаган уставдан иборат. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхонанинг таъсис ҳужжати Ўзбекистон ҳукумати тасдиқлайдиган устав ҳисобланади. Хужалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхона уз мол-мулкининг бир қисмини хужалик юритиш учун белгиланган тартибда топшириш йули билан юридик шахс ҳисобланувчи бошқа унитар корхона (шўба корхона) ташкил этиши мумкин. Оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона бундай ҳуқуққа эга эмас. Хужалик юритиш ҳуқуқига асосланган корхона уз мажбуриятлари буйича узига қарашли мол-мулк ҳисобидан жавоб беради. У мулкдорнинг мажбурияти буйича жавоб бермайди. Лекин мазкур Кодекснинг 48-моддаси учинчи ва тўртинчи қисмларида белгиланган қоидаларга мувофиқ мулкдор хужалик юритувчи корхонанинг мажбуриятлари юзасидан субсидиар равишда жавобгар булиши мумкин. Бу қоида хужалик юритувчи корхона томонидан ташкил қилинган шўба корхонанинг мажбуриятларига нисбатан ҳам тааллуқлидир. Оператив бошқариш ҳуқуқига эга корхонанинг мол-мулки етарли булмаганида, Ўзбекистон ҳукумати унинг мажбуриятлари буйича субсидиар жавобгар булади. Хужалик юритиш ҳуқуқига эга корхонани қайта ташкил этиш ёки тугатиш ваколатли давлат органи, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш маҳаллий органининг қарорига асосан амалга оширилади. Оператив бошқариш ҳуқуқига асосланган корхона Ўзбекистон ҳукуматининг қарорига асосан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

### НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тижоратчи ташкилотлар тушунчаси ва турлари?
2. Хужалик ширкатлари ва жамиятлари, уларнинг фарқи?
3. Хужалик ширкатларининг турлари ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати?
4. Хужалик жамиятларининг турлари ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати?
5. Тулиқ ширкат ва командит ширкат тушунчаси?
6. Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамият?
7. Акциядорлар жамияти тушунчаси ва унинг турлари?
8. Шўба ва қарам хужалик жамиятлари тушунчаси, уларнинг фарқланиши?
9. Унитар корхона, унинг тушунчаси ва турлари?
10. Фермер хужалиги, унинг ташкил топиши, ҳуқуқ ва мажбуриятлари?

1. Гражданское право. Т.1: Учебник. Изд. четвертое, переработанное и дополненное /Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К.Толстого. —М.: «ПБОЮЛ Л.В. Рожников», 2000.

2. Гражданское право. Т.1: Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное /Отв.ред. Е.А.Суханова. —М.: Волтерс Клувер, 2004.

3. Зокиров И.Б. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. —Т.: «Адолат», 1996.

4. Раҳмонқулов Ҳ.Р. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. —Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997.

5. Рузиназаров Ш.Н. Бозор шароитида қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқий мақоми. —Т.: 1997.

6. Қишлоқ хўжалик ҳуқуқи. Дарслик (Масъул муҳаррирлар Ҳ.Р. Раҳмонқулов, М.Б. Усмонов). —Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. 2000.

## VI боб

# ЮРИДИК ШАХС СИФАТИДА НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАР

## 1-§. ТИЖОРАТЧИ БУЛМАГАН ТАШКИЛОТЛАР ТУШУНЧАСИ ВА ТУРЛАРИ

«Нодавлат нотижорат ташкилоти — жисмоний ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрийлик асосида ташкил этилган, даромад (фойда) олишни ўз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмаган ҳамда олинган даромадларни (фойдани) ўз қатнашчилари (аъзолари) уртасида тақсимламайдиган узини ўзи бошқариш ташкилотидир» (Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил, 14 апрелда қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунининг 2-моддаси)<sup>1</sup>.

Тижоратчи булмаган ташкилотларнинг турлари тижоратчи ташкилотларнинг турларига нисбатан кўпроқ деса ҳам бўлади. Улар нафақат нодавлат, шунингдек, давлат ташкилотларидан ҳам иборат бўлиши мумкин. ФКнинг 40-моддаси 3-қисмига мувофиқ «Тижоратчи булмаган юридик шахс жамоат бирлашмаси, ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан молиявий таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек қонунларда назарда тутилган бошқача шаклда ташкил этилиши мумкин». ФКнинг 4-боби 3-параграфига биноан матлубот кооперативи ҳам тижоратчи булмаган ташкилотлар таркибига киритилган.

Тижоратчи булмаган, яъни нотижорат ташкилотининг тижоратчи юридик шахслардан фарқ қиладиган асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат: 1) нотижорат ташкилотлари мулкий муносабатларнинг профессионал иштирокчиси ҳисобланмайди, улар асосан уставда белгиланган мақсадларига мос ке-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999 йил 5-сон, 115-модда.

Қонун «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида» деб номланган. Лекин фаолияти давлат мулкига асосланган нотижорат ташкилотлар ҳам мавжуд. Қонуннинг ўзида нотижорат ташкилотлари қаторида муассасалар келтирилади. Айрим турдаги давлат муассасалари ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга оширади.

ладиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин (ФКнинг 40-моддаси 4-қисми), узларига тегишли бўлган мол-мулкдан уларнинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган мақсадлар учун фойдаланишга рухсат этилади (ФКнинг 74-моддаси 2-қисми); 2) нотижорат ташкилотлар фойда олишни уз фаолиятининг асосий мақсади қилиб олмайдилар (ФКнинг 40-моддаси 1-қисми). Уларнинг мулкий муносабатларда қатнашиши тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун эмас, балки уз фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш билан боғлиқ; 3) нотижорат ташкилотларнинг маълум даражада тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлари (фойда) уз қатнашчилари (аъзолари) уртасида тақсимланмайди («Нодавлат нотижорат ташкилотлари туғрисида»ги қонуннинг 2-моддаси). Нотижорат ташкилотлар қатнашчилари (аъзолари) унга кириш пайтида ва бутун аъзолик давомида ташкилотга утказган мол-мулкига нисбатан мулкий ҳуқуққа эга бўла олмайдилар. Ташкилотга киришлик (аъзо бўлишлик) ихтиёрий ҳисобланади. Ташкилотдан чиқиб кетадиган иштирокчи (аъзо) унинг мулкига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

## 2-§. МАТЛУБОТ КООПЕРАТИВИ

**Иштирокчиларнинг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қондириш мақсадида фуқароларнинг аъзоликка асосланган ихтиёрий бирлашмаси матлубот кооперативи ҳисобланиб, бу бирлашув унинг аъзолари томонидан уз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йўли билан амалга оширилади (ФКнинг 73-моддаси 1-қисми).**

Матлубот кооперативи ўтмишда ҳам ривож топган эди. Аммо унинг ҳуқуқ лаёқати 1963 йилдаги Гражданлик кодексига аниқ белгиланмаган эди. Ушбу Кодекснинг 35-моддаси «Кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари ва уларнинг аъзолари бўлган гражданларнинг масъулиятини чегаралаш» масаласига бағишланган бўлиб, кооператив аъзоларининг кооператив ва бошқа жамоат ташкилотлари мажбуриятлари юзасидан жавоб бермаслик, аъзоларнинг пай бадалларидан ҳақ ундирмаслик, ҳақ ундириш, яъни кооператив аъзолигидан чиқиб кетган тақдирда йул қўйилиши туғрисида, фақат кооператив билан унинг аъзоларининг жавобгарлиги ҳақида қисқача қоида назарда тутилган эди.

ФКда кооперативлар икки хил гуруҳга, яъни ишлаб чиқариш (тижоратчи) ва матлубот (тижоратчи булмаган) кооперативларга булинди. Шунинг билан бирга тижоратчи булмаган бошқа жамоат ташкилотларининг турларига ва уларнинг ҳуқуқ лаёқатига алоҳида моддаларда эътибор берилди.

Матлубот кооперативи ҳам, ишлаб чиқариш кооперативи каби, фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмаси ҳисобланади. Лекин унинг аъзоларининг бадаллари ҳисобига ташкил топган мулк асосида ишлаб чиқариш ёки хужалик юритиш фаолиятида шахсан узларининг меҳнатлари билан иштирок этишлари талаб қилинмайди. Матлубот кооперативининг фаолияти уз аъзоларининг моддий (мулкий) эҳтиёжларини қаноатлантириш мақсадида ташкил топади. Ушбу фаолият унинг аъзолари томонидан уз мулкий (пай) бадалларини қўшиш йули билан амалга оширилади.

Кооператив фаолиятининг самарали амалга ошиши учун унинг барча аъзоларига масъулият юклатилади. Йиллик баланс тасдиқлангандан кейин кооперативнинг фойда олиш урнига зарар кургани аниқланса, ушбу зарар унинг аъзолари томонидан қўшимча бадаллар тулаш йули билан уч ой мобайнида қопланиши лозим. Ушбу вазифа бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг аъзолари унинг мажбуриятлари буйича ҳар бир кооператив аъзоси тулайдиган қўшимча бадалнинг туланмаган қисми ҳажмида солидар, яъни барчалари биргаликда шериклик принципи асосида субсидиар (қўшимча) жавоб берадилар.

Кооператив уставида мазкур моддада, Кодекс 43-моддасининг 4- ва 5-қисмларида кўрсатилган маълумотлардан ташқари яна бошқа маълумотлар назарда тутилиши мумкин. Шу билан бирга матлубот кооперативига бағишланган бошқа қонунларда унинг ҳуқуқий мавқеи, аъзоларининг ҳуқуқ ва бурчлари батафсил белгиланиши зарурлиги назарда тутилади.

Ҳозирги кунда матлубот кооперативининг фаолияти ФКдан ташқари Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 14 июлда қабул қилинган «Кооперация туғрисида»ги қонуни ва 1993 йил 28 декабрда унга киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар туғрисидаги қонун билан тартибга солинмоқда.



1991 йилдаги қонунда ва унга узгартиш киритилган 1993 йилдаги қонунда кооперациянинг барча, масалан, матлубот, ишлаб чиқариш ва аралаш ишлаб чиқариш-матлубот турларига тааллуқли қоидалар назарда тутилади. 1991 йилдаги қонунда уй-жой қуриш, уй-жой кооперативлари, гараж қуриш, чорбоғ қуриш каби уз аъзоларининг маиший ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришга хизмат қиладиган кооперативларга бағишланган умумий қоидалар ҳам мавжуд эди. 1993 йилдаги қонунда кооперативнинг ушбу турлари тушириб қолдирилган.

Иккала қонунда ҳам аҳолини маҳсулотлар, ишлар ва хизматларга бўлган эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, фойда (даромад) олиш мақсадида матлубот кооперативи ва ишлаб чиқариш кооперативининг тузилишига эътибор берилди. Демак, матлубот кооперативи ҳам тижорат ташкилоти, деган хулосага келиш мумкин. Аслида бундай эмас. Туғри, ФКнинг 73-моддаси 7-қисмида матлубот кооперациясига тижорат фаолияти билан шуғулланишга рухсат берилган. Аммо мазкур кооперация фаолиятининг асосий мақсади фойда олиш эмас (ФКнинг 40-моддаси 1-қисми), балки уз аъзоларининг маиший ва ижтимоий эҳтиёжларини қондиришдан иборат.

Матлубот кооперативининг фаолияти учун фойда олиш иккинчи даражадаги, яъни қушимча мақсад бўлиб ҳисобланади. Матлубот кооперативининг тижорат фаолиятига нисбатан ФКнинг тижоратчи ташкилотлар туғрисидаги қоидалари қўлланилади.

Матлубот кооперативи тижоратчи бўлмаган ташкилот бўлганлиги сабабли, унинг фаолиятини молиявий жиҳатдан таъминлаш олинадиган фойда (даромад) эвазига эмас, балки асосан кооператив аъзоларидан тушадиган пай бадаллари ҳисобига амалга оширилади. Шунинг учун ҳам кооператив аъзолари унга етказилган зарарни қушимча бадаллар тулаш йўли билан қоплашлари шарт. Кооперативнинг аъзолари қурилган зарарни қоплашни йиллик баланс тасдиқлангандан кейин уч ой мобайнида амалга оширишлари зарур. Ушбу талаб бажарилмаган тақдирда кооператив кредиторларнинг талабига мувофиқ суд томонидан тугатилиши мумкин.

Матлубот кооперативининг тугатилиши ФКнинг 53-моддасида назарда тутилган юридик шахсларнинг тугатилиши учун

асос бўлиб ҳисобланадиган умумий қоидаларга мувофиқ амалга оширилади. Кооперативнинг банкрот деб ҳисобланиши ҳам унинг тугатилишига олиб келади (ФКнинг 57-моддаси). Кооперативни тугатиш ФКнинг 54, 55, 56-моддаларида ўрнатилган тартибга мувофиқ амалга оширилади.

Ўзбекистоннинг қишлоқ жойларида матлубот кооперативи кенг тармоқли соҳа бўлиб келган. Аммо унинг кўп қиррали фаолиятини тартибга солишга бағишланган яхлит қонун мавжуд эмас. Таъкидлаб утганимиздек, Ўзбекистон Республикасининг 1991 йилдаги қонунда кооперативнинг барча турлари (матлубот кооперативи, ишлаб чиқариш кооперативи, аралаш кооператив) келтирилган. 1993 йил 28 декабрда мазкур қонунга киритилган узгартиришлар ва қўшимчалар туғрисидаги қонунда ҳам юқорида келтирилган кооперативнинг турлари сақланиб қолиши билан бирга уларнинг фойда (даромад) олиш мақсадида тузилишига алоҳида эътибор берилди (Қонуннинг 1-моддаси 2-қисми). Шу тариқа матлубот кооперативи ҳам фойда (даромад) олишни уз фаолиятининг асосий мақсади деб ҳисоблайдиган ишлаб чиқариш кооперативи билан тенглаштирилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августдаги қонуни билан 1991 йил 14 июнда «Кооперация туғрисида» қабул қилинган қонунда<sup>1</sup> 13-модда қуйидаги таҳрирда ифодаланди: «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкати) ишлаб чиқариш кооперативининг бир шакли сифатида тан олинди».

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши жараёнида кооперациянинг турлари ва уларнинг фаолияти мазмун жиҳатдан ҳам ўзгаришда давом этди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 4 августдаги Фармони билан «Ўзкооптайёрловсавдо» кооператив бирлашмаси «Ўзтайёрловсавдо» уюшмасига айлантирилди. Ушбу Фармонга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 4 августдаги қарори билан «Ўзтайёрловсавдо»нинг ҳуқуқ лаёқати, тузилиши ва фаолиятининг турлари белгиланди. Ушбу уюшманинг таъсисчилари корхоналар ва ташкилотлардан иборат бўлиб, уюшма уларнинг пай ва кириш бадаллари асосида ташкил этилиши назарда тутилади. Уюшмага қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1998, 9-сон, 181-модда.

харид қилиш, уларни сақлаш, қайта ишлаш, сотишдан иборат узаро боғлиқ вазифаларни бажариш вазифаси юклатилди<sup>1</sup>.

1998 йил 30 апрелда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги кооперативига бағишланган қонуни қабул қилинди<sup>2</sup>. Ушбу қонунда кооперативга товар ишлаб чиқарувчи ширкат хўжалиги сифатида қаралди, яъни ишлаб чиқариш кооперативига тенглаштирилади.

1993 йил 28 декабрдаги «Кооперация туғрисида»ги қонуннинг фақат иккита (11, 12) моддасида матлубот кооперативининг фаолиятига хос қуйидаги вазифалар назарда тутилди. Қонуннинг 11-моддасига мувофиқ:

— қишлоқлар, посёлкалар ва шаҳарларда чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш корхоналари тармоқларини вужудга келтириш ва ривожлантириш, уз аъзолари — пайчилар ҳамда хизмат курсатаётган аҳолини узи ишлаб чиқарган ва корхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олинган озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат молларини сотиш;

— аҳоли ва корхоналардан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳамда хом ашё, ёрдамчи хўжалик маҳсулотлари ва хунармандчилик буюмлари, кейинчалик қайта ишлаш ва сотиш учун ёввойи усимликлар, мевалар ҳамда дори-дармон, техникавий хом ашёни харид қилиш;

— сотиб олинган қишлоқ хўжалиги хом ашёси ва бошқа маҳаллий хом ашёдан, шунингдек, улгуржи савдо тартибида харид қилинган ресурслар, хом ашё ва материаллардан озиқ-овқат маҳсулотлари ва ноозиқ-овқат моллари ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

— аҳолига ишлаб чиқаришга ва маиший турмушга доир турли хизматлар курсатиш;

— ишлаб чиқариш воситалари ва халқ истеъмол моллари харид қилишни ҳамда сотишни ташкил этиш орқали фуқароларнинг қишлоқ хўжалик маҳсулотлари хом ашёсини етиштирувчи ва қайта ишловчи ёрдамчи хўжалиklarини ривожлантириш каби вазифалар амалга оширилиши керак.

Қонуннинг 12-моддасида кооперативларнинг ихтиёрий равишда хўжалик уюшмаларига бирлашиши мумкинлиги; хўжа-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси. Фармонлар ва қарорлар. Учинчи китоб. «Ўзбекистон», 1995. 6—18-бетлар.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5-6-сон, 84-модда.

лик уюшмалари бошқарувининг олий идоралари (съезд ва конференциялар); матлубот кооперативи (жамияти) бошқарувининг олий идораси кооператив аъзоларнинг умумий йигилиши эканлиги; бошқарув идораси ва тафтиш комиссиясининг съездда сайланиши; бошқарув идораларининг қарорларини ижро этиш уларнинг аъзолари учун мажбурилиги; матлубот кооперативлари, улар уюшмалари билан давлат, бошқа уюшмалар, қорхоналар, ташкилотлар ҳамда жисмоний шахслар ўртасидаги хўжалик муносабатларининг шартнома асосида ташкил этилиши; нархлар ҳамда тарифларни мустақил ёки шартнома асосида белгиланиши; товарларни тоғли жойлар, олис ерлар ва уларга тенглаштирилган жойларга етказиб бериш билан боғлиқ қўшимча сарф-харажатларни қоплаш тартибининг белгиланиши, республика матлубот кооперативининг халқаро кооператив уюшмалари доирасида ва бошқа халқаро ташкилотларда қатнашиши каби масалалар кўрсатиб утилади.

Матлубот кооперативининг юқорида келтирилган вазифалари, унинг бошқарув идоралари ва уларнинг қонунда назарда тутилган ваколатлари матлубот кооперативининг ҳуқуқий мақомини тулиқ ва аниқ ифодалаш учун имконият бермайди. Ҳозирги шароитда қишлоқ жойларда аҳолининг моддий-маиший ва ижтимоий эҳтиёжларини етарли даражада қаноатлантириш қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини эътиборга олсак, у ҳолда матлубот кооперативи туғрисида алоҳида қонун қабул қилиниши долзарб вазифалардан бири эканлиги аён бўлади.

### **3-§. ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ**

**Маънавий ёки ўзга нодавлат эҳтиёжларни қаноатлантириш учун ўз манфаатларининг муштараклиги асосида қонунда белгиланган тартибда бирлашган фуқароларнинг ихтиёрий бирлашмалари жамоат бирлашмалари ҳисобланади (ФКнинг 74-моддаси).**

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонунда<sup>1</sup> жамоат бирлашмаси тушунчаси қуйи-

---

<sup>1</sup>«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонун 1991 йил 15 февралда қабул қилинди (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1991, №4, 76-модда). Сунгги йилларда унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши, сунгра Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотнома котибонасида эълон қилинган қонунларда назарда тутилди: 1992 йил, №9, 163-модда; 1997 йил, №4-5, 126-модда; 1998 йил, №3, 38-модда; 2004 йил, №1, 18-модда; 2004 йил, №5, 90-модда, 2005 йил, №1, 18-модда.

дагича ифодаланади: «Уз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда руёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилма жамоат бирлашмасидир» (1-модда).

ФКда ва қонунда ҳам жамоат бирлашмалари ҳақида берилган тушунчалар мазмуни жиҳатидан бир-биридан кескин фарқ қилмайди. Қонунда фуқаролар ҳаётнинг қайси соҳаларида эркин бирлашишлари мумкинлигига алоҳида эътибор қаратилади.

Жамоат бирлашмалари ҳам фуқароларнинг ихтиёрий уюшмаларидан иборат. Уларнинг фаолияти фуқароларнинг маънавий ёки узга номоллий эҳтиёжларини қаноатлантиришга қаратилади. Улар, уз уставларида назарда тутилган тақдирда, ишлаб чиқариш ва узга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин. Жамоат бирлашмалари сиёсий партиялар, оммавий ҳаракатлар, касаба уюшмалари, хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари, илмий-техникавий, маданий-маърифий, фахрийлар ва ногиронлар ташкилотлари, жисмоний тарбия, спорт ва бошқа кунгилли жамиятлар, ижодий уюшмалар ва фуқароларнинг бошқа уюшмаларидан иборат булиши мумкин.

Жамоат бирлашмаси аъзолари унга қушган мол-мулкларига ва аъзолик бадалларига нисбатан эгалик қилиш ҳуқуқини сақлаб қола олмайдилар. Улар жамоат бирлашмаси мажбуриятлари буйича, жамоат эса уз аъзоларининг мажбуриятлари буйича жавоб бермайди.

Жамоат бирлашмалари ҳуқуқий мақомининг хусусиятлари ФК, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғри-сида»ги қонун ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланади. Ушбу нормаларда назарда тутилган қоидалар фойда (даромад) олишни уз фаолиятининг асосий мақсади қилиб қуйган тижоратчи ташкилотлар ва шунга ухшаш тоифадаги бошқа корхоналарга, ташкилотларга, жумладан, диний ташкилотларга, фуқароларнинг узини узи бошқариш органларига, шунингдек, ташкил этиш ва фаолият кўрсатиш тартиби бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланадиган узга ташкилот ва органларга нисбатан татбиқ этилмайди.

«Жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонунга мувофиқ диний ташкилотлар бирлашмаларнинг таркибий қисмига кири-тилмайди. Қонуннинг 1-моддаси 3-қисмига мувофиқ диний ташкилотларга нисбатан ушбу қонун татбиқ қилинмаслигининг сабаби шуки, уларнинг тузилиши ва фаолияти бошқа қонунлар билан белгилаб берилади.

Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида»ги қонунининг<sup>1</sup> 8-моддасига мувофиқ, диний ташкилотлар жамоа сифатида устав қабул қилиб, белгиланган тартибда руйхатга олиниши биланоқ юридик шахс деб тан олинади ва тегишли қонунларга ҳамда ўз уставларига мувофиқ мажбуриятлар олиш, яъни фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш ҳуқуқига эга буладилар.

Жамоат бирлашмаларини юридик шахс сифатида фақат фуқаролар ташкил қилишлари мумкин. Ушбу бирлашмалар махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Улар фақат ўз уставларида белгиланган ва тижорат билан боғлиқ бўлмаган фаолият билан шуғулланиши мумкин. Уларга ўз уставларида назарда тутилган доирада ишлаб чиқариш ёки ўзга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқи берилади (ФКнинг 74-моддаси 2-қисми). Масалан, улар ўзларига тегишли корхоналар очишлари мумкин, аммо ушбу корхоналарнинг фаолияти ҳам жамоат бирлашмасининг уставида белгиланган махсус ҳуқуқ лаёқати доирасидан четга чиқиб кетмаслиги керак.

Жамоат бирлашмалари фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш; фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бажаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш; касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш; илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш; аҳолининг сиҳат-сало матлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш; маданий маърифий, физкультура-соғломлаштириш ва спорт ишларини утказиш; табиатни, тарих ва маданият ёдгорликларини муҳофаза қилиш; ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси, республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқ

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномадони 1998-й. 6-сон, 99-модда.

лар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш; қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилади.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайрқонуний йўл билан узгартириш, урушни, зуравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан синфий, шунингдек ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонун билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кузлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмалари туғрисидаги қонунга мувофиқ, фаолияти бутун республика ҳудуди миқёсида амалга ошириладиган жамоат бирлашмалари республика жамоат бирлашмаларига киради. Вилоят, туман, шаҳар, посёлка ва қишлоқ жамоат бирлашмалари маҳаллий жамоат бирлашмаларига киради. Бунинг учун республика миқёсида сиёсий партиянинг камида саккизта ҳудудий субъектда (вилоятда), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида яшаётган камида йигирма минг, касаба уюшмаларининг эса, камида уч минг аъзоси булиши керак. Бошқа жамоат бирлашмалари камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилиши мумкин («Жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонуннинг 6—8-моддалари).

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини (конференциясини) ёки умумий йиғилишни чақирадилар, унда устав (низом, бошқа асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади. Ўзбекистон Республикасида амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, республика, вилоятлараро бирлашмаларнинг уставлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади. Вилоят, туман, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ туман, шаҳар, поселка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари тегишли вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимиятининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмасининг устави рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб, у юридик шахс ҳисобланади. ФКнинг 41-моддаси 2-қисмига биноан жамоат бирлашмасининг юридик шахс сифа-

тида ҳуқуқ лаёқати у тузилган пайдан бошлаб вужудга келади ва у тугатилиши билан ушбу лаёқат ҳам тугайди. Жамоат бирлашмаси аъзолари унга кириш пайтида ва бутун аъзоликлари давомида жамоатга утказган мол-мулкларига нисбатан мулкӣ ҳуқуққа эга бўла олмайдилар. Жамоат бирлашмасига аъзо булиш ва ундан чиқиб кетишлик ихтиёрий ҳисобланади. Жамоат бирлашмасидан чиқиб кетадиган аъзо унинг мулкига нисбатан талаб қилиш ҳуқуқига эга бўлмайди.

#### 4-§. ЖАМОАТ ФОНДЛАРИ

**Фуқаролар ва (ёки) юридик шахслар томонидан ихтиёрий мулкӣ бадаллар қушиш асосида таъсис этилган, хайрия, ижтимоӣ, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоӣ фойдали мақсадларни қўзлайдиган, аъзолиги бўлмаган нодавлат нотижорат ташкилоти жамоат фонди деб эътироф этилади (ФКнинг 75-моддаси).<sup>1</sup>**

Жамоат фондлари утмишда асосан давлат мол-мулки ҳисобига ташкил этиларди. Эндиликда улар фуқаролар, фуқаролар билан юридик шахслар ёки юридик шахслар иштирокида ташкил топган фондлардан иборат. Жамоат фондлари хайрия, ижтимоӣ, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоӣ фойдали мақсадларни амалга оширишга қаратилади. Уларнинг аъзолари бўлмайди.

Жамоат фондига унинг муассислари (муассиси) ёки васият қилувчи томонидан ўтказилган мол-мулк ва пул маблағлари, шу жумладан чет эл валютасидаги маблағлар, қимматли қоғозлар фонднинг мулки бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, бинолар, иншоотлар, тураржойлар ва бошқа иморатлар, асбоб-ускуналар, инвентарь ва ўзга мол-мулк фонднинг мулки бўлиб ҳисобланади. Фонд муассислари (муассиси) ёки фонд васиятнома бўйича ташкил этилганида васиятномани ижро этувчи фонднинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, фонд эса муассисларнинг (муассиснинг) ёки васиятномани ижро этувчининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

---

<sup>1</sup>«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни 2003 йил 29 августда (№527-II) қабул қилинган. Фуқаролик кодексининг 13-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелда қабул қилинган 621-II-сонли қонунига асосан янги таҳрирда баён этилган (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2004 йил июнь, №15).



Жамоат фондининг мол-мулкидан фонд уставида белгиланган мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ҳамда маъмурий харажатларни қоплаш учун фойдаланиш мумкин. Фонд қонун ҳужжатларига мувофиқ тадбиркорлик фаолияти билан ўз уставида белгиланган мақсадларга туғри келадиган доирада шуғулланиши мумкин. Фонднинг тижорат ташкилотлари устав фондидаги (устав капиталидаги) иштироки қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Фонд уз мулкидан қандай фойдаланганлиги ҳақида ҳар йили ҳисоботлар бериши ва уларни босиб чиқариши, матбуотда эълон қилиши кузда тутилади.

Жамоат фондининг уставида ФК 43-моддасининг 4 ва 5-қисмларида курсатилган маълумотлардан ташқари қуйидаги маълумотларнинг булиши талаб қилинади: фонд органларининг тузилиши, ваколатлари ва шакллантириш тартиби; фонд органларининг мансабдор шахсларини тайинлаш (сайлаш) ва лавозимдан озод қилиш тартиби; фонднинг мол-мулкни шакллантириш манбалари; фонднинг, унинг ваколатхоналари ҳамда филиалларининг мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари; фонд ваколатхоналарини очиш ва филиалларини ташкил этиш тартиби; фондни қайта ташкил этиш ва тугатиш тартиби; фонд тугатилган тақдирда унинг мол-мулкидан фойдаланиш тартиби; фонд уставига ўзгартириш ва қушимчалар киритиш тартиби.

Жамоат фондлари ҳам жамоат бирлашмалари каби тижоратчилик билан боғлиқ булмаган махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Фонднинг тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши унинг уставида белгиланган мақсадни амалга оширишга қаратилган булиши лозим. Фондлар ҳужалик жамиятларини тузишлари мумкин. Лекин у бундай жамиятларнинг мажбуриятлари буйича ўз зиммасига чекланган жавобгарликни олиши мумкин. Фондлар ҳужалик ширкатларини тузишда иштирок этолмайдилар.

Ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига кура фондларни ФК 175-моддасининг 1-қисмидаги мақсадларни амалга ошириш учун ва давлат бошқарув вазифасини бажариш учун тузиладиган ташкилотларга ажратиш мумкин. Масалан, Ўзбекистонда 1994 йилда тузилган фан тараққиёти фонди 1-қисмдаги мақсадларга тааллуқли вазифаларни амалга оширишга қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 7 июнда қабул қилган қарорига асосан товар ишлаб чиқарувчилар ва тад-

биркорларни қўллаб-қувватлаш фонди тўғрисида Низом қабул қилинди. Ушбу фонд давлат ташкилоти сифатида тадбиркорликни бошқариш ва қўллаб-қувватлаш вазифасини бажаради. Тижорат мақсадини кузлаб тузилган фондларни хайрия фонди деб бўлмайди. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 27 декабрда «Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги ҳузурида Пенсия жамғармасини ташкил қилиш тўғрисида»ги қарорига асосан тузилган фонд банкнинг алоҳида операциясини бажарадиган молиявий-кредит муассасаси ҳисобланади.

Фондлар ҳар хил мақсадларда, масалан, маданий, фан, маърифий, миллий ва халқаро тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни кузлаб тузилиши мумкин. Ўзбекистонда ижтимоий-фойдали мақсадларни амалга ошириш борасида ҳомийлик ривож топмоқда.

**Ҳомийлик — юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик мақсадларида бошқа юридик ва жисмоний шахсларга мол-мулкни, шу жумладан пул маблағларини қайтармаслик шарти билан ёки имтиёзли шартларда, улар учун бепул ишлар бажаришда, уларга хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқача шаклда қўллаб-қувватлашда ифодаланадиган ихтиёрий бегараз ёрдам ҳисобланади («Ҳомийлик тўғрисида»ги қонуннинг 3-моддаси)<sup>1</sup>.**

Юридик ва жисмоний шахслар ҳомийликни яқка тартибда ёки бирлашиб, ҳомийлик ташкилотини ташкил этган ёхуд ташкил этмаган ҳолда амалга ошириш ҳуқуқига эга. Ҳомийлик ташкилоти ташкил этилган тақдирда унинг ҳуқуқ лаёқатини ва фаолиятининг асосий мақсадини ва хусусиятларини ҳисобга оладиган бўлсак, у биринчи галда, жамоат фонди шаклида ташкил топган деб ҳисобланиши мумкин. Ҳомийлик ташкилоти ҳам жамоат фонди каби тижоратчилик билан боғлиқ бўлмаган махсус ҳуқуқ лаёқатига эга. Ҳомийлик ташкилоти узида бўлган мол-мулкка нисбатан қонун ҳужжатларига, ташкилотнинг уставига ва ҳомийлик мақсадларига зид бўлмаган ҳар қандай битимларни тузишга ҳақли. Шу билан бирга ташкилотга берилган ҳомийлик хайриялардан фақат ҳомийлик мақсадларида фон

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган, Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007, 17 апрель, №1).

даланиш мумкин. Ҳомийлик ташкилоти аъзоликка асосланганда «жамоат бирлашмалари»га ўхшаш томонлари ҳам бор. Жумладан, фонд ташкилоти аъзолари жамоат бирлашмалари иштирокчилари (аъзолари) каби ҳомийлик ташкилотининг мол-мулкига, шу жумладан аъзолик бадалларига булган ҳуқуқларини сақлаб қолмайдилар. Улар аъзо сифатида иштирок этаётган ҳомийлик ташкилотининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, мазкур ташкилот эса ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

Жамоат фондларини ва ҳомийлик ташкилотларини тузишда давлат (муниципиал) мулкдан, шунингдек, хусусий мулкдан фойдаланиш мумкин. Фонд ва ҳомийлик ташкилоти тузилганидан кейин уларнинг эгалигидаги мол-мулкка нисбатан уларда эгалик ҳуқуқи вужудга келади. Фонд ва ҳомийлик ташкилоти муассислари ушбу мулкка нисбатан ҳеч қандай ҳуқуққа эга бўлмайдилар. Фонд тузилганда унинг фаолияти устидан назорат олиб борувчи васийлик кенгаши тузилади. Ҳомийлик ташкилотининг фаолияти устидан адлия органи назоратни олиб боради.

Жамоат фонди уставига ўзгартиш киритиш ёки фонднинг фаолиятини тугатиш ихтиёрий равишда ёки суд томонидан амалга оширилади. Ихтиёрий равишда амалга оширишнинг мумкинлиги фонднинг уставини билан белгиланади. Фонддан айрим аъзоларининг чиқиб кетиши фонд фаолиятини тугатиш учун асос бўлолмайди. Бундай ҳолларда, фонднинг уставига ўзгартиш киритиш ёки уни тугатиш мумкинлиги уставда белгиланган бўлади.

Фонднинг фаолиятида гайриқонуний ҳаракатларга йул қўйилган бўлса ёки у пул тулаш, ҳисоб-китоб юритиш қобилятига эга эмас деб топилган бўлса, унинг фаолияти суд тартибида тугатилиши мумкин.

ФКнинг 75-моддаси охириги қисмида фонднинг уставига «фонд тугатилганида унинг мол-мулкни тақсимлаш тартиби туғрисида» маълумотлар булиши назарда тутилади. Бундан мол-мулк фонд аъзоларининг ўртасида тақсимланади, деган хулосага келиш мумкин эмас. Фонд тугатилгандан кейин унинг мол-мулки бўлинмайди, у фонднинг ёки суднинг қарорига асосан фаолияти ўхшаш мақсадга қаратилган тегишли ташкилотларга, бошқа фондларга ёки шундай мақсадда фойдаланиш учун давлатга топширилади.

Ўзбекистонда хайрия, ижтимоий, маданий, маърифий ёки бошқа ижтимоий-фойдали мақсадларни кузлаб тузиладиган фондлар ва ташкилотларнинг сони тобора купаймоқда. Фуқаролик кодексида бундай фондларга фақат битта (75-модда) модда бағишланган бўлиб, уларнинг купқиррали фаолиятига хос хусусиятлари ҳуқуқий жиҳатдан тула-туқис ечимини топмаган. Шунинг учун ҳисобга олган ҳолда «Жамоат фондлари туғрисида»ги қонуннинг қабул қилинганлиги Ўзбекистонда ижтимоий-фойдали вазифаларни амалга ошириш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишда муҳим роль уйнайди.

## 5-§. МУАССАСАЛАР

**Бошқарув, ижтимоий-маданий вазифаларни ёки тижоратчиликдан иборат бўлмаган бошқа вазифаларни амалга ошириш учун мулкдор томонидан ташкил этилган ва тула ёки қисман молиявий таъминлаб туриладиган ташкилот муассаса ҳисобланади (ФКнинг 76-моддаси).**

Муассасалар мулкдор томонидан ташкил қилинади. Унинг асосий белгиси тижорат фаолияти билан шуғулланмаслик ва бошқарув вазифасини амалга оширишдан иборат. У мулкдор томонидан тула ёки қисман молиявий таъминланиб турилади. Муассаса мажбуриятлари буйича мулкдор субсидиар жавоб беради.

Муассасалар мулкнинг ҳар хил шакли, яъни оммавий мулк ва хусусий мулк шакллари асосида тузилган бўлиши мумкин. Шунга қарамай улар ё давлатга ёки хусусий мулк эгаларига тегишли муассасалардан иборат бўлади. Улар мулкнинг қайси шаклига асосланган бўлиши ва бажарадиган вазифасининг моҳиятига қараб ҳар хил туркумда ташкил топади.

Лекин баъзи ҳолларда қонун ҳужжатларида бу масала буйича ноаниқликлар ҳам учраб туради. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари туғрисида»ги қонунида<sup>1</sup> муассасага нодавлат ташкилоти сифатида қаралади. Қонуннинг 13-моддасида муассаса қуйидагича ифодаланган: «Ижтимоий, маданий ва бошқа нотижорат тусдаги вазифаларни амалга ошириш учун жисмоний ва (ёки) юридик

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 1999, 14 апрель. №5, 115-модда; 2004 йил, №5, 90-модда.

шахслар томонидан тузилган нодавлат нотижорат ташкилоти муассаса деб эътироф этилади». Муассасанинг нотижорат ташкилотидан иборат булиши ёки булмаслигига шубҳа йуқ, лекин унга фақат нодавлат ташкилоти деб баҳо берилиши эътирозлидир. Муассасаларнинг амалиётда купроқ тарқалган туркуми давлат муассасалари ҳисобланади. Улар асосан давлатнинг бошқарув вазифаларини бажаради ва уларнинг бундай ҳуқуқ лаёқати фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинмайди. ФКнинг 76-моддаси 4-қисмига биноан айрим турдаги давлат муассасалари ҳуқуқий мавқеининг хусусиятлари алоҳида қонун ҳужжатлари билан белгиланади.

ФКнинг 76-моддаси I-қисмида муассаса тушунчаси, унинг мулкнинг қайси шаклига асосан ташкил этилган булишидан қатъи назар бир хил маънода ифодаланади. Шу билан бирга, қонунчиликда, агар муассаса хусусий мулкка асосланган булса, у фақат «муассаса» атамаси билан, давлат мулкига асосланган булса — «давлат муассасаси» атамаси билан ифодаланади.

Давлат муассасалари Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ва қонун ҳужжатларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маъкамасининг қарорлари, республика аҳамиятига эга булган ва фақат давлат бюджети асосида фаолият юритадиган вилоят, шаҳар ҳокимларининг қарорига асосан, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда муайян давлат идоралари томонидан ташкил этилади.

Тижоратчи булмаган муассасалар турли фаолиятларни амалга ошириш мақсадида тузилиши мумкин. Масалан, бошқарув, таълим, медицина, илмий-тадқиқот, маданият ва спорт билан боғлиқ вазифаларни амалга ошириш мақсадида муассасалар ташкил этилиши мумкин.

Бошқарувни амалга ошириш мақсадида асосан давлат муассасалари тузилади. Булар қаторига вазирликлар, бошқармалар, ташкилотлар ва шунга ухшаш бошқа давлат органлари кириши мумкин. Муассаса, қоидага биноан, битта шахс томонидан тузилиши мумкин ва бундай тартиб асосан давлат муассасаларига тааллуқли. Хусусий муассасалар бир неча жисмоний ва юридик шахслар томонидан ҳам тузилиши мумкин. Бу қонун билан тақиқланмаган. Таъсисчилар купчиликдан иборат булса, уларнинг мол-мулкка булган ҳуқуқлари таъсис шартномасига асосан белгиланади.

Муассаса жамоат бирлашмалари ёки жамоат фондлари каби муайян аъзолардан иборат бўлган ташкилот эмас. Муассаса уз эгалигида бўлган мол-мулкка нисбатан мулк ҳуқуқи эмас, балки **оператив бошқариш ҳуқуқига** эга бўлган нотижорат ташкилотларнинг яккаю ягона турларидан иборат. Муассаса унинг таъсисчилари — мулкдорлар томонидан тулиқ ёки қисман молиявий таъминланган, қатъий равишда махсус ҳуқуқ лаёқати-га эга бўлган ташкилот ҳисобланади. Шунинг учун ҳам муассаса фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда мустақил қатнашиш учун деярли чекланган имкониятларга эга.

Хусусий муассаса ва давлат муассасасининг узларига бириктириб қўйилган ва узлари сотиб олган мол-мулкка нисбатан бўлган ҳуқуқлари ФКнинг 178 ва 180-моддаларига мувофиқ белгиланади (ФКнинг 76-моддаси 2-қисми). Агар муассаса давлат мулкига асосан ташкил топган бўлса, ушбу мулк давлат муассасасига оператив бошқариш ҳуқуқига асосан тегишли бўлади. Бундай қоида хусусий муассасага нисбатан ҳам жорий қилинади. Муассаса узига тегишли маблағларни мулкдор томонидан тасдиқланган сметага асосан тасарруф этади. Муассасанинг мол-мулки мулкдор томонидан тортиб олиниши ва бошқа йўллар билан тақсимланиб юборилиши мумкин. Муассаса ўз мажбуриятлари бўйича унинг ихтиёрида бўлган **пул маблағлари билан жавоб беради**. Пул маблағлари етарли бўлмаса, мажбуриятлар бўйича унинг таъсисчилари жавобгар бўлади. Хусусий муассаса тугатилган тақдирда кредиторларнинг талаби бўйича қарзни ундирув пул маблағларидан кейин унинг мол-мулкига нисбатан ҳам қаратилган бўлиши мумкин. Давлат муассасаси уз мажбуриятлари бўйича уз ихтиёрларида бўлган пул маблағлари билан жавоб бериши мумкин. Агар давлат муассасасининг пул маблағлари етарли бўлмаса, жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ давлат муассасасини таъминлаш учун ажратилган сметага нисбатан қаратилади.

Умуман олганда, смета мулкдор томонидан ажратилган ва муассасанинг фаолиятини амалга оширишни таъминлаш учун зарур бўлган пул маблағи ва бошқа мол-мулкдан ташкил тонади. Шундай экан, муассасанинг қарзлари бўйича ундирув шартини ровард натижада мулкдор (таъсисчи) мол-мулкига қаратилган бўлиб ҳисобланади.

Бундай жавобгарлик биринчидан қўшимча, иккинчидан, чекланмаган хусусиятга эга бўлганлиги боис муассасани банкрот деб эълон қилиш учун сабаб бўла олмайди.

Муассасалар тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ихтисослашмаган. Лекин уларнинг қарзлари буйича таъсисчиларининг қушимча (субсидиар) жавобгарлиги учинчи шахслар учун анча енгиллик туғдиради. Шунинг учун бундай қоида нафақат оммавий, шунингдек, хусусий мулкдорларга нисбатан ҳам татбиқ қилинади.

Муассисларнинг қарзлари буйича субсидиар жавобгарликнинг белгиланганлиги давлатни маълум бир маънода қийин аҳволга ҳам солиб қўймоқда. Бундай ҳол, айниқса уларни бюджет томонидан муттасил молиялаш имконияти булмаган тақдирда юз бермоқда. Шунинг учун давлат муассасаларига уз фаолиятлари юзасидан қушимча даромад олиш, уз қарзлари буйича шахсан узи мустақил жавобгар булиш имкониятини яратиш давлат манфаатлари учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Мулкдор-таъсисчини субсидиар жавобгарликдан озод қилиш билан бир қаторда давлат муассасаси эгалигида булган давлатнинг кучмас мол-мулкига ва бошқа қимматли бойликларига нисбатан муассасанинг қарзи буйича ундирувга йул қўймаслик керак.

Муассасалар уз уставида белгиланган ҳуқуқ лаёқати доирасида қушимча даромад келтирадиган **тадбиркорлик фаолиятининг баъзи турлари** билан шуғулланишлари мумкин. Бундай фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи ФКнинг 180-моддасига мувофиқ унинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган булиши лозим. Улар узларининг асосий фаолиятлари доирасида ҳақ эвазига хизматлар курсатишлари мумкин. Муассаса мустақил равишда бошқа юридик шахс ташкил қилиш ҳуқуқига эга эмас, чунки унинг бундай ҳаракати мулкдорнинг мол-мулкни ғайриқонуний равишда тасарруф этиш деб қабул қилиниши мумкин. Агар таъсис ҳужжатларига мувофиқ муассасага даромад келтирадиган фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқи берилган булса, бундай фаолиятдан олинган даромад ва бу даромад ҳисобидан сотиб олинган мол-мулк муассасанинг мустақил тасарруфига утади ва алоҳида балансда ҳисобга олинади (ФКнинг 180-моддаси 2-қисми).

Таъсисчилар томонидан тасдиқланган **устав** ёки унинг тўғрисидаги **ҳуқуқ ҳолати (положение)** муассасанинг **таъсис ҳужжати** булиб ҳисобланади. Муассаса бир туркумдаги муассасалар тўғрисидаги умумий (намунали ёки типовой) ҳуқуқ ҳолати (положение), низомга асосан фаолият курсатиши мумкин. Масалан, олий таълим тўғрисидаги умумий низом барча

укув юртларига тааллуқли. Мулкдор таъсис ҳужжатларида ташкил этилаётган муассасанинг вазифаларини, фаолият мақсадларини аниқ белгилаб қўйиши керак, бу муассасанинг чекланган ва мақсадли ҳуқуқ лаёқатига эга булиши билан болиқ.

Мулкдорнинг муассасани ташкил этиш туғрисидаги қарори таъсис ҳужжати бўлиб ҳисобланмайди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари туғрисидаги қонунда рўй берганидек, давлат рўйхатидан утказиш учун тақдим этилган ҳужжатларни таъсис ҳужжатлари билан тенглаштириб бўлмайди.

Муассаса тузиш учун у билан таъсисчи ўртасида шартнома тузилиши ҳам талаб қилинмайди. Чунки мулкдор ўз мол-мулкидан қандай фойдаланиш туғрисидаги шартларни узи мустақил белгилайди. Агар муассаса бир неча мулкдорлар томонидан ташкил этиладиган бўлса, улар муассасани тузиш ва унинг фаолият юритиши жараёнида, шунингдек уни молиялаш юзасидан вужудга келадиган масалаларни ҳал қилиш бўйича узаро муносабатларини белгилаб олиш учун биргаликда фаолият олиб бориш туғрисида шартнома тузишлари мумкин. Бундай шартнома ҳам таъсис ҳужжатлари қаторига кирмайди.

Муассасанинг раҳбарини якка **ижрочи орган** сифатида мулкдор-таъсисчи тайинлайди. Баъзи бир муассасаларда ижро этувчи коллектив орган (масалан, олий таълим ўқув юртларида, илмий-тадқиқот институтларида ва шунга ухшаш муассасаларда илмий кенгашлар) тузилади.

Муассаса **қайта ташкил этилиши**, шунинг билан жамоат фондларига ҳамда хужалик жамиятларига узгартирилиши мумкин. Давлат муассасаларини хужалик жамиятига узгартиришга фақат қонунда назарда тутилган тартибда йул қўйилади (Нодавлат нотижорат ташкилотлари туғрисидаги қонуннинг 20-моддаси 2-қисми). Муассасани тугатиш фуқаролик қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда умумий қоидага мувофиқ амалга оширилади. Тугатилгандан кейин қолган муассасанинг мол-мулки унинг таъсисчисига ўтади.

## **6-§. ЮРИДИК ШАХСЛАР БИРЛАШМАЛАРИ**

Юридик шахсларнинг бирлашмалари деб аъзолик тамойилига асосланган, ўзларининг тадбиркорлик фаолиятини мувофиқлаштириш, шунингдек, муштарак мулкий манфаатларини



ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида юридик шахслар томонидан тузилган нотижорат уюшмаларига (иттифоқларга) айтилади.

Юридик шахсларнинг уюшмалари ва иттифоқлари тижоратчи бўлган, шунингдек, тижоратчи бўлмаган юридик шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида тузилади. Уюшма (иттифоқ)нинг узи нотижорат юридик шахсдан иборат бўлиб, унинг таркибига кирган тижоратчи ва нотижорат юридик шахслар (ташкилотлар) уюшманинг (иттифоқнинг) аъзолари (иштирокчилари) бўлиб ҳисобланади. Уюшманинг ушбу аъзолари уз урнида унинг таъсисчилари ҳисобланади. Агар аъзоларнинг, яъни иштирокчиларнинг (юридик шахсларнинг) қарорига мувофиқ уларга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш вазифаси юклатилса, улар хужалик жамияти ёки ширкатларига айлантирилади (ФКнинг 77-моддаси).

Уюшманинг юридик шахс ҳисобланиши унинг аъзоларининг уз мустақиллигини ва юридик шахс ҳуқуқларини сақлаб қолишига тўсқинлик қилмайди. Уюшма аъзолари (уюшмага кирган юридик шахслар) унинг мажбуриятлари бўйича уюшманинг таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда субсидиар жавобгар бўлишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик жамиятлари ва ширкатлари тўғрисида» 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган қонунининг 1-моддасида «Хужалик жамиятлари ва ширкатлари корхоналарнинг хужалик ассоциациясига: иттифоқ, концерн, консорциум, корпорация ва бошқа уюшмаларга бирлашишга ҳақлидир», деб таъкидлаб утилган эди<sup>1</sup>.

Демак, моддада номи келтирилган барча уюшмалар битта тушунча, яъни ассоциацияни ифода этувчи унинг турларидан иборат деб тан олинади. Лекин улар уюшма бўлишлари билан бир қаторда ҳуқуқ лаёқати, фаолиятининг турлари ва хусусиятлари билан бир-биридан фарқ қилади.

ФКнинг 77-моддасида юридик шахсларнинг бирлашмалари сифатида фақат уюшма ва иттифоқларга эътибор берилади. Чунки бирлашмаларнинг бошқа турлари (концернлар, консорциумлар, корпорациялар) акциядорлар жамиятлари ва хужалик ширкатлари шаклида тадбиркорлик фаолияти билан шу-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993, №1, 13-молда. Мазкур қонун бугунги кунда амалда эмас.

гулланишлари мумкин. ФКнинг 77-моддасига мувофиқ тижоратчи бўлмаган бирлашмаларнинг шакллари сифатида уюшма ва иттифоқларга бағишланган қоидалар назарда тутилади.

Уюшма билан иттифоқ тушунчалари ўртасида ҳам қисман фарқ мавжуд. **Уюшмани ифодаловчи асосий белги** таркибий қисмининг бир хил бўлишидан, **иттифоқники эса** ҳар хил бўлишидан иборат. Уюшма таркибий қисмининг бир хил бўлиши унда иштирок этувчиларнинг шакл жиҳатдан умумий бўлиши (масалан, акциядор жамиятларнинг уюшмалари), фаолияти жиҳатдан иқтисоднинг битта ёки аралаш соҳаларига (масалан, нефть саноати корхоналарининг уюшмаси) тегишли бўлиши билан белгиланади. «Ўзбекистон Транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмасини ташкил этиш туғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида мувофиқ юридик шахс мақомига эга бўлган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси, Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги, «Ўзавтойул» ДАК, транспорт коммуникациялари қурилиши билан шуғулланувчи республика лойиҳа ва қурилиш каби ташкилотлар ушбу уюшма таркибига киради.

«Кооперация туғрисида»ги<sup>1</sup> янги таҳрирдаги қонуннинг 3-моддаси 2-бандида «Кооперативлар тармоқ, ҳудудий ва бошқа белгилари буйича хужалик уюшмаларига ихтиёрийлик асосида бирлашишлари мумкин»лиги ҳақидаги қоида назарда тутилади.

Қонунчилик амалиётида «уюшма» билан «иттифоқлар» тушунчалари маъносига ва уларнинг бир-биридан фарқ қилишига алоҳида эътибор берилмайди. Баъзан фаолияти жиҳатидан бир турда бўлган ташкилотлар бирлашмалари туғрисидаги қонунларда ушбу тушунчалардан биргаликда фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлари туғрисида»ги қонунининг<sup>2</sup> 10-моддаси 2-бандида ушбу ташкилотлар «уюшмалар (иттифоқлар)» шаклида бирлашмалар тузилиши мумкинлиги назарда тутилади. «Ҳо-

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг 1993 йил 28 декабрдаги қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси. 1993, №2, 52-модда).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999, №5, 1115-модда; №2, 52-модда.

мийлик тўғрисида»ги қонуннинг<sup>1</sup> 6-моддаси 3-бандида ҳомийлик ташкилотларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳисобланувчи «уюшмаларга (иттифоқларга)» бирлашишлари мумкинлиги назарда тутилади.

Иттифоқнинг умумий мақсади мувофиқлаштириш, ваколатли қилиш билан бир қаторда муайян ҳудуднинг манфаатларини ҳимоя қилиш (масалан, фан-техника, соғлиқни сақлаш, маданият ва санъат муассасаларининг иттифоқлари) билан белгиланади. Вазирлар Маҳкамаси томонидан 1996 йил 26 апрелда тасдиқланган «Ўзбекнаво» иттифоқининг таркибига давлат республика ва вилоят концерт ташкилотлари билан бир қаторда, қайси идорага қарашли бўлишидан ва мулкчилик шаклларидан қатъи назар, ижодий жамоалар ва алоҳида ижрочилар киришлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 3 декабрда «Ўзбекистон Республикаси савдо-саноат палатаси тўғрисида»ги қонунига<sup>2</sup> мувофиқ тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шароитлар яратиш, ишчанлик муҳитини такомиллаштириш, ўз аъзоларининг ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини ифода этиш ҳамда ҳимоя қилиш, тадбиркорларнинг чет эллик шериклари билан алоқаларини йулга қуйишга кумаклашиш мақсадида Ўзбекистонда Савдо-саноат палатаси ташкил этилди.

Савдо-саноат палатаси иттифоқ сифатида муассисларининг ташаббусига қура ихтиёрий бирлашиш принципи асосида ташкил этилади. Савдо-саноат палатаси юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилот ҳисобланади.

Савдо-саноат палатаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида тузиладиган ҳудудий бошқармалари билан биргаликда ягона тизимни ташкил этади. У ушбу тизимга кирган тадбиркорликнинг турли соҳаларида (ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ, ишни бажарувчи, хизмат кўрсатувчи ва ҳ.к.) фаолиятни мустақил амалга оширувчи

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 28 февралда қабул қилинган. Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда маъқулланган (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси. 2007, №1.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2005, №1, 3-модда, 20-бет.

юримдик шахс ҳисобланувчи ҳудудий бонқармалардин, уларнинг ташкилотларидан ва заруратга қараб, юримдик шахс бўлмаган туман ва шаҳар филиалларидан иборат бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари ҳам иттифоқлар тузишлари мумкин «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари туғрисида»ги қонуннинг<sup>1</sup> 7-моддасига биноан жамоат бирланмалари ихтиёрийлик асосида жамоат бирлашмаларининг филиалларига уюшишлари мумкин. Улар қонунда жамоат бирлашмалари учун белгилаб қуйилган тартибда тузилиши, амал қилиши ва ўз фаолиятларини тўхтатиши мумкин.

Уюшма ва иттифоқлар уларга ихтиёрий равишда берилган ваколат доирасида юримдик шахсларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва манфаатларини ҳимоя қилишга оид вазифаларни амалга ошириш ва бошқариш каби фаолиятларни бажаради. Ҳар қандай бошқариш қарор қабул қилиш билан боғлиқ бўлиши ҳисобга олинган ҳолда, уюшма ва иттифоқларга берилган бундай ваколат уларнинг таъсис ҳужжатлари билан белгиланади.

Уюшма ва иттифоқлар ўзлари тижоратчи ташкилот бўлмаганлиги сабабли асосий мақсади фойда ундиришга қаратилган фаолият билан шуғулланишлари мумкин эмас. Шундай экан, уларга берилган ваколатни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар, масалан, иш ҳақи, биноларнинг ижара ҳақи, техника ва бошқа асбоб-ускуналарни сотиб олиш билан боғлиқ харажатлар молиявий жиҳатдан бошқарув идоранинг таркибига кирган ташкилотлар ҳисобидан таъминланади.

ФКнинг 77-моддаси 2-қисмининг маъносидан уюшма ва иттифоқлар тижоратчи бўлмаган ташкилот эканлиги ва уларнинг қандай мақсадни кузлаб тузилиши зарурлиги туғрисида қоида назарда тутилади. Шундай экан, уларнинг таъсис ҳужжатларида фойда ундириш фаолияти асосий мақсад сифатида назарда тутилган бўлиши мумкин эмас. Аммо фаолият юритиш жараёнида тижорат билан шуғулланиш улар учун мақсадга мувофиқ бўлиб қолиши мумкин. Бундай ҳол юз берган тақдирда қуйидаги тадбирлар қўлланиши мумкин: а) бирлашманин иштирокчилари қонунга мувофиқ (ФКнинг 40-моддаси), уш

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2005, №1, 18-модда.

Ўз қарорига асосан хужалик ширкати ва жамиятига, ишлаб чиқариш кооперативига, унитар корхонага айлантириб қайта ташкил қилишлари мумкин; б) бирлашманинг ўзи ижтимоий фонд ва мулкдор томонидан таъминлаб туриладиган муассаса шаклида, шунингдек, қонунларда назарда тутилган бошқа шаклда ташкил этилиши мумкин; в) бирлашма қонунда белгиланган тартибда амалда ҳаракатда бўлган хужалик жамиятининг таркибий қисмига кириши мумкин; г) тижоратчи бўлмаган ташкилот ўзининг уставда белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши мумкин.

Бирлашмани ташкил этган ёки унга кирган ташкилотларнинг ҳуқуқий мақомида ўзгариш юз бермайди. Уларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқ лаёқати тула сақланиб қолади. Бирлашманинг ўзи юридик шахс ҳисобланади ва унга нисбатан жавобгарлик тўғрисидаги умумий қоидалар татбиқ қилинади (ФКнинг 48-моддаси). Умумий қоидага биноан бирлашма ўз аъзоларининг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, лекин бирлашманинг аъзолари унинг мажбуриятлари бўйича қушимча жавобгар бўлади. Бундай жавобгарлик бирлашмани фуқаролик-ҳуқуқий мақомининг муҳим хусусиятларидан иборат. Бирлашманинг мол-мулки унинг кредиторларининг талабларини қаноатлантириш учун етарли бўлмаган тақдирда, унинг аъзолари (иштирокчилари) ўз мол-мулклари билан бирлашманинг (уюшма ёки иттифоқ) таъсис ҳужжатларида назарда тутилган миқдорда ва тартибда бирлашманинг қарзлари бўйича жавоб берадилар (ФКнинг 77-моддаси 6-қисми). Бундай жавобгарлик **субсидиар** характерга эга бўлиб, унинг миқдори бирлашманинг ўз қарздорларидан қутилиши учун мол-мулкининг етарли бўлмаган қисми ҳажмида белгиланади.

## 7-§. НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ

Ўзбекистонда нодавлат нотижорат ташкилотларининг ривожланиши ва эркин фаолият олиб боришини таъминлаш, бунинг учун имконият яратиш ва уни қўллаб-қувватлаш масалаларига алоҳида эътибор берилади. Уларнинг фаолиятига кафолатлар бериш, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида махсус қонун қабул

қилинди<sup>1</sup>. Ушбу қонуннинг ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қилган назар, масалан, матлубот кооперативи, жамоат бирлашмалари, жамоат фонди, муассасалар ва уларнинг уюшмалари (интифоқлари)га, шу жумладан, касаба уюшмалари, сессий партиялар, диний ташкилотлар ва бошқа нодавлат нотижорат ташкилотларига қўлланилиши назарда тутилади.

Қонунда нодавлат нотижорат ташкилотлари қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган **ҳар қандай фаолият турини** ўз ўс тавларида белгиланган мақсадлари доирасида амалга ошириши лари мумкинлиги; улар ўз фаолиятида давлат ҳокимияти ва бошқарув органларидан мустақиллиги, уларнинг назорати ос тида бўлмаслиги; уларнинг фаолиятига тўсқинлик қилиш, ара лашишнинг тақиқланиши каби кафолатлар назарда тутилади (5-модда).

Нодавлат нотижорат ташкилотларига **ахборотлардан фойдаланиш** учун ҳам кафолатлар берилади. Улар ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, тарқатиш, ундан фойдаланиш ва уни сақ лаш ҳуқуқларига эга. Ахборотдан фойдаланиш тегишли мате риалларни эълон қилиш йули билан ҳамда уставда белгилан ган фаолиятни амалга ошириш мақсадида зарур ахборотни олиш учун давлат органлари ва уларнинг мансабдор шахсларига суров орқали мурожаат қилиш йули билан амалга оширилади. Тегишли давлат органи ёки унинг мансабдор шахси ташкилотнинг суро вига иложи борича қисқа муддатда ёки суров олинган санадан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтариши керак. Агар орган ёки мансабдор шахс суралаётган ахборотга эга бўлма са, ўзига мурожаат этган ташкилотга суров олинган санадан эътиборан етти кундан кечиктирмай, бу ҳақда маълум қили ши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахсининг номини маълум қилиши шарт.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг **ўз мол-мулкига бўлган ҳуқуқлари** ҳам давлат томонидан ҳар томонлама кафо латланади. Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ уларнинг мулки дахлсиз ва қонун билан муҳофаза қилинади, қонунда назарда

---

<sup>1</sup>«Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари турри сида»ги қонун Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 11 октябрда қабу л қилинди. Сенат томонидан 2006 йил 1 декабрда маъқулланди (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотиомаси. 2007, №1)

тутилгандан ташқари ҳолларда национализация, реквизиция ва мусодара қилинмайди.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳар томонлама ҳимоя қилинади. Ташкилот ўзининг **ишчанлик обрўсига** путур етказувчи маълумотлар юзасидан раддия берилишини суд тартибида талаб қилишга ҳақли. Агар бундай маълумотлар оммавий ахборот воситаларида тарқатилган бўлса, айнан шу оммавий ахборот воситаларида раддия берилиши лозим. Агар бундай маълумотлар ташкилотдан юборилган ҳужжатда учраса, бундай ҳужжат алмаштирилиши ёки чақириб олиниши керак. Ўзининг ишчанлик обрўсига путур етказувчи маълумотлар тарқатилган нодавлат нотижорат ташкилоти бундай маълумотларга раддия берилиши билан бир қаторда уларни тарқатиш натижасида етказилган моддий ва маънавий зарарларнинг урнини қоплашни талаб қилишга ҳақли.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг **интеллектуал фаолият натижаларига** бўлган ҳуқуқларини ҳам ҳимоя қилади. Бундай ташкилотларнинг интеллектуал фаолиятнинг объектив ифода этилган натижаларига ва унинг хусусий аломатларини акс эттирувчи воситаларга бўлган мутлақ ҳуқуқи қонун билан муҳофаза этилади ҳамда давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларининг **ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда** Фуқаролик кодексининг 12 ва 15-моддаларида назарда тутилган демократик тамойилларни яққол ифодаловчи қоидалар уз аксини топди. Унга кўра, давлат органлари фуқароларнинг ёки юридик шахснинг ҳуқуқ ва манфаатларини ғайриқонуний равишда бузишга қаратилган ҳужжат қабул қилсалар, бундай ҳужжатни ҳақиқий эмас деб топиш ва бундай ҳужжат натижасида етказилган зарарни ундириш ҳақида судга мурожаат қилиш мумкин. ФКнинг 15-моддасида етказилган зарарни ундиришга сабаб буладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ҳақида тула тушунча берилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фолиятининг кафолатлари туғрисидаги қонуннинг 10-моддасида назарда тутилган қоидалар ФКнинг 12 ва 15-моддаларида келтирилган қоидаларга уринли мослаштирилган. Унга кўра нодавлат нотижорат ташкилотлари давлат органларининг ғайриқонуний қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибда юқори турувчи

органга ёки судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга. Ушбу танки лотлар судга шикоят қилганларида давлат божи тулашдин о мод этиладилар. Гайриқонуний қарор ёки гайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) натижасида етказилган зарарнинг урни суд қарорига кўра қопланади.

Гайриқонуний қарор қабул қилиш натижасида қасддан эмас, балки амалдаги қонунни билмаслик ёки уни тушунмаслик натижасида зарар етказилиши мумкин. Аммо ҳаракатсизлик ни ёмон иллатлардан биридир. **Ҳаракатсизлик деб** тегишли давлат органилари, улар мансабдор шахсларининг зиммаларига қонунга асосан юклатилган вазифани бажармасликларини тушунини лозим. Ҳаракатсизлик билан боғлиқ қонун талабларига риоя қилмаслик Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 44-моддасида келтирилган. Мансабдор шахс томонидан ўз зиммасига юклатилган вазифани бажаришдан бош тортиш ҳаракатсизлик билан тенглаштирилади ва қонун билан тақиқланади.

Давлат нодавлат нотижорат ташкилотларининг фаолиятини **субсидиялар, грантлар ва ижтимоий буюртмалар** шаклида қўллаб-қувватлаб туради. Давлат субсидияси давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари, маблағлари ҳисобидан ва махсус лойиҳалар билан боғлиқ бўлмаган молиявий ва бошқа моддий манбалар ҳисобидан қўллаб-қувватлаб туришга хизмат қилади.

Фан-техника ва бошқа илмий-ижодий фаолият соҳаларининг ривожланишида ва соҳада юксак натижаларга эришишда давлат томонидан ажратиш мақсадида эълон қилинадиган **грантлар** муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда нодавлат нотижорат ташкилотларини ҳам ижтимоий фойдали мақсадларга эришишга қаратилган лойиҳаларни грант буйича амалга ошириш учун танлов асосида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан пул маблағлари ва моддий ресурслар билан таъминлаш назарда тутилади.

Нодавлат нотижорат ташкилотларини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлашда давлат **ижтимоий буюртмалари** муҳим востита ҳисобланади. Давлат ижтимоий буюртмаси ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни амалга ошириш учун давлат органи ва нодавлат нотижорат ташкилоти ўртасида шартнома тузиш орқали ишларни бажариш ёки тадбирлар ўтказишга қаратилган, ҳақ эвазига бажариладиган давлат топширигидан иборат.



Давлат грантларини ажратиш, давлат ижтимоий буюртмасини бериш тартиби ва шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

## **8-§. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ ОРГАНЛАРИ**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қуйидагилардан иборат:

— шаҳарча, қишлоқ, овул фуқароларининг, шунингдек, шаҳар, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқароларининг йиғинлари (вакиллар йиғилиши);

— фуқаролар йиғилишининг кенгаши;

— фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йуналишлари бўйича комиссиялар;

— фуқаролар йиғилишининг тафтиш комиссияси;

— туман марказидан олисда жойлашган ва бориш қийин бўлган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овулларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тузиладиган маъмурий комиссия.

Фуқароларнинг ушбу органлари маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал қилиш борасида мустақил фаолият юритадилар. Улар ўз фаолиятларини Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида» 1999 йил 14 апрелда қабул қилинган қонуни<sup>1</sup> ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан амалга оширадилар.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз фаолиятларини амалга оширишда қуйидаги тамойилларга асосландилар: демократизм; ошкоралик; ижтимоий адолат; инсонпарварлик; маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик; жамоатчилик асосидаги узаро ёрдам.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Аммо давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг шаклланиши ва ривожланиши учун зарур шарт-шароит яратадилар, уларнинг ишларига аралашишга йўл қўймадилар, фуқароларга ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини амалга оширишга кумаклашадилар.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1999, 5-сон, 110-модда. Ушбу янги тахрирдаги қонун ухшаш ном билан 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган қонун урнига қабул қилинди.

1999 йил 14 апрелдаги қонунда фуқаролар йиғини органини рини ва уларнинг мансабдор шахсларини сайлаш тартиби, фуқароларнинг йиғини ва унинг ваколатлари, шаҳарча, қишлоқ ва овулдаги маҳалла фуқаролар йиғини ва унинг кенгашининг, шунингдек раисининг (оқсоқолининг) ваколатлари, тегишли органлари фаолиятининг турлари, улар томонидан қабул қилинган қарорларнинг ҳуқуқий мавқеи ва бошқа оммавий-ҳуқуқий аҳамиятга тааллуқли масалаларни тартибга солиш ҳақида қонунлар назарда тутилади. Шу билан бирга ушбу қонунда бевосита фуқаролик ҳуқуқига тааллуқли масалалар ҳам мавжуд. Бу биринчи галда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқий мақомини аниқлаш билан боғлиқ. Қонуннинг 1-моддаси 3-қисмида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, белгиланган намунадаги муҳрга эга бўлади ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида руйхатга олинishi керак», ФКнинг 78-моддаси 1-қисмида ушбу органлар «юридик шахс сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг қатнашчиларидир», деб таъкидланган.

Қонунда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг юридик шахс мақомига эга ёки эга эмаслиги аниқ белгиланмаган. Чунки юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш деган тушунча органнинг ҳақиқатан ҳам юридик шахс эканлигидан тўлиқ дарак бермайди. Масалан, юридик шахс булмай туриб, ишончномага асосан унинг номидан ва у топширган ваколат доирасида юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланиш мумкин (ФКнинг 47, 134, 138-моддалари). Аммо, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳуқуқ лаёқатининг мазмунига кура, ФКнинг 78-моддаси билан уларни тижоратчи булмаган юридик шахс сифатида тан олинishi уринли бўлган.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ўз номига (герб тасвири туширилган, белгиланган намунадаги муҳрига), мол-мулкига, фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда мустақил субъект сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга.

78-модданинг 2-қисмига биноан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари яратган ёки сотиб олган мол-мулк уларнинг мулки ҳисобланади. Қурилган бинолар, қонунда белгиланган тартибда уларга берилган жамоат объектлари, ижтимоий-маиший ва бошқа объектлар, шунингдек, сотиб олинган транспорт воситалари, хужалик анжомлари ҳамда бошқа кучар ҳамда кучмас мол-мулк ўзини ўзи бошқариш органларининг

мулки ҳисобланади. 1999 йил 14 апрелдаги қонунда мол-мулкни эгаллаш, ундан фойдаланиш билан бир қаторда уни тасарруф қилиш ҳуқуқи ҳам назарда тутилади. Қонуннинг 23-моддаси 2-қисмига мувофиқ фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари ўз мулки билан объектларни вақтинчалик ёки доимий фойдаланиш учун юридик ва жисмоний шахсларга беришга, ижарага топширишга, белгиланган тартибда ўз тасарруфидан чиқаришга, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу мол-мулк билан боғлиқ бошқа битимлар тузишга ҳақлидир. Ушбу модданинг мазмунидан келиб чиқиб, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органларини тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи тижоратчи ташкилот бўлса керак, деган хулосага келиш ҳам мумкин. Лекин аслида ундай эмас. Уларнинг ўзларига тегишли бўлган мол-мулкни тасарруф қилишларидан асосий мақсад ўз фаолиятларини моддий таъминлашдан иборат.

Шундай экан, уларни тижоратчи ташкилот деб бўлмайди. ФКнинг 40-моддаси 4-қисмига мувофиқ тижоратчи бўлмаган ташкилот узининг уставида белгиланган мақсадларга мос келадиган доираларда тадбиркорлик, яъни тижорат билан боғлиқ фаолият билан шуғулланиши мумкин.

Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг молиявий асоси ўз мажбуриятларидан, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари томонидан белгиланган тартибда ажратиладиган бюджет маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий хайр-эҳсонларидан мерос тартибида ўтган мол-мулклардан (ФКнинг 1157-моддаси), шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа маблағлардан ташкил топади.

Фуқаролар узини ўзи бошқариш органларнинг молиявий маблағлари банк муассасасида мустақил ҳисобварақада сақланади ҳамда белгиланган тартибда улар томонидан мустақил фойдаланилади ва бу маблағлар олиб қўйилиши мумкин эмас.

Бинобарин, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари юридик шахс сифатида тижоратчи бўлмаган ташкилот ҳисобланади.

Юридик шахс сифатида ҳар бир турдаги тижоратчи ва тижоратчи бўлмаган ташкилотларнинг ўзларига хос ҳуқуқий мақоми, фаолият доираси, хусусиятлари ва бошқа белгилари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатларининг тегишли моддаларида акс эттирилган.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Тижоратчи булмаган ташкилотлар тушунчаси ва турлари?
2. Тижоратчи булмаган ташкилотларнинг тижоратчи ташкилотлардан фарқи?
3. Матлубот кооперативи тушунчаси ва унинг ҳуқуқ лаёқати?
4. Жамоат бирлашмалари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати?
5. Жамоат фондлари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати?
6. Ҳомийлик ташкилотининг ҳуқуқ лаёқати ва фаолиятининг асосии мақсади?
7. Муассасалар, уларнинг ташкил этилиши, ҳуқуқ лаёқати ва вазифалари?
8. Юридик шахсларнинг бирлашмалари тушунчаси ва уларнинг ҳуқуқ лаёқати?
9. Фуқароларнинг узини узи бошқариш органларининг ҳуқуқ лаёқати ва вазифалари?
10. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари?

### *Кушимча адабиётлар*

1. Гражданское право. Т.1. Учебник. Издание четвертое, переработанное и дополненное /Под ред. А.П.Сергеева, Ю.К.Толстого. –М.: «ПБОЮЛ Л.В.Рожников», 2000. С. 384.

2. Гражданское право. Т.1. Учебник. 3-е издание, переработанное и дополненное. /Отв. ред. профессора Е.А.Суханов. –М.: Волтерс Клувер, 2004. С. 720.

3. Зокиров И. Узбекистон Республикасининг Фуқаролик ҳуқуқи. –Т.: «Адолат», 1996, 52–72-бетлар.

4. Раҳмонкулов Ҳ.Р. Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. –Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997. 133–173-бетлар.

5. Рузиназаров Ш.Н. Юридик фанларининг ривожланиши ва замонавий муаммолари. Т., 2007. 225–242-бетлар.

6. Субъекты гражданского права /Отв. ред. М.К.Сулейменов. –Алматы. НИИ частно права. Каз ГЮУ, 2004.

7. Суханов Е.А. Некоммерческие организации как юридические лица //Хозяйство и право. 1998. №5.

## VII боб

# ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ СУБЪЕКТИ СИФАТИДА ДАВЛАТНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ

## 1-§. ДАВЛАТНИНГ ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ ТЎҒРИСИДА

Фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда жисмоний ва юридик шахслар билан бир қаторда давлат ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари (муниципалитетлар) ҳам иштирок этадилар. Давлатнинг ва унинг тегишли тузилмаларининг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этиши уларнинг **фуқаролик ҳуқуқи субъекти** сифатида тан олиниши билан боғлиқ. Давлатнинг олий сиёсий ҳокимият органи сифатида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этиши ушбу муносабатларнинг узига хос хусусиятларга эга эканлигидан, уларнинг ҳам оммавий-ҳуқуқий ҳамда хусусий-ҳуқуқий элементлардан ташкил топганлигидан далолат беради. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши унинг оммавий ҳуқуқ доирасида эгалланган урнига боғлиқ. Ўзбекистон Республикаси истиқлолга эришгач, унинг ҳаётида муҳим тарихий воқеалар, жамиятнинг ривожланишида ва давлат қурилишида янги босқичга утишдан далолат берувчи ижтимоий-сиёсий узгаришлар содир бўлди. 1992 йил 8 декабрда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси унинг мустақил давлат эканлигига ҳуқуқий асос солди. Ўзбекистон мустақил давлат сифатида оммавий ҳуқуқ ва хусусий ҳуқуқ қоидалари билан тартибга солинадиган чет эл мамлакатлари ва ички давлат муносабатларида иштирок этиш имкониятига эга бўлди. Утмишда фуқаролик ҳуқуқининг субъекти деб тан олинишига қарамай, унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларининг иштирокчиси сифатида ҳуқуқий мақоми **ФК** қабул қилингунга қадар аниқланмай келинди. Ушбу ноаниқлик **ФК**нинг 79-моддасида ҳал қилинди. Энди давлат ҳам хусусий ҳуқуқ тизимида асосий ўрин эгалловчи фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда унинг бошқа иштирокчилари билан **тенглик асосларда** иштирок этади.

Давлатнинг ва шунинг билан бирга унинг тегишли тузилмалари (муниципалитетлари)нинг фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларда иштирок этишидан асосий мақсад уларнинг уз олдиларида турган умуммиллий, жамият (минтақа ва маҳаллий) аҳамиятга эга булган муҳим вазифаларни ҳал қилиши ва шу туфайли мулкӣ муносабатларда иштирок этишидан иборат.

Ўзбекистон Республикаси суверен, яъни мустақил давлат мақомига эга экан, у фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларда уз номидан яккаю ягона субъект сифатида иштирок этиши мумкин.

Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларида суверен (мустақил) эканлиги қуйидаги белгилари билан ифодаланади:

— фуқаролик ҳуқуқининг бошқа барча субъектлари томонидан амал қилиши керак бўлган қонун ҳужжатларини давлатнинг узи қабул қилади;

— иккинчи тарафнинг эркидан қатъи назар, фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларнинг вужудга келиши учун асос булган маъмурий ҳужжатларни давлат қабул қилиши мумкин;

— давлат тарафларнинг узаро тенглик тамойилига асосланган фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларида иштирок этган тақдирда ҳам унинг ҳокимиятчилик функцияси сақланиб қолади;

— давлат иммунитетидан фойдаланади<sup>1</sup>.

Суверен давлатнинг юқорида келтирилган белгиларида унинг фуқаролик-ҳуқуқӣ муносабатларининг иштирокчиси сифатида узига хос барча хусусиятлари тулиқ ифодаланган деб булмайдӣ. Аммо келтирилган белгиларнинг узи давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи соҳасида унинг субъекти сифатида эгаллаган мавқеи қан даражада эканлигидан дарак беради.

Асосий масала шундан иборатки, давлат бозор иқтисодиетининг ривожланишини тўғри йулга солиш мақсадида уз ҳуқуқини ҳокимиятчилик ваколатига эга булмаган хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) субъектлари билан тенглаштирмоқда. Бундай тенглаштириш умумий тамойил сифатида ФКда уз аксини топган. ФКнинг 79-моддаси 1-қисмига мувофиқ давлат фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баб баравар

<sup>1</sup>Гражданское право. Часть 1. Учебник /Под ред. Ю.К. Толстого, А.Н. Стреева. — М.: Издательство ТЕИС, 1996. — С.153.

посларда иштирок этади. Бошқача айтганда, давлат хусусий-ҳуқуқий муносабатларда суверен сифатида эгаллаган мавқеидан уз хоҳиши билан олдиндан воз кечмоқда. Шундай экан, давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида суверенитетини ифодаловчи белгилари сифатида иммунитетликдан фойдаланади деган юқорида келтирилган фикрга қушилиш қийин<sup>1</sup>. Аммо давлат уз суверенитетлик мавқеидан фойдаланган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишда узининг, шунингдек фуқаролик ҳуқуқи бошқа субъектларининг хатти-ҳаракатларини белгилашда, йулга солишда ҳокимиятчилик функцияни узида сақлаб қолади. Шунинг учун ҳам ФКнинг кўп нормаларида (масалан, 377-модда) ва бошқа қонун ҳужжатларида давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларига ара-лашиши учун ҳам унга кўп ваколатлар берилган.

Суверен давлат — Ўзбекистон турли давлат тузилмалари ва поғоналардан ташкил топган. Улар қонун ҳужжатлари билан белгиланган ўз ваколатлари доирасида турли хил хусусиятларга эга бўлган фаолиятни амалга оширади ва шу туфайли тегишли муносабатларда иштирок этади. Шундай экан, давлатни ҳам оммавий ҳуқуқ, ҳам фуқаролик ҳуқуқининг бўлинмас яккаю ягона субъекти деб ҳисоблаш тўғри эмас. ФКнинг 79-моддаси 2-қисмида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар дейилади. Булар кимлардан иборат булиши мумкин? Мазкур модданинг биринчи қисмига биноан, биринчи галда давлат (Ўзбекистон Республикаси), сўнгра давлатнинг маъмурий-ҳудудий тузилмалари (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар, шаҳарчалар, қишлоқлар, овуллар, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлат ва фуқаролик ҳуқуқининг бошқа субъектлари билан баб-баравар иштирок этадилар. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ушбу органларнинг узи ёки улар томонидан махсус вакил қилинган бошқа органлар иштирок этиши мумкин.

Фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайди. Аммо шунга қарамай, улар маълум даражада ҳокимиятчилик ваколатига эга,

---

<sup>1</sup>Қаранг: Самарходжаев Б.Б. Инвестиции в Республике Узбекистан (международно-частноправовой аспект). —Т.: Академия, 2003, —С.121.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясига (105 модда) биноан улар оммавий ҳокимиятга хос фаолиятни амалга ошириди. Шунинг учун ҳам улар давлат тузилмалари каби умумий тушунча, яъни оммавий-ҳуқуқий тузилмалар сифатида ифодаланади. Фуқароларни узини узи бошқариш органлари фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинадиган муносабатларнинг субъекти сифатида «юридик шахс ҳуқуқидан фойдаланади»<sup>1</sup>.

Оммавий-ҳуқуқий муносабатлар бир тарафнинг иккинчи тарафга (масалан, туман ҳокимиятининг шаҳар ёки вилоят ҳокимиятига) маъмурий буйсунишига асосланади. Фуқаролик ҳуқуқий муносабатларда қатнашувчи оммавий ҳуқуқ субъектлари, уларнинг кимлигидан қатъи назар, бир-бирига нисбатан ҳукмронлик ваколатига эга бўлмайдилар, яъни улар бундай муносабатларнинг иштирокчиси сифатида бир-бирига нисбатан ҳукмрон таъсир ўтказмайдилар, уларнинг фаолияти юридик шахсларга тааллуқли қоидаларга биноан тартибга солинади, улар шартномавий муносабатларда тенглик тамойилига амал қиладилар.

Юридик адабиётларда давлатнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ҳақида турли фикрлар мавжуд. Баъзи муаллифларнинг фикрича, давлатнинг ҳуқуқ лаёқатини жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ лаёқати билан тенглаштириб бўлмайди, унинг ҳуқуқ лаёқати умумий (универсал) ҳам, шунингдек махсус ҳам эмас. Давлатнинг ҳуқуқ лаёқатини мақсадли деб ҳисоблаш мумкин, чунки унинг бундай лаёқати жамият манфаатларини амалга ошириш мақсадида бажарадиган оммавий ҳокимиятчилик вазифасидан келиб чиқади<sup>2</sup>. Ушбу фикрга мувофиқ давлат уз ҳуқуқ лаёқатини узи белгилайди, бундай лаёқат ижтимоий муносабатларнинг турлари ва хусусиятларига қараб баъзан кенг, баъзан эса тор миқёсга эга бўлиши мумкин. Бошқа муаллифларнинг фикрича, давлат (ва бошқа оммавий-ҳуқуқий тузилмалар)нинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати умумий бўлиши ҳам мумкин,

---

<sup>1</sup>Фуқароларнинг узини узи бошқариш органлари туғрисида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 14 апрелдаги қонунининг 7-моддаси (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999, 5-сон, 110 модда)га қаранг.

<sup>2</sup>Советское гражданское право. Субъекты гражданского права /Под ред С.Н. Братуса. —М.: 1984. —С.270-271; Гражданское право. Т.1: Учебник. Изд. 6 е /под ред. А.П. Сергеева, Ю.К. Толстого. —М.: 2002, —С.221-222.



аммо умуман олганда, уларнинг ҳуқуқ лаёқати умумий эмас, балки махсус характерга эга. Ушбу субъектлар фақат уз фаолият мақсадларига ва оммавий манфаатларга мос келадиган фуқаролик ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга булишлари мумкин<sup>1</sup>.

Давлатнинг ҳуқуқ лаёқатини мақсадли дейиш юридик адабиётларда унинг махсус эканлиги маъносида ишлатилади. Аммо ҳар қандай ҳуқуқ лаёқати, унинг қандай характерда булишидан қатъи назар, муайян фаолиятни (мол-мулкка эга булиш, уни васият қилиб қолдириш, фан, адабиёт ва санъат асарларининг муаллифи булиш, талбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ва ҳ.к.) амалга оширишга ва тегишли мақсадга эришишга қаратилган булади. Масалан, юридик шахс узининг ҳужжатларида назарда тутилган фаолият мақсадларига мувофиқ фуқаролик ҳуқуқ лаёқатига эга (ФКнинг 41-моддаси). Демак, фуқаролик ҳуқуқ лаёқати ва ундан фойдаланиш мақсадсиз бўлмайди. Фуқаролик ҳуқуқи субъектининг ҳуқуқ лаёқати умумий (универсал) ёки махсус булишидан қатъи назар, у ёки бу ҳуқуқни амалга ошириш муайян мақсадга қаратилган булиши мумкин.

Давлат ва унинг оммавий-ҳуқуқий тузилмаларининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати, ҳам умумий (универсал) ва ҳам махсус характерга эга бўлиши мумкин. Бундай булиши давлатнинг фуқаролик ҳуқуқининг алоҳида субъекти эканлиги ва унинг иштирокида амалга ошириладиган муносабатларнинг турлари ва хусусиятларига боғлиқ. Давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзининг хусусий манфаатларини амалга ошириш учун эмас, балки давлат ва жамият манфаатлари билан боғлиқ вазифаларини етарли даражада амалга ошириш мақсадида иштирок этади. Давлатнинг ҳуқуқ лаёқати бундай мақсаднинг моҳиятига қараб белгиланади. Агар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиш давлатнинг фақат хусусий манфаатларини амалга оширишга қаратилган бўлса, унинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати умумий (универсал) характерга эга булади. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларида иштирок этиши унинг оммавий ҳокимият фаолиятини амалга оширишга қаратилган бўлса, унинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати умумий эмас, балки махсус характерга эга булади. Бу масалага ҳуқуқий давлат нуқ-

---

<sup>1</sup>Гражданское право. Т.1: Учебник. Изд. 3-е. /Отв.ред. Е.А.Суханов. —М.: 2004. —С.376-377.

таи назардан ёндашадиган булсак, давлатнинг махсус ҳуқуқ лаёқатига эга бўлиши, унинг оммавий ҳокимият сифатида асосан қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколатлари доирасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши мақсадга мувофиқ.

Давлат ва унинг маъмурий-ҳуқуқий, яъни оммавий-ҳуқуқий тузилмалари уз фуқаролик ҳуқуқ лаёқатларини ўзларининг органлари (давлат ҳокимияти органлари ёки фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари) орқали амалга оширади. Улар уз ваколатлари доирасида, яъни улар туғрисидаги қонун ҳужжатлари билан урнатилган ҳуқуқий мақомига мувофиқ фаолият юритадилар. Уларнинг бундай фаолиятлари натижасида ижро этувчи ёки ўзини ўзи бошқарувчи органлари эмас, балки давлатнинг оммавий-ҳуқуқий тузилмалари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг иштирокчиси сифатида тан олинади. Шундай экан, давлат ҳокимияти органининг уз ваколоти доирасида амалга оширган фаолияти давлатнинг оммавий-ҳуқуқий тузилмаси фаолияти деб ҳисобланади.

Давлатнинг ҳокимият органи сифатидаги ваколоти оммавий ҳуқуқ ҳужжатлари воситасида белгиланади. Унинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этиши хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) нормалари билан белгиланади. Фуқаролик ҳуқуқи буйича, биринчи галда, давлат ва муниципал мол-мулкдан фойдаланиш, имконияти борича унга эгалик қилиш ёки тасарруф этиш билан боғлиқ ваколат, шунингдек, унинг мулкий жавобгарлигига оид масалалар муҳим аҳамиятга эга.

Ҳар қандай давлатнинг хусусияти унинг сиёсий ҳокимият ва мустақиллик мақомига эга булиши билан боғлиқ. Давлат сиёсий ҳокимият сифатида ўзи томонидан қабул қилинган қонун ҳужжатлари воситасида турли ижтимоий муносабатларда, жумладан, мулкий муносабатларда иштирок этувчи барча шахсларга тааллуқли булган, уларнинг хатти-ҳаракатларини тартибга солишга қаратилган умуммажбурий қоидалар урнатади. Давлат узининг фуқаролик ҳуқуқ лаёқатини ва унинг мазмуни ҳамда доирасини ҳам ўзи белгилайди. Шундай экан, давлат фуқаролик-ҳуқуқий (мулкий) муносабатларда иштирок этар экан, у ўзи томонидан урнатилган қоидаларга ўзи ҳам амал қилиши, ўз манфаатларини кузлаб ушбу қоидаларга асоссиз узгартиришлар киритишга ёки муайян мулкий муносабатларда иштирок этувчи тарафга нисбатан ўз ҳукмронлик таъсирини

утказишга ҳаракат қилишга йул қўймаслиги керак. Чунки бундай ҳаракатлар натижасида бозор муносабатларининг барқарорлигига путур етказилиши мумкин.

Давлат ва унинг тузилмалари (давлат ҳокимият ва бошқарув органлари)нинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда унинг бошқа иштирокчилари билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида иштирок этиши фуқаролик ҳуқуқининг тамойиллари талабларидан келиб чиқади (ФКнинг 1-моддаси). Фуқаролик ҳуқуқининг табиатига хос хусусиятлар ҳам фуқаролик ҳуқуқи субъектларининг узаро муносабатларда тенг ҳуқуқлилиқ тамойилига амал қилишини талаб қилади. Шундай экан, фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи давлат тузилмаларининг унда қатнашувчи бошқа иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини чеклашга ёки узи учун бир томонлама афзалликка эришишга қаратилган ҳар қандай ҳаракатларини ноқонуний деб ҳисоблаш ва бундай ҳаракатларнинг содир бўлиши натижасида зарар курган тарафнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қонун йули билан ҳимоя қилиниши керак (ФКнинг 12-моддаси).

## **2-§. ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ДАВЛАТНИНГ ИШТИРОК ЭТИШ ШАКЛЛАРИ**

Давлат турли мулкӣ ва мажбурий ҳуқуқий муносабатларда бевосита ўзи ва унинг томонидан ташкил этилган юридик шахслар орқали иштирок этади. Масалан, давлат номидан чиқариладиган облигациялар, сотиладиган қимматбаҳо қоғозлар, жумладан, акциялар бўйича давлатнинг ўзи фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этади; давлат эҳтиёжлари учун товарлар етказиб бериш, пудрат шартномаси бўйича мажбуриятларда давлатнинг ўзи ва унинг юридик шахслари иштирок этади; давлатлараро савдо-сотиқ ва иқтисодий муносабатларда, шунингдек, давлат мол-мулкӣни хусусийлаштириш бўйича шахсан давлатнинг ўзи ёки у вакил қилган давлат ҳокимияти ёинки давлат бошқарув органлари фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда қатнашадилар; давлатга тегишли мол-мулк (объектлар)ни ким ошди савдоси бўйича вилоят, туман ҳокимликлари тасарруф этадилар; ваколатли давлат органининг давлат мулкӣ бўлган мол-мулкқа нисбатан ишончли бошқариш мажбуриятида иштирок этиши; давлат бюджети маблағлари ҳисобидан мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятлар олиши; лоте-

реялар, тотализаторлар ва бошқа таваккалчиликка асосланган уйинларда давлат томонидан утказилиши буйича мажбуриятларда иштирок этиши; патент билан боғлиқ муаллифлик муносабатларида давлат юридик шахсларининг иштирок этиши; мол-мулкка нисбатан мерос муносабатларида давлатнинг ва фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши; давлат ва давлат органларининг зарар етказишдан келиб чиқадиган мажбуриятлари ва ҳ.к.

Фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органларига уз ваколатлари доирасида давлат мол-мулкини эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш буйича фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда фаол қатнашишларига йул қуйилади.

Демак, давлат фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролик муомаласида бевосита ўзи ёки ўзи ташкил этган юридик шахслар орқали иштирок этади. Фуқаролик муомаллада **юридик шахслар бевосита ўзлари номидан ёки ўз номи ва давлат номидан иштирок этишлари**, узлари учун ҳуқуқ ва мажбурият олишлари мумкин. Масалан, давлат ва муниципал унитар корхоналар, давлат томонидан молиялаштириладиган муассасалар фуқаролик муомалаларида узлари номидан иштирок этадилар, ҳуқуқ ва мажбуриятларга давлат учун эмас, балки узлари учун эга бўладилар. Ўзбекистон Республикасининг вазирликлари (масалан, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги ва ҳ.к.) фуқаролик муомаласида давлат номидан, шунингдек, мустақил юридик шахс сифатида ўз номидан ҳуқуқ ва мажбурият оладилар.

Амалдаги фуқаролик қонунчилигида ўрнатилган тамойилга асосан юридик шахс муассиси (иштирокчиси) ёки унинг мол-мулкининг эгаси юридик шахснинг мажбурияти буйича жавоб бермайди (ФК нинг 48-моддаси 3-қисми). Лекин давлатга нисбатан ушбу тамойилдан чекланишга йул қуйилади (ФКнинг 72-моддаси 5-қисми, 76-моддаси 3-қисми). Давлатнинг ўзи томонидан тузилган юридик шахсларнинг қарзи учун маълум ҳолларда жавоб бериши назарда тутилади. Давлатнинг бундай жавобгар бўлишини умумий тамойилдан истисно сифатида қабул қилиш мумкин. Лекин давлатнинг фуқаролик муомаласида иштирок этиши ушбу истисно билан чекланмайди, у фуқаролик муомаласида юридик шахслар орқали билвосита иштирок этади.

Давлат томонидан тузилган юридик шахсларнинг фаолият юритиши учун иқтисодий манба булган мол-мулкнинг эгаси давлатнинг узи ҳисобланади. Шундай экан, юридик шахслар томонидан тузилган ҳар бир битимнинг ортида, гарчи ушбу битим улар номидан тузилган булсада, давлат туради. Баъзан давлат манфаатлари нуқтаи назардан муҳим аҳамиятга эга булган ҳолларда, давлат юридик шахслар фаолияти устидан назорат олиб боради. Бундай назоратни амалга ошириш учун давлат узининг тегишли органларига ваколат бериб қўяди.

### **3-§. ДАВЛАТНИНГ ИЧКИ ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАДА БЕВОСИТА ИШТИРОК ЭТИШИ**

Давлатнинг ички фуқаролик муомалада иштирок этиши давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари томонидан амалга оширилади. Улар фуқаролик муомалада алоҳида юридик шахс эмас, балки давлатнинг махсус ваколатли органи сифатида ҳаракат қиладилар. Бундай ваколатли органлар бир вақтнинг ўзида юридик шахс ҳам булиши мумкин. Улар юридик шахс булиши ёки булмаслигидан қатъи назар давлат номидан қонун ҳужжатларида белгиланган ваколоти доирасида ҳаракат қиладилар.

Фуқаролик муомаласида давлат номидан Ўзбекистон Республикасининг вакиллик ва ижро этувчи органлари — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, шунингдек, уларга тегишли давлат ва муниципалитет (вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари) тузилмалари иштирок этишлари мумкин. Қонунда назарда тутилган ҳолларда ва доирада давлатнинг махсус топшириғига асосан фуқаролик муомалада унинг номидан ҳар қандай шахс — давлат органи, фуқароларнинг ўзини узи бошқариш органлари, юридик ва жисмоний шахслар иштирок этишлари мумкин.

Фуқаролик муомаласида **давлатнинг мулкдор** сифатида тутган урни ҳам муҳим аҳамият касб этади. Давлатнинг мулкдор сифатида фуқаролик муомалада иштирок этиши учун унинг эркини ифода этиш тегишли давлат органлари (уларнинг юридик шахс булиши ёки булмаслигидан қатъи назар) орқали амал-

га оширилади. Ушбу органлар орқали давлат узига тегишли мулк ҳуқуқини амалга оширади.

Давлатнинг мулк ҳуқуқи объектларини давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва унинг жойлардаги қўмиталари бошқаради ва тасарруф этади. Давлат корхоналари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан ташкил қилинади ва тугатилади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига мувофиқ хужалик жамиятлари ва ширкатларининг муассиси сифатида иштирок этади. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси давлат мол-мулкни хўжалик юритиш ва оператив бошқариш учун, шунингдек ижарага беради, давлат мулкидан фойдаланишни назорат қилади, давлат мол-мулкни сотишга, ижарага топширишга, гаровга қўйишга ёки хужалик жамиятлари (ширкатлари)нинг устав капиталига беришга ва давлат корхоналарининг кучмас мол-мулкни тасарруф этишга рухсат беради.

Давлат фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида у вакил қилган шахс томонидан тузилган ҳар қандай **битимнинг иштирокчиси** ҳисобланади. Давлатга тегишли мол-мулкни тасарруф қилиш, шунингдек, хусусийлаштириш бўйича унинг номидан ҳар қандай битимлар тузилиши мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ва уларнинг тегишли ташкилотлари давлат номидан кредит, гаров, комиссия шартномаларини тузишлари мумкин. Давлат капитал қурилиши учун маблағ ажратиши ва кредитлар бериши мумкин. Бундай ҳолларда шартномалар банк ва қарз олувчи (қурилиш ташкилоти) билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ёки банк билан қурилиш ташкилоти уртасида тузилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан тузиладиган шартномалар асосида корхоналарни қўллаб-қувватлаш мақсадида уларга давлат бюджети ҳисобидан қисқа муддатли кредитлар берилади. Илмий-тадқиқот ишлари соҳасида танлов асосида ғолиб чиққан лойиҳаларга давлат томонидан маблағлар ажратилади. Давлат эҳтиёжлари учун маҳсулотларни харид қилиш бўйича буюртмачиларнинг мажбуриятлари давлат томонидан гаровга олинади. Ер ости бойликларидан фойдаланишда олинган маҳсулотларни тақсимлаш туғрисида инвестор билан дав-

лат уртасида битим тузилади. Турли қимматбаҳо қоғозларни чиқаришда давлат битим тарафи сифатида иштирок этади. Шунингдек, облигацияларни чиқаришда ва уларни муомалада булишида ҳамда бошқа мулкый муносабатларда бевосита давлатнинг узи ёки унинг ваколатли давлат ҳокимияти ёки бошқарув органлари иштирок этади.

#### **4-§. ДАВЛАТНИНГ ТАШҚИ ФУҚАРОЛИК МУОМАЛАДА ИШТИРОК ЭТИШИ**

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат мақомига эришгач, чет эл мамлакатлари билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бевосита иштирок этиш имкониятига эга булди. Ўзбекистон уз ҳудудидан ташқарида бошқа мамлакатлар билан урнатилган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда ўзига хос мустақиллик (суверенитет) хусусиятини йўқотмайди. Халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг суверенитет мақоми давлатларнинг узаро тенг ҳуқуқлилиқ тамойили билан тутшиб кетишига олиб келади. Бундай туташувнинг оқибати сифатида ташқи фуқаролик муомаласида иштирок этувчи давлатнинг иммунитет (дахлсизлиги) тан олинади.

Иммунитет (лотинча — *immunitas/immunitatis*) — маълум бир нарсадан озод этиш (инглизча — *immunity*) — давлатларга, халқаро ташкилотларга, давлат ичида алоҳида уринларни эгалладиган шахсларга маълум бир вазиятларда баъзи бир умумий қонунларга буйсунмаслик ҳуқуқини беришдан иборат<sup>1</sup>.

Давлат бир томондан махсус ҳокимият ваколатларига эга булиб, бошқа томондан фуқаролик ҳуқуқи субъекти булиши мумкинлиги давлатнинг махсус ҳуқуқ субъекти ҳисобланишининг натижасидир, аммо бу ҳол у иштирок этаётган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг табиатини ўзгартирмайди ва уларни ҳокимият ва буйсуниш элементларини ўз ичига оладиган муносабатларга айлантиришга асос була олмайди.

Бозор иқтисодиёти шароитида давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда жисмоний ва юридик шахсларга тенг булган ҳуқуқ субъекти булиб қатнашади. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида ҳуқуқ лаёқатининг замонавий тушунчаси-

---

<sup>1</sup>Юридическая энциклопедия /Под ред. М.Ю.Тихомирова. —М.: 1998. —С.177.

дан унинг ички фуқаролик муомалада иммунитет ҳуқуқига эга эмаслиги келиб чиқади.

Давлат иммунитети туғрисидаги таълимот халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасида ривож топган бўлиб, унинг иккита: мутлақ ва чекланган концепциялари мавжуд. **Мутлақ иммунитет** концепцияси куйидагилардан келиб чиқади:

а) чет эл давлатига нисбатан даъволар уларнинг розилигисиз бошқа давлатларнинг судида куриб чиқилиши мумкин эмас;

б) даъвони таъминлаш мақсадида у ёки бу давлатнинг мулкига нисбатан бошқа бирон бир давлат мажбурий чора кура олмайди;

в) давлатнинг розилигисиз унинг мулкига нисбатан мажбуран қўлланувчи чоралар курилиши мумкин эмас<sup>1</sup>.

Шунга кура, одатда, мутлақ иммунитет (дахлсизлик) ҳуқуқининг куйидаги турлари фарқланади: судловдан дахлсизлик, олдиндан даъвони таъминлашдан дахлсизлик, қарорни мажбурий ижро этишдан дахлсизлик.

Судловдан дахлсизлик шундан иборатки, давлатнинг розилигисиз бошқа давлатларнинг судлари унга қарши берилган даъволарни қабул қилмайди (бир давлат иккинчи давлатнинг суд идоралари томонидан судланмайди). Даъвони таъминлаш мақсадида давлатнинг розилигисиз унинг мол-мулкига нисбатан қарши чора қўллаш мумкин эмас. Давлатга нисбатан қарши қабул қилинган суднинг қарори унинг розилигисиз мажбуран ижро этилишига ҳам йўл қўйилмайди. Давлат мулкининг дахлсизлиги иммунитетнинг алоҳида турлари қаторига киради.

**Чекланган иммунитет** концепциясига биноан, чет эл давлатлари, уларнинг идоралари ва мулки мутлақ иммунитет ҳуқуқи билан фақатгина давлатлар суверен мақомига биноан муайян вазифаларни, яъни оммавий ҳокимиятни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган ҳаракатларни содир этганда фойдаланилади. Масалан, Ўзбекистон давлати узининг чет элдаги ваколатхоналарига, консулик муассасаларига уй-жой, бино ва иншоотларни сотиб олиш, чет эл элементлари билан мулкий битимлар тузиш, чет давлатларда очилган меросни қабул қилиш муносабатларида ҳам чет эл қонунларига ёки чет эл суд идора-

<sup>1</sup>Қ а р а н г : *Богуславский М.* Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. — Хозяйство и право. 1998. №9, 86-бет.



ларига бўйсунмасдан давлат дахлсизлиги (иммунитети)ни сақлаб қолади<sup>1</sup>.

Агар давлат тижорат характеридаги (ташқи савдо битимлари тузиш, инвестиция, концессия ва бошқа битимлар) ҳаракатларни амалга оширса, у мутлақ иммунитет ҳуқуқидан фойдаланмайди, унга нисбатан иммунитет жорий этилмайди. Бошқача қилиб айтганда, чекланган иммунитет концепцияси тарафдорларининг таъкидлашича, агар давлат узини хусусий шахс ҳолатига қўйса, яъни бошқа давлатлар билан фуқаролик муомаллада тижоратчи шахс сифатида бевосита иштирок этса, унга нисбатан даъво қўзғатилиши ва унинг мулкига нисбатан мажбурий чоралар қўрилиши мумкин<sup>2</sup>.

Йигирманчи асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб чекланган иммунитет концепцияси турли мамлакатларнинг қонунчилик, суд ва шартномавий амалиётида кенг тарқалди. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг халқаро иқтисодий муносабатларда қатнашиш доираси қанчалик кенгайганлигидан далолат берувчи омил ҳисобланади. Шу билан бирга, давлатнинг мутлақ иммунитетига тегишли халқаро ҳуқуқий нормаларни татбиқ қилиш доираси қисқара бошлади. Ҳозирги вақтда маълум бир ишларга нисбатан мутлақ иммунитет концепция тарафдорлари бўлган давлатларнинг ундан воз кечаётган ҳоллари тез-тез учраб турибди<sup>3</sup>. Бу ҳол улар томонидан қабул қилинган қонунларда ўз аксини топмоқда<sup>4</sup>.

Ички фуқаролик муомаллада Ўзбекистон давлати ўз иммунитетидан воз кечди. Бунга ФКнинг 79-моддаси 1-қисми далил бўлиб ҳисобланиши мумкин. Ташқи фуқаролик муомаллада давлат номидан иштирок этувчи субъектларга нисбатан ҳам ички давлат фуқаролик муомаласида иштирок этув-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг иккинчи қисмига шарҳлар. III-жилд. «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи. Тошкент, 1998. 335-бет.

<sup>2</sup>Қаранг: *Богуславский М.* Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ — Хозяйство и право. 1980. №9, 86-бет.

<sup>3</sup>*Хлестова И.О.* Вопросы иммунитета государства и в законодательстве, и в договорной практике Российской Федерации. —В сб. Статей «Проблемы международного частного права». Под ред. Н.И.Марышевой. —М.: 2000, С. 71.

<sup>4</sup>*Книппер Рольф.* Тезисы к Концепции государственного иммунитета и его применения в проекте узбекского закона о государственном иммунитете. —Доклады участников международного семинара на тему: «Иммунитет государства» (2000г. 23 мая). —Т.: 2000, С. 3.

чи субъектларга тааллуқли бўлган қоидалар жорий этилади. Шундай экан, давлат номидан ташқи фуқаролик муомалала иштирок этувчи субъектлар (жисмоний ва юридик шахслар) иммунитетга (дахлсизликка) эга бўлмайдилар ҳамда давлат, ушбу субъектлар мажбуриятлари бўйича кафилликни уз зиммасига олган ҳолда, уз иммунитетини автоматик равишда чеклайди.

**Пул билан боғлиқ мажбуриятларни** амалга оширишни давлат номидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Ўзбекистон Республикаси Миллий банки, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги уз зиммасига олиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки халқаро молия ташкилотларининг авуарлари учун депозитарий ҳисобланади. Марказий банк бошқа давлатларнинг марказий ва миллий банкларида, халқаро банкларда ва бошқа молия-кредит ташкилотларида Ўзбекистон Республикаси манфаатларини ҳимоя қилади.

Марказий банкнинг пул-кредит ресурслари нафақат Ўзбекистон банкларининг пул маблағлари ва фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг депозитга қўйган омонатлари, шунингдек, бошқа мамлакатлар банклари ва ҳукуматлари омонатлари ҳисобига ҳам ташкил топади. Марказий банк чет эл валютасини нақд пул ва нақд бўлмаган пул шаклларида юридик ҳамда жисмоний шахслардан сотиб олиш ва уларга сотиш, халқаро валюта-кредит бозорларини утказиш билан боғлиқ операцияларни бажаради.

Фуқаролик муомаласини (товарларни импорт-экспорт қилишда, инвестиция, кредит ва бошқа халқаро иқтисодий муносабатларда) амалга оширишда ва ривожланишида Ўзбекистон ва чет эл банкларининг филиаллари ҳамда ваколатхоналари катта роль уйнайди. Филиаллар уларни ташкил этган банк номидан фаолият юритади, ваколатхоналар эса банк фаолиятини амалга оширмаган ҳолда банкнинг манфаатларини кузлаб иш юритади. Ўзбекистон банклари Марказий банкнинг руҳсати билан чет элларда уз шубба банкларини, филиаллари ва ваколатхоналарини очишлари, банклар ташкил этишда қатнашишлари мумкин.

Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 25-26 апрелда қабул қилинган «Банклар ва банк фаолияти туғрисида»ги қону-

нининг 21-моддасида<sup>1</sup> «Банклар давлатнинг мажбуриятлари буйича, давлат эса банкларнинг мажбуриятлари буйича жавобгар эмас, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно» дейилган. Бундай ҳол ФКнинг 80-моддасида ҳам назарда тутилади. Агар давлат (Ўзбекистон) бошқа давлатлар билан узи тузган шартномага кўра юридик шахслар (банклар)нинг мажбуриятлари буйича кафилликни уз зиммасига олган бўлса ёки аксинча, юридик шахслар (банклар) давлат мажбуриятлари буйича кафилликни уз зиммасига олган бўлса, улар бир-бирларининг мажбуриятлари буйича жавобгар бўладилар.

Ташқи фуқаролик муомала доирасини кенгайтириш ва мустақамлаш борасида **Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги**<sup>2</sup> зиммасига асосий вазифалар юклатилади. Ушбу вазирлик ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солишда давлат бошқаруви ваколатли органи ҳисобланади ҳамда уз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ҳисоб беради ва бевосита унинг раҳбарлигида фаолият олиб боради. Вазирлик тизимига Қорақалпоғистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармалари, ихтисослаштирилган хўжалик ҳисобидаги ташкилотлар, хорижий давлатлардаги вазирликка идоравий мансуб ташкилотлар ҳисобланадиган хўжалик ҳисобидаги ихтисослаштирилган ташкилотлар, савдо ва иқтисодий ваколатхоналар кирази.

Вазирликнинг асосий вазифалари ташқи иқтисодий соҳада ягона давлат сиёсатини утказиш, экспортни рағбатлантириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, гашқи савдони эркинлаштириш, ташқи савдо алоқаларини кенгайтиришдан; Ўзбекистон Республикасининг хорижий давлатлар, халқаро иқти-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1996, 5-6-сон, 54-молда.

<sup>2</sup>Мазкур вазирлик Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 26 июндаги (ПК-136-сон) қарорига асосан ташкил этилган. Шу билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги фаолиятини ташкил этиш туғрисида»-ги 2002 йил 23 октябрдаги 368-сон қарори 7-бандининг 4-хатбоши уз кучини йўқотди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2005. №30-31, 10-бет.

содиёт ва молия институтлари, бошқа халқаро ҳуқуқ субъектлари билан узаро фойда қуриш асосида савдо-иқтисодий ва молиявий ҳамкорлигини ривожлантиришни таъминлашдан иборат. Ушбу вазифалардан келиб чиқиб, вазирлик қуйидаги функцияларни амалга оширади:

— давлат бошқарув органларининг ташқи иқтисодий фаолиятини тартибга солиш соҳасидаги ишларни мувофиқлаштиради;

— Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқаларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини ишлаб чиқишда, ташқи савдо, валюта балансининг асосий индикаторлари параметрларини шакллантиришда қатнашади;

— тенг шериклик ва камситмаслик тамойилларига асосланган ташқи иқтисодий фаолиятни эркин ва тенг ҳуқуқли амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратишда қатнашади;

— манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда инвестиция муҳитини яратишга ва иқтисодиётнинг устувор тармоқларига хорижий инвестицияларни жалб этишни фаоллаштиришга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқади;

— иқтисодиётни ва экспорт салоҳиятини ривожлантиришни таъминлайдиган инвестицияларни жалб этиш соҳасида халқаро молия институтлари ва иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорликнинг устувор йўналишларини танлаш бўйича белгиланган тартибда таклифлар киритади;

— товарлар (сармоялар, хизматлар) жаҳон бозорларининг комплекс маркетинг тадқиқотларини амалга ошириш, ташқи ва ички савдо бозорларининг истиқболлиги ва самарадорлигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ҳолати ва ривожлантириш истиқболларини урганиш, хорижий шериклар билан узоқ муддатли барқарор савдо-иқтисодий муносабатлар урнатишга йўналтирилган чора-тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

— иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ривожлантириш ва ошириш ҳамда унинг жаҳон иқтисодиёти тизимига интеграциялашуви бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, республиканинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш дастурларининг амалга оширилишига қумаклашиш, мамлакатимиз ташқи иқтисодий фаолият субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини амалга оширишни таъминлайди;

— хорижий давлатларнинг органлари, чет элдаги халқаро ва бошқа ташкилотлар, фирмалар, компаниялар ва корхоналар, хорижий давлатларнинг элчихоналари ва миссиялари, Ўзбекистон Республикасидаги халқаро ташкилотлар ва хорижий фирмалар, компаниялар ва корхоналар билан туғридан-туғри алоқаларни амалга оширади;

— ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишнинг белгиланган тартибини бузаётган хужалик юритувчи субъектларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда чоралар куради.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигининг ҳуқуқ лаёқати юқорида келтирилган вазифалар, ҳуқуқ ва бурчлар билан чекланмайди. Вазирлик Ўзбекистоннинг барча иқтисодий, инвестиция, илмий-техникавий ва савдо алоқаларини ташкил қилиш, мувофиқлаштириш, тартибга солиш, назорат қилиш, бошқариш ва амалга ошириш масалалари буйича Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида ва хорижда Республика номидан унинг манфаатларини кузлаб ҳаракат қилади.

Ташқи фуқаролик муомала объекти сифатида **чет эл инвестициялари** Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишида ва унинг жаҳон иқтисодий тизимида қушилишида муҳим моддий манба бўлиб ҳисобланади. Бундай инвестициялар — чет элнинг молиявий, моддий, интеллектуал ва бошқа ресурсларини, замонавий хорижий технологияларни ҳамда бошқа тажрибаларини жалб этиш, улардан самарали фойдаланишдан иборат.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб чет эл инвестицияларини жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Бунга 1991 йил 14 июнда «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари туғрисида»ги қонун қабул қилинганини мисол қилиб кўрсатиш мумкин<sup>1</sup>. Чет эл инвесторлари учун Республикада қулай шароит туғдириш ва уларнинг фаолиятини кафолатлаш мақсадида сунгги йилларда мазкур қонунга тегишли узгартиришлар ва қўшимчалар киритилиб янада такомиллаштирилди. Фақат 1998 йилнинг ўзида чел эл инвестициясига бағишланган иккита

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси: қонун ва фармонлар. —Т.: Ўзбекистон, 1992, 151-бет.

қонун қабул қилинди, улардан биринчиси чет эл инвестициялари тўғрисида<sup>1</sup> бўлса, иккинчиси чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чораларига бағишланади<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2005 йил 11 апрелдаги (ПФ-3594-сон) Фармони амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси 2005 йил 2 августда қабул қилган қарори билан «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолати ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунини қўллаш тартиби тўғрисида» Низом қабул қилди<sup>3</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан чет эллик инвесторга Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги орқали Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан чет эллик инвестор уртасида инвестиция шартномаси тузилади ва бу шартнома кейинчалик Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

«Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига мувофиқ қуйидагилар чет эллик инвесторлар ҳисобланади:

— чет давлатлар, чет давлатларнинг маъмурий ёки ҳудудий органлари;

— давлатлар уртасидаги битимлар ёки бошқа шартномаларга мувофиқ ташкил топган ёки халқаро оммавий ҳуқуқ субъектлари бўлган халқаро ташкилотлар;

— чет давлатларнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ ташкил топган ва фаолият курсатиб келаётган юридик шахслар, бошқа ҳар қандай ширкатлар, ташкилотлар ёки уюшмалар;

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Чет эл инвестициялари тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилган қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-6-сон, 91-модда).

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги 1998 йил 30 апрелда қабул қилган қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998, 5-6-сон, 93-модда).

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2005, №30-31. 39—47-бетлар.

— чет давлат фуқаролари булмиш жисмоний шахслар, фуқаролиги булмаган шахслар ва чет элларда доимий яшайдиган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари.

Демак, чет эллик инвесторлар ажнабий давлат, уларнинг органлари, халқаро ташкилотлар, чет давлатларнинг жисмоний ва юридик шахслари, фуқаролиги булмаган шахслар ва Ўзбекистоннинг чет элдаги фуқароларидан иборат булиши мумкин. Чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан имзоланган инвестиция шартномаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига уни тасдиқлаш туғрисида Ҳукумат қарорини қабул қилиш учун киритилади. Инвестиция шартномаси уни тасдиқлаш туғрисида қарор қабул қилинган санадан бошлаб кучга киради.

Инвестиция шартномасида унинг мазмунини белгиловчи шартлар билан бир қаторда Ўзбекистон Ҳукумати томондан қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари берилиши буйича тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари назарда тутилади. Шартнома тузишда тарафларнинг эрки ифода этилиши ҳисобга олинади. Аммо, агар чет эллик инвесторга қонун ҳужжатларида белгиланган шартларга кура яна қўшимча кафолатлар ва ҳимоя чоралари (имтиёзлар ва преференциялар) берилган булса, инвестиция шартномаси мажбурий тартибда тузилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 11 апрелдаги «Тугридан-туғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чоратадбирлар туғрисида»ги Фармонига<sup>1</sup> кура хусусий хорижий инвестицияларни Республикага жалб этиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. 2005 йилнинг июлидан бошлаб тугридан-туғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этадиган иқтисодиёт тармоқлари (масалан, радиоэлектрон саноати буюмларини ишлаб чиқиш, енгил саноат, ипакчилик саноати, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат саноати, гушт-сут саноати, кимё-фармацевтика саноати) корхоналари асосий фаолияти буйича даромад (фойда) солиғи, мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш солиғи, микрофирма ва кичик корхоналар учун

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2005, №15-16, 4—6-бетлар.

белгиланган ягона солиқ тўлашдан, шунингдек, республика йул жамғармасига мажбурий ажратмалар тулашдан озод қилинди. Солиқ имтиёзлари берилиши учун хусусий хорижий инвестицияларнинг ҳажми қанча миқдорда булиши ва қайси минтақаларда (асосан ортиқча ишчи кучи булган) жойлаштирилиши кераклиги ҳам белгиланди.

Фуқаролик муомалада иштирок этувчи Ўзбекистон Ҳукумати ва юқорида келтирилган чет эллик инвесторлар, умуман олганда, фуқаролик ҳуқуқи субъекти ҳисобланали. Шундай экан, Ўзбекистон Ҳукумати, хорижий давлатлар ва уларнинг давлат органлари, оммавий ҳуқуқ субъекти булишдан қатъи назар, инвестиция шартномасининг тарафлари сифатида хусусий ҳуқуқ (фуқаролик ҳуқуқи) қоидаларига итоат этади. Ўзбекистон Ҳукумати инвестиция шартномасида бир вақтнинг узида ҳам унинг тарафларидан бири ҳамда кафолат берувчи (кафил) сифатида иштирок этади. Шартноманинг тарафларидан бири сифатида шартномага асосланган мажбуриятнинг бажарилишини кафолат берувчи (кафил) сифатида эса чет эллик инвесторлар олдида ўз мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш бўйича жавоб беришни ўз зиммасига олади. Амалиётда шартнома тарафларининг ўз мажбуриятлари бўйича кафил булиши деярли учрамайди. Аммо чет эл инвестициясининг давлат учун аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда инвестиция шартномасини тузган Ўзбекистон Ҳукумати ушбу шартноманинг бажарилишини таъминлаш бўйича унинг тарафлари (чет эл инвесторлари)га кафолат беришни (кафил булишни) ўз зиммасига олади.

Ўзбекистон Республикасининг кучар ва кучмас мол-мулк билан боғлиқ мажбуриятларини ва ушбу мажбуриятларда юридик шахсларнинг иштирок этишини амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси **Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси** (Давлат мулки қўмитаси) ваколатига киради<sup>1</sup>.

Чет эл мамлакатларида Ўзбекистон Республикасига тегишли кучмас мол-мулкни сотиш, айрибошлаш, ҳады қилиш, ижарага бериш ва чет эл юридик шахсларининг қимматли қозғолари, акциялари, мол-мулкдаги улушлар ва ҳиссалари туғри-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 4 май ПФ-3603-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш ва талбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг номи Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитаси (Давлат мулки қўмитаси) деб ўзгартирилди.



сидаги қарорлар Давлат мулки қўмитаси тақдим этиши билан Ўзбекистон Ҳукумати томонидан қабул қилинади. Ўзбекистон учун чет эл мамлакатларининг кучмас мол-мулкига эга бўлиш, чет эл юридик шахслардаги қимматли қўғозлар, акциялар, мол-мулкдаги улушлар ва ҳиссаларни сотиб олиш ҳам шундай тартибда ҳал қилинади.

Чет элда Ўзбекистон Республикасига тегишли ва давлат корхонаси, муассасаси балансида турган кучмас мол-мулкни ижарага беришни унинг қанча муддатга берилишига қараб Давлат мулки қўмитаси рухсати билан корхона ёки муассасанинг узи мустақил ёки фақат Ўзбекистон Ҳукумати томонидан ҳал қилиши мумкин. Чет элда мавжуд бўлган ёки янги ташкил этилаётган юридик шахсларнинг устав капиталига Ўзбекистон давлатига тегишли бўлган мол-мулкни (жумладан, пул маблағларини) утказиш тегишли давлат корхонаси томонидан Давлат мулки қўмитасининг рухсати билан ҳал қилинади. Чет элдаги юридик шахсларнинг таъсисчиси (иштирокчиси) сифатида ҳам Ўзбекистон давлати номидан Давлат мулки қўмитаси қатнашади. Шунингдек, Давлат мулки қўмитаси Ўзбекистоннинг чет элда тугатилган юридик шахс (давлат корхонаси, муассасаси)нинг мол-мулкининг ҳуқуқий вориси, унинг фуқароси вафотидан сунг қолган эгасиз мол-мулкнинг вориси ёки васиятнома бўйича ворис сифатида Ўзбекистон давлати номидан қатнашиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси **концессия шартномасининг** ва умуман олганда, давлат томонидан чет эл хусусий компанияларига концессиялар бериши жараёнида тарафлардан бири бўлиши мумкин. Концессия чет эллик инвесторга хужалик фаолиятининг муайян тури билан шуғулланиш учун давлат номидан бериладиган рухсатнома бўлиб, бу фаолиятни амалга ошириш учун давлат мол-мулк, ер ва ер ости участкаларини топширади.

Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 30 августда қабул қилган «Концессиялар туғрисида»ги қонунининг<sup>1</sup> 5-моддасига мувофиқ куйидагилар концессиявий ҳуқуқ муносабатларининг субъектлари ҳисобланади.

— концессия органлари — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси вакил қилган давлат бошқаруви органи, шунингдек, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари;

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995, №9, 185-модда.

— концессиячи — концессия шартномасини тузган чет эллик инвестор. Концессия муносабатлари соҳасидаги давлат бошқарувини Вазирлар Маҳкамаси амалга оширади ва шартнома тариоқ қилиш устидан назоратни ташкил этади. Ваколат олган давлат бошқаруви органлари танловлар ва аукционлар ташкил этади ҳамда уларни утказди, узига берилган ваколатлар доирасида концессия шартномаларини тузади. Жойлардаги ҳокимият органлари концессия шартномалари тузиш мумкин бўлган уз ихтиёридаги объектларни аниқлайди, ушбу объектлар буйича танловлар ва аукционлар ташкил этади ҳамда уларни утказди, узларига берилган ваколатлар доирасида концессия шартномаларини тузади.

Концессия шартномасининг объектларига нисбатан давлатнинг ва концессиячининг мулк ҳуқуқини аниқлаш муҳим аҳамиятга эга. Давлат концессиячига унинг фаолияти билан боғлиқ мол-мулкка, ер ва ер ости участкаларига эгалик қилиш ҳамда улардан фойдаланиш ҳуқуқини беради, аммо мулк ҳуқуқининг субъекти сифатида уларни тасарруф қилиш билан боғлиқ алоҳида ҳуқуқни узиди сақлаб қолади. Концессиячи уз фаолияти натижасида олган маҳсулоти ва даромадларига нисбатан концессия шартномасида белгилаб қўйилган ҳажмда мулк ҳуқуқига эга бўлади. Ўзбекистон Республикаси концессиячилик фаолияти натижасида олинган маҳсулотга эгалик қилишда устун ҳуқуққа эга.

Бошқа давлатларнинг савдо-саноат палаталари ва тадбиркорлар жамоат бирлашмалари билан ҳамкорликни йулга қўйиш ҳамда ривожлантириш мақсадида 2004 йил 3 декабрда Ўзбекистон Республикасининг қонуни билан тадбиркорлик фаолияти субъектларини ихтиёрийлик асосида бирлаштирувчи нодавлат ноижорат ташкилоти сифатида Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ташкил этилди<sup>1</sup>.

**Савдо-саноат палатасининг** Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида юридик шахс ҳисобланувчи ҳудудий бошқармалари мавжуд, улар тадбиркорликни, энг аввало кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга кумаклашади. Шунинг билан бирга Палата зиммасига тадбиркорларга чет эллик шериклар билан амалий му-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005, №1, 20—24-бетлар.

лоқотлар ва алоқаларни кенгайтиришда, экспорт маҳсулотини ташқи бозорларга олиб чиқишда, шунингдек, рақобатбардош тайёр маҳсулот чиқаришни таъминловчи янги ишлаб чиқаришлар барпо этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқаришларни техника жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун туғридан-туғри чет эл инвестицияларини жалб этишда кумаклашиш вазифалари юклатилди.

Мамлакатимиз ва хорижий тадбиркорлар, шу жумладан кичик ва хусусий бизнес корхоналари уртасида барқарор иқтисодий алоқаларни ривожлантириш ҳамда чуқурлаштириш, экспорт салоҳиятини ошириш, республикага инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб этиш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Президенти томонидан 2005 йил 7 июнда «Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг хорижий мамлакатлардаги ваколатхоналарини ташкил этиш туғрисида»ги Фармони қабул қилинди<sup>1</sup>.

Мазкур Фармонга мувофиқ, хорижий мамлакатларда, биринчи навбатда Корея Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Россия Федерацияси ва Германия Федератив Республикаси (Австрия Республикасидаги ишларни қамраб олган ҳолда) савдо-саноат палатаси ваколатхоналарини, жумладан савдо-инвестиция уйлари ташкил этиш назарда тутилди.

Савдо-инвестиция уйлари Ўзбекистон Республикасининг ва улар қайси давлат ҳудудида ташкил этилса, ўша давлатларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ўзини ўзи қоплаш ва ўзини ўзи молиялаш принциплари асосида фаолият юритиш ҳуқуқига эга. Савдо-саноат палатасига савдо-инвестиция уйлари орқали қуйидаги вазифаларни амалга ошириш тавсия этилади:

— мамлакатимизнинг экспортга йуналтирилган маҳсулотларини хорижий бозорларга чиқариш;

— Ўзбекистоннинг инвестиция имкониятларини ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ҳамда Ўзбекистондаги хорижий инвесторлар ва шериклар учун ахборот-маслаҳат ишларини ташкил этиш;

— Ўзбекистон тадбиркорларига манфаатли шартларда етказиб бериш учун илғор мини технологияларни танлаб олиш;

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2005, №23-24, 4—5-бетлар.

— тегишли чет давлатларда савдо-саноат палатаси ва унинг аъзолари манфаатларини ифода этиш.

Савдо-саноат палатаси Ўзбекистонда ва чет эл давлатларда ташкилотлар тузиш, уз ваколатхоналарини очиш, Ўзбекистонда ва унинг ҳудудидан ташқарида кургазмалар ҳамда ярмаркалар ташкил этиш ва утказиш, халқаро нодавлат нотижорат ташкилотларига кириш, туғридан-туғри халқаро мулоқотлар олиб бориш, ҳамкорлик туғрисида тегишли битимлар тузиш каби ҳуқуқларга эга.

Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик муомала соҳасида бошқа давлатлар билан буладиган муносабатларида **халқаро шартномаларнинг** аҳамияти тобора ошиб бормоқда. Халқаро шартномада олдиндан уз ифодасини топган хусусий ҳуқуқ нормалари давлатлар уртасидаги муносабатларда ички давлат қонунларига нисбатан купроқ қўлланилади.

1995 йил 22 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари туғрисида»ги қонунда<sup>1</sup> муҳасам топган қоидалар халқаро шартномалар туғрисида 1969 йилда қабул қилинган ва 1995 йил 24 февралда Ўзбекистон қўшилган Вена конвенциясига ва давлат ҳамда халқаро ташкилотлар, шунингдек халқаро ташкилотлар уртасидаги шартномалар ҳуқуқи туғрисидаги 1986 йилги Вена конвенциясига асосланади.

Халқаро шартномалар: шартнома, битим, конвенция, протокол, меморандум, декларация, хатлар ва ноталар алмашуви деб номланиши мумкин. Шартномалар қоида тариқасида ёзма шаклда тузилади. Давлатнинг сиёсий, иқтисодий, илмий-техникавий, маданий, ҳуқуқий ва бошқа соҳалардаги фаолияти халқаро шартномаларнинг объекти булиши мумкин.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон ўзининг биринчи кунларидан эътиборан халқаро шартномалар тузишнинг ҳуқуқий асосларини шакллантира бошлади. Бундай эътибор биринчи галда халқаро иқтисодий муносабатларни ривожлантиришга қаратилди. Масалан, 1991 йил 14 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолият туғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикасида чет эл инвестициялари туғрисида»ги қонунлар бунга яққол далилдир. Сунгги

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1995 йил, 12-сон, 262-модда.

йилларда халқаро иқтисодий муносабатларнинг ривожланиши жараёнидан келиб чиқиб ушбу қонунлар янада такомиллаштирилди. Биринчи қонунга Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилинган қонунига<sup>1</sup> асосан тегишли узгартишлар ва қўшимчалар киритилди. Чет эл инвестициялари туғрисидаги иккинчи қонунга қўшимча равишда чет эл инвестициялари ва чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва ҳимоя қилиш чораларига бағишланган қонунлар қабул қилинди<sup>2</sup>. Ушбу қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатлари Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан иқтисодий муносабатлар соҳасида ўзаро шартномалар тузиши учун ҳуқуқий асос бўлди.

Халқаро шартномалар қоидаларини татбиқ қилишга бағишланган Конвенциялар ҳам мавжуд. Бу борада 1993 йил 22 январда тузилган Мустақил Давлатлар Ҳамдустлиги (МДҲ) оилавий, фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича ўзаро ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар туғрисидаги Конвенция муҳим аҳамиятга эга. Конвенциянинг асосий мақсади бир давлат фуқаросининг мулкӣ ва шахсий ҳуқуқлари иккинчи давлат ҳудудида тан олиниши ва муҳофаза қилинишини таъминлашдан иборат. Конвенцияга мувофиқ адлия идоралари уртасида ҳамкорлик, давлатларнинг фуқаролари ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, суд органларининг ваколатларини ва ҳуқуқни қўллаш, ҳуқуқий ёрдам бериш ҳақидаги топшириқни бажариш, фуқаролик ишлари бўйича қабул қилинган қарорларни тан олиш ва ижро этишни таъминлаш, ҳужжатларни қабул қилиш ва жунатиш каби масалалар бўйича юзага келадиган муносабатлар тартибга солинади.

Халқаро шартномалар қоидаларини қўллашда 1965 йилда қабул қилинган давлатлар ва бошқа давлатлар фуқаролари уртасида «Маблағлаштиришга оид низоларни ҳал этиш туғрисида»ги Вашингтон Конвенциясига амал қилиш лозим. Ушбу Конвенцияга биноан, давлатга нисбатан даъвони Тикланиш ва тараққиёт халқаро банкининг Низоларни ҳал этиш халқаро мар-

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2000, 5-6-сон, 148-модда.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5-6-сон, 91-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5-6-сон, 93-модда.

казида қўзғатиш мумкин. Шу билан бирга, МДҲ давлатлари ва бошқа давлатлар ўртасида инвестицияларни узаро рағбатлантириш ва ҳимоя қилишга доир икки томонлама келишувлар бўйича (масалан, 1993 йил Ўзбекистон ва ГФР ўртасидаги келишув) инвесторнинг давлат билан булган низоси Халқаро савдо арбитраж судлари ёки ушбу марказда куриб чиқилиши мумкинлиги қайд этилади.

Давлатнинг фуқаролик муомала иштирокчиси сифатида узи-га хослиги шундан иборатки, давлатнинг мажбурияти бўйича фақатгина унинг қонуни татбиқ этилиши мумкин, чет эл ҳуқуқини тан олиш туғрисида давлатнинг узининг бевосита розилиги булган ҳолат бундан мустасно. Шунинг учун ҳам, давлатнинг чет эл компаниялари (юридик шахслари) ёки фуқаролари билан булган муносабатлари шартномада бир томон булган давлатнинг ички қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Бу ерда, агар шартномада бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, халқаро қонун-қоидалар татбиқ этилмайди<sup>1</sup>.

Фуқаролик муомалада давлатнинг жавобгарлиги унинг иммунитетини билан боғлиқ. Давлатнинг, хусусан, Ўзбекистон Республикаси иммунитетини масаласига келсак, шунга эътибор қаратиш жоизки, давлатларнинг йирик кредит, қўп муддатли концессия ва инвестиция шартномаларини тузиш замонавий амалиёти шунини курсатадики, уларда давлат иммунитетига ҳавола қилиш ҳуқуқидан фойдаланмаган ҳолда чет эл судида, арбитраж ёки ҳакамлар судида низоларни куриш туғрисидаги шартлар киритилган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати ҳамда Болгария Республикаси Ҳукумати ўртасида 1998 йил 24 июнда тузилган инвестиция туғрисидаги Битимда вужудга келган низо «Ad hoc» тартибида тузилган Арбитраж судига ҳал қилиниши учун топширилади, деган ҳолат назарда тутилган.

Давлатнинг ташқи фуқаролик муомала иштирокчиси сифатида унинг ҳуқуқий мақоми ҳақида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

— давлат — оммавий ҳуқуқ субъекти, фуқаролик муомалада эса хусусий ҳуқуқ субъекти ҳисобланади;

— давлат фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида ички фуқаролик муомалада иммунитетга эга эмас;

---

<sup>1</sup> *Богуславский М.М.* Международное частное право. Учебник. 3-изд., перераб. и доп. — М.: Юрист, 2000, 160—161-бетлар.

— давлат ташқи фуқаролик муомаллада узининг суверенитет хусусиятига эга булган фаолиятини амалга оширадиган булса, у иммунитетдан фойдаланади, агар давлат фуқаролик муомаллада хусусий шахс сифатида иштирок этса, у иммунитетдан фойдаланмайди;

— агар давлат чет давлатлар, чет давлатларнинг ташкилотлари, компаниялари, жисмоний ва юридик шахслари билан тузилган инвестиция, олди-сотди ва бошқа иқтисодий аҳамиятга эга шартномалари буйича узи тузган юридик шахсларнинг мажбуриятлари буйича уз зиммасига кафиллик олган (кафолат берган) булса, ушбу юридик шахсларнинг мажбуриятлари буйича жавоб беради, унга нисбатан даъво қўзғатилиши ва унинг мол-мулкига нисбатан мажбурий чоралар қўрилиши мумкин. Бундай ҳолатда давлат уз иммунитетидан воз кечади.

Давлат иммунитетини унинг ҳудуди ташқарисида давом этадиган суверенитетидан иборат. Иммунитет шундан иборатки, унга мувофиқ бирон бир давлат уз ҳудудидан ташқарида бошқа давлатнинг розилигисиз суверенитетга эга була олмайди. Фуқаролик муомаллада иммунитет давлатнинг иқтисодий манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилувчи муҳим воситалардан бири ҳисобланади. Шундай экан Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиёти тизимига жадал кириши муносабати билан давлат иммунитетини туғрисида уз қонунига эга булиши ҳар томонлама мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикасининг ташқи фуқаролик муомаллада иштирок этишининг узига хос хусусиятлари шундан иборатки, ушбу муомаллада бевосита давлатнинг узи (масалан, инвестиция, кучмас мулкни сотиш, ижарага бериш) ёки унинг номидан ундан ваколат олган органлар иштирок этиши мумкин. Давлатнинг ваколатли органлари хорижий давлат органлари, фуқаролари, юридик шахслари, компаниялари билан фуқаролик муомаллада шахсан узлари фаолият юргизишлари ва шунингдек, элчихоналар, консулхоналар ва савдо ваколатхоналари орқали ҳаракат қилишлари мумкин.

Ушбу ваколатхоналар тегишли давлат органларининг номидан ҳаракат қилишлари учун ушбу органлардан олинган махсус ваколатга эга бўлишлари керак. Элчихоналар ва консулликлар чет элларда уз фаолиятларини таъминлаш учун битимларни давлат номидан ёки бевосита уз номларидан тузишлари мумкин. Савдо ваколатхоналари томонидан давлат номидан

тузилган битимлар буйича жавобгарлик давлат зиммасига юклатилади. Бошқа ҳолатларда ҳам агар ваколатли давлат органлари фуқаролик муомалада давлат номидан иштирок этган бўлса ҳамда давлат бундай органларнинг мажбуриятлари буйича жавобгарликни ўз зиммасига олган бўлса, жавобгарлик давлат зиммасига юклатилиши мумкин.

## **5-§. ДАВЛАТНИНГ ФУҚАРОЛИК-ҲУҚУҚИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ**

Давлат ва унинг оммавий-ҳуқуқий тузилмалари (давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари) уз мажбуриятлари юзасидан қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавоб берадилар. Бундай жавобгарлик мулкӣ характерга эга бўлиб, у тегишли юридик шахсларга бириктирилмаган давлат ва муниципал мол-мулкига нисбатан қаратилади. Давлат ўзининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари буйича ўз мулки бўлган маблағлари билан жавоб беради (ФКнинг 79-моддаси 3-қисми).

Давлат ва унинг оммавий-ҳуқуқий тузилмалари томонидан тузилган юридик шахслар (корхоналар, муассасалар) уларнинг, яъни давлат ва унинг оммавий-ҳуқуқий тузилмалари мажбуриятлари буйича, шунингдек, юридик шахслар эса давлат ва унинг тузилмалари мажбуриятлари буйича жавобгар бўлмайди. Аммо қонунда бошқача ҳоллар назарда тутилган бўлиши мумкин. Масалан, ФКнинг 80-моддаси 2-қисмига биноан давлат юридик шахснинг мажбуриятлари буйича, юридик шахс эса давлатнинг мажбуриятлари буйича жавобгарликни ўз зиммасига олган (қафолат берган) бўлиши мумкин. Ушбу масала буйича ФКнинг 48, 72, 76-моддаларида ҳам тегишли қоидалар белгиланган. Масалан, 72-модданинг 5-қисмига биноан «Давлат корхонасининг мол-мулки етарли бўлмаганида давлат унинг мажбуриятлари буйича субсидиар жавобгар бўлади». Яъни корхонанинг ўз қарзини узиш учун етишмай қолган мол-мулкининг миқдори қисми доирасида давлат унинг кредиторлари олдида қарзни узиш учун субсидиар, яъни қўшимча жавобгарликни ўз зиммасига олади.

Давлат фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этар экан, у фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик буйича урнатилган умумий қоидага биноан, ўз зиммасига олган мажбуриятларини лозим даражада бажариши, агар мажбуриятларни бузиш



натижасида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда иштирок этувчи иккинчи тарафга зарар етказган бўлса, уни қоплаши керак. Бундай жавобгарлик шартномага асосланган мажбурият бузилган тақдирда юз беради. Аммо, жавобгарлик шартномага асосланмаган мажбуриятдан ҳам келиб чиқиши мумкин.

Давлатнинг бундай ҳолатларда жавобгар бўлиши куп эмас. Бунга сабаб, давлат мулкининг аксарият қисми давлат юридик шахсларига бириктирилган, шунинг учун шартномадан ташқари етказилган зарар учун жавобгарлик биринчи галда улар зиммасига юклатилади. Шундай экан, бундай ҳолларда давлатнинг ўзинигина жавобгарлиги ҳақида суз юритиш ҳам ноуриндир. Чунки умумий қоидага биноан давлат ўзи тузган юридик шахснинг мажбурияти буйича жавоб бермайди. Лекин шартномадан ташқари етказилган зарар учун давлатнинг ўзи жавобгар бўлиши қонунда назарда тутилган.

Давлат органлари, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларининг ғайриқонуний ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), шу жумладан давлат органи ёки фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳужжат чиқарилиши натижасида фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат томонидан ёки фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органи томонидан қопланиши керак. Давлат органлари, фуқароларнинг узини ўзи бошқариш органлари мансабдор шахсларининг айби билан етказилган зарарларни қоплаш суднинг қарори билан шу мансабдор шахсларнинг зиммасига юклатилиши мумкин (ФКнинг 15-моддаси).

Ушбу модданинг мазмунига кўра фуқарога ёки юридик шахсга етказилган зарар давлат ёки давлат органининг мансабдор шахси томонидан туланиши мумкин. Агар етказилган зарар мансабдор шахс томонидан туланадиган бўлса, унинг айби суд йули билан исботланган бўлиши керак, агар унинг айби борлиги исботланмаса, етказилган зарар давлат томонидан туланиши керак. Аммо бундай ҳолатда давлатнинг қайси органи (ғайриқонуний ҳаракатга йул қуйган органими ёки бошқа органими) жавоб бериши, яъни етказилган зарарни қоплаши кераклиги ҳақидаги масала уз ечимини топмаган.

Баъзи ҳолларда давлат органи ёки унинг мансабдор шахсининг айби бор ёки йуқлигидан қатъи назар, фуқарога зарар етказилганда, давлат жавобгарликни уз зиммасига олади. Ма-

салан, қонунга хилоф тарзда ҳукм этиш, қонунга хилоф тарзда жиноий жавобгарликка тортиш, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда булиш ҳақида тил хат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш, қамоқ тариқасидан и маъмурий жазони қонунга хилоф тарзда қўллаш натижасида фуқарога етказилган зарар суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахслари айби эканлигидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан тўла ҳажмда қопланади. Суднинг қарори билан зарарни қоплаш зарар етказилишида айбдор булган мансабдор шахслар зиммасига юкланиши мумкин (ФКнинг 991-моддаси).

Ушбу моддада назарда тутилган ҳолатлар юз берган тақдирда давлатнинг тегишли органлари мансабдор шахслари томонидан қонунга хилоф тарзда амалга оширилган ҳаракатлари натижасида фуқарога етказилган зарар учун, уларнинг айбидан қатъи назар, жавобгарликни давлат ўз зиммасига олмоқда. Суриштирув, дастлабки тергов, прокуратура органлари ва суднинг мансабдор шахсларини қонунга хилоф ҳаракатлари учун давлатнинг жавобгарлиги назарда тутилар экан, ушбу мансабдор шахсларнинг айбини суд тартибида исботлаш давлат учун муҳим аҳамиятга эга. Чунки бундай мансабдор шахслар томонидан етказилган зарарни тўлаган давлат уларнинг айби суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан аниқланган ҳолларда, бу шахсларга нисбатан қайта талаб қилиш (регресс) ҳуқуқига эга (ФКнинг 1001-моддаси 3-қисми). Агар зарар етказишда мансабдор шахснинг айби аниқланмаса, у шахс бедарак йўқолган деб топилса ёки вафот этган деб эълон қилинган булса, жавобгарлик кимга юкланади, деган савол туғилиши мумкин. Бундай ҳолларда ФКнинг 991-моддаси 1-қисмига биноан етказилган зарар бундай шахсларнинг айби бор ёки йўқлигидан қатъи назар, қонунда белгиланган тартибда давлат томонидан туланиши керак. Аммо, қонунда бундай туловни ким, давлатнинг қайси органи томонидан амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида аниқлик киритилмаган. ФКнинг 79-моддаси 3-қисмида «Давлат узининг фуқаролик-ҳуқуқий мажбуриятлари буйича ўз мулки булган маблағлари билан жавоб беради» дейилган. Демак, жавоб бериш давлат маблағлари, яъни давлат бюджетига нисбатан қаратилади. Шундай экан, етказилган зарарни тулаш давлат ғазнаси маблағи ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг газначилик бошқармаси ёки ма

ҳаллий молия органларининг жойлардаги газначилик булинмалари томонидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган «Давлат бюджетининг газна ижараси туғрисида»ги қонунига<sup>1</sup> ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги «Давлат бюджетининг газна ижараси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида»ги қарорига<sup>2</sup> мувофиқ давлат бюджетининг газна ижарасини татбиқ этиш ҳисобига бюджет гизимини янада ислоҳ қилиш, замонавий технологиялардан фойдаланган ҳолда бюджет маблағларининг мақсадли сарфланиши устидан назоратни кучайтириш, барча даражадаги бюджет даромадлари ва харажатларини бошқариш самарадорлигини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат бюджетининг газна ижарасини татбиқ этиш ва услубиёти бошқармаси ҳамда маҳаллий молия органларининг газначилик булинмалари ташкил этилди.

Давлат бюджети газна ижарасининг ягона интеграциялашган ахборот тизими ташкил этилди. Натижада Осий тараққиёт банки (ОТБ) ва бошқа халқаро молия ташкилотларининг қарз маблағларини жалб этган ҳолда давлат бюджетининг барча даромадларини ягона ҳисоб рақамига жамлаш ва ундан харажатлар туловини амалга ошириш имконияти яратилди.

Газначилик давлат бюджетининг харажатларини амалга ошириш вазифасини бажаради. Давлат бюджетининг харажатлари ягона газна ҳисобварағи ёки газначиликнинг бошқа ҳисобварақларидан белгиланган муддатларда ва тегишинча республика бюджети, Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, маҳаллий бюджет, давлат мақсадли жамғармалари маблағларининг ҳамда бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағларининг қолдиқлари доирасида амалга оширилади.

Давлат бюджетининг газна ижараси туғрисидаги қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, газначиликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

---

<sup>1</sup>Мазкур қонун Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августдаги Қарорига мувофиқ 2006 йил 1 январдан эътиборан амалга киритилди. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами, 2004, 43-сон, 664-модда.

<sup>2</sup>Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари туплами. 2007, 9-10-сон, 82-модда.

- давлат бюджетининг касса ижарасини амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ва жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топшириғига биноан туловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар курсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек буюртмачиларнинг давлат бюджети ҳисобидан капитал қуриш учун тузадиган шартномаларини руйхатга олиш;
- давлат бюджети газна ижарасининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- давлат бюджети ижарасининг қандай бораётганлиги тугрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат курсатиш, Ўзбекистон Республикаси кафолатларини бошқариш.

Демак, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг давлат бюджетининг газна ижараси бошқармаси ҳамда маҳаллий молия органларининг фазначилик булинмалари давлат бюджети асосида давлатнинг ичкараси ва ташқарисида, яъни бошқа давлатлар билан фуқаролик муомаласида иштирок этувчи юридик ва жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари буйича жавобгарликни ўз зиммасига олади. Бундай жавобгарлик ФКнинг 72-моддаси 5-қисмига мувофиқ субсидиар характерга эга. Давлат нафақат юридик шахслар (ФКнинг 80-моддаси), шунингдек ўз мажбуриятлари юзасидан ҳам жавобгарликни (кафолатни) ўз зиммасига олган булиши ҳам мумкин. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» 1998 йил 30 августда қабул қилинган қонунига<sup>1</sup> асосан чет эллик инвестор ҳамда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги билан тузилган шартномалар асосида вужудга келган мажбуриятлар буйича Ўзбекистон Ҳукумати томонидан

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998, 5-б-сон, 93-модда.

қушимча кафолатлар бериш назарда тутилади. Агар кафолатлар бажарилмаса ва бунинг натижасида чет эллик инвесторга зарар етказилган бўлса, у давлат бюджетининг газна ижараси ҳисобидан ундирилади.

## НАЗОРАТ САВОЛЛАРИ

1. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида юридик шахсдан фарқи?
2. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқ ласқати ва унинг оммавий ҳуқуқ лаёқатидан фарқи?
3. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий муомалада иштирок этиш шакллари?
4. Давлатнинг ички фуқаролик муомалада иштирок этиши?
5. Давлатнинг оммавий-ҳуқуқий тузилмалари ва уларнинг фуқаролик муомалада иштирок этиши?
6. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги?
7. Давлатнинг ташқи фуқаролик муомалада иштирок этиши?
8. Фуқаролик муомалада давлат иммунитетети ва у ҳақидаги концепциялар?
9. Ташқи фуқаролик муомалада пул билан боғлиқ мажбуриятлар?
10. Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар, савдо муносабатларининг амалга оширилиши?
11. Чет эл инвестиция шартномалари, уларнинг мазмуни ва тарафлари?
12. Концессия шартномаси, унинг мазмуни ва тарафлари?
13. Чет эл мулкый муносабатларда Давлат мулки қумитасининг роли?
14. Ўзбекистон Савдо-саноат палатасининг ташқи фуқаролик муомалада иштирок этиши?

### *Қушимча адабиётлар*

1. Брагинский М.И. Участие Советского государства в гражданских правоотношениях. —М.: 1981.
2. Богуславский М.М. Международное частное право. Учебник. 3-изд., перераб. и доп. —М.: Юрист, 2000.
3. Богуславский М.М. Регулирование иммунитета государства в законодательстве стран СНГ. —Хозяйство и право.
4. Гражданское право. Т.1: Учебник. Изд. 6-е/ Под ред. А.П. Сергеева, Ю.К.Толстого. —М.: 2002.
5. Гражданское право. Т.1: Учебник. Изд. 3-е /Отвед.ред. Е.А.Суханов. —М.: 2004.
6. Зокиров И. Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. —Т.: «Адолат», 1996.
7. Книппер Рольф. Тезисы к Концепции государственного иммунитета и его применения в проекте узбекского закона о государственном иммунитете. —Доклады участников международного семинара на тему: «Иммунитет государства» (2000г. 23 мая). —Т.: 2000.

8. Раҳмонкулов Ҳ. Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг биринчи қисмига умумий тавсиф ва шарҳлар. —Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 1997.

9. Субъекты гражданского права /Отв.ред. М.К.Сулейменов. Алматы: НИИ частного права Каз ГЮУ, 2004.

10. Советское гражданское право. Субъекты гражданского права /Под ред. С.Н.Братуся. —М.: 1984.

11. Халқаро хусусий ҳуқуқ. Дарслик. /Масъул муҳаррир Ҳ Р. Раҳмонкулов. —Т.: «Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси» нашриёт уйи, 2002.

12. Хлестова И.О. Вопросы иммунитета государства и в законодательстве, и в договорной практике Российской Федерации. —В сб. статей «Проблемы международного частного права». Под ред. Н.И. Марышевой. —М.: 2000.

## МУНДАРИЖА

Суз боши ..... 3

### **I б о б . Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг ҳуқуқ ва муомала лаёқати**

1-§. Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида фуқаро (жисмоний шахс) тушунчаси .....	6
2-§. Фуқаро (жисмоний шахс) фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида .....	8
3-§. Фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг ҳуқуқ лаёқати тушунчаси .....	13
4-§. Фуқаролар (жисмоний шахслар)нинг муомала лаёқати тушунчаси .....	18
5-§. Тадбиркор фуқаронинг ҳуқуқ лаёқати .....	25
6-§. Фуқаронинг ҳуқуқ ва муомала лаёқатини чеклаш .....	30
7-§. Фуқарони муомалага лаёқатсиз деб топиш .....	33
8-§. Васийлик ва ҳомийлик .....	35
9-§. Фуқаронинг бедарак йўқолиши ва унинг вафот этган деб эълон қилиниши .....	41

### **II б о б . Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида юридик шахс**

1-§. Юридик шахс институти, унинг пайдо бўлиши ва ривожланиши .....	51
2-§. Юридик шахснинг моҳияти ҳақида таълимот .....	60

### **III б о б . Юридик шахс тушунчаси ва унинг турлари**

1-§. Юридик шахс тушунчаси .....	68
2-§. Юридик шахснинг ҳуқуқ лаёқати .....	75
3-§. Юридик шахснинг органи .....	77
4-§. Ваколатхона ва филиаллар .....	79
5-§. Юридик шахсларнинг турлари .....	81

### **IV б о б . Юридик шахснинг вужудга келиши, қайта ташкил этилиши ва тугатилиши**

1-§. Юридик шахснинг вужудга келиши асослари ва тартиби .....	85
---	----

2-§. Юридик шахснинг қайта ташкил этилиши .....	90
3-§. Юридик шахсни тугатиш асослари ва тартиби .....	93

### **V б о б . Юридик шахс сифатида тижоратчи ташкилотлар**

1-§. Тижоратчи ташкилотлар тушунчаси ва турлари .....	100
2-§. Хужалик ширкатлари .....	103
3-§. Хужалик жамиятлари .....	106
4-§. Акциядорлар жамияти .....	109
5-§. Шуъба ва қарам жамиятлар .....	118
6-§. Ишлаб чиқариш кооперативлари .....	120
7-§. Фермер хужалиги .....	124
8-§. Унитар корхона .....	128

### **VI б о б . Юридик шахс сифатида нотижорат ташкилотлар**

1-§. Тижоратчи булмаган ташкилотлар тушунчаси ва турлари .....	133
2-§. Матлубот кооперативи .....	134
3-§. Жамоат бирлашмалари .....	139
4-§. Жамоат фондлари .....	143
5-§. Муассасалар .....	147
6-§. Юридик шахслар бирлашмалари .....	151
7-§. Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари .....	156
8-§. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари .....	160

### **VII б о б . Фуқаролик ҳуқуқи субъекти сифатида давлатнинг ҳуқуқий мақоми**

1-§. Давлатнинг фуқаролик ҳуқуқ лаёқати туғрисида .....	164
2-§. Фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда давлатнинг иштирок этиш шакллари .....	170
3-§. Давлатнинг ички фуқаролик муомалада бевосита иштирок этиши .....	172
4-§. Давлатнинг ташқи фуқаролик муомалада иштирок этиши .....	174
5-§. Давлатнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлиги .....	191



**Х. Раҳмонқулов**

Фуқаролик ҳуқуқининг субъектлари. Ўқув қўлланма./Масъул муҳаррир: ю.ф.д. **Н.Н. Насриев.** -Т.: «O‘zbekiston» нашриёти, 2008. 200-бет.

**Ҳожи-Акбар Раҳмонқулов**

**ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИНИНГ  
СУБЪЕКТЛАРИ**

(ЎҚУВ ҚўЛЛАНМА)

Техник муҳаррир *У. Ким*  
Бадий муҳаррир *О. Фозилов*  
Мусахҳиҳлар *Ш. Мақсудова, Н. Умарова*  
Компьютерда саҳифаловчи *Г. Қулназарова*

Босишга рухсат этилди 21.07.2008. Бичими 60×90<sup>1</sup>/<sub>16</sub>.  
Таймс гарнитурда офсет усулида босилди.  
Шартли б.т. 12,5. Нашр т. 11,82. 1000 нусхада чоп этилди.  
Баҳоси келишилган нарҳда. Буюртма № 08-113.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг  
«O‘zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйида босилди.  
100129. Тошкент. Навоий кўчаси, 30.

"O'ZBEKISTON"

ISBN 978-9943-01-276-9



9 789943 012769